



ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



Мәдениет



66.3(57)6
П-86



ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2006

БИБЛИОТЕКА
Бух. тип. 1-ЛП
75021

Ушбу китобда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига 1991–2005 йиллар давомида юртдошларимиздан, таниқли халқаро сиёсат, маданият намояндалари, чет эл фуқароларидан келган турли мазмундаги хат ва ёзишмалар ва уларга давлатимиз раҳбарининг жавобларидан баъзи бир намуналар жамланган.

Бу мўъжаз тўплам Президентимизнинг масъулиятли ва серқирра фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фуқароларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

П 84

Президентга мактублар. – Т.: «Маънавият», 2006. – 168 б.

ББК 66.3(5У)6

П 4702620204–7
М25(04)–06

© «Маънавият», 2006

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига ҳар куни юртимизнинг узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларидан, чет эллардан юзлаб хатлар келади. Албатта, улар маъно-мазмунига кўра бир-бирдан фарқ қилади. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл фуқаролари томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиз билан ҳамкорликнинг турли қирралари ҳақида гап борса, юртдошларимизнинг мактубларида бугунги ҳаётимизга бевоқиф боғлиқ масалалар қаламга олинади.

Ҳар бир хат Президент девонида рўйхатга олинаиб, уларда баён этилган тақлиф ва мулоҳазалар, муаммолар тегишли масъул ходимлар, идора ва ташкилотлар томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилади.

Бир сўз билан айтганда, Президент девонида жорий этилган тартибга кўра, ҳеч бир хат жавобсиз ва назоратсиз қолмайди. Уларда кўтарилган масалалар бўйича ўз вақтида аниқ чоралар кўрилиши қатъий одат тусига кирган.

Гарчи бу хатларнинг барчаси билан батафсил танишиб чиқишга Президентнинг вақти ва имкони етмаса-да, уларнинг асосий маъно-мазмунидан мунтазам хабардор бўлиб боради. Давлатимиз раҳбари фуқаролардан келадиган мактуб ва номалар, ариза ва мурожаатлар ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Бу хатлар мени ҳаёт билан, жамоатчилик вакиллари ва халқ билан боғлаб турадиган муҳим бир восита вазифасини бажаради. Бундай мактубларни ўқиганда мен гўёки оддий юртдошларимиз билан мулоқот қилиб, суҳбат қургандек бўламан. Шу боис ҳар қайси хатга жиддий эътибор бериш, улар-

ни жавобсиз қолдирмасликни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан».

Аксарият мактубларда ватандошларимиз Президент олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида, тараққиётимиз ривожига оид турли масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдиришади. Кўпгина хатларда эса жойларда ҳал бўлмасдан келаётган айрим муаммолар, мавжуд камчилик ва етишмовчиликлар, уларга барҳам бериш ҳақида ёрдам сўраб мурожаат қилинади. Бу ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки одамлар ўзлари ишонч билдириб сайлаган давлат раҳбаридан уларни безовта қилаётган, қийнаётган масалалар бўйича ёрдам ва кўмак сўрашга ўзларини ҳақли деб билади.

Шу билан бирга, шундай хатлар ҳам борки, уларда арзу шикоят эмас, балки қалб тубидан чиққан ҳолис дил изҳорлари битилган бўлади. Бундай инсонлар одатда ўзи учун ҳеч нарса сўрамайди.

«Мана шундай мактублар менинг зиммамга юклатилган масъулиятли вазифани адо этишда қандайдир куч-ғайрат беради. Жойлардан билдирилган самимий фикрлар, юртдошларимизнинг юрагини очиб ёзган хатларини ўқиб, ўзим учун яқин ва қадрдон одамлар билан сирдош бўлиб, юзма-юз сўзлашгандек бўламан, – дейди Президент. – Бундай ёзишмаларнинг ҳар қандай инсон учун, биринчи галда раҳбар учун аҳамияти катта. Негаки, одамзот ўз сирини тасодифан дуч келган кишига очавермайди, қандай оғир вазиятга тушмасин, дарду ғамини ҳаммага ҳам баён қилмайди. Фақат ўзи ҳурмат қилган, ишонган инсонгагина дил сирларини очиши мумкин. Ва бундай ишончнинг албатта қадрига етиш керак.

Шу боисдан Президент номига хат ёзган, мактуб йўллаган, ўзининг эзгу ниятлари, ғам-ташвишлари, хурсандчилигини билдирган юртдошларимга жавобан мен ҳам шундай муносабатда бўлишни зарур, деб биламан.

Маълумки, инсон кўнгли ўта нозик. Бошига кул-

фат ёки синов тушган одам аввало ўз дардига ҳамдard излайди. Ўзининг дардини тинглайдиган, юрагидан қабул қиладиган сирдош топганида, гарчи мушқули бирданига ҳал бўлмаса ҳам, ғубори чиқиб, енгил тортади. Шунинг учун ҳам доимо оддий одамларнинг ташвиш ва муаммоларига катта эътибор қаратиш, кенг жамоатчилик, биринчи галда раҳбар ва мутасаддилар бу масалада айниқса зийрак ва сезгир бўлиши, буни нафақат ўз вазифаси, балки инсоний бурчи деб билиши лозим».

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобга 1991–2005 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Ислам Каримов номига йўлланган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга Юртбошимиз йўллаган жавоблар орасидан танлаб олинган айрим намуналар киритилган. Бу мўъжаз тўплам Ўзбекистон раҳбарининг масъулиятли ва серқирра фаолияти, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фуқароларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

ХАЛҚНИНГ ТАҚДИРИ ВА БАХТИНИ ЎЙЛАБ...

Мустақиллик, озодлик халқимизнинг асрий орзуси эди. Шу боис мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг юртдошларимизнинг ҳаётга, ўз тақдирига, Ватанимиз тарихи ва келажаги, бой миллий қадриятларимизга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Бу айниқса давлатимиз раҳбари ва ватандошларимиз ўртасидаги самимий ёзишмаларда ўзининг яққол ифодасини топганини бугунги кунда тарих мулкига айланган кўпгина хатлар ва мурожаатларда яққол кўриш мумкин.

Ушбу бўлимдан ана шундай ҳужжатлардан энг муҳимлари жой олган.

* * *

Азиз дўстлар, юртдошлар!

Қадимий ва навқирон Шарқ халқлари учун табаррук ва муътабар бўлмиш Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман ва қутлайман.

Наврўз айёми баҳор келиши, табиат уйғониши, гўзалликнинг очилиши демакдир. Бу кун ҳар бир шахс, ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-умидларини дўст-биродарлари билан баҳам кўрадиган кун.

Рамазон аслида эзгулик йўлида покланишдир.

Бу йилги Наврўзнинг шу вақтга тўғри келиб қолиши гўё табиатимизнинг ажойиб донолигини кўрсатгандай. Чунки Наврўз ҳам одамзот туйғуларининг, ниятларининг тозаланиши, покланишдир.

Халқимиз буюк Наврўз айёмини бир-биримизга энг пок, энг тоза тилақларини билдирадиган, кўнгил-

ни кўтарадиган, муҳаббат ва садоқатимизни аямайдиган байрам деб билади.

Келинг, дўстлар, кимда қандай гина-аламлар бўлмасин, унутайлик, шафқат ва меҳрибонлик кўрсатайлик, ким қайси миллат-элат вакили бўлмасин, орамизда аҳиллик ва ҳамжихатлик мустаҳкамлансин.

Шоир айтганидек, «Меҳрингни кенг очсанг, дўст бўлур бегона ҳам».

Наврўз мана шундай олижаноб интилишларни, туйғуларни уйғотади, барчамизни бирлаштиришга чорлайди ва даъват этади.

Азиз дўстлар!

Бугун байрам дастурхонимизда ризқ-насибалари бўлган, бизлардан ҳозир узоқда яшаётган, қон-қардошларимизни, юртдошларимизни, ватандошларимизни ҳам эслайлик.

Наврўз байрами юртимизга, халқимизга, ҳар қайси оилага бахт-саодат, тинчлик, бирдамлик, озоишталики келтирсин.

Ҳаммангизга толе ва омад доим ёр бўлсин!

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон ССР Президенти**

1991 йил 20 март

Бахтли бўл, болажон!

(1 сентябрь – Мустақиллик кунида туғилган барча
Ўзбекистон болаларига аталган табрик)

Сен 1992 йилнинг биринчи сентябрида – ажойиб шодиёна бир кунда, Ўзбекистон Республикаси озод ва мустақил, деб эълон қилинган куннинг бир йиллиги байрами кунида туғилдинг.

Туғилган кунинг қутлуг бўлсин, эркатойим!

Ота-онанг, халқинг, Ватанинг ҳамиша бахт-саодатинг учун, ёмон кунлар сенга соя ташламаслиги, қуёш

беланчагида ўсиб-улғайиб янги асрни кутиб олишинг, юртингнинг асл фарзанди бўлиб етишишинг учун ғамхўрлик қилади.

Теварақда неки бор – бепоеъ она замин, унинг дарё ва водийлари, боғ ва далалари, қадим ва навқирон шаҳарлар, билимлар хазинаси, маънавиятимиз сарчашмалари, адабиёт ва санъат асарлари, оталар ва боболарнинг доно ўғитлари – бари сеники! Ватан бойликларини кўз қорачиғингдек сақла, камол топ-тир, Ўзбекистон шуҳратини жаҳон узра тарат!

Соғлом, гўзал, олижаноб бўлиб камолга ет. Ҳамиша ҳалол ва дилдор бўл, қийинчиликлардан чўчима, хайрли ишларни амалга ошир, дўстликнинг қудратини қадрла!

Ўзбекистон – ўз уйингни дил-дилигдан сев, қўшилларингни эъозла, ҳар қандай кунда, ҳар қандай синовда халқинг билан бирга бўл!

Ҳаёт йўлларида сенга қувонч, омад, бахт тилайман!

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 1 сентябрь)

1991 йилнинг 18 августи собиқ СССР тарихидан «ГКЧП», яъни Фавқулодда ҳолат давлат комитети деган ном билан сиёсий тўнтариш амалга оширилган кун сифатида ўрин олган. Шу кун собиқ СССР вице-президенти Г.Янаев бошчилигидаги бир тўда юқори лавозимдаги мансабдорлар амалдаги Президент М.Горбачевнинг Қримдаги Форос қароргоҳида дам олаётганидан фойдаланиб, ҳокимиятни ноқонуний йўл билан эгаллаб олган эди.

Бу пайтда Ҳиндистонда расмий ташрифда бўлган Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бу воқеадан хабар топиши биланок, ўз халқи ва юрти тақдирини ўйлаб, зудлик билан Тошкентга қайтиб келади.

Вазият ниҳоятда қалтис экани, империяпараст сиёсий кучлар шўро давлатини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай игво ва қўпоровчиликдан қайтмаслиги, турли фитналар, республика ҳукумати ва халқига қарши чиқишлар уюштириши мумкинлигини чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон халқига тинчликни, осойишталикни сақлаш, бўҳтон ва уйдирмаларга учмасликни сўраб мурожаат қилади.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурия-
нинг Президенти, Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг биринчи котиби
Ислом Каримовнинг республика аҳолисига**

М У Р О Ж А А Т И

Азиз дўстлар!

Ўртоқлар!

СССР вице-президенти ўртоқ Г. И. Янаевнинг фармони, совет раҳбариятининг баёноти ва СССРда фавқулодда ҳолат давлат комитетининг совет халқи-

Тартиб-интизомни бушаштириш сиёсати оқибатини ва таъсирини мамлакатимизда яшаб турган ҳар қайси оила ва ҳар бир инсон ўз ҳаётида аяққол сезиб турибди. Бундай ҳолатни, бундай вазиятни авваллабор мамлакатимиздаги миллатларaro ва республикаларaro муносабатларнинг кескинлашаётганигидан, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетаётганидан, одамларнинг турмуш нотинч ва норози бўлаётганидан ҳам аяққол кўришимиз мумкин.

Бешинчидан, шуни ҳам халқимизга очикдан очик, рўй-рост айтишимиз керакки, қайта қуришни бошлаганимизга олти йил бўлди. Қуруқ гаплар, даб-дабали ваъдалар одамларимизнинг жонига тегди. Бугун-эрта ҳаётимиз яхши бўлади деган, озгина чиданглар, деган гапларга ва ваъдаларга ҳеч кимда ишонч қолмади. Бу ҳам аҳволнинг кескинлашувига, одамларнинг газабланишига асос бўлди.

Азиз дўстлар!

Бу гапларни айтиб, мен сизларга ҳеч қандай янгиликни очиб бераётганим йўқ. Бунинг ҳаммаси кўпчиликка маълум ва бу гаплар аксарият халқимиз орасида кўпдан бери бўлиб келаяпти. Халқимиз бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларга тан бериб, амалий самаралар ва натижаларни кутаяпти.

Кўпчилик билан гаплашсангиз, улар қайси ёшда, қайси ишда бўлишдан қатъи назар, бошимизга тушган савдолар қачон тугайди, яхши кунлар қайтарми-кан, деб савол беришлари ҳаммамизга маълум. Бундай саволларга жавобни халқимиз кўпдан бери кутаяпти. Лекин, бундай оғир саволларга жавоб беришда мамлакатимиз раҳбариятининг заифлиги маълум бўлиб қолди.

Бугун мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида гап борар экан, ҳаммамиз ҳам амалий ишлар билан халқимизга, Ўзбекистонимизга қандай енгиллик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида қандай яхшилиқ бўлади, деган саволлар бераяпмиз.

Лекин ҳозирча мамлакатнинг ҳокимият доиралари қандай йўл билан, нималар орқали, қандай сиёсат орқали бу мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ, батафсил маълумот берганча йўқ.

Бу маълумотлар билан чуқур танишганимиздан кейингина бўлаётган ўзгаришларга ўзимизнинг муносабатимизни албатта билдирамиз.

Лекин ишонтириб айтаемизки, биз ўз халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча аҳолининг туб манфаатлари, осойишталиги ҳисобга олинган ҳолда янги

сиёсатни қўллашимиз мумкин. Бизга тинчлик ва осойишталик керак. Биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши тарафдоримиз ва шунга интилаётган, шуни таъминлайдиган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз.

Азиз юртдошлар!

Яна бир бор сизларга мурожаат қиламан. Шундай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинчликни бузаётган, ўз манфаатини кўзлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қулоқ солмасдан, ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак.

Юртимиз, халқимиз тарихда жуда кўп синовлардан юзи ёруғ бўлиб чиққан.

Ишонаманки, бу оғир синовлардан ҳам эсон-омон ўтаемиз.

1991 йил 20 август

Авваламбор, ассалому алайкум, ҳурматли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Жиззах шаҳрида атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Рашидовнинг 75 йиллик юбилейида сўзлаган сермазмун нутқингиз шарофати билан Сизга ушбу мактубни ёзмоқдаман. Мен Қашқадарёда ишлаганимда «пахта иши» сабабли жабр тортган одамларнинг оила аъзолари, фарзандларини кўрдим, кўпларининг хонадонида бўлдим, деганингизда кўз олдимда ўша машъум, қаттол 1986–1990 йиллар қайта намоён бўлди. Чунки беш болам билан оилам, 75 ёшли онам Сизнинг қабулингизда бўлишганида уларга: «фарзандингиз, оталарингиз албатта оқланади, иши қайта кўриб чиқилади», деб далда бергансиз. Мана, бугун орзулар ушалиб, Сизнинг метиндек иродангиз туфайли 1991 йилда бутунлай оқландим.

Мен Шаҳрисабз туманига қарашли Ленин номидаги (ҳозир Ғани Бобоёров номида) жамоа ҳўжалигида 1978 йилдан 1985 йилгача бош иқтисодчи бўлиб ишладим. 1986 йил 17 апрель куни менга «пахта иши» бало-қазодай ёпишиб, 10 йил қамоқ жазоси белгиланди. 1989 йилда озод қилиндим. Колхозга қайтиб ўз ихтисосим бўйича иш сўраганимда, ҳали оқланмаганим учун иш берилмади. Шундан сўнг 7-пахтачилик бригадасини сўраб олдим. Колхозчилар билан биргаликда баҳоли қудрат ишга киришдик.

Иқтисодчи бўлиб ишлаган давримда тўплаган тажрибам қўл келди. 1990–1992 йиллари бригадамизда пахта тайёрлаш режалари колхозда биринчи бўлиб уддаланди. Ҳосилдорлик ҳам ҳўжаликда энг юқори бўлди. Айниқса, бу йилги об-ҳаво қийинчиликлари сабабли чигит уч марта қайта экилишига қарамасдан, йиллик режани 27 иш куниди

бажариб, ҳосилдорликни қарийб 40 центнерга етказдик.

Бригадамиз колхоз ва туманнинг яқин 30 йиллик тарихида илк марта 3 гектар майдонга шоли экиб, 7,5 тонна дон олди. Шунинг 2,7 тоннаси бригада аъзоларига тарқатилди. Пахта харид нархининг ошгани туфайли режадан ортиқ сотилган 70 тонна учун ва режага қўшимча 15 фоиз пахта эвазига 3,5 миллион сўмга яқин қўшимча мукофот пули олишни мўлжалламоқдамиз.

Ҳурматли Ислоҳ Абдуғаниевич! Менга ўхшаган минглаб кишиларнинг номи умрбод қора бўлиб қолиши мумкин эди. Шўқри, бахтимизга Сиз бор экансиз.

Сизга ўзим, оила аъзоларим, қариндошларим, сафдошларим, бригадамиз аъзолари номидан мингминг раҳмат! Доимо соғ ва омон бўлинг!

Раззоқ Маҳатов,

Шаҳрисабз тумани Ғани Бобоёров номидаги жамоа ҳўжалигининг 7-бригада бошлиғи

(«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 5 декабрь)

Ассалому алайкум, мухтарам Ислому Абдуғаниевич!

Тиним билмай олиб бораётган сиёсатингиз туфайли юртимиз тинч, халқлар осойишта. Вилоятимизнинг ҳамма жойларида жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида кенг томир отган уюшган жиноятчилар гуруҳлари қўлга олинганидан буён улуснинг ороми, осойишталиги қайтагандек бўлмоқда.

Оталарига раҳмат, халқ манфаатини кўзлайдиган раҳбарлар ҳам бор экан-ку, деган гапни барча шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда, жамоат жойларида, маҳаллада эшитиш мумкин.

Шунинг учун Фарғона вилояти диндорлари номидан халқимизга мислсиз ғамхўрлик кўрсатиб, айниқса, ҳаловатимизни бузаётган жиноятчиликни таг-томири билан емириб ташлаш йўлидаги улкан меҳнатларингиз учун, Сиз, ҳурматли Президентимизга, вилоятимиз ҳокимлиги раҳбарларига, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига чин дилдан чексиз миннатдорчилик изҳор этамиз. Ўзингиз бошчилигингизда Ўзбекистонимиз мустақиллигини тўла-тўқис таъминлаш, мамлакатимизни дунёдаги энг қудратли ва илғор давлатлар қаторига олиб чиқишдек олижаноб фаолиятингизда омад тилаймиз. Биз ҳам бу соҳада қамарбаста бўлишга тайёرمىз.

Оллоҳ ҳамиша сизга ёр бўлсин!

Фарғона вилояти уламоларидан:

Мулла Нуруллаҳон ҳожи Фаттоҳов, Собир Кори Эминов, Жўраҳон ҳожи, Абдураҳмон ҳожи Абдуллаҳон Махсум ўғли, Аъзамхон ҳожи, Рустамжон ҳожи Расулжон ўғли, Абдували ҳожи Ҳафизов, Нуруллоҳон ҳожи Абдуллоҳон ўғли.

(«Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 19 январь)

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич!

Биз, Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган Аҳис-ха турклари, Сизга жумҳуриятимизнинг катта оила-сида тенг, фаровон яшашимизни таъминлаш ишида фидокорлик қилаётганингиз учун самимий миннатдорлик билдирамыз. Сизнинг ҳар сафар, Ўзбекистонда яшаётган фуқаролардан бирортасининг ҳам, милли-тидан қатъи назар, бурни қонашига йўл қўймаймиз, деган сўзларингиз биз – бухоролик туркларнинг умидимизга қанот бағишламоқда.

Сиздек узоқни кўра биладиган раҳбарнинг халқимиз тақдири, бахт-саодати учун толмас курашчи сифатида олиб бораётган оқилона сиёсати ўз самарасини бермоқда. Сизнинг Туркияга қилган сафарингиз бу хайрли ишларни бошлаб берди. Ҳар иккала халқ ўртасидаги қадимий дўстликни қайта тиклаш ва янада мустаҳкамлашдек буюк ишга қўшаётган ҳиссангиз учун кўпдан-кўп раҳматлар айтамыз.

Сизни ишонтириб айтамызки, ўзбек ва турк халқлари улғу мақсад – Ўзбекистоннинг порлоқ келажакни таъминлаш йўлида қон-қардошлигига содиқ қолиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайварадилар.

Бухорои шарифда ташкил этилган турклар миллий-маданий маркази ҳам ана шу олижаноб ишларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Бухородаги турк миллий-маданий маркази раиси
Комил Сулаймон ўғли Шаҳриев

(«Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 8 апрель)



Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Тоғли Бадахшон мухтор вилояти аҳолиси номидан Сизга, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва халқига инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Бу ёрдам қардош ўзбек халқи Тожикистондаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволдан ташвишланаётганининг белгисидир. Бу ёрдам халқимиз учун катта маънавий мадад, икки халқ дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, ўзаро ёрдамнинг давоми ва ривожига ҳам бўлди.

Тожикистондаги бир тўда сиёсатчиларнинг бемаъни сиёсий найранглари натижасида келиб чиққан биродаркушлик уруши минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди, республиканинг юз минглаб аҳолиси уйдан бош олиб кетиб, ўз юртида қочоққа айланди.

Ҳозир Тожикистоннинг ҳар бир жойида, шу жумладан, Помирда ҳам чуқур иқтисодий ва ижтимоий танглик давом этмоқда. Помирнинг ўзида республиканинг турли минтақаларидан келган 80 минг нафардан ортиқ қочоқ бор. Бу Помир аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Ҳаммасининг бошпанаси, тирикчилик манбаи йўқ.

Помир меҳнаткашлари республикани фалокатга олиб келган кучларни лаънатламоқда. Улар Тожикистон ҳукуматининг мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий турмушни барқарорлаштириш, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўлида қилаётган ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Республикани юз берган вазиятдан олиб чиқишда МДХ мамлакатлари ва айниқса, қардош Ўзбекистон алоҳида ўрин тутушига ишончимиз комил. Помир учун ўзбек халқининг мадади иқтисодий ва ижтимоий тангликдан чиқиб олишда ҳал қилувчи омил бўлади.

Бадахшон иқтисодий ва техникавий тараққиётининг бутун тарихи қўшни Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари билан боғлиқ. Халқимиз Бадахшонни шу республикалар билан боғлайдиган Помир йўлини ҳаёт йўли, деб атайди. Бинобарин, бу йўл ҳозир ҳам вилоятда ҳаёт фаолиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ республикадаги воқеалар ҳамда уларда бадахшонликларнинг иштироки тўғрисида ноҳолис маълумотлар туфайли бу муносабатларга путур етиши мумкин эди.

Эндиликда биз халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончга эришилади, деб умид қиламиз. Ўзбекистоннинг вилоятлари, биринчи навбатда қўшни Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари билан расмий равишда сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилади, деб умид қиламиз. Ҳозир айниқса вилоятни моддий-техник ресурслар ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларида бу вилоятларнинг мадади биз учун сув билан ҳаводек зарур. Ҳозирги вақтда ёнилғи-мойлаш материаллари етишмаётгани сабабли минглаб тонна озиқ-овқат вилоятдан ташқарида қолиб кетди, минглаб қочоқлар доимий истиқомат жойларига қайтиб кета олмаётирлар.

Халқимизни қўллаб-қувватлаб кўрсатган бу ёрдамнинг учун яна бир бор миннатдорлигимизни изҳор қиламиз. Сизга, Ўзбекистон халқига белгиланган мақсадларга эришишда катта ютуқлар тилаймиз.

Камоли эҳтиром билан

Г. Шахбозов,

Тоғли Бадахшон халқ депутатлари
кенгашининг раиси

(«Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 7 май)

Бисмиллоҳир раҳманир раҳим!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!
Муҳтарам Президентимиз Ислон ака Абдуғани
ўғиллари!

Сизни ва Сиз орқали давлатимиз ва ҳукумати-
миз раҳбарларини ҳамда жонажон диёримиз – Ўзбе-
кистон халқини улуғ айём – Қурбон ҳайити билан
самимий муборакбод этамиз.

Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано ва шукрлар
бўлсинки, ҳур диёримиздан муборак ҳаж сафарига
ташриф буюрган уч ярим мингдан зиёд ҳожиларимиз
ҳозирда ихлос-эътиқод билан ҳаж ва умра амаллари-
ни адо этмоқдалар. Маккаи мукаррамада бутун дунё
мусулмонларининг қибласи саналмиш – Байтуллоҳ-
ни тавоф ва зиёрат қилиш билан бирга Сафо, Мар-
ва, Мино, Арофат, Муздалифа каби улуғ даргоҳлар-
да, шунингдек, Мадинаи мунавварада масжиди На-
бавий, Равзаи шарифдек табаррук жойларда бўлган
чоғларимизда Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратини
тилаб, мустақил мамлакатимиз равнақи, ҳар томон-
лама тараққиёти, халқимизни моддий ва маънавий
жиҳатдан баркамол этишини дуою илтижолар ила
Яратганнинг ўзидан сўрамоқдамиз.

Бу йилги муборак ҳаж сафари ўзига хос хусуси-
ятлари билан диёримиз мусулмонлари ҳаётида уну-
тилмас воқеа бўлди. Бу улуғ ибодатни чин ихлос ва
муҳаббат билан бажараётган ҳожиларимизга давла-
тимиз томонидан кўрсатилган ҳар томонлама холисо-
на ёрдам уларнинг хотираларида ўчмас из қолдира-
жак, албатта.

Тақдим этилган имконият ва имтиёзлар учун бар-
ча мутасадди ташкилот ва раҳбарларга, шахсан Сиз,
жаноби олийларига чексиз миннатдорлигимизни
изҳор этамиз.

Мустақил юртимиз ва озод халқимизнинг порлоқ
келажаги йўлида Сизга ва сафдошларингизга мус-
таҳкам соғлиқ, ишларингизга зафар ва омадлар ти-
лаймиз.

Илоҳо, бутун оламда тинчлик, осойишталик ҳукм
суриб, барчаларимизга икки дунё саодатини насибу
рўзи айласин, омин!

Ўзбекистон ҳожилари,

Маккаи Мукаррама, Арофат, 1996 йил 27 апрель.

(«Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 7 май)

Қадрли Ислом ога!

Қимматли вақтингизни олиб, Сизга юрагимдаги уйларимни айтишга қарор қилганим учун минг бор узр. Кексаликда одам атрофидаги воқеаларни, оқ-қорани шошилмай, ҳис-ҳаяжонга берилмай баҳолар экан. Худо ёш берса, саксондан сакраб, тўқсонни кўзлаяпман. Умрим бўйи элга хизмат қилдим, доноларнинг этагини тутиб, бетайинлардан нари юрдим. Насихат билан ўсиб, энди шукрки, элга насихат қиладиган ёшга етдим.

Сиз билан ҳар куни телевизор орқали суҳбатлашаман. Сўзларингиз танамга шижоат бағишлайди. Эҳ, қанийди ёш бўлсам, деб ўйлайман. Эшитдингизми, дейман болаларимга. Бунга ҳам қаноат қилмай кўн-қўшнилари даврасига чиқаман, маҳаллани тўплайман. Ҳой халойиқ, Юртбошимизнинг дардига малҳам бўлинглар, доно йўлбошчи халқнинг бахти, дейман. Айтинг, биз не қилайлик, Позил ака, деб сўрашади мендан. Ҳеч нарса қилма, меҳнатингни бил, бир-бирингга кўз-қулоқ, меҳрибон бўл, инсоф-диёнатни йўқотма, болаларингга насихат қил, дейман. Яна айтаман, бовирларим, қозоқнинг ўзбекдан яхшироқ қондоши йўқ, сенлар шуни бил. Биз бир дарахтнинг икки шохимиз, буни унутма, дейман.

Дарҳақиқат, туманимизда 142 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Шунинг ўттиз олти минги қозоқлар, «Бостанлик дауси» деган қозоқ газетаси, 20 та қозоқ мактаби ишлаб турибди. Республикаимиздаги санъат кўриклари бизнинг оқинларсиз ўтмайди. Қозоқлар яшайдиган қишлоқ-овулларнинг суви, гази етарли, раҳбарлари ҳам қозоқлардан. Хўжаликлар гуллаб-яшнамоқда, мева-чева, ғалла, чорва етарли. Тўйларимизда ўзбекнинг сурнайига қозоқнинг дўмбираси,

яскиясига айтишув уланиб кетади. Бизга яна не керак, минг бор шукр.

Халқларимизда «Бўлар элнинг йигитлари бир-бирини ботириб дер» деган гап бор. Ислом Абдуганиевич, ёр-биродарлик, аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ҳақида сўзлаганингизда ана шу нақл ёдга тушади. Минг раҳмат, юртини аяган, элини суйган бошчининг гапи шундай бўлади.

Азиз Юртбоши, Сиз ҳар бир қозоқ уйининг тўрида, қалбининг кўрида ардоқ топган улўғ инсонсиз. Бутун халқ Сизни севади ва Сизга ишонади. Биз кексаларга кўрсатаётган меҳр-мурувватингиз учун Сиздан беҳад миннатдоримиз. Илойим умрингиздан барака топинг. Лекин бир илтимосим ҳам бор. Бизни қария деб аяб ўтирманг, топшириқ бўлса айтинг.

Биз Сизга мадад бўлишни ўзимизнинг бурчимиз, деб биламиз.

Вақтингиз бўлса, биз томонларга келинг, азиз меҳмонимиз бўлинг.

Илойим, борингизга шукр.

Позил Разов,
меҳнат фахрийси,

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14 август)

Кадрли Ислом Абдуғаниевич!

Халқимизнинг инон-ихтиёри билан Сиз яна Ўзбекистон раҳбари этиб сайландингиз. Шу ёрқин галабангиз билан Сизни, кадрли Ислом Абдуғаниевич, оиламиз, маҳалламиз ва барча юртдошларимиз номидан муборакбод этаман. Бахтимизга ҳамisha омон бўлинг!

Тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб турган саодатли кунларда ҳар биримизнинг асосий вазифамиз Ўзбекистонимизнинг истиқлолини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини барпо этиш учун баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ва юртимиз равнақи билан ўз тақдиримизни чамбарчас боғлашдан иборат бўлиб турган экан, бу савобли ишдан мен ҳам четда турмаслигим лозимлигини ҳар дақиқа ҳис этапман.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўз имкониятларимни тўла ишга солиш, эл-юрт эҳтиёжи учун зарур бўлган ишларни бажаришга киришдим. Аввало, биз каби тадбиркор деҳқонларга кенг шарт-шароитларни яратиб берганлигингиз боис ана шундай имкониятларни ишга солиб, халқимиз учун йўқни йўндириш йўллари излаб топяпмиз.

Оиламиз деҳқончилик билан азалдан шуғулланиб келади. Отамиз Собиржон Мирзажоновнинг панд-насиҳатлари билан мен ва 5 та укам ана шу соҳа сирларини пухта эгалладик. Истиқлол шарофати билан ҳар биримиз учун томорқа ерлари берилди. Уларга иморат солиб, томорқаларда бодринг, турп, узум етиштириш, уни сотиш билан астойдил шуғуллана бошладик. Деҳқоннинг иши техника билан баракали бўлар экан. Ўз даромадларимизга шу мақсадда ҳайдов ва чопиқ тракторлари, юк машиналари сотиб олдик. Маҳсулотларимизни аввало республикамізда, аста-секин Ҳамдўстлик мамлакатларида яшовчи

истеъмолчиларга етказиб бера бошладик. Тез орада оиламиз иқтисоди мустаҳкамланиб, орттирган сармомямиздан хайр-эҳсон қилиш имкониятларига ҳам эришдик. Ўзаро маслаҳатлашиб, болалар уйлари, мактаб ва боғчалар, шифо масканларига моддий ёрдам беряпмиз. Айниқса, Шохимардон ва Қувада рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этишга бугун оиламиз билан оёққа турдик. Бу ерда жабр кўрганлар учун 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатдик, оиламиз ихтиёридаги автокран ва юк машиналарини табиий офат оқибатларини бартараф қилиш учун сафарбар қилдик.

1997 йили ўзим Германияда бўлиб, «Мерседес-Бенц» компаниясида маҳаллий шароитларимизга тўла жавоб бера оладиган энг замонавий юк автомашинасини махсус буюртма асосида тайёрлатдим. Қиймати 270 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу юк автомашинаси билан бугунги кунда юртдошларимизнинг оғирини баҳоли қудрат енгил қилиб келяпмиз.

Ҳозир оиламизда «Мерседес-Бенц», «КамАЗ», «МАЗ» юк автомашиналари, автокран, автоюклагич, трактор, автобус, «Дамас» ва «Тико» автомобиллари бор. Уларнинг барчаси ҳалол меҳнат, келажакка ишонч ва Сиз яратиб бераётган улкан шароит, тинчлик-тотувликнинг самарасидир.

Бир ярим гектарлик пайкалда барпо этилган тоқзоримиз илк мевасини бера бошлади. Ҳалол меҳнат қилса, ҳеч ким хору зор бўлмас экан. Буни биргина бизнинг оиламиз мисолида кузатиш мумкин. Имкониятимиз бор экан, халқимиз учун меҳр-муруват ишларини асло тўхтатганимиз йўқ. Сизнинг ташаббусингиз билан 2000 йилнинг дастлабки ўн кунлигини «Мурувват кунлари» деб эълон қилинганлиги мени яна янгича саховат ишларига ундади. Ўша кунлари вилоятимиздаги кам таъминланган оилаларга сармомямиз ҳисобидан 4,5 тонна унни беминнат ёрдам сифатида тарқатдим. Бундан ташқари,

навбатдаги сафарим давомида Якутия Республикасидаги болалар уйларига инсонпарварлик ёрдами сифатида 5000 килограмм узумни тарқатиб қайтдим. Сибирликлар Ўзбекистон ҳақида Сизнинг олиб бораётган одил сиёсатингиз, ўзбекларнинг меҳр-саховати ва саҳийлиги ҳақида ҳавас билан тўлиб-тошиб гапиришди. Ана шу юрtnинг фарзанди эканлигимдан чексиз фахрландим.

Қадрли Ислои ака!

Иккинчи чакириқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида менинг фаолиятимга берган улкан баҳоингизни эшитиб, бошим осмонга етди. Ота-оналаримизнинг, ҳамқишлоқларимизнинг ва оддий кишиларнинг қувонганини айтмай-сизми! Мендек оддий бир инсонга, ёш тадбиркорга бўлган эътиборингиз учун Сизга бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Сизнинг ўша фикрларингизни бутун фарғоналик тадбиркор деҳқонларга берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Танамда жоним бор экан, бор куч-ғайратимни, тажрибамни шу юртим учун, унинг равнақи, тинч-осойишталиги ҳамда порлоқ келажаги учун сарфлайман.

Сизга, муҳтарам Ислои ака, узок умр, мустақам соғлиқ, оилангизга тотувлик, Ватан равнақи йўлидаги фаолиятингизга омад тилайман. Бахтимизга ҳаммаша омон бўлинг!

Юртимизни ёмон кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Сизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан

Олтиариқлик тадбиркор **Солижон Мирзажонов**,
2000 йил 17 январь

(«Ўзбекистон овози» газетаси, 2000 йил 29 январь)

Қадрли Ислои Абдуғаниевич!

Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингизда ота-онам жуда қувонишган, Сизга табрик йўллашган. Шу муносабат билан Сиз ёзган миннатдорчилик мактуби оиламизда тумордек асраб сақланади.

Ота-онам телевизор орқали Сизнинг сўзларингизни тинглашганда ёш боладай севинишарди.

Дунёда ота ҳам, она ҳам ганимат экан. Мен аввал отамдан, сўнг онамдан айрилдим. Дунёда бир ўзим қолгандек эзилдим. Шунда раҳматли онамнинг «Менинг ўғилга алишмайдиган қизимни ўз қизидек кўриб, кўз қорачиғидек асрайдиган халқим бор, Юртбошим бор» деган гапи ёдимга тушди. Кўнглим ёришди.

Баъзан ўйлаб қоламан: онадан айрилиш шунча оғир бўлса, Ватандан айрилиш қандай бўлар экан? Худо шундан асрасин.

Мустақил Ўзбекистонимизни пок иймонимиз, керак бўлса, жонимиз билан асраб-авайлаймиз.

Она юртимизни асраш учун, уни ёв топташига йўл қўймаслик учун куч-ғайратимизни аямасдан, пок эътиқод билан ишлашимиз керак.

Мана шу тиниқ осмонимиз учун, юртимиз янада гуллаб-яшнаши учун Сиз бош бўлган қутлуғ ишларга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Аждодларимиз, ота-оналаримиз ётган мана шу заминни ҳимоя қиламиз.

Башорат Мирхонова,

Бухоро вилояти, Вобкент тумани

(«Ўзбекистон овози» газетаси, 2000 йил 15 август)

Ассалому алайкум, мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизга ушбу мактубни чукур хаяжон билан ёзяпман.

Бизнинг бобомиз ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизга истилочилар бостириб кирганда уларга қарши мардона курашган. Шуларнинг камтарона хизмати Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан тарихий ҳужжатлар асосида тикланаётгани мени тўлқинлантириб юборди.

Мустақиллик бўлмаганида бу ҳақиқатлар очилмасдан, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетар эди. Ахир, бу кунларни орзиқиб кутиб, армон билан ўтиб кетганлар қанча...

Мустақиллик бизга жуда кўп неъматлар берди. Унутилган қадриятларимиз, тарихимиз тикланди. Ноҳақликдан кўнгли кемтик бўлган биз каби инсонларнинг қадди тоғ каби юксалди.

Албатта, мен истиқлол берган буюк неъматларни бир-бир санаш ниятида эмасман, балки шундай озод ва фаровон ҳаёт яратиб беришга қаратилган ишларингиз учун миннатдор кўнгиллар эҳтиромини Сизга етказмоқчиман, холос.

Сизнинг бошчилигингизда қилинаётган ишлар дунё халқлари нигоҳида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Мен шулар ҳақида ўйлаганимда, доно халқимиз жуда топиб айтган «яхшининг шарофати» деган ҳикмат ҳаёлимдан ўтади. Сиз ҳамиша жон куйдириб минтақамиздаги тинчлик ва осойишталикни таҳдид ва ихтилофлардан сақлаб келасиз. Кўшни-қардош, кўпмиллатли халқлар, кенг жамоатчилик буни яхши билади, тинчликсевар, халқларвар сиёсатингизни қадрлаб, Сизни чексиз ҳурмат қилади.

Сўзим куруқ бўлмаслиги учун айрим таассуротларимни баён этмоқчиман.

Уш шахрида Абдуҳолиқ исмли қирғиз ўқитувчи бор. Яқинда унинг хонадонида бўлдим, саранжом-сарипта меҳмонхона тўрида Сизнинг рангли суратингиз осиглиқ турибди. Суратга тикилиб қолганимни сезиб, «Ислом Каримовнинг сиёсий иродасини ва шижоаткорлигини қадрлайман!» – деди мезбон. Суҳбат чоғида у кенжасига Ислом деб исм қўйганини, ўғли ҳам Сиз каби ўторак инсон бўлишини ният қилганини айтди.

Катта бир корхона раҳбари Туланбой исмли қирғиз йигити: «Агар Ўзбекистон Президенти ижозат берса, корхонамизни у кишининг номи билан атар эдик», – деди. Мен Сизга нисбатан кўрсатилган бундай иззат-ҳурматга кўп гувоҳ бўлганман. Миллионлаб кишилар меҳрини қозонаётган Сиздек инсон билан замондош эканимдан фахрланаман.

Икки оғиз ўзим ҳақимда: гарчи миллатим қирғиз бўлса-да, ўзим Андижоннинг Қўрғонтепа туманида туғилиб ўсганман. Шу муқаддас заминни она Ватаним деб биламан. Ўзбек, қирғиз ва рус тилларида ижод қиламан. Сизнинг кўплаб асарларингизни қирғиз тилига таржима қилганман, улар матбуотда мунтазам ёритиб келинади. Ҳатто Қирғизистон матбуотида чоп этилган «Ислом Каримов — тинчлик асосчиси» публицистик асарим учун тақдирланганман ҳам.

Ислом Абдуганиевич, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг! Обрўингиз бундан ҳам зиёда бўлсин!

Чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан

Собиржон Бурқашев, журналист,
Қирғизистон Республикаси
(«Халқ сўзи», 2000 йил 7 сентябрь)

Мухтарам Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич!

«Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш туғрисида»ги Фармонингизни ички бир тўлқинланиш, зўр ҳаяжон ва чуқур мамнуният билан ўқиб чиқдим. Тарихий адолатни тиклаш борасидаги ташаббус ва ҳаракатларингиз, истибдод қурбони бўлган инсонлар хотираси ва руҳи покига бу қадар чексиз ҳурматингиз, ҳақиқатни рўёбга чиқараётганингиз учун беҳад ташаккур.

Фармонни ўқир эканман, мустабид тузум юзага келтирган қайғули, аламли, армонли кунлар бир-бир ҳаёлимдан ўтди, истиқлолимиз туфайли изчиллик билан амалга ошираётган хосиятли ишларингиз оғриқли кўнглимга таскин бағишлади. Менга ўхшаганлар юртимизда беҳисоб, уларнинг, барчамизнинг миннатдорчилигимизни қабул этгайсиз.

Қимматли Ислом Абдуғаниевич!

«Қама-қама»лар авжига чиққан 1937–38 йилларда мен 11–12 ёшларда эдим. Ҳар куни кечаси кўп-кўп одамларни «териб» олиб кетаётганликларини эшитиб, даҳшатга тушардик.

Ҳибсга олинганларнинг угил-қизлари боши эгилиб, кўнгли ўксиб, маънос бўлиб қолаётганини кўриб юрагимиз эзиларди. Орадан кўп ўтмай шундай кўргулик ва ситам бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Отам – Аъзамжон Халилбеков Наманганнинг кўзга кўринган, обрўли кишиларидан бири эди. Серфикр, ўқтам ва қатъиятли одам сифатида эл-юрт ҳурмати-га сазовор бўлганди.

У киши аввал ота касби – аравасозлик билан шуғулланган, кейин аравасозлик артелига, сўнг кенг тармоқли хунармандлик артелига кўп йиллар бошчилик

қилган. Ишчан, уддабурро, ташкилотчи сифатида танилган.

Отам адабиёт ва санъатга меҳрини берган одам эди. Оилавий кечалар, дўстлар давраси мусиқасиз, қўшиқсиз ўтмасди. Аммо 1938 йилнинг 11 январидан кейин ғам-қайғу тўла кунлар бошланди, кечаси отамни қамоққа олиб кетишди. Уч ойча турмада сақлашганини биламиз, сўнг ҳатто қаерда эканини ҳам билолмай қолдик. НКВДнинг шахар бўлимидагилар: «Ўн йилга кесилган, хат олиш-ёзиш, олди-берди қилишдан маҳрум этилган», дейишди.

Ўн йил ўтди. Суриштирсак, «Яна ўн йил қўшилган», дейишди. Аслида улар бизни алдашган экан, «учлик» ҳукм чиқариб, ўша 1938 йилнинг 5 мартида «халқ душмани» сифатида отиб ташлашган экан.

Отам раҳматли 1893 йили туғилган эди, йигит ёшида шўро даври ёвуз сиёсатининг қурбони бўлди. У замонда қатагон этилганларнинг фарзандларини ҳам тинч қўйишмас эди. Сарсон-саргардонлик, умри кемтиклик устига камситишлар, таъна ва тазйиқлар...

Гарчи мен аспирантурага имтиҳон топшириб, юқори кўрсаткич билан конкурсдан ўтган бўлсам-да, барибир қабул қилишмаган.

Шуқрлар бўлсинки, хўрланган ва ҳақоратланганларнинг кўкрагига шамол тегадиган, уларнинг қаддини кўтарадиган замон ҳам келди. Ўтган йили Сиёни жуда катта сиёсий, маънавий-маърифий, тарбиявий ва амалий аҳамиятга молик бўлган Фармойишингиз асосида Вазирлар Маҳкамаси мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш туғрисида махсус қарор қабул қилди. Тошкенти азимда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

2000 йилнинг 12 майида ушбу мўътабар зиёратгоҳнинг очилиш маросимида кўплар қатори мен ҳам иштирок этдим. Ўшанда ноҳақлик ва зулм қурбони бўлган падари бузрукворим қабрини зиёрат қилгандай бўлдим. Зиёратгоҳнинг очилиш маросимидаги

Сизнинг унутилмас нутқингиз ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Куни кеча газетада эълон қилинган «Халқ — қаҳрамон, унинг хотираси олдида доимо бош эгамиз...» деган мақолани ўқиб чиқдим. Унда Сиз тўғри айтгансиз, зулм ва истибдод қурбонларини, бу кунларга етиб келмаган аجدодларимизни, айниқса, оддий одамларни унутмаслик лозим.

Бу маросимнинг ҳар йили 31 август куни, яъни Мустақиллик байрами арафасида ўтказилиши нур устига нур.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Қатағон қурбонлари хотирасига кўрсатаётган эҳтиромингиз, адолат ва эзгулик тантанаси йўлида амалга ошираётган бекиёс ишларингиз учун Сизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак, оз.

Халқимиз, Ватанимиз, истиқлолимиз ва истиқболимизнинг бахтига ҳамisha соғ-саломат бўлинг, узок умр кўринг.

Ҳурмат билан

Алихон Халилбеков,
меҳнат фахрийси, Наманган шаҳри
(«Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 25 май)

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен ўз хатимда Сизнинг оқилона сиёсатингиз тўғрисида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар бизнинг оиламиз мисолида қандай натижалар бераётгани ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Ўзим уй бекасиман, турмуш ўртоғим эса оддий ҳайдовчи. Биз тўрт нафар фарзандни тенгқурларидан кам қилмай вояга етказдик. Шунинг учун фахр билан айтаманки, бугун мен Ўзбекистондаги энг бахтли оналардан бириман. Чунки она учун фарзандларининг қамолини кўришдан ортиқ бахт йўқ.

Сизнинг ташаббусингиз билан олий ўқув юртига жорий этилган янгича қабул тизимининг нечоғли адолатли эканига мен, оддий бир кишлоқ аёли сифатида, ўз фарзандларим мисолида неча бор амин бўлдим.

Қизим Муқаддас Холдорова Фарғона педагогика институтининг кимё факультетига тест синовларидан энг юқори балл тўплаб, давлат гранти бўйича ўқиш имкониятига эга бўлди. У бу йил мазкур институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Ҳозир Учкўприк туманидаги 20-мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

Катта ўғлим Бахтиёр Холдоров Фарғона Давлат университетининг иқтисодиёт факультетига тест синовларидан юқори балл тўплаб, бюджет ҳисобидан ўқиш имкониятини қўлга киритиб, ҳозирги кунда 3-курсда таҳсил олмақда. Кичик ўғлим Баҳодир Холдоров эса шу йил тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди.

Ўзим ёшлигимда аёло баҳоларга ўқиган бўлсамда, оилавий шароит сабаб бўлиб ўқишга қиролмаган

эдим. Менинг армонларим, орзу-интилишларим бугун фарзандларим тимсолида ушалди. Бу – мустақиллик шарофати, Сизнинг юртимиз болаларининг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қилаётган саъй-ҳаракатингиз натижаси, деб биламан.

Қадрли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Ишончим комилки, менинг фарзандларим ҳам Сиз бошлаган хайрли ишларнинг давомчиларидан бўлиб, ўз соҳалари бўйича Ўзбекистон юкига елка тутати. Эл-юртимиз учун, истиқлолимиз учун фарзандларимизнинг фойдаси тегса, мен учун катта бахт мана шу.

Ўзбекистон ёшларига, фарзандларимизга кўрса-таётган ғамхўрлигингиз учун яна бир бор ўз миннатдорчилигимни билдираман. Доимо соғ-саломат бўлинг!

Маърифат Холдорова,

Фарғона вилояти, Бағдод тумани,

«Пахтакор» ширкат хўжалиги, Жар қишлоғи

(«Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 27 сентябрь)

Ҳурматли Президентимиз!

Менинг ёшим эллик бешда, оддий ўқитувчиман. Ҳали чарчаш нималигини билмайман, ишламай уйда ўтиришни мутлақо кўз олдимга келтира олмайман. Юртимизда ёш авлодни тарбиялаш, бугунги тинч-осуда ҳаётимизни, бебаҳо миллий қадриятларимизни асраш ишига қўлимдан келганча ҳисса қўиш ниятидаман. Халқимизга манзур бўладиган эзгу ишларни амалга оширишда Сизга яқиндан ёрдам бераман, деб ишонаман.

Сизнинг мен каби аёлларни ўйлаб, катта минбарларда туриб «Тўхта, бир умр тинмай меҳнат қилдинг, доимо қандайдир муаммони ечиш билан банд бўлдинг, бир зум оқанга қарамадинг, ўзинг учун яшашга, ҳаётдан баҳра олишга вақт топмадинг», деб айтган гапларингиз бизнинг кўнглимизни кўтариб, куч-қувват бағишлайди.

Мен Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари учун Сизга юртимиздаги барча хотин-қизлар номидан миннатдорлик билдираман.

Янги йилда Сизга янги куч, бахт ва омад, сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

Каримахон Фофурова,

Андижон вилояти, Бўз педагогика коллежи хотин-қизлар кўмитаси раиси

2004 йил 27 декабрь

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен 25 йилдан буён республикамиз газлаштириш тизимида меҳнат қилиб келаман. Ҳамма соҳада бўлгани каби, бу тармоқда ҳам тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди. Ана шу имкониятдан фойдаланиб, «Демарко» хусусий фирмасини ташкил этдим.

Бизнинг фирмамиз аҳолига табиий газ таъминоти бўйича турли хизматлар кўрсатиш билан шугулланади. Ҳозирги пайтда бундай хизматларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда келгусида ўз фаолиятимизни янада кенгайтirmoқчимиз.

Айниқса, кейинги пайтларда тадбиркорлик фаолиятига кўплаб энгилликлар яратилмоқда. Жумладан, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш, ўринсиз текшириш, қўғозбозлик ва расмийчилик ҳолатлари барҳам топмоқда. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш орзуси билан яшаётган биздек ишбилармонларни қувонтирмасдан қолмайди, албатта.

Буларнинг барчаси учун Сизга, муҳтарам, Ислом Абдуғаниевич, ўз миннатдорлигимни билдириб, ҳамisha соғ-саломат бўлишингизни тилаб қоламан.

Муҳаммаджон Худойбердиев,
Наманган вилояти, Наманган шаҳри

2005 йил 1 февраль

Ассалому алайкум, қадрли Ислом ака!

Вақтингиз тигизлигига, катта-катта давлат ишлари билан бандлигингизга қарамасдан, сизнинг тез-тез вилоятларга бориб, деҳқон ва фермерлар билан учрашганингизни, чин дилдан суҳбат қурганингизни телевизор орқали мириқиб томоша қиламан ва бундан жуда хурсанд бўламан. Чунки ўзим ҳам деҳқон фарзандиман, умр бўйи далада меҳнат қилиб келаман.

Сиз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб, мана, орзу қилган кунларимиз келди, фермер бўл, ўз еринг, ўз мулкингга ўзинг эгалик қил, деб, биз – деҳқонларга ҳамма шароитларни яратиб бердингиз. Бунинг исботини шахсан ўз ҳаётим мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилиб келяпман.

Мен 1992 йилдан бери фермер бўлиб ишлайман. Айниқса, бу йил деҳқончилик учун, фермерлар учун жуда қулай ва омадли келди. Менинг 26 гектар ерим бор. Шундан 19 гектардан зиёдроғига пахта экканман. Ишонасизми-йўқми, ғўзаларимнинг бир текисда баравж ўсаётганини кўриб, ҳатто 80 яшар отам ҳам қувончдан кўзига ёш олди, ўғлим, мен 25 йил давомида деҳқончилик қилиб, бундай пахта яхши бўлганини ҳеч эслай олмайман, деди.

Ҳосилнинг бундай яхши бўлиши, албатта, худонинг марҳаматига боғлиқ. Лекин деҳқоннинг ерга меҳри ортиб чин дилдан меҳнат қилаётгани ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Кейинги пайтда шундай бўляпти – одамларимизнинг ерга меҳри ортапти, улар чин кўнгилдан ишляпти. Чунки ишласа, фойдасини ўзи кўради. Манфаатдорлик яхши-да!

Ислом ака, ўз отам мени дунёга келтирган бўлса, Сиз мени одам қилдингиз, мана шундай фермер

бўлиб, катта ютуқларга эришишим учун йўл очиб бердингиз. Ишонинг, мен бу қарзимни ўз меҳнатим, пешона терим билан оқлашга ҳаракат қиламан. Агарда Самарқанд вилоятига келсангиз, менинг далаларимни ҳам албатта келиб қўришингизни иштайман.

Салом билан

Расул Эргашев,
Самарқанд вилояти,
Иштихон тумани,
«Бектош» фермер хўжалиги

2005 йил 4 июль

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Бизнинг отамиз Абдунаби Ҳасанов ҳаётлик даврида Сиз ҳақингизда кўп гапирар эди. У кишининг айтишига қараганда, Сиз бир пайтлар бизнинг хўжалигимизга ташриф буюриб, одамлар билан очиқчасига, чин дилдан суҳбатлашган экансиз. Айниқса, ҳали яхши кунлар келади, ҳалқимиз ўз бойлигига ўзи эга бўлиб яшайди, деган мазмундаги гапларингиз отамизнинг қалбида муҳрланиб қолган экан. Шунинг учун ҳам у киши, Каримов айтган кунлар албатта келади, ишонинглар, бу одам билмаса, гапирмайди, ўша кунларга етиш учун ҳар биримиз ҳалол меҳнат қилишимиз лозим, деб биз, фарзандларга насиҳат қилар, бўш, бекор юрманлар, мана, даврларинг келди, ўз ишларингни очиб, меҳнат қилинглар, дер эди.

Биз отамизнинг ана шундай ўғитларига амал қилиб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида-ноқ тадбиркорлик билан шуғулланиб келяпмиз. «Учкун Абдунаби ўғли» номли кичик корхона ташкил этдик. Ҳозирги пайтда ишларимиз анча юришиб кетди. Яқинда қишлоқ хўжалиги экинлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган олтингугуртни қайта ишлайдиган мини завод қуриб, ишга туширдик. Эндиликда нафақат туманимиз, балки бутун вилоятимиз хўжаликларига ҳам маҳсулот етказиб бера оламиз.

Қадрли Ислоҳ ака!

Мана, раҳматлик отамизнинг насиҳатларига амал қилиб кам бўлмадик – ўз ишимиз, ўз мулкимизга эга бўлдик. Биздек тадбиркорларга бераётган эътиборингиз, яратаётган қулайликларингиз учун Сиздан беҳад миннатдоримиз.

Учкун Ҳасанов,
Қашқадарё вилояти,
Шахрисабз тумани
2005 йил 19 август

Ассалому алайкум, Ислом оға!

Сизга Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, «Шоббоз» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида меҳнат қиладиган оддий механизатор Ражаббой Примов ўз табрик ва саломларини йўлламоқда.

Бу йил деҳқончилик йили бўлгани ҳақида телевизорда ҳам, катта-катта йиғилишларда ҳам кўп гапирилмоқда. Ростдан ҳам, бу гапларда жон бор. Биргина ўзим ишлайдиган уюшма мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу йил пахта бўйича ҳам, ғалла бўйича ҳам шартнома режаларини биринчилардан бўлиб бажардик. Одамларнинг уйлари ғаллага тўлди, кўнгли тоғдек кўтарилди.

Албатта, худонинг ўзи бермаса, табиий шароити жуда қийин бўлган қорақалпоқ заминидан бундай натижаларга осонлик билан эришиб бўлмайди. Аммо яна бир ҳақиқат ҳам борки, барчамиз тан олишимиз керак. У ҳам бўлса, деҳқонларимизга давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилётган қулай шароитлардир.

Масалан, бу йил хўжаликларни уруғлик, ўғит ва бошқа моддий ресурслар билан таъминлашда узилиш бўлгани йўқ. Ўзим механизатор сифатида трактор ва механизмлар учун керакли эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларини вақтида олиб турдим. Шунинг учун ишим ҳам унумли бўлди, даромадим ҳам ёмон бўлмади.

Илойим, келгуси йилларимиз бундан ҳам баракали бўлсин. Ислом оға, доимо бошимизда бош бўлиб, соғ-саломат юринг.

Ражаббой Примов,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Беруний тумани
2005 йил 25 октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

Ассалому алайкум, азиз Юртбошимиз!

Ушбу хатни оддий бир муаллиманинг дил сўзлари деб билгайсиз. Агар мендан, бу дунёда қайси ўстоз бахтли, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, илмга чанқоқ, қувноқ ва бахтиёр шогирдларига таълим ва тарбия бераётган муаллим деб жавоб берган бўлардим.

Сизнинг таълим тизимига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлигиниз ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, ўқитувчи меҳнатида бугунгидек ҳурмат-эътибор учун Сизга раҳмат айтамин.

Биз бундай ғамхўрликка жавобан халқимизга муносиб фарзандларни камол топтиришга ўзимизнинг куч-ғайратимиз, билим ва маҳоратимиз, тажрибамиз билан ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Санобархон Мухамедова,
Фарғона вилояти,
Қўқон шаҳридаги 29-мактаб ўқитувчиси,
халқ таълими аълочиси

2005 йил 4 декабрь

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Юртимизда бевосита Сизнинг раҳбарлигингизда аждодларимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқаётган истиқлол йилларида бошқа соҳалар каби, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича ҳам қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилинишини бизга бўлган ғамхўрлигингиз намунаси, деб биламиз.

Жумладан, 2005 йилнинг 25 ноябрида чиқарилган «Халқ таълими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоралари тўғрисида»-ги қарорингиз биз, педагог-ўқитувчиларнинг кўнглимизни, кайфиятимизни кўтариб юборди.

Сизга шахсан ўз номимдан, қолаверса, қорақалпоғистонлик барча педагог-мураббийлар номидан сямимий миннатдорлик билдириб, давлатимизнинг тинч-тотувлиги, ободлиги, янада гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда зафарлар тилайман.

Айсулов Тажимуратова,

Нукус шаҳридаги 37-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

2005 йил 7 декабрь

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЙЎЛИДА

Маънавий ҳаёт таянчи бўлган илм-фан, санъат ва маданият, касб-хунар аҳлига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижоди, изланишлари, муаммо ва уй-ташвишларидан бохабар бўлиб яшаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва янада бойитиш, халқ маънавиятини юксалтириш давлатимиз раҳбари фаолиятида доимо энг муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда.

Ана шу мавзудаги кўплаб хат ва ёзишмалар ичидан саралаб олинган ушбу мактуб ва дил изҳорлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Ассалому алайкум, азиз Президентимиз!

Аввало, биз – жанговар санъаткор аёлларнинг қалбимиз тўла миннатдорлик туйғуларимизни қабул этгайсиз. Кўнгил – нозик дейдилар, айниқса, аёллар кўнгли. Шунинг учун Сиз кўрсатган ва кўрсатаётган марҳаматингиз бизларнинг ўқсик кўнгилларимизни тоғдай юксалтириб юборди.

Биз теран англаб турибмизки, Сиз кечаю кундуз тиним билмай, орому ҳузурдан кечиб, халқимизни, жумҳуриятимизни осойишталик, тинчлик йўлидан бошлаб бораяпсиз. Бу – безовтаю бесаранжом дунё ичида ташқи ва ички сиёсатни маҳорат билан уйғунлаштириб бошқариш деган гап. У эса раҳбардан катта матонат, мардлик, доноликни талаб этади.

Ана шундай долзарб бир пайтда ҳарбий-ватанпарварлик бадийи дастамиздан ҳам эътиборингизни дариғ тутмаганингиз бизни жуда қувонтириб юборди. Дарҳақиқат, биз ўзбекистонлик санъаткорлар Иккинчи жаҳон уруши йиллари бригадаларга

бўлиниб, кўнгилли равишда фронтга жўнаган эдик. Мақсадимиз концерт дастурларимиз билан жангчиларимизга куч-қувват бағишлаб, фашист босқинчилари устидан тезроқ ғалаба қозонилишига ҳисса қўшиш эди. Мен бош бўлган 17 кишилиқ гуруҳ ўзбек аёллари, қизларидан таркиб топган эди. Улар орасида ҳали ота-онасининг меҳрига тўйиб улгурмаган, ёшликнинг гаштини сура олмаган 13-14 яшар қизалоқлар ҳам бор эди. Биз уруш давомида беш марта сафарга чиқиб, фронтда жами 1200 та концерт қўйдик. Бир ярим йил жангу жадалларда аскарлар билан бирга бўлдик. Бу, шубҳасиз, гуруҳимиздаги хотин-қизларнинг жасорат намунаси эди. Ҳаракатдаги армияда бўлганлигимиз тўғрисидаги ҳужжатлар шундан далолат бериб турибди.

Ижодий дастамиз урушдан кейинги тинчлик даврида ва шу кунларда ҳам фаолиятини сусайтиргани йўқ. Аммо унга бўлган эътибор пасайиб қолган эди. Бизларни ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сафига қўшишларини сўраб аввалги раҳбарларга бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин самарасиз бўлди. Ҳатто М.С.Горбачевга ва МДХ қўшинларининг ҳозирги Бош қўмондони Е. И. Шапошниковга ҳам дардимизни баён этдик. Натижа бўлмади.

Худога минг қатла шукурки, республикамиз мустақил бўлгач, Сизнинг ёрдамингиз туфайли мақсадга эришдик. Бадиий дастамиздан 13 кишига ана шундай гувоҳномалар топширилди. Даста қатнашчилари кадр-қимматлари ўрнига қўйилганидан чексиз миннатдор бўлдилар. Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан дастамизнинг барча санъаткорлари «Мустақиллик» нишонига сазовор бўлганидан бошимиз кўкка етди. Бу биз, кекса ва жанговар санъаткорларга билдирилган юксак ишонч ва ҳурмат белгисидир.

Ҳозир республикамиз машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтмоқда. Бу йўл ҳаммамиздан бирлики, ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва меҳнат қилишни тақозо

этади. Иншооллох, шу ишлар яхши боряпти. Бизнинг кўпмтарона санъатимиз ҳам шу улўғ йўлда сафарбар эканини Сизга яна бир бор изҳор этишдан бахтиёрмиз.

Муҳтарам Президентимиз! Биз, Зебо Ғаниева номидаги ҳарбий-ватанпарварлик бадиий дастаси санъаткорлари, Сизни ишонтириб айтамызки, жумҳуриятимиз армиясини шакллантириш, сарҳадларимизнинг содиқ соқчилари бўлмиш ажойиб фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек улўғ ишга бундан буён ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаверамиз. Илоё умрингиз узок, йўлингиз равшан, бахту толе ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Гавҳар Раҳимова,

Зебо Ғаниева номидаги бадиий даста раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

(«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 5 декабрь)

Насабимни сўрасангиз, мен ўзбекнинг қизиман,
Ўзбекистон – осмоним, мен битта юлдузиман.
Муҳаммад пайғамбарнинг умматиман, билсангиз,
Ўзимни ўзбек дейман, агар қабул қилсангиз.

Муҳтарам Президентим!

Мени «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаб, менинг ўзбек миллатига мансуб эканлигимни яна бир бор тасдиқладингиз. Бунинг учун шахсан Сиздан ва меҳрибон халқимдан умримнинг охиригача миннатдорман!

Кексаликда бахт топган бахтиёр бир аёлман,
Керак бўлса, сизлар учун жон бермоққа тайёрман!
Оллоҳ берган омонатни ажал келса, бергайман,
Икки дунё, азизлар, мен ўзбекни дегайман!

Кучим етгунча халқнинг хизматида бўлдим мен,
Юздан зиёд шогирдларга устоз – она бўлдим мен.

**Ўтмиш йил тиним билмай санъат-саодат учун,
жонимни фидо қилдим, ўзбеки одат учун.**

Ҳаётим давомида бир қанча унвону мукофотларга сазовор бўлдим, минг бора шукур қиламан. Аммо менинг ҳаётимда ҳозиргидек ҳаяжонли, ажойиб дақиқалар ҳеч қачон бўлмаган. Фурсатдан фойдаланиб, яхши бир ният билан Сизни ва халқимизни дуо қилмоқчиман.

Илоҳо омин! Азиз юртимиз ва кўпмиллионли ёш ўғил-қизларимизнинг отаси бўлмиш, жаҳонга ибратли Президентимиз Исломжон Каримовнинг умрлари узоқ бўлсин, қилаётган ҳамма ишларига Оллоҳ ривож берсин, юртимизга асло кўз тегмасин!

Меҳрибон халқим, саховатли ўзбегим менга берган нон-тузига рози бўлсин!

Камоли эҳтиром ила

Гавҳар Раҳимова,
Ўзбекистон халқ артисти

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 26 октябрь)

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мақоламга эътибор берганингиз учун самимий миннатдорман. Ўзбекистон тўғрисидаги бошқа кўп мақолаларим каби бу материал ҳам шу ажойиб республика ва унинг қалби очик одамларига қайтараётган қарзимдир.

Мен ўзбек халқининг маданиятини, кўзларга ёш келтирадиган халқ мусиқасини гоят ҳурмат қиламан, ўзбек аёлларини севаман.

Бундай мафтункор ва мунис аёлларни ҳеч қаерда учратмаганман, чунки улар ҳаётнинг асосий мазмунини оналик бахтида кўрадилар. Республикангизда ҳамма нарса мен учун азиз, чунки мен шу ерда туғилиб ўсганман. Очиғини айтаман: менинг бутун ижодий ҳаётим республиканинг, ундаги одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялашга бағишланган. Совет хотин-қизлар комитетида мен кўп болали оналарни ҳимоя қилар эдим. Эски ғишт заводларидаги олов пуркаб турган печлар олдида шафқатсизлик билан ишлатилаётган ўзбек йигитлари – аскарларнинг ёнини олиб, судлашишга тайёр эдим.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ота-онам қариганда Ўзбекистонда хотиржам яшаётгани учун сизга катта раҳмат. Татаристондаги қариндошларим масъул лавозимларда — Республика Олий Кенгашида ишлашади, акаларимдан бири эса Татаристон Миллий Мажлисининг раиси. Улар кўп мартаб таклиф этишганига қарамай, ота-онам Ўзбекистондан ташқарида яшашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Одамларга эътиборингиз учун, катта куч ва ғайрат сарфлаш, тунларни бедор ўтказиш эвазига республикада барқарор вазиятни вужудга келтира олган

Етмиш йил тиним билмай санъат-саодат учун,
Жонимни фидо қилдим, ўзбеки одат учун.

Ҳаётим давомида бир қанча унвону мукофотларга сазовор бўлдим, минг бора шукур қиламан. Аммо менинг ҳаётимда ҳозиргидек ҳаяжонли, ажойиб дақиқалар ҳеч қачон бўлмаган. Фурсатдан фойдаланиб, яхши бир ният билан Сизни ва халқимизни дуо қилмоқчиман.

Илоҳо омин! Азиз юртимиз ва кўпмиллионли ёш ўғил-қизларимизнинг отаси бўлмиш, жаҳонга ибратли Президентимиз Исламжон Каримовнинг умрлари узоқ бўлсин, қилаётган ҳамма ишларига Оллоҳ ривож берсин, юртимизга асло кўз тегмасин!

Меҳрибон халқим, саховатли ўзбегим менга берган нон-тузига рози бўлсин!

Камоли эҳтиром ила

Гавҳар Раҳимова,
Ўзбекистон халқ артисти

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 26 октябрь)

Ҳурматли Ислам Абдуганиевич!

Мақоламга эътибор берганингиз учун самимий миннатдорман. Ўзбекистон тўғрисидаги бошқа кўп мақолаларим каби бу материал ҳам шу ажойиб республика ва унинг қалби очик одамларига қайтараётган қарзимдир.

Мен ўзбек халқининг маданиятини, кўзларга ёш келтирадиган халқ мусиқасини гоёат ҳурмат қиламан, ўзбек аёлларини севаман.

Бундай мафтункор ва мунис аёлларни ҳеч қаерда учратмаганман, чунки улар ҳаётнинг асосий мазмунини оналик бахтида кўрадилар. Республикангизда ҳамма нарса мен учун азиз, чунки мен шу ерда туғилиб ўсганман. Очигини айтаман: менинг бутун ижодий ҳаётим республиканинг, ундаги одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялашга бағишланган. Совет хотин-қизлар комитетида мен кўп болали оналарни ҳимоя қилар эдим. Эски гишт заводларидаги олов пуркаб турган печлар олдида шафқатсизлик билан ишлатилаётган ўзбек йигитлари – аскарларнинг ёнини олиб, судлашишга тайёр эдим.

Ҳурматли Ислам Абдуганиевич!

Ота-онам қариганда Ўзбекистонда хотиржам яшаётгани учун сизга катта раҳмат. Татаристондаги қариндошларим масъул лавозимларда — Республика Олий Кенгашида ишлашади, акаларимдан бири эса Татаристон Миллий Мажлисининг раиси. Улар кўп мартаб таклиф этишганига қарамай, ота-онам Ўзбекистондан ташқарида яшашни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Одамларга эътиборингиз учун, катта куч ва ғайрат сарфлаш, тунларни бедор ўтказиш эвазига республикада барқарор вазиятни вужудга келтира олган

нингиз учун Сизга яна бир марта раҳмат айтаман. Саудия Арабистонининг Россиядаги элчиси билан суҳбат чоғида у Ўзбекистон Президентини инсонийлиги ва амалиётчилиги учун жуда хурмат қиламан, деганида ҳақ эди.

Сизга ва оилангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Хурмат билан

Гавҳар Ниёзовна Билялитдинова,
журналист,
Москва шаҳри

(«Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 8 август)

Ўзбекистон халқ рассоми Маҳмуд Усмоновга

Қадрли Маҳмуд ота!

Сиз қадимий ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб тури – ганч ўймакорлиги соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келяпсиз. Сизнинг бетакрор маҳоратингиз жумҳуриятимизда савлат тўкиб турган ўнлаб мустаҳкам қошоналарга афсонавий ҳусн бағишлаб турибди. Уларда халқимизнинг буюк ижодий қудрати, истеъдоди барқ уради.

Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ҳунарини дариғ тутмай, ёшларга беминнат ўргатиб келаётган саховатли қалб эгаси, халқ эъзозлаган устасиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларингиз Сизнинг эзгу ишларингизни давом эттириб, ўзбек ганчкорлик мактабини бойитмоқдалар.

Сизнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз ҳамиша юксак тақдирланиб келинди. Давлат мукофотларининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми деган фахрий унвонларга эгасиз.

Қадрли Маҳмуд ота!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодида ҳамиша ибратдир.

Сизни муборак ёшингиз билан самимий қутлайман! Сизга сиҳат-саломатлик, фароғатли умр тилайман. Бахтли мўйсафидлик гаштини суринг, омон бўлинг!

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(«Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 21 январь)

**Ўзбекистон халқ шоири
Зулфияхонимга**

Сизни, ўз элига ҳам, ўзга элларга ҳам бирдай азиз шоирамизни асл донишмандлик фасли – муборак 80 ёшингиз билан самимий табриклайман.

Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз – Шарқ аёлининг ақлу закоти, фазлу камолидан ноёб нишондир.

Мухтарама Зулфияхоним!

Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳаммининг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади.

Сиз Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъодлар бахраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбоби-

нинг таваллуд куни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуг сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётган миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир.

Шундай эзгу лаҳзаларда сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуғ халқимизнинг сеvimли шоирасига, муҳаббат ва ҳаёт куйчисига мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи доимо ёр бўлсин!

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 30 май)

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Таваллуд куним муносабати билан йўллаган унутилмас табрикномангиз учун Сизга чин дилдан ташаккур изҳор этаман.

Шарқнинг фозила аёллари қаторида менинг исимни ҳам тилга олиб айтган сўзларингизни ижодимга берилган гоят юксак баҳо деб қабул қиламан.

Мен жуда бахтлиман. Халқим билан бирга асрий орзумиз бўлган буюк истиқлолни кўриш саодатига мушарраф бўлдим.

Сизнинг «армонлардан тирик орзулар яратган» бардош ҳақида айтган сўзларингиз энг оғир кунларимда менга мадад бўлган буюк халқимнинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини ўзида мужассам этгандир.

Зеро, айрилиғу саодат ҳам, садоқату матонат ҳам азиғу муътабар момоларимиздан бизга меросдир.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Халқимиз ўз кадр қаддини тиклаётган, тарихий воқеаларга бой бугунги ҳаётимизда Сизнинг фидойи раҳнамолигингиз алоҳида ҳурмат ва эътирофга моликдир.

Маълумки, тарихий бурилиш босқичида халқ

тақдирини яхшиликка йўналтирувчи улуг йўлбошчилар иши – ҳал қилувчи қудратдир.

Бугун ён қўшним – жон қўшним Тожикистонда биродарқушлик давом этяпти. Озор элида, Гуржистонда – нотинчлик, Чеченистон уруш асоратларидан яқин йилларда фориг бўла олармикин? Ана шуларни ўйлаганимда она тупроғим – Ўзбекистондаги осойишталик учун шукроналар айтаман. Ана шундай мураккаб даврда юртимизда фақат тинчлик, осойишталикни таъминлабгина қолмай, халқнинг маданиятини ўстиришга алоҳида эътибор берилаётганига шукроналар айтаман.

Улуг ёшга етганимдаги ҳаётий хулосам шуки, фақат аҳилликига мамлакатни обод этади, халқни кенг тараққиёт йўллариغا олиб чиқади. Биз, барча касб эгалари, хусусан, адиблару санъаткорлар қўлни-қўлга бериб, ҳар қандай майда-чуйда эҳтиросу адоватлардан воз кечиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек буюк мақсад йўлида фидойи бўлиб, меҳнату ижод этишимиз керак.

Шундай юксак ҳурмат, ишонч ва эъзоз учун Сизга яна бир бор таъзим бажо келтираман.

Илоҳим, Сиз тутган йўл, биз ишонган йўл, Ўзбекистон йўли ҳамиша оқ, чароғон бўлсин!

Сизга самимий ҳурмат ила

Зулфия

(«Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 10 июнь)

*Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!
Муқтарам Президент Абдуғани ўғли Ислоҳ Каримов!*

Мен 87 ёшга кирган, республикаимиз меъморчилигида баҳоли қудрат меҳнат қилган ҳунарманд Сайидахмад Маҳмудов ҳаётим давомида кўплаб раҳматлар эшитдим, турли мукофотларга, унвонларга сазовор бўлдим. Бола-чақаларим, неварачевараларим билан яхши ҳаёт кечириб келмоқдаман. Нимага эришган бўлсам, ҳалол меҳнат ва инсоф-иймон, диёнат туфайли эришдим.

Сизнинг бошчилигингизда Ўзбекистон мустақилликка эришгач янги куч-қувват билан миллий санъатимизнинг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдаман. Албатта, 87 ёш инсон учун кичик ёш эмас, шу туфайли кейинги вақтларда кўриш, эшитиш қобилиятим бирмунча сусайган эди.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизда Кўқон ўрдасини таъмирлашда мени, фарзандларимни ва шогирдларимни арзимас хайрли ишини ибрат сифатида кўрсатганингиз менга ҳар қандай дори-дармондан кучли таъсир қилди, мен ёшаргандек бўлдим, кўриш ва эшитиш қобилиятим анча яхшиланди, ғайратим жўшди. Сизнинг мактовингизни мен аввал олган ҳамма мукофот ва унвонларимдан юқори ҳисобладим.

Шунинг учун мен Сизга ушбу раҳматномани йўлламоқдаман. Ишонаманки, Сиздек кишиларнинг эзгу меҳнатларини қадрига етадиган раҳбар билан мамлакатимиз равнақ топажак.

Сизга Оллоҳдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қолувчи

наққош Сайидахмад Маҳмудов

(«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 26 февраль)

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мустақиллик байрами арафасида биз – қариялар Самарқанд, Ғиждувон ва Бухорони, бу қадим шаҳарлардаги обида ва азиз жойларни яна бир бор зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. Олти йил олдин зиёратга борганимизда шу жойларни бир аҳволда кўриб, ўқиб қайтган эдик. Шундай улуғ қадамжолар қаровсиз ётган эди. Бу йил зиёратга борганимизда бу ердаги ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолдик. Қилинган ишлардан беҳад суюндик. Бу савоб ишларда Сизнинг бел боғлаб қилган хизматларингиз самараси кўриниб турибди. Амир Темур бобомизнинг макбарасига кириб, тиловати Қуръондан сўнг дуои фотиҳа қилдик. Соҳибқирон бобомизнинг макбаралари шу қадар чиройли таъмирланганки, кўрган инсоннинг ақли шошади: муқаддас оятлар тилло суви билан битиб қўйилган. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд макбаралари асл ҳолига қайтарилгани, кўркам зиёратгоҳга айлангани ҳам ҳар бир мўмин-мусулмонни беадад хушнуд этади. Бу истиқлол шарофати, Сизнинг хизматингиздир. Бунинг учун минг марта раҳмат!

Сиз ўтган азиятларни иззат қилибсиз, Сизни Оллоҳ таоло қўллаб-қувватласин!

Чирчиқ шаҳрининг 8, 9, 10-мавзёлари оқсоқоллари:

Абдуманноп Ҳамидов, Қодиркул Султонкулов, Ҳамидулло қори Муҳаммаджонов, Аминжон Жуманов, Ҳамидулло ҳожи Расулов, Турсунмат Ашуров, Буватой Расулов, Йўлдош Абдуқодиров, Тўра Турғунов, Сайфулло Турисметов, Ихматжон Назиров, Маҳаммад қори Жўраев.

(«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 29 август)

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг ижодкор зиёлилар туғрисидаги улкан ғамхўрлигингизни биз доимо сезиб турибмиз. Ўзбекистон академик рус драма театрининг янги муҳташам биноси бу ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Театрнинг асосий вазифаси маънавиятни ривожлантириш, кенг халқ оммасини жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд этишдир. Бизнинг ижодий жамоамиз мана шу юксак вазифани бажариш учун барча имконият – жаҳон андозаларига мос келувчи ажойиб техника билан жиҳозланган сахна, театр устахонаси ва ёрдамчи хоналар, санъат ихлосмандлари учун ажойиб залга эга бўлди. Мамлакатда маънавиятни юксалтиришга, жумладан, театр санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилётгани бизни ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашга, шу саҳий заминда яшаётган барча миллат ва элатлар тинчлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида янги ижодий муваффақиятларга илҳомлантиради.

Сизни ишонтириб айтамизки, биз театримизга хос бўлган шонли анъаналарни бундан буён давом эттириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, ўз маҳоратимиз ва истеъдодимиз билан жонажон Ўзбекистоннинг мустақил фикрлайдиган, юксак ахлоқли ва маънавий жиҳатдан бой эркин фуқаросини тарбиялаб камол топтиришга ҳар томонлама қўмаклашавемиз.

Ўзбекистон академик рус драма театри жамоаси

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 10 февраль)

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизнинг қимматли вақтингизни олишдан хижолатда бўлсам-да, Сизга мактуб билан мурожаат қилмасликнинг имкони бўлмади. Сўнгги кунларда мен бениҳоя тўлқинланиб, ажойиб ҳисларга, ёрқин ҳаяжонларга тўлиб яшамокдаман, яшайпман эмас, гўё юртимиз кўкида юксак-юксакларга парвоз қилиб юргандайман. Менинг 70 ёшга киришим муносабати билан матбуотда мақолалар эълон қилинди, радио ва телевидение махсус кўрсатув ва эшиттиришлар уюштирди. 23 март куни эса жуда катта хушxabардан бошим осмонга етди – Сиз мени Ватанимизнинг энг нуфузли мукофотларидан бири бўлмиш «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаш ҳақидаги фармонга имзо чекибсиз. Бир неча кун ўтиб уйимизга мен учун гоётада кадрли совғаларингиз етиб келди. Ниҳоят, Ҳамза театрида катта издиҳом бўлиб, унда элу юрт кўз ўнгиде менга олий мукофот топширилди.

Етмишга кирган одамнинг ўзини бахтиёр ҳис этмоғи учун яна нима керак? Афсуски, мен анча-мунча оғир дардга чалиниб қолганман, бироқ бу эътибору ардоқлар, ҳурмату иззатлар дардимни бирмунча аритгандай, умримга умр қўшилгандай бўлди.

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Мен яхши биламан – менга кўрсатилган эъзоз ва эътиборнинг асосий сабабчиси – Сиз. Бунинг учун ўзим ва оиламиз номидан чексиз миннатдорчилигини қабул қилғайсиз.

Мен Сизни ўн йилдан бери шахсан таниш бахтига мушаррафман. Шу йиллар давомида неча марта лаб меҳр-мурувватингиздан баҳраманд бўлдим, эъзоз-эътиборингиздан бошим осмонга етди. Мен кўп ўйладим – мен юртимизнинг оддий бир заҳматкаш зиёлисиман, нима сифатларим борки ёки қандай ишни дўндириб қўйибманки, Юртбошимизнинг бун-

дай юксак эътиборига сазовор бўлдим? Кейин амин бўлдим – буларнинг бари Сизнинг элу юртимизга, халқимизга муҳаббатингиздан бир нишона экан. Ахир, Сизнинг мурувватингиздан баҳраманд бўлган бир менми? Сиз юзлаб оддий одамларга мактублар йўллайсиз, совғалар юборасиз, турли саналар билан муборакбод қиласиз. Булар оддий одамлар учун бениҳоя қудратли мададдир, бир умрга уларнинг кўнглини тоғдай кўтарадиган эҳсондир.

Бағрикенглик, саховатпешалик, фуқаронинг пешонасини силаш, унга куч-қувват ва қанот бағишлаш фақат улуг юртбошиларга хос фазилатдир.

Сизни билган йилларимда Сиз кўз ўнгимда йирик давлат арбоби сифатида ҳам янги қирраларингиз билан намоён бўлдингиз. Сиз мустақиллигимизнинг меъморисиз. Мустақиллик туйғули юртимиз дадил ўсиш йўлига қадам қўйди, юртимиз билан бирга эса Сиз ҳам олий иқтидорли сиёсатчи, доно юртбоши сифатида улғайдингиз ва камолотга етдингиз.

Афсуски, қисқа мактубда Сизнинг ҳамма фазилатларингизни санаб чиқиш қийин. Лекин бир сифатингизни айтмай иложи йўқ – Сиз бағрикенг, серсаховат бўлишингиз билан бирга жуда довурак, жуда матонатли инсон ҳам экансиз. Ахир, қайси Президент ўзига суиқасд қилинган жойга ярим соат ўтмай етиб бориб, ўша ерда аҳволни таҳлил қила олади ёхуд ўша кўннинг ўзида мажлис ўтказа олади?

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Айтай десам гапим кўп, лекин шундоқ ҳам мактуб чўзилиб кетди. Яна бир қарра Сизга чексиз миннатдорлигимни изҳор қиламан. Юртимиз бахтига, биз – зиёлилар бахтига ҳамиша омон бўлинг, бақувват эътиқод ва юксак қатъият билан жонажон Ўзбекистонимизни буюк келажак сари бошлайверинг!

Озод Шарафиддинов

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 22 апрель)

МЕХР НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Ширин сўздан, майин табассумдан, бир-биримизга ҳурмат-эътибордан...

Юртимизда 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. Лекин бу бизнинг юртимизда меҳр-мурувват энг қимматли инсоний фазилат сифатида фақат бу йилдан бошлаб қадрлана бошланди, деган маънони билдирмайди.

Ислом Абдуғаниевич мустақиллик йўлига ўтганимиздан бери ўз фаолиятида узлуксиз равишда меҳр-муҳаббат, яхшилик масалаларига эътибор бериб келаяпти. Жамиятнинг маънавий юксалишини таъминлаш, одамлар ўртасида асрлар давомида шаклланиб келган қадриятларни қайта ўрнига қўйиш, чинакам инсоний муносабатларни тиклаш масалаларига эътибор бериб келмоқда. Шуниси муҳимки, Президент одамларни ана шу олижаноб ва юсак фазилатлар эгаси бўлишга даъват қилиш билан чекланиб қолаётгани йўқ, балки амалда ўз фаолияти давомида меҳр-мурувватли бўлиш, саховатпешалик қилиш, ғарибу бечораларга, мискину муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш бобида ўрнатилган курсатиб келмоқда. Болалар ва оналар саломатлигини уйлаш, бутун мамлакат болаларини «Менинг болаларим» дея бағрига босиш, улар ўқийдиган билим даргоҳларида шароитларни яхшилаб бериш, 800 дан ортиқ янги лицей ва коллежлар қуриш, ҳар бир шаҳарда, туманларда спорт иншоотлари барпо этиш...

Буларнинг ҳаммаси 15 йил ичида изчиллик билан амалга оширилаётган нарсалар. Яна айтиш мумкин – кўплаб меҳнаткаш одамлар Президентнинг илиқ сўзларига, далдаларига сазовор бўлди, қанчадан-қанча янги оила қураётган ёшлар ёхуд табаррук ёшларини нишонлаётган кексалар Президент совғалари-

ни олиш бахтига эришди. Бундан ташқари, Президент ҳаммани ҳар кун, ҳар доим савоб иш қилишга даъват этишдан чарчамайди. Президентнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлган фуқаролар қаторида мен ҳам борлигимдан фахрланаман.

Мана, ўн беш йилдирки, мен Юртбошимизнинг илтифоти ва ғамхўрлигидан куч олиб келяпман. Бу тўғрида авваллари ҳам мамнуният билан ёзган эдим. Бу гал у кишининг яна бир янги илтифотлари ҳақида гапириб бермоқчиман. Бироқ бундан мақсад мақта-ниш эмас, Юртбошимизнинг назарида эканимни билдириб, керилиш эмас. Мен яқинда бир китобда ўқиб қолдим – қадимги донишмандлардан бири айтиб кетган экан: «Агар биров сенга яхшилик қилган бўлса, у ичингда қолиб кетмасин. У одам тўғрисида ёз, агар ёзиш қўлингдан келмаса ҳаммага гапириб бер, токи яхшилик уруғлари яхши заминга тушса, кўпаяди».

Хуллас, бу йил ёзда ҳам бетоблигим кучайиб, иккинчи оёғимни ҳам операция қилишга тўғри келди. Операцияни ТошМИдаги эски қадрдоним, қўли енгил истеъдодли жарроҳ Октябрь Тешаев қилди. Шундоқ бўлса-да, операция – операция-да, юрагим қаттиқ пўкиллаб турди. Шу дамларда таниқли шифокор Вячеслав Вержанович Аваков ҳам ёрдамга келди. Жуда хушмуомала, гаплари, муомаласи ипакдек майин, юзидан нур ёғилиб турган бу одам уч кун давомида тепамдан кетгани йўқ, у ҳатто операция хонасига кириб жарроҳларга кўмаклашиб турди. Операция туғашига яқин, беҳуш ётган бўлсам-да, у кишининг «Озод, кўзингизни очинг, очинг кўзингизни», деганини аниқ эшитдим. Лекин жавоб беролмадим. Кўзимни очишга уриндим, бироқ бунинг ҳам иложи бўлмади. Беҳуш бўлсам-да, у кишининг гапидан анча далда олганимни ҳис қилдим.

Аваков ТошМИда реабилитация бўлимини бошқарар экан. Операциядан кейин ётишим учун менга махсус бир хона тайёрлатиб ҳам қўйибди. Лекин мен у кишига миннатдорчилик билдириб, ётган палатам-

га боришга ижозат сўрадим. Вячеслав Вервандович шундан кейин ҳам икки-уч кун палатага келиб, вақти тақозо қилса, бир неча фурсат суҳбатлашиб ўтирарди. Суҳбатлардан бирида маълум бўлдики, у бинойидек шеър ҳам ёзар экан, бироқ уни яқинларидан бошқаларга кўрсатмас экан. Шеърлари анча лишиқ ва самимий эди. Хуллас, менинг шифо топишимда Аваковнинг далдаси ҳам катта бўлди.

Шифохонадан чиқиб, уйда ўн-ўн беш кун ётганимдан кейин, бир куни кўнғироқ қилиб Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов кириб келди. Президентнинг топшириғи билан келибди. Ўртбошимиз ундан бошқа ишлар қатори менинг саломатлигимни ҳам суриштирибди ва «Домлага менинг саломимни ва совғамни етказинг», дебди.

Шундай қилиб, менга жуда ажойиб бир зар чопон билан қимматбаҳо эсдалик совғаси топширилди. Совға қутчаси ичида Президентнинг ташрифномаси ҳам бор эди...

Бундай эътибордан одамнинг кўнгли тоғдек қутарилмаслиги, майда-чуйда нохушликларни унутиб юбормаслиги мумкинми? Биз бутун оиламиз билан хурсанд бўлдик ва Хайриддин орқали Президентга миннатдорчилик сўзларини йўлладик. Гап орасида Хайриддин ҳозир соғлигим қандай эканини сўради. Мен кўзим хира тортиб қолганини айтиб бир оз шикоят қилган бўлдим. Эртасига у Президент ҳузурига кириб, мени бориб кўрганини айтибди. Гап орасида менинг кўзимдан зорланганимни ҳам айтибди. Шунда Президент «Бизга у кишининг соғлиғи керак. Дарҳол керакли врачларни жалб қилинглар», дея топшириқ берибди. Эртаси куни Москвадан, машҳур Федоров кўз клиникасидан Жавот Магаррамов деган бир профессор келди, у кунбўйи мен билан бирга юриб, кўзимни ҳар хил аппаратларга солиб, ташхисни белгилади ва операция қилиб, катарактани олиб ташлаш кераклигини айтди...

Ана шунақа одамгарчилиги зўр, ҳаммага ғамхўр, имкони бўлса, Ўзбекистон фуқароларининг ҳаммасини чиндан ҳам бағрига босишга тайёр Президентимиз бор. Бундай Ўртбоши билан фахрланмаслик мумкин эмас.

Мен кейинчалик бир масала устида узоқ ўйладим – хўш, Президент ўз фуқароларига шунчалик ғамхўрлик қилаётган экан, ҳатто бутун бир йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиб, уни амалга ошириш учун катта дастур ҳам қабул қилган экан, буни нима мақсадда қилаётир? Халқ ўртасида ўзининг обрў-эътиборини оширмоқ учун қилмаётганмикан? Шундай дедиму дарҳол бу фикримдан қайтдим. Негаки, у киши бу йўл билан топиладиган обрўга муҳтож эмас. Унинг олижаноблиги, инсонпарварлиги аллақачон бутун дунёга машҳур бўлиб кетган. Ўзим ҳам юзлаб-минглаб қарияларнинг дуога қўл очиб, Президентга яхши тилаклар тилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Гап шундаки, Президентимиз меҳр-мурувватнинг нималигини яхши билади. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, азиз ўқувчим, инсоният қачондан бери меҳр-мурувватни, олижанобликни, шафқат ва қарамни, яхшилик ва муҳаббатни улуғлаб келади. Билмадим, ўн минг йилдан берими ёки бундан кўпроқми? Ҳарҳолда, дунёдаги ҳамма етакчи динлар – яҳудий дини ҳам, буддавийлик ҳам, христианлик ҳам, мусулмон дини ҳам, худди келишиб олгандек, инсонни қомилликка ундайди ва қомилликнинг энг муҳим, энг зарурий белгиси деб меҳр-мурувват ва яхшиликни билади.

Меҳр деганлари кўп ажойиб нарса – меҳрни улашган билан у одамда тўғаб қолмайди. Аксинча, ҳатто арзимаган бир яхшилик қилган одам ҳам руҳи алла-нечук ёнғил тортганини, табиатидаги яхши сифатлар кучайганини ҳис қилади.

Тибетлик ламаларнинг аниқлашича, инсон табиатидаги яхшиликка интилиш билан агрессивлик, тажовузкорлик тамойили ўртасида боғланиш бор экан,

одам қанчалик кўп меҳр-мурувватли бўлса, одамларга қанчалик кўп яхшилиқ қилса, савоб ишларни амалга оширса, ундаги тажовузкорлик майли шунча сусяр экан. Бу эса умуман, одамлар, қавмлар, халқлар ва ирқлар ўртасида аҳиллик ва тотувликни қучайтиришга олиб келади, ҳар хил низолар, шу тариқа қонли урушлар камаяди, дунёни нафрат эмас, яхшилиқ бошқара бошлайди.

Баъзан ўйлаб қоламан – эҳтимол, Юртбошимиз тибетликларнинг бу назариясидан хабардордир, эҳтимол, у меҳр-мурувватни кенг ёйиб, яхшилиқ байроғини баланд кўтариб, бугунги дунёни турли тажовузкорликлардан, қонли можаролардан қутқармоқчидир. Нақадар олижаноб гоё! Ҳарҳолда, бунга ишонса бўлади, чунки мана, собиқ шўро тизимидаги республикаларнинг янги тузумга ўтиши кўпинча оғир кечди.

Бизда эса, Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, осмонимизда қуёш чарақлаб чиқиб турибди, ҳаётимиз қийин кечаётган бўлса-да, тинч меҳнат билан бандмиз, кам-камдан бўлса-да, юртимизда келажак пойдеворини қуриб бораёмиз. Шундоқ экан, ҳаммамиз қўлни қўлга бериб, ҳамжиҳатлик билан, аҳиллик билан меҳру мурувват қонунларини амалга оширсак, қандай яхши бўларди.

Ҳозирги тинч ва осойишта кунларни ғанимат билиб, оғизда эмас, балки амалда юртимизни меҳр-мурувват юртига, ҳар бир одам ўзини бахтиёр ва шойиста ҳис этадиган ўлкага айлантирайлик. Меҳр-мурувват эса бир жуфт ширин сўздан, бир жуфт майин табассумдан, бир-биримизга ҳурмат-эътибордан бошланишини унутмайлик.

Озод Шарафиддинов,
Ўзбекистон Қаҳрамони

(«Ўзбекистон овози» газетаси, 2004 йил 30 ноябрь, 2 декабрь)

Ватан озодлиги учун жонини фидо этган азиятлар қаторида улуғ миллатпарвар шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам бор. Ўттиз саккизинчи йилда миллатчи сифатида отилган шоир истиқлолга қадар «халқ душмани» сифатида қоралаб келинди. Озодликка эришгач, шоирга ҳайкал ўрнатилди, асарлари қайта-қайта нашр этилди. У биринчилардан бўлиб, мамлакатнинг энг нуфузли мукофоти – Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти ҳамда «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди.

Шу маънода Чўлпон авлодларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўллаган миннатдорлик мактуби эътиборлидир.

Мухтарам Президент!

Биз – Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг жиян ва қариндошлари тоғамизнинг Сизнинг имзоингиз билан Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Мустақиллик» ордени билан тақдирланганидан гоё таъсирландик. Бундай ёруғ, ҳур кунлар келишини тоғамиз ва бошқа қатағон қилинган юртдошларимиз орзу қилиб, армонда кетганлар. Чўлпон «Мен ҳам севаман» шеърисида:

**Энди ҳар нафасда яна қуяман,
Факат Мажнун бўлиб элни суюман.
Унга ҳурмат билан бўйин эгаман,
Бошимни у учун дорга қўяман!.. –**

деб, ўз халқи ва она Ватани озодлиги йўлида жонини фидо қилган эди.

Мустақилликка эришганимиздан бери жонажон юртимизда Сизнинг раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингизда улкан ишлар олиб борилмоқда. Юртимизнинг тинч ва осойишталикда равнақ топаётганини кўра олмаётган ёвуз кучлар ватан хоинларини ишга

солиб, бизнинг тинчимизни бузиш учун қўпоровчилик ишларини амалга оширишга уринмоқда, лекин имонимиз комилки, улар бу қора ниятларига ҳеч қачон ета олмайди. Чўлпон айтган:

**Бу Ватанни жон билан саклашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Ким қасд этса анга кийсин пушаймондин кафан!**

Хурматли Ислон Абдуғаниевич!

Мустақиллик туфайли рўшнолик кўрган миллат шоирига ва умуман озодлик йўлида жонини фидо қилганларга кўрсатаётган чексиз эҳтиромингиз учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдирамыз.

Ўзбекистоннинг бугунги йўли ва қамолидан чўлпонларнинг тирик руҳи шод эканлигига ишонамыз.

Яна шуни ҳам маълум қиламизки, тоғамиз Чўлпон мустақилликдан кейин биринчилар қатори Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлганда волидаи муҳтарамамыз Фоика Сулаймон қизи мукофотни топшириш маросимида ўз дил сўзларини изҳор қилмоқчи бўлиб, қоғозга туширган эдилар. Фурсатдан фойдаланиб, раҳматли онамиз ўз қўллари билан битган дил изҳорларини етказишни лозим кўрдик.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан Чўлпон қариндошлари номидан

**Абдуғаниева Рафиқа Маманазар қизи,
Исҳоқова Замира Маманазар қизи.**

1999 йил 2 сентябрь



«Озод ака, сиздек инсонлардан урнак олса арзийди».



«Муҳаммадҷон, яхши шеърларингиз купайсин».



«Адабиётимиз бахтига омон булинг...»



Самимий гурунг



Рустам Қосимжонов: «Барча ютуқларга сиз
туфайли эришдим...»



«Доимо юксак мақсадларга
интилиб яшанг...»



«Иродахон қизим, ҳамиша
омадингни берсин...»



«Ўзбекистон номини бутун дунёга
тараннум этиб келаятган сиздек истеъдодли ёшларимиз
билан фахрланамиз».





Унутилмас лаҳзалар

*Бисмиллоҳир роҳманир роҳим!
Ассалому алайкум, азизлар!*

Улуғ бобомиз Ҳазрат Навоий номидаги мукофот-га сазовор бўлганлар орасида менинг акам Абдулҳамид Чўлпон ҳам борлигидан, шу ёруғ кунларга етиб келганимиздан биз – унинг қариндошлари беҳад хурсандмиз. Хусусан, кўзим тириклигида акамнинг қайтдан ҳаётга келиши қувончимга қувонч, умримга умр қўшди. Акамнинг мустақиллик, ҳуррият ва озодлик, маърифат ҳақидаги орзулари, армонлари рўёбга чиқмоқда.

Шу кунларда акамнинг она Ватанни назарда тутиб қилгувчи бир хиргойисини кўп эсладим:

**Онам, сени қутқармоқ учун жонми керакдир,
Номусми, виждон ила имонми керакдир?
Темур бобом қони тошар томиримдан
Айткин, сени қутқармоқ учун қонми керакдир?**

Бу шеър Фитратники бўлса керак...

Мухтарам Президент!

Юртимиз мустақиллиги йўлида бошлаган жуда катта, савобли, лекин машаққатли ишларингизга омад тилайман.

Илоҳо, соғ-саломат бўлинг!

Фоика Сулаймон қизи,
1991 йил, сентябрь

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 11 сентябрь)

**Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга**

Мухтарам Саид Аҳмад ака!

Сизни ҳаётингиздаги қутлуг кун — табарруқ 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равнақи-га улкан ҳисса қўшган бетакрор сўз санъаткори, заҳматкаш адиб сифатида билади ва қадрлайди. Юртимизда сеҳрли қаламингизга мансуб гўзал романлар, ранг-баранг қисса ва ҳикоялар, сахна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқчил ва теранлиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрига сазовор бўлган.

Миллатимиз руҳининг бадиий ифодаси бўлмиш «Уфқ» романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намойиш этилаётган «Келинлар кўзғолони» драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаёти-ни, унинг яқин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда аждоқларимиз кўрсатган матонат ҳақида Сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Сизнинг букилмас ирода ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари

рўёбга чиқаётган мана шу озод замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу, одам яхши ният йўлида сабру қаноат билан меҳнат қилса, албатта бахтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Қадрли Саид Аҳмад ака!

Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматида ўтаётган умрингизга умр қўшилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқоли, ёшларимизнинг меҳрибон устози бўлиб юринг.

Чексиз эҳтиром билан

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи»газетаси, 2000 йил 10 июнь)

**Ўзбекистон халқ рассоми
Раҳим Аҳмедовга**

Муҳтарам Раҳим Аҳмедович!

Ўзбек тасвирий санъатининг оқсоқоли бўлган Сиздек устоз мусаввир мўйқаламига мансуб Она сиймо-си ҳаёт абадийлигини, мушфиқ оналаримизни эъзозлаш, улар олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш ҳар биримиз учун фарз эканини доимо эслатиб, англа-тиб туради. Мунис ва меҳрибон она кўзларидаги меҳр-шафқат, теран хаёллар кишини беихтиёр ўйга толдиради.

Сизнинг шу улуғ ва табаррук ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб келаётганингиз барча ёшлари-миз учун мактаб бўлади. Ижод завқи, ижод қувончи Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Сизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Эҳтиром билан

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри,

2001 йил 16 февраль

Бухоро шаҳрида истиқомат қилаётган Тамара Кос-тина ўз мактубида Президентимизни Наврўз байра-ми билан табриклаб, унга Ўзбекистондаги барқарор-лик, тинчлик ва осойишталик учун миннатдорлик бил-диради.

Мактубда шундай сатрлар бор: «Ватанимизнинг мусавффо осмони остида кўп миллатли аҳил оила ҳаёт кечирмоқда. Бунда барча тенг ҳуқуқли ва шахс си-фатида эҳтиромга сазовор, ҳар бир киши ўзининг эзгу ниятини амалга ошириш имконига эга».

Тамара Костина табаррук ёшда эканига қарамай, ҳамон Бухоро тиббиёт институтида ишлаб келмоқда. У ўзини республикада содир бўлаётган барча исло-ҳотлар ва эзгу ўзгаришларга дахлдор деб билади.

У асосий ишидан ташқари амалий-безак санъа-тига кўнгил қўйган, рангли иплардан турли буюмлар тўқийди. Халқ ҳунармандчилиги танловлари ва кўргаз-маларида иштирок этиб келади. «Тадбиркор аёл», «Мусаввир» уюшмаларига аъзо. Унинг уй коллекция-сидан рангли иплардан тўқилган ўттизга яқин турфа гуллар ўрин олган.

Тамара Костина Ўзбекистон халқ санъатига муно-сиб улуш қўишни орзу қилади. У ўз асарларидан бирини Наврўз байрами арафасида Президентимиз-га тухфа қилди.

Юртбошимиз ўзининг Тамара Костинага ажойиб тухфаси учун самимий миннатдорлик билдирилган жавоб мактубида, жумладан, қуйидаги илиқ фикрлар-ни изҳор этди:

«Ҳаётда кўп нарсани бошидан кечирган Сиздай од-дий рус аёли Ўзбекистонни, бутун ҳаёти, меҳнати ва ижоди бағрида кечаётган Бухорои шарифни кадр-дон уйим деб аташи жуда қувонарлидир.

Гуллардан тўқилган асарларингизда Сиз саховат-

ли заминимиз гўзаллигини тараннум этасиз, уларда кўпмиллатли халқимизнинг жўшқин, яратувчилик кайфияти мужассам. Бой ҳаётий тажрибангиз, маҳоратингиз, улкан меҳнатсеварлигингизни ёш авлодга мерос қолдиришни сиз ўзингиз учун эзгу бурч деб ҳисоблайсиз. Бу мени айниқса мамнун этади.

Сизга ва яқинларингизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва бахтли умр тилайман».

Президентимизнинг мактуби ва эсдалик совғаси Т. Костинага тантанали вазиятда топширилди. Моҳир чевар, меҳнат фахрийсини ҳамкасблари ва дўстлари қизгин табриклашди.

(«Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 21 апрель)

Миллий мусиқа санъатимизнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, оҳангларни қоғозга туширишга илк бор бир неча асрлар аввал киришилган. Жумладан, Хоразмда, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз кўрсатмасига бинолан, Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган нота ёзуви асосида, уста созандалар иштирокида мусикий ва шеърый матнлар ёзилиб, «Танбур чизиги» деган ном билан китоб ҳолига келтирилган.

Ушбу китобнинг ноёб нусхаси Хоразмнинг машҳур ҳофизларидан бўлмиш Искандар Ёқуб ўғли қўлида сақланиб келади. Йиллар ўтгач, ушбу бебаҳо асар аввал унинг фарзандлари – Жуманиёз ва Оминага, сўнгра невараси Ҳофиз Оллоназаровга мерос бўлиб қолади.

Ҳофиз Оллоназаров ана шу нодир қўлёзмани Президентимизга тақдим этади. Давлатимиз раҳбари бу мусиқа дурдонасини кўз қорачигидек асраб келаётган инсонга ўз ҳурмат-эҳтироми ва миннатдорлигини билдириб мактуб йўллайди.

Ҳурматли Ҳофиз Оллоназаров!

Сизга халқимиз маънавий меросининг бекиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви – «Танбур чизиги» қўлёзмасини тақдим этганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Мана шундай бебаҳо асарни кўп йиллар давомида кўз қорачигидай асраб-авайлаб келгани учун Сизнинг ота-боболарингизга, оила аъзоларингизга мамлакатимиз мусиқа жамоатчилиги номидан, ўз номидан ташаккур айтиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман. Бу, ўз навбатида, аждодларимизнинг маърифатни, санъат ва маданиятни нечоғли юксак қадр-

лаганидан, доимо эзгуликка интилиб яшаганидан далолат беради.

Бой ва бетакрор мусиқа санъатимиз тарихининг ёдгорлиги бўлган бу нодир қўлёзма Ўзбекистон Давлат консерваториясининг мусиқа музейида сақланишини маъқул деб биламан. Бу ноёб асар миллий мусикамиз асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айти пайтда мумтоз ўзбек санъатининг барча ихлосмандлари учун фахр-ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Сизга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этар эканман, хонадонингизга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман.

Доимо соғ-саломат бўлинг.

Эҳтиром билан

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(«Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 28 май)

Чингиз Тўрақулович Айтматовга

Хурматли Чингиз Тўрақулович!

Даволаниш жараёни муваффақиятли ўтгани ва дипломатлигингиз яхшилангани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда қониқиш ва хурсандлик билан кутиб олинди.

Сиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда юксак обрў-эътибор ва катта ҳурматга эришган бўлгансиз.

Мен ўзаро мулоқотларимизни ҳамиша мамнуният билан ёдга оламан ва учрашувларимизни истиқболда давом эттириш учун кўплаб қулай имкониятлар бўлишига умидворман.

Серқирра маҳоратингизнинг Ўзбекистондаги кўпсонли мухлислари ва шахсан ўз номимдан Сизга, мухтарам Чингиз Тўрақулович, тез кунларда тўла соғайиб кетишингизни ҳамда ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга қайтишингизни чин дилдан тилайман.

Сизга юксак ҳурмат ва фаол умргузаронлик тилаклари билан

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(«Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 27 июль)

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА БОЛАЛАРИ – МЕНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМ...»

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш – давлатимиз раҳбарининг энг катта орзуси, бутун фаолиятининг маъно-мазмунини ташкил этадиган устувор масалалардан бири. Шу боис ёш авлод вакилларининг ҳеч бир ютуғи Президентимиз эътиборидан четда қолмайди. Ўз навбатида, мамлакатимиз ёшлари ҳам ҳаётнинг турли соҳаларида эришадиган улкан натижалари замирида аввало ана шу эътибор ва ғамхўрлик ифодасини кўради. Ва бунинг учун Юртбошимизга юксак эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини изҳор этишни ўзларининг бурчи, деб билади.

Буни қуйида эълон этиладиган хат ва ёзишмалар ҳам тасдиқлайди.

Ватанимиз обрўсини, шон-шўхрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Машрукович Қосимжонов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1997 йил 2 октябрдаги Фармонида мувофиқ «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланади.

Шу муносабат билан халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов Юртбошига миннатдорлик мактуби йўллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга

Ассалому алайкум!
Муҳтарам Ислон Абдуганиевич!

Мен бугун ниҳоятда хурсандман. Хурсандлигимни Сиз билан – менга илк бор ҳомийлик қилиб, оқ футиха берган азиз зот билан баҳам қуришни истадим. Қувончимнинг сабаби, аввало, Сизга берган ғўлдамни бажара олганлигимдир. Халқаро шахмат федерациясининг 68-Конгрессида менга «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвони берилганлиги ҳақида хушхабар келди.

1994 йилда биринчи марта ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлганимда, менга маҳоратингни оширгин, деб компьютер тақдим қилган эдингиз. Шунда мен спорт усталигига номзод эдим. Совғангиздан ҳаяжонга тушиб, Худо хоҳласа, «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвонини оламан, дея ваъда бергандим. Орадан уч йил ўтди. Шу давр мобайнида мен ўша компьютер ёрдамида буюк шахматчиларнинг ўйин услубларини, тажрибаларини ўрганиб, 1994 йил Венгрияда, 1995 йил Бразилияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида икки бор бронза медалини, 1996 йил Макаода 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 2-ўринни, 1997 йил Бирлашган Араб Амирликларида катта ёшлиларнинг Осиё командалар чемпионатида ғолибликни, 1996 йил Голландияда, 1997 йил Франциядаги турнирларда шерикликда 1-ўринни, 1997 йил Франциянинг Тулуза шаҳридаги гроссмейстерлар турнирида ғолибликни ва ниҳоят, шу йил қадрдон шахрим Тошкентда катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида чемпионликни қўлга киритдим.

Яна шу давр ичида Тошкент Давлат университетининг математика факультетига ўқишга кирдим. Ҳозир учинчи курсда ўқияпман. Инглиз тилини мукаммал ўрганишим ҳамда мураккаб программаларни ўзлаштиришимда Сиз тақдим этган ўша компьютер яна катта ёрдам беряпти.

Нокамтарлик бўлса-да, Сизга айтишни лозим топаманки, жаҳоннинг 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчилар ўнталиги рўйхатида менинг ҳам ўзбекча исмим ва азиз Ватаним – Ўзбекистон номлари қайд этилган. Мана энди халқаро гроссмейстерлик унвонини олдим. Бу унвонга 18 ёшгача сазовор бўлганлар жаҳон шахмат тарихида 5 киши экан.

Очиғи, мустақиллик бўлмаса мен қаерда эдим-у, халқаро турнирлар, компьютерда жаҳон шахмати сирасорларини ўрганиш қаерда эди? Ана шу имкониятни яратганингиз учун, Мустақиллиكنинг Ватанимизда абадий яшаши учун, муқаддас Ўзбекистон байроғининг жаҳоннинг энг буюк шаҳарлари узра кўтарилмоғи, мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватимни бағишлайман, деб ўзимга сўз бердим.

Сиз ҳамиша, ҳамма ерда ота-боболаримизнинг ким бўлганини ёдда тутинглар, дейсиз. Уларга муносиб авлодлар бўлишни уқтирасиз.

Қадимда шахмат санъатининг энг гуллаб-яшнаган ўлкаларидан бири бизнинг Ватанимиз бўлган. Сизнинг спортга, шу жумладан, шахмат ва шахматчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш учун курашга қаратмоқчиман.

Истардимки, мен туфайли ҳам мустақил Ўзбекистон номи дунё бўйлаб яна бир қарра жарангласин.

Сизга чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз

Рустам Қосимжонов

Р. С. Ушбу хатни Сиз совға қилган компьютерда ёздим.
(«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 3 октябрь)

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга

Қадрли Рустамжон ўғлим!

Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қўлбимдан самимий муборақбод этаман.

Сен эришган бу бекиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва гурӯр-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлиқ улкан ютуқ эканини, дунёнинг манами деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолидана бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шуқуҳли кунларга, мана шундай буюк нафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамыз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(«Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 14 июль)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов**

Ассалому алайкум, мухтарам Ислом Абдуганиевич!
Шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлишим муносабати билан менга йўллаган табригингизни катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Бундай юксак эътибор учун Сиздан жуда миннатдорман. Қанчалик фахрланаётганимни сўз билан ифодалаш қийин. Сизга бир неча йил олдин, ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман.

Мен бу ютуқни устозларимнинг меҳнати ва албатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигингиз натижаси деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас – Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шахмат тожиги мен эмас – бутун ўзбек халқи сазовор бўлди, деб ҳисоблашингизни сўрайман. Мен айнан Мустақиллик йилларида шахматчи бўлиб танилдим. Олдин ҳам айтганимдек, истиқлол бўлмаганида мен қаерда эдим-у, бундай нуфузли мусобақалар қаерда эди? Мен ушбу ғалабамни энг улуғ байрамимиз, Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман.

Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз

Рустам Қосимжонов
Триполи, Ливия, 2004 йил 14 июль
(«Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 16 июль)

**Австралия, Сидней,
бокс бўйича Олимпия чемпиони
Муҳаммадқодир Абдуллаевга**

Бутун ўзбек халқи, спортчиларимизнинг ғалабасига сидқидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда Олимпия ўйинларида қўлга киритган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 1 октябрь

– Кувончимни сўз билан айтолмайман. Президентимизнинг, халқимизнинг меҳр тафтини чуқур ҳис этдим. Табрик телеграммасини кўзларимда севинч ёшлари билан қайта-қайта ўқидим. «Баракалла, ўғлим!» – дея гурурланиб қўйган отам, менга чексиз меҳр билан боқиб турган онам, фарзандларим, ёр-биродарларим, устозларим кўз олдимда бир-бир гавдаландилар. Бизга умид кўзини тикиб турган юртодошларимни ўйладим. Улар ишончини оқлаганимдан кувондим.

Муҳаммадқодир Абдуллаев,
Олимпия чемпиони
2000 йил 4 октябрь

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони
Артур Григорьянга

Қадрли Артур!

Мен сенинг дунё аҳамиятига молик нуфузли мусобақадаги ғалабанг ҳақида эшитиб, беҳад қувондим. Ёр куррасида ўз вазни бўйича кучли боксчи унвонини қўлга киритиш – бу чинакам спорт жасорати, бу ҳақиқий улкан муваффақиятдир. Сенинг шарафингга Ватанимиз байроғининг кўтарилиши, Ўзбекистон мадҳиясининг янграгани республикамизнинг барча спорт мухлислари қатори менда ҳам юксак ғурур ва умидбахш туйғулар уйғотди.

Сен ўзингнинг ажойиб ғалабанг билан нафақат ёш мустақил давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўини баланд кўтардинг, балки ўзбек спорти шарафига шараф, шонига шон қўшдинг. Ёшларимизни жисмоний чиниқтиришда, уларни ватанпарварлик ва ўз юрти билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ғалабангнинг аҳамияти беқиёсдир. Ишончим комилки, сенинг ютуғинг қадимий ва олижаноб анъаналаримизга эга бўлган республикамиз боксининг бундан бўёнги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.

Қўлга киритилган ғалаба билан сени, қадрли Артур ҳамда Ўзбекистоннинг барча спорт жамоатчилигини чин дилдан яна бир бор табриклайман ва сенинг курашларинг жаҳон спорт майдонларида мустақил мамлакатимиз мадҳиясининг янада баланд янграшига хизмат қилади, дея ишонч билдираман.

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
(«Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 23 апрель)

Уимблдон турнирининг қизлар орасида ғолиби
Ирода Тўлагановага

Қизим Иродахон!

Теннис оламида энг нуфузли Уимблдон турнирида ғолиб бўлганинг ҳақидаги хушxabарни эшитиб, мен бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу ғалабанг барча ватиндошларимиз қалбида фахр ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни на шон-шухратини улуглаш – инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидойиликни талаб этади.

Қизим Иродахон, ишончим комилки, мамлакатимизда йилдан-йилга равнақ топаётган катта тенниснинг вакили сифатида сен жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтариб борасан.

Сенга сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман. Спортда ва ҳаётда омад ҳамisha ёр бўлсин!

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 6 июль)

Иктидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, «Умид» жамғармасининг йўлланмасини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, энг самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман. Халқимиз орзу-умидларининг қаноти, бошлаган улуғ ишларимизнинг давомчилари, менинг таянчим бўлмиш ёшларнинг яна бир катта гуруҳи жаҳоннинг маънаман деган билим даргоҳларига йўл олмоқдалар. Бунга сиз тинимсиз ва оқилона меҳнатингиз, юксак марралар сари ҳаракатингиз, янгилликка интилувчанлигингиз, олий мақсадларимиз йўлида хизматга отланганингиз орқали муяссар бўлдингиз.

Аминманки, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония каби илғор мамлакатларнинг обрўли ўқув юртларида таҳсил олиш, ўз билимларини янада чархлаш ниятида ёнаётган сиз ёшлар миллатимиз салоҳияти, заковати ва гурурини ҳар жойда ва ҳар қандай шароитда намоён қилишга қодирсизлар.

Зеро, сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб замонамизнинг энг илғор ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз рағнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил.

Билингизки, сизни Ватан кутади. Оқ сут бериб,

«Умид» ушбу умидлар билан вояга етказган ота-онангиз, ҳавас билан боқаётган ёру биродарларингиз, бир сўз билан айтганда, бутун эл-юртимизнинг интиқ бағригизга доимо очикдир. Барчангизга оқ йўл тилайман, азизларим!

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 1 август)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуганиевич Каримовга «Умид»
жамғармаси совриндорларининг
миннатдорлик мактуби**

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Мустақил Ватанимизда бевосита Сизнинг раҳна-молигингиз остида миллат келажаги бўлган ёш авлодга бекиёс ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Мана шу эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида биз – ис-тиқлол фарзандлари дунёнинг нуфузли илм маскан-ларида таълим олиш бахтига муяссар бўлдик. Яра-тилган бундай катта имконият учун аввало Сизга – ёшларнинг улкан мураббийига чуқур миннатдорлиги-мизни изҳор этамиз.

Ёш, малакали мутахассислар тайёрлаш мақса-дида шахсан Сизнинг ташаббусингиз билан «Умид» жамғармаси тузилган эди. Айни пайтда кўплаб тенг-дошларимиз ана шу жамғарма йўлланмаси билан жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида ўқиб, би-лим олишмоқда. Энди бундай юксак шараф бизга ҳам насиб этди. Бугун Ватандан олисга йўл олаёт-ган биз талабалар ўзимизни Сизнинг фарзандингиз деб биламиз. Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмай-лик, халқимизнинг буюк орзуларига, гўзал маънавия-тига содиқ бўламиз, юртимизни бутун дунёга тани-тиш, кенг имкониятларини кўрсатиш учун бутун куч-гайратимизни, билим ва маҳоратимизни сафарбар этамиз.

Ватанимиз, халқимиз, ота-оналаримиз бизга кат-та умид, юксак ишонч билан кўз тикиб турганлигини юрак-юрагимиздан ҳис қилиб турибмиз. Шунингдек,

Сизнинг зиммамизга қанчалик катта масъулият юк-ланганини яхши англаймиз.

Биз улкан маданиятга, бой маънавиятга ва жаҳон цивилизациясига жуда катта таъсир кўрсатган халқ вакилларимиз. Биз бундан фахрланамиз. Шу билан бирга, буюк аجدодларимиз шон-шухратига, бугунги Ўзбекистон обрў-эътиборига, Президентимиз ишон-чига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Биз замонавий илм-фан сирлари ва илғор техно-логияларни чуқур эгаллаб, бутун имкониятларимиз-ни жонажон юртимиз равнақи учун аямай сарфлай-миз. Айни пайтда борган жойимизда ўз истеъдоди-мизни, бой тафаккуримизни ҳамда боболаримизга қос ақлий ва маънавий салоҳиятимизни ҳам намоён этамиз. Халқимизнинг, Сизнинг, ота-онамизнинг ол-дидаги фарзандлик бурчимизни шараф билан адо этамиз, деб ишонтирамиз.

Сизнинг ёшлар келажаги, бахт-саодати ҳақидаги орзу-хавасларингиз, ғояларингиз бизни доимо руҳ-лантириб туради, куч бағишлайди.

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизга озод ва хур Ватанимизнинг гуллаб-яшна-ши йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан му-ваффақиятлар тилаймиз. Халқимиз, навқирон авлод бахтига доимо соғ-саломат бўлинг, деб чексиз ҳур-мат ва фарзандлик меҳри билан

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олиш-ларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси-нинг 1998–1999 ўқув йили совриндорлари**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 1 август)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга**

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Биз, жонажон республикамиз мустақиллиги ша-рофати билан Сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонларингиз ҳамда гузал диёримиз ёшларининг илм-фаннинг барча соҳалари бўйича дунёдаги илғор мамлакатлар ёшлари билан беллаша оладиган даражада билим олишига кўрса-таётган мунтазам эътиборингиз ва ғамхўрлигингиз-ни ҳис қилиб турибмиз. Уларга жавобан меҳрибон устозларимиз ёрдамида жаҳон фан олимпиадалари-да она Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Илк қалдирғоч сифатида республикамиз мактабларининг 33 нафар тенгдош ўқувчилари биргаликда Аргенти-на, Голландия, Грузия, Польша, Чехословакия, Тур-кия давлатларида математика, физика, биология, кимё ва экология бўйича ўтказилган бир қатор олим-пиадаларда иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдик.

Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар кўрсатган ўн икки нафар 11-синф ўқувчилари Сиз-нинг Фармонингизга мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, имтиёзли қабул қилиндилар. Бошқа қат-нашчилар умумтаълим мактабларида ўқишни давом эттирмоқда.

Биз қайси мамлакатда, қайси фан бўйича мусо-бақаларда иштирок этмайлик, азиз Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаётганимизни бир лаҳза ҳам ёддан чиқармадик. Зеро, олимпиада топшириқлари-ни ечиш жараёнида қаршимизда турган гузал бай-

роғимиз ортимизда Ватанимиз шаъни борлигини доим эслатиб турди.

Юртимизда 1 октябрь куни биринчи марта умум-халқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига биз ҳам иштирок этдик. Бундай байрам билишимизча, дунёда фақат бизнинг мамла-катимиздагина ўтказилди ва у зўр кўтаринкилик ва-зиятида нишонланди. Тошкентда бўлганимизда муҳ-ташам Амир Темур музейида, санъат ва маданият қошоналарида бўлдик. Ниҳоятда гузал пойтахтимиз борлигидан фахрландик, қалбимиз гурурга тўлди.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич! Мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигингизни биз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз — бу ғамхўрлик ва яра-тилаётган шароитларга муносиб маънавий етук, маъ-рифатли, зукко ва фидойи фарзандлар бўлишга сўз берамиз.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг!

Ўзбекистон Республикасининг халқаро олимпиада-ларда иштирок этган ва ғолиб чиққан бир гуруҳ ўқув-чилари:

Файзулла Шоисматов, Шерзод Мадрахимов, Фаррух Қорабоев, Константин Строкович, Ҳаёт Ҳалимов, Шаҳриёр Тургунов, Ориф Мелибоев, Игорь Иванов, Алишер Раҳмонов, Евгений Ким, Павел Маненков, Қахрамон Аслонов, Нодирбек Хусайнов

(«Turkiston» газетаси, 1997 йил 11 октябрь)

Ўзбекистон Республикасининг биринчи бакалаврларига

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни ҳаётингиздаги унутилмас қувончли кун — мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Сиз бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қалдирғочларисиз. Халқимиз орзу қилаётган баркамол авлод вакиллари сифатида ҳар бирингиз муқаддас Ватанимизга садоқатли, эл-юртимизга фидойи фарзандлар бўлиб яшашингизга ишонаман.

Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш қийин. Аввало ота-боболаримиздан қолган маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга содиқ бўлиш, Ватанимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан, хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асраш, халқимизнинг тинч ва ошода ҳаётини ҳимоялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Мен сизларга катта ҳавас билан қарайман. Негаки, сизлар одамларимиз учун муносиб ҳаёт барпо этишга, жамиятни янгилашга қаратилган туб ислохотлар даврида яшаяпсиз. Ҳар бир инсон, айниқса ёш авлод учун Оллоҳ берган ақл-заковатини ва куч-қудратини тўла намоеън этиш учун барча йўллар ва имкониятлар очилаётган, интилиш, изланиш ва тадбиркорлик тушунчалари ҳукмрон бўлиб турган масъулиятли даврда яшаяпсиз.

Ишончингиз комил бўлсинки, олган билимларингиз, ҳаётни ўзгартириш ва яхшилаш йўлидаги жўшқин

интилишларингиз рўёбга чиқишида, Ўзбекистонимизнинг жаҳоннинг тараққий топган давлатлари қаторидан ўрин олиши йўлидаги меҳнатингизда мен сизларга ҳар доим таянч ва суянч бўлишни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Асл миллий қадриятларимизга хос ота-онага ҳурмат, оилани эъзозлаш ва мустаҳкамлаш, эл-юрт назарида эътибор қозониш каби олижаноб фазилатлар сизларга доим ёр бўлсин. Ҳар бирингизга буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиш насиб этсин.

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, чин қалбимдан табриклаб, бахту саодат, ҳаётингизда катта-катта омад ва зафарлар тилайман.

Оллоҳ сизларни ҳамиша ўз паноҳида асрасин!

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

(«Turkiston» газетаси, 1999 йил 3 июль)

Халқимизнинг сеvimли байрами — Наврӯз арафасида мамлакатимизга Япониядан ажойиб хушхабар келади. Унда Хиросимада ўтказилган Халқаро болалар асарлари танловига АҚШ, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Австралия каби давлатлар ҳамда Япониядан юборилган 6 мингдан зиёд расм орасида Ўзбекистон Бадий академияси Андижон вилоят лицейи ўқувчиси Дилфуза Матбобоева «Маҳаллада тўй» асари учун танловнинг биринчи соврини ва Хиросима шаҳри мэри Тадатоси Акибанинг Фахрий Дипломи билан тақдирлангани айтилади.

Дилфузанинг онаси Андижон вилояти Избоскан туманидаги Тўртқўл қишлоғида яшовчи Тожибар Матбобоева ўз қувончини билдириб, Президентимиз Ислом Каримовга мактуб йўллайди. У ўз хатида Дилфуза — чекка бир қишлоқдаги оддий оила фарзандининг бундай муваффақиятга эришиши буюк истиклол берган имкониятлар тўғйли эканини алоҳида таъкидлаб, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шу муносабат билан Дилфузанинг онаси Тожибар Матбобоевага табрик хати йўллайди.

Хурматли Тожибар синглим!

Аввало, қизингиз Дилфуза эришган катта ютуқ — Японияда бўлиб ўтган халқаро расмлар кўргазмасида биринчи ўринни қўлга киритгани билан сизни ва барча оила аъзоларингизни табриклайман.

Юртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган оддий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, авваламбор, ҳаётга умид ва ишонч билан қадам қўяётган, униб-усиб келаётган ёшларимизнинг қувончи,

миллий гуруримизни оширадиган, маънавий салохиятимизни намоён этадиган яна бир далил, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Менга йўллаган хатингизни ўқиб, сизнинг кўп-кўп қийинчиликлардан, ҳаёт синовларидан ўтган инсон эканингизни англадим. Лекин ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз инсонийлик фазилатларингизни сақлаб, бундай хусусиятларни фарзандларингизга, аввало, менинг набирам Дилфузага сингдирганингиз таҳсинга сазовордир.

Мамлакатимизда сиз каби ота-оналар кўпайиб бораётганини, улар сиймосида биз эртанги кунимизни, яъни болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб камол топишида фидойилик кўрсатаётган инсонларнинг ҳиссасини кўриб бениҳоя қувонамиз.

Бундай интилишлар билан яшаётган халқнинг ҳаёти албатта фаровон бўлади, бундай давлатнинг келажаги албатта буюк бўлади.

Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин. Хонадонингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака, қувонч аримасин.

Хурмат билан

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 20 март)

Бугунги кунда Ўзбекистон Қуrolли Кучларида Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўташни кўплаб ёшларимиз ўзлари учун ор-номус ва шараф деб билади. Буни миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Нодирбек Қаҳҳоровнинг Президентимизга йўллаган мактубидаги сўзлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди. У ўз мактубида Президентимизнинг: «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китобида илгари сурилган фикрлар, ғоялар ўзини тўлқинлантиргани ҳақида ёзади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, оддий аскар Нодирбек Қаҳҳоров йўллаган хатига Президентимиздан жавоб мактуби олади:

Хурматли Нодирбек ўғлим!

Менга йўллаган мактубингизда битилган содда ва самимий сўзлар замирида сизнинг она юртимиз ва халқимизга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқатингиз мужассам, деб биламан.

Бу дунёда ҳар қайси одам, айниқса, ориятли эр йигит зиммасида бир-биридан муҳим ва масъулиятли вазифалар кўп. Лекин ўз Ватанини ҳимоя қилиш — инсон учун энг муқаддас бурч десак, асло хато бўлмайди.

Биз ҳар тонг бошимиз узра мусаффо осмонни кўрганда, болаларимизнинг қувноқ кулгуларини эшитганда, оналаримиз, аёлларимиз, умуман бутун халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечираётгани ҳақида ўйлаганда, бунда аввало ана шу ҳаётнинг побони ва қалқони бўлган сиз каби Ватан ўғлонларининг бекиёс ҳиссаси борлигини англаймиз ва эътироф этамиз.

Шу маънода, бугун сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш мақсадида туну кун бедор туриб, ўзининг аскарлик бурчини шараф билан адо этаётган сиз ва сизнинг минглаб дўст-биродарларингизни ҳар қанча қадрласак, сизлар билан фахрлансак, арзийди. Мен ҳаётда кўпни кўрган бир инсон сифатида шунини айтмоқчиманки, армия сафидаги хизмат ҳар бир ёш йигитни шахс сифатида шакллантирадиган, ҳар томонлама чиниқтирадиган, унинг иродасини тоблайдиган мардлик ва жасурлик мактабидир.

Ишончим комилки, умр йўлларингизда, келгусида ҳаётда ўз ўрнингиз ва бахтингизни топишингизда, қалбингиздаги эзгу орзу-умидларнинг рўёбга чиқишида ҳали сизнинг олдингизда кўп янги имкониятлар очилади. Ва шубҳасиз, мана шу марраларга етишингизда ҳарбий хизмат сиз учун катта ҳаёт бўсағаси бўлиб қолади. Бу йўлда сизга, ўғлим, бахт ва омадлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиздек мустақил фикрлайдиган, азму-шижоатли, эл-юрт олдидаги фарзандлик масъулиятини теран ҳис этиб яшайдиган инсонни тарбиялаб, вояга етказган муҳтарам онангизга, оила аъзоларингизга, барча аскар йигитларимизнинг ота-оналарига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони
(«Turkiston» газетаси, 2003 йил 17 апрель)

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов бундан икки йил аввал Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўқув-машғулот маркази очилишида иштирок этиб, ушбу маросимда қатнашган Чирчиқ Олий танқ қўмондон-муҳандислик билим юрти курсантлари билан суҳбатлашган эди. Самимий мулоқот чоғида Юртбошимиз уларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, ҳаётдаги режалари тўғрисида ҳам оталарга хос ғамхўрлик билан сўраб-суриштирди. Ўшанда суҳбат иштирокчиларидан бири – курсант Баҳодир Жўраев давлатимиз раҳбарини ўзининг никоҳ тўйига таклиф этган эди.

Мана, ўша кун ҳам келди. Наманган вилояти Уйчи туманида яшовчи келин-куёвлар – Ўзбекистон Қуролли Кучлари махсус бўлинмаси офицери Баҳодир Жўраев билан Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг юқори курс талабаси Ғолиба Жакбарова оила қуришди. Келин-куёвни қўллаб қариндош-уруғлари, дўстлари мустақил оилавий ҳаётга қадам қўётганлари билан чин дилдан табриклади. Президент Ислоҳ Каримовнинг уларга йўллаган табриги эса энг катта совға бўлди.

Келин-куёвлар эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик билдириб, бор куч ва билимларини мустақил Ватанимизга хизмат қилиш, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида сарфлашларини изҳор этишди.

ЎЗА

(«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 15 ноябрь)

ЖАҲОН АҲЛИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Мустақил Ўзбекистонни жаҳонга танитиш ва дунё миқёсига олиб чиқишда Президент Ислоҳ Каримовнинг хизматлари беқиёс. Халқаро жамоатчилик Юртбошимиз олиб бораётган сиёсат тимсолида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, унинг бугунги ҳаёти, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ва ёруғ келажagini кўради. Таниқли сиёсат ва маданият арбоблари, оддий инсонлар, хориждаги ватандошларимизнинг самимий хатлари ана шундай юсак эътироф ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари!

Меҳмондўстлигиниз ва яқинда Ўзбекистонга ташрифим чоғида гўзал мамлакатингизда менга кўрсатилган ҳурмат учун Сизга самимий миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ташрифим қисқа муддатли бўлса-да, Ўзбекистоннинг бутун жаҳонга машҳур бўлган айрим тарихий-маданий шаҳарларини кўздан кечириш ва халқингиз меросининг бойликлари билан танишиш учун ажойиб имкониятга эга бўлдим.

Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир.

Мен қадимий Буюк ипак йўли шу ерлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб кели-

шига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишга ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирлари чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди.

Ҳозир биз тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда, Буюк Ипак йўлининг тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишини давом эттиришига кўмаклашмоғимиз лозим.

Мен Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини очиш шарафига муяссар бўлдим. Бу институт ушбу орзу-умидларни амалга оширишда ЮНЕСКО томонидан берилган ёрдамнинг чинакам намунасидир.

Сизнинг ЮНЕСКОнинг барча ваколатлари доирасидаги фаолияти билан чуқур қизиқишингиздан мамнун бўлганимни айтишга ҳам ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида баҳамжиҳат ҳаракатлар тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ютуқларимизни мустаҳкамлади ва ҳамкорлигимиз соҳаларини кенгайтирди.

Сиз билан биз ҳар томонлама муҳокама қилган кўпгина масалалар юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ тегишли қарорлар қабул қилинди ва котибият бундан буёнги ҳамкорлигимиз масалалари юзасидан Сизнинг доимий ваколатхонангиз билан мустаҳкам алоқа қилиб туради.

Таклифингиз ва мамлакатингизга ташрифим давомида менга кўрсатган олижаноб меҳмондўстлигингиз учун Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқига яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Пировардида, ЮНЕСКОнинг қароргоҳига ташриф буюриш ҳақидаги таклифимни яна бир бор такрорламоқчиман. ЮНЕСКОнинг 60 йиллигини байрам қилиш даврида Сизни таклиф этиш бизга алоҳида шараф ва мамнуният бахш этади.

Мен Сизга ташрифни 1996 йил апрель ойининг охирида ёки май ойининг бошларида, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг баҳорги сессияси ишлаб тур-

ган пайтда амалга оширишни таклиф қилган бўлардим. Шу муносабат билан Сизнинг, эҳтимолки, Ижроия Кенгаш ҳузурида сўзга чиқишингиз ҳамда шу даврда ўтказиш режалаштирилаётган темурийлар даври ҳақидаги Ўзбекистон кўргазмасини очишингиз биз учун шарафли иш бўлур эди.

Ижроия Кенгашининг баҳорги сессиясини ўтказишнинг тасдиқланган муддатларини менинг котибиятим ЮНЕСКО ишлари бўйича маҳаллий комиссиянгизга қўшимча равишда маълум қилади.

Жаноби олийлари, Сиз самимий эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Сизни тезроқ кўриш умиди билан

Федерико Майор,
ЮНЕСКО Бош директори

(«Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 3 ноябрь)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийлариги**

Сэр!

Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилотининг (ЖИМТ) Бош директори сифатида ташкилотимиз Сизни Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳомийси сифатида ЖИМТ Олтин медали билан мукофотлашга қарор қилганини маълум қилиш менга мамнуният бахш этади.

Сиз ЖИМТ Олтин медалига сазовор бўлган биринчи давлат бошлиғисиз. Бу илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига қўмаклашишга, шунингдек, мамлакатингизнинг ЖИМТ билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссангизга билдирилган эҳтиромдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Сиз саноат мулки тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш, саноат мулки миллий тизимини барпо этиш ва ривожлантириш зарурлигини англаб, ЖИМТ доирасида энг муҳим халқаро шартномалар тузишда алоҳида донолик ва зийраклик кўрсатдингиз. Ташкилотимиз ўтган йили мамлакатингиз вакилини ЖИМТ конференцияси раиси этиб сайлагани — бу ташкилотнинг Ўзбекистонни халқаро миқёсда таниганини ифодалайди.

Ишончим комилки, бу чора-тадбирлар эркин илмий-технологик ижод ва бозор иқтисодиётига мувофиқ маҳаллий ва хорижий ихтирочиларни қўллаб-қувватлашга, уларни, шунингдек, сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этишга қўмаклашади.

Жаҳонга Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва Хоразмий сингари буюк мутафаккирларни етиштириб берган гўзал мамлакатингизга 1996 йил май ойи-

да қиладиган ташрифимдан фойдаланиб, ЖИМТ Олтин медали ва дипломини Сизга шахсан ўзим топшироқчиман. Ўзбекистон халқига тинчлик ва раҳбарлик, мамлакат раҳбари сифатидаги қийин ва фахрли назифангизда катта муваффақият, интеллектуал мулк соҳасида Ўзбекистон билан бутун дунё ўртасида янада самарали ҳамкорлик тилайман.

Сэр, Сизга улкан эҳтиромимни қабул айлағайсиз.

Арпад БОКШ,
ЖИМТ Бош директори
1996 йил 7 май

(«Ўзбекистон овози» газетаси, 1996 йил 7 май)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Москва Давлат университети жамоаси Сизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан муборакбод этади. Ўзбекистон Республикасининг юзага келиши ўзбек халқи тарихидаги гоят муҳим воқеадир. Истиқлолнинг 10 йиллик даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёт, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритди. Бу ўзбек халқи ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан миллий тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш ва белгилаб олиш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Бу концепция ўзида умумдунёвий тараққиёт тенденциялари ҳамда миллий анъаналарни мужассам этган. Амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият ҳаётининг ўта муҳим соҳасини ривожлантиришга ижодий ёндашилганининг ёрқин далилидир.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга — Ўзбекистон Республикаси раҳбарига самимий эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сиз Москва Давлат университетининг фахрий профессорисиз. Сизнинг университетга муносабатингизни юксак қадрлаймиз. МДУ Илмий кенгашининг мажлисидаги маърузангиз бизда катта таассурот қолдирган.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлигимизни ривожлантиришдан умидимиз катта эканлигини яна бир қарра таъкидламоқчиман.

Ўзбек халқига, Ўзбекистон Республикасига янгидан-янги улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Эҳтиром ила

В. Садовничий,

Москва Давлат университети ректори,
Россия Фанлар академияси академиги
(«Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 28 август)



Президент сабоқлари



«Кулларингиз дард курмасин!»



«Туғилган кунинг муборак бўлсин, ўғлим!»



«Туйга айтиш эсдан чиқмасин, курсант!»



Сарҳадларимиз ҳимояси ишончли қўлларда



«Ўзбекистон заминига хуш келибсиз,
жаноб Федерико Майор!»



Шарль Азнавур: «Ёшликдаги орзуим ушалди – Самарқандни куриш бахтига муяссар булдим!»



«Ўзбекистонда мухлисларинг куп, Женья».



«Оддий одамлар билан учрашиш,
мулоқот қилиш менга доимо мамнуният бағишлайди».

1998 йилнинг 1 февраль куни Тошкент вақти билан кеч соат иккидан 30 дақиқа ўтганда «Шаттл-Эндевер» космик кемаси Канаверал бурнидаги (Хьюстон) полигонга эсон-омон қўнади.

Парвоз муваффақиятли якунланганидан сўнг ушбу космик парвозда иштирок этган ўзбек халқининг жасур фарзанди, космонавт Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мактуб йўллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!

Мен, Шарипов Солижон, америкалик астронавт касбдошларим билан коинотга «Шаттл-Эндевер» космик кемасида учгандан кейин Ерга соғ-саломат қайтиб тушдим.

Мен ва умр йўлдошим ўзбек оиласида – Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида туғилиб ўсганмиз. Коинотга учиб тайёргарлигини Россия космонавтлар тайёрлаш марказида ўтдим.

Ўзбекистонда менинг кўпгина мухтарам устозларим, яқин дўстларим, қариндошларим ва шогирдларим бор.

Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактабининг ўқувчиларига коинот ва авиация соҳасидаги янгиликлардан сабоқ бераяпман ҳамда имконим борида мактабни видеофильмлар, қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва айрим асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам кўрсатмоқдаман. Бу ишда менга устоз ва касбдошларим – космонавтлар В. Жоннибеков, Г. Стрекалов, Т. Мусабоев, Ю. Маленченко сидқидилдан ёрдам бермоқда.

Ўзбек олимлари ва мутахассисларининг коинот ва авиация соҳаларидаги ютуқлари ва салоҳиятидан хабардорман. Улар билан тез-тез учрашиш, илмий мунозаралар, дўстона мулоқотлар ўтказиш имконияти борлигидан ниҳоятда хурсандман ва ватандошларимнинг бой тажрибаларидан кундалик ҳаётимда фойдаланаман.

Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг космонавтика ва авиация соҳаларида ҳам жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашни ҳамда шуҳратига шуҳрат қўшилишини жуда истайман.

Бу мақсад йўлида Ўзбекистон фазогирлари билан ўзимнинг билимим ва бор тажрибамни баҳам қўришга доим тайёрман.

Хурматли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизга Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши ва ривожлантириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлиқ, муваффақият тилайман. Барча ишларингизда доимо омад Сизга ёр бўлсин!

Эҳтиром билан

Солижон Шарипов,
космонавт,
АҚШ, Хьюстон

(«Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 4 февраль)

Космонавт Солижон Шариповга

Қадрли Солижон!

Америкалик астронавт касбдошларингиз билан «Шаттл-Эндевер» космик кемасида парвоз қилиб, соғсаломат қайтганингиз ҳақида менга йўллаган мактубингизни ўқиб, беҳад мамнун бўлдим.

Сизнинг само бағрига қилган парвозингиз миллатимиз гурурига гурур, фахрига фахр қўшди. Ўзбек номини бутун жаҳонга яна бир бор тараннум этиб, улуғлади. Космик парвозга ўзингиз билан Ўзбекистон байроғини олиб чиққанлигингиз эса чинакам маънода миллатга муҳаббат намунасидир.

Жасоратингиз исми-шарифингизни дунёга довуқ таратган аждодларимизнинг номлари билан бир қаторга қўяди, десам муболаға бўлмайди.

Бугун мен сиз каби мард йигитни улғайтирган ота-онангизга чин кўнгилдан «Раҳмат!» дейман. Оддий бир ўзбек хонадонидан сиздай фазогир ўғлон вояга етганлигининг ўзи оила нақадар муқаддас эканлигидан далolat. Сизга таълим-тарбия берган, фазогирлик касб маҳоратига, шу жумладан, Россия космонавтика мактабига йўл очиб берган мураббийларингиз ва космонавт касбдошларингизга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

Шунингдек, сиз билан бирга коинотга парвоз қилган америкалик жасур космонавтларга бутун ўзбек халқи, шахсан ўз номимдан ташаккур билдираман.

Азиз Солижон!

Ишончим комилки, коинотга илк сафарингиз келгуси ҳаётингиздаги ютуқларга пиллапоё, Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактаб ўқувчилари, бутун юртимиз ёшлари учун юксак ибрат бўлиб хизмат қилади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Бундан олти аср муқаддам улуғ аждодимиз Амир Темур шажарасида юлдуздек порлаган Мирзо Улуғбек само бағрига ёруғ нигоҳ ташлаган эди. Сизга эса юлдузлар билан ёнма-ён учиш насиб этди. Бинобарин, йигирма биринчи аср остонасида сиз кўрсатган қаҳрамонлик давлатимизнинг юксак мукофоти – «Амир Темур» орденига муносибдир. Улуғ бобомизнинг табаррук руҳи сизни доимо қўлласин!

Сизни тарихий парвозингиз билан яна бир бор муборакбод этаман! Мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, фазогирлик фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман!

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
(«Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 5 февраль)

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муҳтарам Президент жаноблари, кадрли Ислом ака, бизга, АҚШ, Исроил, Австрия ва бошқа Фарб мамлакатларида яшайтган Бухоро яхудийлари кўпминг кишилиқ жамоасининг вакиллариға, шонли сана – таваллудингизнинг 60 йиллиғи муносабати билан Сизға ватандошларингиз номидан табрик йўллаш алоҳида мамнуният бахш этади.

Бизнинг кўпчилиғимиз Ўзбекистонда туғилиб ўсганмиз. Шу сабабли Ўзбекистон биз учун кадрли. Меҳнатсевар, олижаноб ва танти ўзбек халқига чуқур хурмат туйғуси қалбларимиздан жой олган ва бундан кейин ҳам сақланиб қолаверади. Ўзбекистон биз учун, болаларимиз ва невараларимиз учун ҳамisha иккинчи ватан бўлиб қолади. Биз бу мамлакат билан ҳеч қачон алоқамизни узмаймиз. Шунинг учун ҳам биз Сизнинг мустақил Ўзбекистон раҳбари лавозимида мамлакат мустақиллиғини мустақкамлашга, иқтисодий фаровонлиғини оширишга ва миллий тинч-тотувликка қаратилган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Сиз ўтказайтган сиёсат фақат минтақада эмас, балки бутун дунёда эътироф этилди ва обрў қозонди. Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигинида мустақилликнинг дастлабки кунларидан буён эришган ютуқлари маълум ва машҳурдир. Бундан биз, Ўзбекистон фарзандлари ҳам алоҳида фахрланамиз.

Яқин Шарқда яхудийлар ва арабларнинг манфатларига бирдек мос келадиган адолатли тинчлик ва аҳилликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини

йўқ. Ишлаб топган пулимиз шоҳона турмуш кечиришга бўлмаса-да, яшаш учун етади. Уй-жой, озиқ-овқат муаммоси ҳам йўқ, ҳаммаси жойида, қувонч билан яшаш мумкин. Аммо, қувончнинг ўрнига, нега бу ерга келдим? – деган фикр мени қийнагани қийнаган.

Ҳа, бу ерда ҳамма нарса мавжуд, лекин энг муҳим нарса – Ўзбекистон қуёшининг ҳарорати, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва саҳийлиги, инсон бошига кулфат тушганда уни англаш ва ҳамдард бўлиш йўқ.

Мен яҳудийман, Тошкентда туғилганман, Ўзбекистонни ватаним, деб биламан.

Тошкентда 51 йил ҳаёт кечирдим. Мен ва онам ўзбек тилини жуда яхши биламиз. Бошқача бўлиши, яъни — Ўзбекистонда яшаб, бу заминнинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиб, унинг халқи тилини билмаслик мумкинми ахир...

Ҳаётимда нимага эришган бўлсам, ҳаммаси қадрдон Ўзбекистон туфайлидир. 26 йил давомида бир жойда, асбобсозлик заводида ишладим. Шу жамоа сафида ўтказган йилларимни умримнинг энг бахтли кунлари, деб биламан. Заводда ўтган умрим беҳуда кетмади, кўпгина касбларни, айни пайтда инсонийлик фазилатларини ҳам ўргандим. Шу йиллар ичида ўзим ҳам кўп иш қилдим: ишлаб чиқаришга замонавий алоқа усулини жорий этдим, ўз кўлим билан кўп нарсани янгиладим ва такомиллаштирдим. Шунинг учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландим. Бунгача армияда хизмат қилган эдим. Ҳарбий хизматдан ҳам мамнунман – у ердан чиниқиб, қийинчиликларни енгишга ўрганиб қайтдим.

Отам мен олти ойлик эканимда фронтда ҳалок бўлган экан. Уни эслай олмайман. Онам бошқа турмуш қурмади, бутун ҳаётини менга бағишлади. Ҳозир у 73 ёшда.

Онам Тошкентда бир ишхонада кўп йил меҳнат қилди. Яҳудий бўлганим туфайли миллатимга нисбатан бирор марта ҳақоратли сўз эшитмадим, бунинг учун ўзбек халқидан умрбод миннатдорман. Мен Ўзбе-

кистонда бирор марта ҳам Исроилингга жўнаб кет, деган гапни ёки шунга ўхшаш маломатларни эшитмаганман.

Ўзбекистон менга маънавий жиҳатдан кўп нарса берди. Ўғлимни ҳам ўзбеклардан кўрган барча яхшиликлар асосида тарбиялашга ҳаракат қиляпман.

Урушдан кейинги қийин даврда маҳалладаги қўшниларимиз (биз Чорсуда яшардик) бизни ҳар гомонлама қўллаб-қувватлашганини, ўзбекларнинг барча байрамларида, фақат байрамда эмас, бошқа кунларда ҳам, ўзлари биздан яхшироқ яшамасалар-да, бизга қўшни оши чиқаришганини унутиб бўладими! Бошимизга бирор ташвиш тушса, ҳамма қўшнilar ёрдамга келарди. Атрофимизда яҳудийларгина эмас, ҳатто руслар ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, мени ҳеч ким хафа қилмас, ҳақоратламас эди. Онам ишга хотиржам кетар, оч эмаслигимни, ҳеч ким менга қўл теккизмаслигини биларди.

Ўзбеклардан мен кўп нарсани ўргандим. Аввало, ота-онага, катталарга иззат-ҳурмат кўрсатишни, озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилмасликни, кексаларни эъзозлашни, ахлоққа зид ишлардан тийилишни ўргандим. Ўзбеклардан ўрганган бу ибратомуз фазилатларнинг барчасини ўғлимга сингдиришга ҳаракат қиляпман.

Бу ерда, Америкада мендан Тошкентдан кўчиб кетишимнинг сабабини сўрашганида билмайман, деб жавоб бераман. Ҳақиқатан ҳам, қандай қилиб бу ерга келиб қолганимни ўзим ҳам ҳанузгача тушуна олмайман. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида авжга чиққан мамлакатдан кўчиб кетиш тўлқинига тушиб қолган бўлсам керак.

Дарҳақиқат, Тошкентда ҳам жуда яхши яшардик. Иқлими ажойиб, жуда гўзал шаҳар. Бу юртда яшаётган одамларга бошқалар ҳам тенглашса ёмон бўлмас эди. Шунда, эҳтимол, уларнинг ҳам муаммолари камийиб, турмушлари яхшироқ бўлармиди...

Ўзбекларнинг сабр-бардошига, меҳнатсеварлиги-

га, шунингдек, ахлокий поклигига, саховатига, меҳридарёлигига фақат ҳавас қилиш мумкин.

Бу ерда мен баъзан Ўзбекистонда ҳаёт даҳшатли, русийзабон кишилар таъқиб этилаяпти, деган гапларни эшитсам, жаҳлим чиқиб кетади ва уларнинг ёлғон, бўхтон эканини ҳаммага исботлаб беришга ҳаракат қиламан. Республикада ҳаёт меъёрида давом этаётганини, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш жараёни кечаётганини далиллар билан исботлаб беришга уринаман. Майамида мен бормаган жой йўқ ҳисоб. Рус клубида ҳам, бошқа ташкилотларда ҳам бўламан... Ҳамма жойда Ўзбекистон собиқ СССР ҳудудидаги энг барқарор ва осойишта мамлакат эканини айтишдан чарчамайман.

Шунча йиллар давомида Москвага қарам бўлиш ҳазил гапми, наҳотки, буларнинг ҳаммаси тезда, из қолдирмай ўтиб кетса?

Республика мустақил бўлганидан сўнг танг вазиятдан асар ҳам йўқлиги ҳақиқат эмасми ахир?!

Собиқ СССРнинг бошқа республикаларида ҳозир нималар бўлмаяпти? Бунга ақл бовар қилмайди. Ҳа, йиллар давомида бузилган кадрятларни тиклаш осон эмас.

Аммо, мен Ўзбекистоннинг ҳадемай қудратли, иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган давлатга айланишига ишонаман ва бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ўзбекистонни тарк этиб кетган кўпчилик, шу жумладан мен ҳам, бу фусункор ўлкани ташлаб кетганимиздан жуда афсусланамиз.

Америкада «Новое русское слово» газетаси нашр қилинади. Мен Нью-Йоркка бир неча бор кўнгироқ қилиб, тахририятдан Ўзбекистон хусусида ҳақиқатга мос келмайдиган хабарларни босиб чиқармасликни талаб қилдим.

Далил сифатида Сизга газета қирқимларини юборяпман.

Агар Тошкентга боришимга имконият туғилса, те-

левидение, радио, матбуот орқали одамларни Ўзбекистондан кўчиб кетиб, хатога йўл қўйишдан огоҳлантирмоқчиман.

Америка улар тасаввур қилганчалик жаннатмакон жой эмас, бу ерда уларни кутиб турган тайёр «очил-дастурхон» ҳам йўқ.

Бу ерда муаммолар етарли. Баъзан уларни қандай ҳал этишни ҳам билмайди киши. Уй-жой, электр энергиясининг қимматлиги, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, беморнинг пулини шилишга интиладиган тиббиёт ана шундай муаммолардандир. Инглиз тилини туб америкаликлар даражасида пухта ўрганиб бўлмаслик ҳам бир муаммо. Шу сабабли, бу ерда ўзингни ҳамisha паст табақадаги одам деб ҳис этасан киши. Иш билан боғлиқ доимий муаммолар, ишдан ҳайдаб юборишмаса эди, деб юрак ҳовучлаб юриш... – булар-чи?

Эмиграция туфайли – дурустроқ таълим олиб бўлмайди, ҳамisha ватанни қўмсаб яшайсан. Тилни яхши билмаган киши яхши иш ҳам тополмайди. Ҳамма муаммо шундан бошланади. Тошкентга бормоқчи бўлаётганимни эшитиб, танишларим мени бу фикрдан қайтаришга жон-жаҳдлари билан уринишди, сени Тошкентдан қайта чиқариб юборишмайди, мабодо Америкага қайтиб келгудек бўлсанг, яна Тошкентга қайтиб боришни ҳаёлингга ҳам келтирмайсан, деган ҳар хил гапларни ҳам айтишди.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич!

Мен Ўзбекистондан жуда қарздорман. Шу қийин даврда кадрдон Ўзбекистонининг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга камтарона ҳиссамни қўишни истар эдим.

Сизга самимий ҳурмат билан,

Соломон Николаевич Цин,
АҚШ, Майами штати

(«Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 19 май)

Бир пайтлар юртимиз тупроғида яшаб, халқимиз билан оғир-енгил кунларни баҳам кўрган уруш ва меҳнат фахрийси Николай Баженов ҳозирда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида истиқомат қилади. У Президентимиз номига йўллаган хатида Ватанимизга бўлган самимий муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади, ҳаётидаги энг оғир дамларда кўрсатилган бегараз ёрдам учун ўзбек халқига чуқур миннатдорлик изҳор этади.

«... Биз Шаҳрисабзга ўттизинчи йилларда келиб қолган эдик. Ўша пайтларда Россия коллективлаштириш ва қулоқ қилиш даврини бошидан кечираётган эди. Бизнинг ўртаҳол оиламизда қўлга нимаики илинадиган бўлса, ҳаммасини тортиб олишган эди. Чор-ночор бўлса-да, бизни амаллаб боқиб турган еримиздан маҳрум қилишганидан сўнг турмушимиз айниқса оғирлашиб кетди. Отамизни қатағон қилишди, сўнгра «қулоқ» тамғаси босилган юзлаб россиялик ўртаҳол деҳқонлар бошига тушган тақдир уни ҳам ўз гирдобига тортди – отиб ташлашди.

Шаҳрисабзга йўл олар эканмиз, Тошкентда бир неча кун туриб қолишимизга тўғри келди. Мен ўзимга ўхшаган болақайлар билан дўстлашдим. Дарёда обдан чўмилиб, сўнг бозорга бордик. Турли-туман сара мевалардан кўзим ўйнаб, бир-бир татиб кўриб, айланиб юрар эканман, ўртоқларимни йўқотиб қўйдим. Бунинг устига, қорним оғриб қолди. Деворга суяниб ўтирганча йиғлаб, ухлаб қолибман. Кўзимни очсам, қандайдир ҳовлидаги супада чалқанча ётибман. Тепамда улкан ток сўриси – катта-катта узум бошлари осилиб турибди.

Истараси иссиқ бир нуроний кампир ёнимга келиб нималардир деди, аммо мен ҳеч нарсани тушунмасдим. Фақат «момо», яъни бизнинг «мама» деганига жуда яқин сўзгина ёдимда қолди. Кечкурун унинг эри Пулат бобо келди.

Эртасига эрталаб мен поездда йўлга тушишим ло-

зимлигини имо-ишоралар билан бир амаллаб тушунгирдим. Пулат бобо мени вокзалга олиб борди. Бироқ менинг оила аъзоларим у ерда йўқ эди...

Шундай қилиб, Пулат бобо хонадонида асранди бўлиб яшай бошладим. Ўзбек тилини ҳам бинойидек билиб қолдим. Орадан ярим йил ўтгач, оиламни — бўвим, амаким, холам, опам ва онамни адрес столи орқали излаб топишди ва мен Шаҳрисабзга жўнайдиган бўлдим. Яхши қолинглар, меҳрибон «момо», мушфиқ «бобо»!

Шу тариқа Шота Руставели ва Сапёр кўчалари чорраҳасидаги ток сўрилари, олча ва ўрик дарахтларига бурканган шинам уй ва файзли ҳовли билан хайрлашдим.

Китоб станцияси. Поезд аста-секин вокзалга яқинлашяпти. Онам кўзлари тўла ёш билан платформада у ёқдан-бу ёққа югуради.

Нихоят, мен яна ўз оилам бағридаман.

Бувим қаттиқ бетоб эдилар. Оила аъзоларим дуч келган ишдан тушадиган арзимаган чойчақа билан кун кечирарди. Чайнаш ва ютиш мумкин бўлган ҳамма нарсани истеъмол қилишга тўғри келарди. Ўша кезлари «Торгсин» деган ташкилот бироз жонимизга ора кирди. Биз бу ерга пулларимизни ва узукларимизни топшириб, ўрнига гуруч, қанд ва ун олиб турардик.

Баҳорда опам маҳаллий мактабга ўқишга борди. У фақат бешга ўқирди. Сўнг менга ҳам навбат келди. Шунда онам мендан сўрадилар: «Коля, мактабга борасанми?» Мен ойимга жавоб бердим: «Яхшиси, болалар боғчасига бораман, у ерда бизни боқишади...»

Урушнинг оловли йилларини ортда қолдириб, педагог бўлиб ишладим, ўз болаларимни ўстириб ва набирамни тарбиялаб вояга етказдим, аммо ҳали-ҳануз ўзимнинг биринчи ўқитувчим — Зинаида Михайловна Кочетковани миннатдорлик билан эслайман. У менда ўқишга ва илмга иштиёқ уйғота олди.

1935 йилда Шаҳрисабзда Болалар техник станцияси очилди. Мен бу ерда кемасозлик, авиамоделъ,

радио ва фототўгараклар машғулотида зўр қизиқиш билан қатнаша бошладим. Фототўгаракда эришган муваффақиятларим туфайли 1941 йили мени пионер лагерига фотойўриқчи қилиб юборишди.

1944 йилда мени ҳарбий хизматга чақиришди. Урушни Болтиқбўйида жанговар мукофотлар билан тугатдим. 1950 йилга келибгина захирага ўтказилдим.

Жонажон Шаҳрисабзга боратуриб, Оренбург вилоятининг Сорочинск шаҳридаги қайлиғим ҳузурига кириб ўтдим. 1 май куни тўйимиз бўлди. 9 май куни эса биз Шаҳрисабзга етиб келдик ва шу ерда иккинчи марта тўй қилдик.

Ҳарбий комиссариатда менга турли лавозимларни таклиф этишди. Аммо мен рад қилишга мажбур эдим. Чунки барибир бунинг иложи ҳам йўқ эди. Сабаби — опам таржимаи ҳолини ёзганда отамиз тўғрисидаги ҳақиқатни яширгани учун институтдан ҳайдашганди.

Мен ҳайдовчиликни маъқул кўриб, узоқ шаҳарларга қатнайдиغان бўлдим. Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик техникумини тугатганимдан сўнг эса ўзим ўқиган Пушкин номидаги жонажон 35-мактабимда меҳнат ўқитувчиси бўлиб ишладим. Менинг болаларим ҳам шу ерда ўқишди.

Ўқишни битирганларидан сўнг қизим Новосибирск университетида, ўғлим физика-математика мактабига, кейин Уралск политехника институтининг физика-техника факультетига ўқишга кирди. Уларнинг бу соҳадаги билимларига Шаҳрисабздаёқ асос солинганди.

Свердловска, яъни болаларимизга яқинроқ бўлиш учун 1976 йилда кўчиб келдик. Ўғлим ҳарбий хизматчига айланди, қизим эса номзодлик даражасини ҳимоя қилиб, илм билан шуғулланмоқда. Ҳаммалари тинч даврдаги меҳнат учун берилган ҳукумат мукофотларига сазовор бўлишган.

Биз ҳамма юбилей саналарини ва тўйларимизни «Кишмиш» кафесига ўтказамиз. Негаки, бу ерда ажойиб ўзбек ошхонаси бор. Уйимизда ҳам, худди Ўзбекистонда бўлганидек, ўзбекона дастурхон тузаймиз,

уни палов ва манти, турфа мева ва сабзавотлар билан безаймиз. Менинг аёлим шўрва, мастава, лагмон, сомса каби турли-туман ўзбекча таомларни жуда мазали қилиб тайёрлайди.

Бундай байрамлар чоғида ўтмиш воқеаларни, қадрдон дўстларимиз ва яқинларимизни мамнуният билан эслаймиз. Жумладан, шундай воқеа хотирамда муҳрланиб қолган: 1942 йилнинг суронли кунларида Қўтчи қишлоғида яшайдиган Абдулла исмли тракторчи оиласи билан келиб менинг бетоб ётган онамни ўз уйига олиб кетади ва меҳр билан парвариш қилади.

Онам уйимизга қайтиб келганида бутунлай соғайиб кетган эди. Ўзбекистоннинг нурли қуёши, шифобахш турли мевалари ва айниқса, сокин қишлоқ ҳаёти қандай мўъжизаларга қодир эканини ўшанда билганман. Биз, ялангоёқ болалар кўпинча бозорларда югуриб юрардик. Дехқонлар эса «Еявер, ўғлим, бизда дехқончилик» деб бизни мева-чевалар билан сийлашарди. Эҳ-ҳе, буларни унутиб бўладими!

«Олтин тўй»имизда болаларимиз бизга ажойиб совға — Шаҳрисабзга бориб келиш учун билет тақдим этишди. Худди илгаригидек, 1 май куни ўз уйимизда тўйимизни нишонладик. 9 май куни эса бу тантанани Шаҳрисабзда давом эттирдик.

Шаҳрисабзга учганимизда ўғлимиз бизга ҳамроҳлик қилди. Самарқанддан чиқиб, Тахтиқорача довони орқали юрадиган бўлдик. Довон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Ҳисор тоғ тизмалари ёнбағрига минглаб чинорлар экилиб, дам олиш масканига айлан-тирилган. Ўнлаб булоқлар қайнаб ётибди. Довон остонасида эса кўплаб ресторанлар жойлашган. 8 май куни эрталаб ўзимиз ўқиган мактабга бордик. Бир пайтлар ўзим ўқиган синфимга кирганимда, ҳаяжондан юрагим ҳапқириб, кўз ёшларимни аранг тийдим. Синфдагилар билан ўзбекча саломлашдим: «Салом, болалар!» Улар эса мен билан русча саломлашишди: «Здравствуйте!»

Ҳамма болалар бир хил кийимда эди — қизлар зангори ранг кўйлак ва оқ фартукда, болалар эса оқ

кўйлак ва қора шимда. Бизнинг Екатеринбургда, афсуски, болалар мактабга ҳар хил кийим кийиб бора-веришади, ҳанузгача ягона мактаб формаси йўқ. Шахрисабзда эса ҳамма рус тилини ўрганади, мактабларда 4-синфгача рус синфлари ҳам бор.

Шаҳар бўйлаб сайёҳат қилиб юрганимизда, кексаю ёш биз билан ўзбекона – хиёл эгилиб саломлашарди. Қизиги шундаки, бу ерда бирорта маст одамни учратмадик. Ҳолбуки, йўл четларига қўйилган стол устида ранг-баранг шиша идишларда ичимликлар, турфа газаклар истаганча бор. Мен бу ерда Шахрисабзнинг кейинги йилларда сайёҳлар шаҳри сифатида бутунлай ўзгариб, чексиз гузаллик касб этганини таърифлаб ўтирмоқчи эмасман. Аммо шунинг эътирофи эътибори, Ўзбекистонни, унинг бағрикенг, меҳр-оқибатли, меҳмондўст халқини тез-тез тушимда кўраман.

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги яқинлашиб қолди. Собиқ барча республикалар халқлари ушбу байрамни биргаликда нишонлашди. Бизнинг президентимиз Владимир Путин бўлажак тантаналарга фашизмга қарши курашган давлатларнинг президентларини таклиф этди. Ўзбекистон Президенти Москвага келаётганида йўл-йўлакай бизнинг уйимизда тўхтаб ўтишини жуда-жуда истардим.

Рафиқам билан мен жонажон ҳамюртларимизнинг ташрифларидан бошимиз осмонга етиб, ўзбекона тўкин дастурхон тузаймиз, унга русча газаклар ҳам кўямиз, сахий, меҳнатсевар, меҳрибон ва самимий ўзбек халқига биз россияликлар учун энг оғир бўлган йилларда кўрсатган оқибатлари учун ҳамда ўзбек ерида қалбимизда ҳис этган бахтли онларимиз учун раҳмат айтамыз.

Николай Баженов,
уруш ва меҳнат фахрийси,
Россия, Екатеринбург шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари!

Сизга бу мактубни ёзаётганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айни лаҳзаларда бутун вужудим фавқулодда шодлик ва қувонч туйғулари билан лиммо-лим.

Ўзбекистоннинг буюк халқи менинг улуғ бобокалоним, жаҳонгир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётгани мен учун чиндан ҳам оламшумул воқеадир.

Бу ҳақдаги муъжазгина хабардан маҳаллий газеталаримиз орқали воқиф бўлгач, қалбимни чулғаган севинч ҳиссиётини сўз билан ифода этмоққа ожизман.

Сиз жаноби олийларининг Бобур ҳазратларини Ўзбекистоннинг буюк қаҳрамони сифатида юксак меҳр ва эҳтиром билан таърифлаганингизни матбуот хабарларидан ўқиб, бошим кўкларга етди.

Айни пайтда ўз тарафимдан мен кўнглимдаги бу мислсиз шодумонликни Ўзбекистондаги барча оғаниларим, опа-сингилларим билан баҳам кўрмоқликни истайман ҳамда уларнинг ҳаммиса бахтли-саодатли бўлишларини ва янада камол топишларини дуо қилиб қоламан. Умид қиламанки, бобокалонимиз Бобур ҳазратларининг таваллуд тўйлари олиймақом даражада ва беҳад гузал нишонланажак.

Сизга эҳтиром ва самимий тилаклар билан

Зиёвуддин Тусий,
«Ҳиндистондаги Бобурийлар оиласи» жамиятининг бош
котиби, марҳум Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевараси,
Ҳиндистон Республикаси,
Ҳайдаробод шаҳри

**«Ҳиндистондаги Бобурийлар оиласи»
ҳамиятининг бош котиби жаноб
Зиёвиддин Тусийга**

Муҳтарам жаноб!

Сизнинг мактубингиз билан танишиб, ғоят мамнун бўлдим.

Қардош Ҳиндистон диёрида бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур сулоласининг вакиллари улуг аждодлари хотирасини асрлар оша асраб-авайлаб келаётганликлари биз учун беҳад қувонарлидир.

Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз.

Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий гуруридир.

Ул зоти шарифнинг юртимизда нишонланаётган 510 йиллик тўйи шу юксак эҳтиромдан яна бир далолатдир. Бу шодиёна сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам байрамимиз бўлажак. Юртимиз дарвозалари Сизлар учун ҳамиша очиқ.

Сизга ва Сиз орқали хориждаги бобурийларнинг барча авлодларига сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик, ишларингизга равнақ тилайман.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 сентябрь

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

Жаноби Олийлари!

Биз, темурийлар хонадонининг аъзолари, Сиз жаноби олийларининг ўғлим Зиёвиддин Тусийга йўллаган шахсий номангизни олиш бахтига мушарраф бўлдик. Сизнинг мактубингизда баён этилган самимий ва эзгу тилаклар Темурий ҳукмдорлар вориси бўлмиш фарзандимни бениҳоя масрур этди.

Мен кексайиб қолган бир аёлман, шу боис ҳам умримнинг ҳар бир кунини Худонинг улуг неъматидеб биламан. Мен тақдирнинг кўп жабру жафоларини бошимдан ўтказдим. Шукр, ҳозир ҳузур-ҳаловатда умргузаронлик қилмоқдаман, аммо бизнинг Темурий сулоламиз беҳад қийинчиликларга дучор бўлди. Биз хиёнат, макр-ҳийла азобларини ҳам кўп тортдик, сабаби – насл-насабимизнинг ноёблигидадир. Фақат Темурийлар хонадонига хос бўлган сабот-матонатгина бизни гурбат ва муҳтожлик чангалдан халос этди. Беҳисоб қулфат ва йўқотишларга қарамасдан биз асло таслим бўлмадик, қалбимиздаги некбин руҳ ҳеч қачон сўнгани йўқ. Шу кунларда ҳам тирикчилик ўтказиш учун жонимиз борича ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Аммо, ишончимиз қомилки, Оллоҳ бизни ўз паноҳида сақлайди ва мадад беради.

Жаноби Олийлари, мен Сиз орқали Ўзбекистоннинг жами фарзандларига дуои салом йўллайман. Умид қиламанки, менинг бу сўзларим инсон зотини эъозлагувчи барча кишиларга етиб боражак ва улар фақат Оллоҳнинг иродаси билангина Сизнинг навқирон давлатингиз жаҳон ҳамжамяти даврасидан муносиб ўрин олганини англаб етадилар.

Азиз ўзбекистонлик биродарлар, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида юксак довлонларни забт этишингиз учун

сизлар ҳали олис ва машаққатли йўлни босиб ўтишингиз лозим. Фаровонликка элтувчи бу йўлингиз равон ва текис бўлиши учун ёш насллар тарбияси борасида кўп меҳнат қилишингиз даркор. Ўз ҳукуматингизга содиқ бўлинг, ҳамиша аҳил, баҳамжиҳат бўлинг – ана шундагина турмуш қийинчиликларини енгишга қодир бўласиз.

Соҳиби қарам Оллоҳ таолонинг марҳамати ила сизларнинг насабингиз жасур ва мард инсонлар зотига бориб туташади. Шуни ёдингизда тутингки, Оллоҳнинг илоҳий йўриқларига риоя этсангиз, у ҳамиша сизларга ёр бўлғай. Оллоҳ орангиздан муносиб бир кишини сайлаб олиб, уни сизларга раҳнамо айлаган ва сизларни ёруғ кунларга етказишни унга амр этган экан, барчангиз унинг доно ўғитларига амал қилишингиз лозим. Шундагина сизлар бошқа эл-элатлар орасида ажралиб турадиган буюк миллатга айлана оласиз. Ўзларингизга етакчи этиб сайлаганингиз зот эса, билингки, халифадир. Шу боис ҳам бахтингизни бой берманг, ҳамфикр бўлиб, ҳамкор бўлиб, бирлашибгина давлатингиз олдида турган қийинчиликларни бартараф қилишингиз мумкин. Агар ақл-идрок сўзига қулоқ тутсангиз, сизларни гўзал истиқбол кутажаги муқаррардир.

Шу муносабат билан мен XIV асрда яшаб ўтган машҳур авлиё ва уламо шайх Валиуллоҳ Бухорий ўша пайтдаёқ бугун содир бўлаётган воқеаларни башорат қилиб кетганини эслайман. Унинг қароматлари форс тилида назмий йўсинда битилган «Маснавий» асарида баён этилган эди. Шуни қайд этишни истар эдимки, бу зот 600 йил муқаддам ниманики башорат қилган бўлса, аксарияти бугун рўёбга чиқиб турибди. Иншооллоҳ, қолганлари ҳам рўёб топғай!

Буюк бобокалоним Бобурнинг 510 йиллик таваллуд тўйи юксак мақомда нишонланишига ишончим комил. Сиз Жаноби Олийларининг бу борада улкан

саъй-ҳаракат кўрсатаётганингиз эса бизни чексиз қувонтирмоқда.

Оллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаб қоламан. Ишончим комилки, Яратган тангрининг ўзи Сизнинг эзгу ишларингизга мададкор бўлғай.

Бегим Соҳиба Лайло Уммахони,
«Ҳиндистондаги Бобурийлар оиласи»
жамиятининг раисаси,
Ҳиндистон Республикаси,
Ҳайдаробод шаҳри

(«Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил 3 ноябрь)

Маълумки, қўшни Ҳиндистон давлатининг Ҳайдаробод шаҳрида «Ҳиндистондаги Бобурийлар оиласи» деб аталувчи жамоатчилик ташкилоти фаолият кўрсади. Ўз таркибида Бобур Мирзонинг бугунги авлодларини бирлаштирган мазкур жамиятга Ҳиндистондаги сўнгги бобурий ҳукмдор – Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси Бегим Лайло Уммахони раислик қилади. Жамият халқларимиз ўртасидаги маданий ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида бир қанча муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Бобурийлар жамиятининг раҳбарлари Бегим Лайло Уммахони ва унинг ўғли Зиёвуддин Тусийнинг мамлакатимиз Президенти билан мулоқотлари кенг жамоатчиликка маълум. Ўртбошимизнинг топшириғига биноан ушбу оиланинг икки нафар фарзанди Тошкент техника университетида ўқишга қабул қилинган эди. Ҳайдарободдан келган ушбу мактубда эса муҳтарама онахон Лайло Уммахони сариқ касалга чалиниб бетоб бўлиб қолган чоғида Президент Ислом Каримов томонидан кўрсатилган моддий мурувват ёрдами учун самимий миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз ва халқимиз хусусида дил сўзларини изҳор қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

Жаноби Олийлари!
Ассалому алайкум!

Хасталикдан сўнг ҳали тўла қувватга кирмаган бўлсам-да фурсатни ғанимат билиб, Сиз, муҳтарам зотга ушбу мактубни битмоқликка жазм қилдим.

Ўзбекистон диёрида ижтимоий, маданий, иқтисодий ва фан-техника соҳасида улкан ислохотлар ўтказиб, қисқа муддат ичида уни тараққий топган давлатлар даражасида юксалтиришга бел боғлаган Сиз-

дек заковатли инсонга мактуб йўлламоқ бахтига ноил бўлганимдан бекиёс шодман.

Буюк жаҳонгир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг зурриёди сифатида иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган бобурийларнинг бугунги вакиллари бўлмиш хонадонимиз аҳлига кўрсатаётган мадад ва кўмакларингизни биз гоёта юксак қадрлаймиз. Хусусан, фарзандларимизнинг Ўзбекистонда олий таълим олишлари борасида Ўзбекистон Олий таълим вазирлигига тегишли кўрсатма берганингиздан воқиф бўлиб, беҳад таъсирландим ва Сизга юрак-юрагимдан ташаккур изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизнинг нафақат ҳазрат Бобур шахсиятига, балки унинг зоти-зурриёдларига нисбатан ҳам чин эҳтиромли муносабатингиз учун бениҳоят миннатдорман.

Яратган Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайманки, ота-боболарим юртидаги ҳар бир тош, ҳар бир қум зарраси гуллаб-яшнаган чечакка айлансин ва бу гулзор чаманда элу элатлар, миллатларнинг дўстона ҳамкорлиги қулф урсин. Ишончим комилки, гўзал диёрингизда иқтисодий мушкулотлар барҳам топиб, ҳадемай тараққиёт ва фаровонлик тонги отади ва Сиз, жаноби олийлари бу ҳолга шохид бўласиз.

Илоҳим, ҳар бир ўзбекка ҳақиқий тараққиёт нима эканлигини англаб етмоқлик ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлмоқлик насиб этсин. Бу замин узра асло жаҳолат ва мутаассибликка ўрин бўлмасин.

Келинглар, Ўзбекистонимизни тараққиёт ва фаровонлик тимсолига айлантирайлик. Бунга маънавий-руҳий бирлик орқалигина эришмоқ мумкин. Бу улкан вазифани адо этмоқ учун ҳар бир инсон бори-борлигини бағишламоғи лозим.

Самимий эҳтиром ила

Бегим Лайло Уммахони,
Ҳиндистон Республикаси,
Ҳайдаробод шаҳри

(«Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 21 июнь)

2002 йил 24–30 май кунлари мамлакатимизда Япония жамоатчилиги вакиллари ҳамда Иккинчи жаҳон уруши пайтида юртимизга ҳарбий асир сифатида келтирилган ва ўзбек диёрида мангу осойиш топган япон фуқароларининг қариндошларидан иборат дўстлик миссияси меҳмон бўлади.

Ташриф чоғида делегация вакиллари ўзбек диёрида дафн этилган ватандошлари хотирасига бағиш-лаб ўрнатилган ёдгорликларнинг очилиш маросимларида қатнашади. Тошкент шаҳри, пойтахт вилоятининг Бекобод, Ангрен, Янгийўл шаҳарларида, Бухоро, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларининг айрим шаҳар ва қишлоқларида очилган ёдгорликларни зиёрат қилар экан, меҳмонлар Ўзбекистон заминидан ўзларининг ватандошлари, қариндош-уруғларининг хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган хайрли ишларни қўриб, ҳаяжонга тушганини яширишмайди.

Япония делегацияси вакиллари ташриф асносида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилади. Уларда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, маданият масканлари катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистонда кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром, меҳмондўстлик ва энг муҳими, аждодлари хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан таъсирланган Япония жамоатчилиги вакиллари давлатимиз раҳбарига миннатдорлик мактуби йўллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Республикангиз ҳудудига олиб келинган япониялик асирлар дафн этилган жойларда ёдгорликлар ва ёдгорлик лавҳаларининг очилиш маросимида иштирок этдик. Иккинчи жаҳон урушининг олис йилларида мамлакатингизга келтирилган ва шу ерда дафн этилган боболаримиз, оталаримиз, акаларимиз ва дўстларимиз хотирасига нисбатан Сиз ва халқингиз томонидан кўрсатилган ҳурмат ҳамда эҳтиром учун Ўзбекистон Республикасига дўстлик миссияси билан ташриф буюрган Япония жамоатчилиги вакиллари номидан Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шунингдек, биз бутун ўзбек халқига, шу жумладан, вилоят ва шаҳар ҳокимликларига, сайёҳлик идоралари ва ташрифимизга дахлдор барча ташкилотларга Ўзбекистонда бўлган чоғимизда бизга кўрсатилган самимий ва дўстона муносабат учун чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Сизга ва Сизнинг сиймоингизда бутун Ўзбекистон халқига соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурмат билан

Япония дўстлик миссияси ва жамоатчилиги вакиллари номидан

Тахакаши Нобору
Икеда Акиёши
Паканаши Тсутому
Азума Шизуко
Каваджи Мутсуо
Каваджи Реико

Матсушита Йукико
Азума Йошико
Кудо Акира
Киношита Тамотсу
Кобайаши Масао
Акихиро Йошихиро

(«Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 8 июнь)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Теннис ўйинидан сўнг мени табриклаганингиз, Сизнинг менга бу қадар катта эътибор ва муносабат кўрсатганингиздан кўнглим тоғдай кўтарилди. Чунки, ҳаётимда биринчи марта буюк давлат Президенти менга бунчалар эътибор бериб, самимий сўзлар айтди. Бунинг учун Сизга катта раҳмат!

Ўзбекистон халқининг ўз раҳбарини нечоғли яхши кўриши, қўллаб-қувватлаши ҳам мени ҳайратга солди. Бу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда самимий учрашув бўлди.

Сизга бахт-саодат, баҳодирона сиҳат-саломатлик, машаққатли ва олижаноб ишингизда янги-янги ютуқлар, давлатингизга равнақ, буюк халқингизга фаровонлик тилайман.

Яна бир бор самимий ташаккуримни қабул қилгайсиз!

Евгений Кафельников,

Ўзбекистон Президенти Кубоги учун
IV халқаро теннис турнири иштирокчиси (Россия)

(«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 13 сентябрь)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

Жаноб Президент!

Фурсатдан фойдаланиб, энг аввало, Ўзбекистон халқига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. АҚШга борганимда америкаликларга Ўзбекистон халқининг очиққўнгил ва саҳийлиги ҳақида сўзлаб бераман. Дарҳақиқат, ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги ва мулоимлиги мени ҳайратда қолдирди.

Ўзбек тилини ўрганиш имкониятига эга бўлганим – менинг омадим. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди ўзбек тили кафедрасининг уч нафар ўқитувчиси билан гаплашиш туфайли ўзбек тилидан билимларимни оширдим.

Ўзбекистонда ўтказган йилларим давомида ўзбек тилини ўрганишдан ташқари мен теннис ўйнадим. Ўзбекистон ёшларининг теннисга бўлган қизиқиши мени ҳайратда қолдирди. Ўзбекистонга келишимдан олдин мен теннис ўйнамаган бўлсам ҳам, тенниснинг мен учун шахсий аҳамияти бор. Менинг бувамининг отаси Америкада теннис асосчиларидан эди ва оиламизнинг кўпчиликлари теннис ўйнайди. Менинг акам нуфузли «La Folla Beach and Tennis Club» президенти. Теннис клубимиз Американинг теннис клублари ичида жуда машхур ва кўпчиликнинг сеvimли теннис курорти.

Шу боис Сизни ва оилангизни бизнинг Жанубий Калифорниядаги теннис клубимизга таклиф қилмоқчиман.

Америка теннис жамияти ва бизнинг теннис клубимиз аъзоларининг Ўзбекистон ҳақидаги билимла-

Президентнинг мактублари

рини ошириш мен учун шараф. Агар америкалик бизнес ва теннис раҳбарлари Ўзбекистон ҳақида билим ва маълумотлар олишса, жуда фойдали натижалар бериши мумкин, деб ўйлайман. Агар менинг таклифимни қабул қилсангиз ва мени мезбонингиз, деб ҳисобласангиз, жуда хурсанд бўлар эдим. Теннис ўйнасак, шубҳасиз, сиз ғолиб бўласиз, чунки мен яхши ўйинчи эмасман!

Нафақат Америка халқи, шунингдек Ўзбекистон халқи ҳам тинч ва терроризмсиз дунёда яшашни орзу қилади. Оддий америкаликлар сизнинг ва Ўзбекистон халқининг шу ҳаракатга қўшган ҳиссасини қадрлайди.

Тошкентда ўтказган давримдан кўп ёқимли хотиралар қолди. Мен яна бир бор бу юртга сафар қилиш умидидаман.

Самимий тилаклар билан

АҚШ фуқароси **Жексон Кай Келлог**
2005 йил 12 май

Президентнинг мактублари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

Жаноб Республика Президенти!

Мен 2005 йил 24-31 август кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро фестивали ишида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига ҳамда шахсан Сизга, жаноб Президент, менга кўрсатилган иззат-эҳтиром ва самимий қабул учун чуқур мамнуният изҳор этишни истардим.

Ташрифим давомида мен мамлакатингизнинг ЮНЕСКО мақсадлари ва вазифаларига монанд бўлган тадбирларни юксак даражада ташкил этиш борасидаги салмоқли саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаш имконига эга бўлдим.

Мен Сизнинг ташаббусингизни давом эттиришга тайёрман. Зотан, у мусиқа ва санъат орқали маданий ранг-барангликка янада улкан ҳисса қўшади. Ўзбекистонда кўнгилли ўтган кунлар учун яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Жаноб Республика Президенти, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Майкл Омелева,

ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти

(«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 16 сентябрь)

Шарль АЗНАВУР:

САМАРҚАНДГА КЕЛИБ БОЛАЛИКДАГИ ОРЗУИМ УШАЛДИ

Қадимий Самарқандда 2005 йил август ойининг охирида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган санъаткорлар қатори франциялик машҳур кўшиқчи Шарль Азнавур ҳам иштирок этди. Бу беназир истеъдод соҳибини Самарқандга Президент Ислон Каримовнинг ўзи шахсан таклиф қилган эди.

Шарль Азнавур Ўзбекистон замини ва ўзбек халқига, мамлакатимиз Президентига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромини ифодалаб, куйидагиларни баён қилди.

– Сирли ва улугвор Шарқ дурдонаси бўлган Ўзбекистон, унинг афсонавий шахри, ер юзи сайқали Самарқанд билан 12 яшарлигимда гойибона, аниқроғи, китоб саҳифалари орқали танишган эдим. Ўша асар таниқли француз драматургининг «Самарқандга бораёлик» деган пьесаси эди. Китобни мутолаа этиш асносида кўнглимда бу гўзал ва бетакрор шаҳарни кўриш иштиёқи уйғонган эди.

Бугун ана шу болалик орзуим ушалди – Самарқандда юрибман. Бухорои шарифни ҳам кўриш бахтига мушарраф бўлдим. Қадимий цивилизация ўчоғи бўлган жаннатмонанд юртингизни, Шарқнинг бетакрор табиати, боқий руҳи, нодир санъати ва бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳли эътиборини жалб этиб келаётган, қарийб уч минг ёшни қаршилаётган ноёб шаҳарларингизни завқ ва ҳаяжон билан зиёрат қилдим.

Бу ерда кўрганларим китобларда ўқиганларимдан юз чандон зиёда экан. Юртингизни келиб томоша қилишдай юксак шарафга лойиқ кўргани ҳамда олис болалик орзуим рўёбга чиқишига сабабчи бўлгани учун Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов жаноби олийларидан беҳад миннатдорман.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ҳақидаги таассуротларимни алоҳида гапирмоқчиман. Турли мамлакатларда ташкил этиладиган кўлаб мусиқа анжуманларида иштирок этганман. Аммо Самарқандда, мухташам Регистон майдонида, мусаффо осмон остида наинки Шарқ, балки дунёнинг деярли барча мамлакатлари санъаткорлари жам бўлиб, ўз халқи, миллати, мусиқаси, кўшиқ ва рақс санъатини бу тариқа жозибатор шароитда намоён қилганидан ҳайратдаман.

Халқингизнинг тантилиги ва меҳмондўстлиги, самимияти ва санъат бобидаги тенгсиз иқтидори, шунингдек, юртингиз, хусусан, Самарқанднинг бетакрор табиати, кўҳна ва ҳамиша навқирон қиёфаси, тенгсиз ёдгорликлари билан Шарқ халқларининг тароналари ўзаро уйғунлик касб этишини юрак-юрагидан ҳис қилган одам учун бу турфа олам нечоғли ажиб тароват касб этишига гувоҳ бўлдим.

Самарқанддаги анъанавий мусиқа байрамнинг бутун жозибасию ҳаётийлиги, миллий маданиятга, мумтоз санъат қадриятларига берилаётган катта эътибор ва эҳтиромдан қувондим.

Айниқса, Самарқанд ва Бухорода буюк аждодларингиз иқтидори ва салоҳиятидан далолат берувчи тарихий обидаларни томоша қилиб кўзим ҳам, дилим ҳам яйрайди. Қадимий ёдгорликлар таъмирланаётганини кўрдим. Бу – тарихга юксак ҳурмат, демокдир. Тарихини қадрлаган халқнинг келажағи ҳам буюк бўлиши аниқ.

Бундай юксак дид билан ташкил этилган анжуманда иштирок этиб, кўнглим ўсди, бўйимга бўй қўшилгандек бўлди. Шундай нуфузли ва мўъжизавий анжу-

манга, шундай гўзал диёрга таклиф этилганимдан бошим осмонга етди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Президент жанобларининг қуйидаги сўзларидан ғоят таъсирландим: «Дунёнинг қайси жойида яшамасин, барча халқлар ўз остонасига соз кўтариб келган одамни азиз меҳмон сифатида қабул қилади».

Ўзбекистон халқи «Шарқ тароналари» каби шуқушли халққаро мусиқа фестивали орқали ўзининг дунёга очқлигини, нафақат санъатсевар, балки инсонпарвар, тинчликсевар, меҳмондўст халқ эканини инсониятга яққол намоён этмоқда.

Аминманки, тинчликни, дўстликни, нафосатни, маърифат ва маданиятни барча нарсадан устун қўядиган халқ ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди. Ўзбек халқи ана шундай буюк, бағрикенг халқ. Бунга тарихдан ҳам, бугунги кундан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноб Президент!

Яқинда Ўзбекистонга қилган ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлигини изҳор этиб, гўзал мамлакатингиз менда катта таассурот қолдирганини маълум қилмоқчиман.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали аъло даражада ташкил этилгани муносабати билан Сизга ўз қутловларимни йўллайман.

Мамлакатингиз ва ўзбек халқи равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаган ҳолда, Сизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Шарль Азнавур

2005 йил 9 ноябрь

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

2005 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Андижон шаҳрида мудҳиш террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Президент Ислам Каримов ўша кунни тонгдаёқ Андижонга етиб келиб, бу жиноий хуружларга барҳам бериш, вазиятни изга солиш ишларига раҳбарлик қилди.

Эртаси кунни эса маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказди. Давлатимиз раҳбарининг Андижон воқеаларини содир этганлар ва уларнинг ортида турган ёвуз кучларнинг асл мақсадлари нимадан иборат экани тўғрисида, юртимизда тинчлик-осойишталикни асраш, Ватанимиз мустақиллиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари ватандошларимизни бефарқ қолдирмади.

Давлатимиз раҳбари номига келган минглаб хат ва телеграммаларда ҳамюртларимиз Ўзбекистонни ўз мустақил тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган кучларга қарши кескин муносабат билдириб, Президентимиз олиб бораётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини изҳор этадилар, мамлакатимиз тинчлиги ва озодлигига кўз олайтирган жиноятчиларга қонуний жазо берилишини талаб қиладилар.

Мен олдин ҳам айтган ва ҳозир қалбимда ҳис қилаётган туйғуларни халқимнинг олдида, юрдошларимнинг юзига қараб, очиқ айтишим лозим: мен халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Ислом Каримов

2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига расмий ташриф олдида Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берилган интервьюдан

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен жонажон Ўзбекистонимиз фуқароси сифатида 1991 йил 31 август кунини умрбод ёдимдан чиқармайман. Ўшанда, очиги, ҳатто бу тушимми ёки ўнгимми, деган ўйга ҳам борганман. Сиз азму шижоатингиз ва жасоратингиз билан халқимизнинг мустақиллигидек асрий орзусининг ушалишида қатъий турдингиз.

Менга бир фикр ҳеч тинчлик бермайди. Бугунги кунда қайси бир бегона элларда ғаламисларга қўшилиб, уларнинг садақаси ҳисобидан кун кўраётган, «халифалик» давлатини тузишга ўхшаган қандайдир пуч ғояларни илгари сурмоқчи бўлаётган ватанфурушлар, агар чиндан ҳам халқни, юртни ўйлайдиган бўлса, 1991 йил 31 августда қаёқда эди? Мен уларнинг биронтаси ўша хатарли ва таҳликали пайтларда мустақиллик учун кўкрак кериб майдонга чиққанини эслай олмайман. Аминманки, улар ўша вақтда мустақил бўлдик, озод бўлдик, деган сўзларни айтиш у ёқда турсин, хаёлга келтиришга ҳам кўрқар эди.

Энди эса бизга қандай яшаш кераклигини, де-

мократия ва эркинлик нима эканини ўргатмоқчи бўлиш-япти. Юртини сотиб, халқини сотиб арзон обрў олишга интилганларга ким ишонади?

Ислом ака, биз сиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Сиз халқимиз бошига мушкул иш тушган дамларда мард инсонларга хос юксак ирода ва матонат кўрсатиб, ҳар қандай бало-қазоларни даф этишга бош-қош бўлиб, юртимизни турли офатлардан асраб келяпсиз. Буларни қоғозда акс эттириш учун менинг сўз бойлигим озлик қилади.

Андижон воқеаларида ёвуз кучлар йўлида шахсан ўзингиз қалқон бўлиб турганингиз менинг Сизга бўлган ҳурматимни янада оширди ва хат ёзишга мажбур қилди. Ваҳоланки, Сиз Президент сифатида Тошкентда туриб (кўпгина давлатлар раҳбарлари одатда шундай қилади) керакли кўрсатмалар беришингиз ҳам мумкин эди. Бироқ, сиз ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар раҳбар сифатида бевосита воқеа содир бўлган жойга – Андижонга келиб, одамлар билан, жамоатчилигимиз билан, ҳарбийларимиз билан елкама-елка туриб, халқимиз ҳаётига хавф солиб турган офатга қарши зарур чораларни кўрдингиз.

Оллоҳ Сиздай раҳбарни бизга насиб этгани – бу катта бахт, Ислом ака! Мана шундай хат ёзгин, деб менга ҳеч ким ўргатгани йўқ, буларнинг ҳаммаси қалб туғёнларим.

Энди озгина чекиниш қилсам: қани менда катта минбар бўлса ёки ҳеч бўлмаса матбуот орқали муножаат қилиш имкони бўлса эди, шундай деган бўлардим: «Эҳ, азиз ватандошларим, менинг қалб сўзларимни тингланг, қаранглар, ўлкамизда ҳар қадамда ютуқлар, қурилишлар! Қайси бирини айтмай. Бу гўзал ишларни, бу Ватан тупроғини ҳеч бўлмаса тушида кўролмай ўтиб кетганлар қанча! Ватанимизнинг чўли ҳам, бўстони ҳам ўзимизники. Эзгуликка элтувчи йўл ҳамиша машаққатли бўлади.

Чет эл журналистлари, уларга малайлик қилаётганлар, сиз ҳам эшитинг! Эй гумроҳлар, истиклол

даврида қанчадан-қанча топталган қадриятларимиз тикланди, нега булар ҳақида гапирмайсиз, озгина нохушлик, табиий қийинчилик бўлгудек бўлса, роса кўпиртирасиз, товламачиларнинг ишини қиласиз.

Эндигина катта йўлга чиқиб олган Ўзбекистони-мизни мустақил бўлганига юзлаб йил бўлган давлатларга тенглаштирмақчи бўласиз. Ахир, шу инсофданми? Ишонинг, ҳали Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни шу қадар юксак бўладики, юртимизни мадҳ этиш учун навбат кутиб туришингизга тўғри келади».

Ислон ака, халқимиз бахт-саодати йўлидаги ишингизда сабр-бардош, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Камоли эҳтиром билан

Тождиддин Усмонов,

Андижон вилояти, Асака тумани

2005 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!

Сизнинг 2005 йил 16 июнь куни Сурхондарё вилоятига қилган сафарингиз, шу жумладан мен хизмат бурчимни ўтаётган чегара қўшинларининг ҳарбий қисмига ташриф буюрганингиз нафақат мени, балки барча сафдошларимни ҳам қай даражада тўлқинлантириб юборганини сўз билан таърифлаш қийин.

Бу улуғ кун менинг қалбимда бир умр сақланиб қолади. Биринчидан, Ватанимизнинг энг жанубий сарҳадида она Ватан олдидаги муқаддас бурчимни бажариш чоғида давлатимиз раҳбари билан юзма-юз учрашиш менга ва сафдошларимга насиб қилган бўлса, иккинчидан, ушбу сана менинг таваллуд топган кунимга тўғри келганлиги ҳамда шахсан Сизнинг бу айём билан мени муборақбод этганлигингиз билан ҳам қадрлидир.

Учрашув чоғида Сизнинг биз ҳарбий хизматчиларга берган насиҳатлар ва йўлланмаларингиз доимо дастуриламал бўлиб қолади. Сизнинг Ватанимиз тарққийети ва хавфсизлиги борасида олиб бораётган улкан ишларингизда доимо камарбастамиз.

Яқинда Андижон шаҳрида бўлиб ўтган нохуш воқеалар ўз Ватанини севиб, ардоқловчи ҳар бир юртошимиз қатори биз ҳарбий хизматчиларни ҳам қаттиқ ғазаблантирди.

Биз ўз юртимизни қандайдир ёвуз ниятли гуруҳлар қўлига бериб қўядиган халқ эмасмиз. Ўзингиз таъкидлаганингиздек, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Муҳтарам Олий Бош Қўмондон!

Биз чегара қўшинлари ҳарбий сафларида хизмат қилар эканмиз, бизга билдирган ишончингизни оқлаймиз ва шу муқаддас юртимизни ҳар қандай тажовуздан кўз қорачигидек асраймиз, деб Сизни ишонтирамиз.

Сизга чуқур ҳурмат билан

Элёр Абдурахимов,

Республика миллий хавфсизлик хизмати Термиз алоҳида чегара назорати базасида шартнома асосида хизмат қилаётган кичик сержант

(«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 22 июнь)

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислоҳ ака!

Андижон шаҳрида бўлган фожиали воқеаларни эшитиб, биз ҳам халқимиз қатори изтиробга тушдик. Юз ёшдан ошган бобом Товмурод ота, етмиш яшар отам, ўғлим, қўни-қўшнилар – қўйинг-чи, ҳаммамиз безовта бўлдик.

Биз Сизга, давлатимизнинг оқилона сиёсатига ишонган ҳолда, бу жиной ҳаракатлар қонун йўли билан тезда ҳал этилиши, жинойтчилар жазосини олишига ишондик. Шундай бўлди ҳам. Лекин, айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг хабарларидан ранжидик. Чунки Ўзбекистон ўз ички ишларини ўзи ҳал эта олади, мустақил давлатимизнинг ўз кучи, ўз салоҳияти бор. Улар бўлса, уялмай-нетмай ёлғон-яшиқ гапларни тарқатиб юрибди.

Шуни айтиш керакки, Андижон воқеаси ҳар биримиз учун сабоқ бўлди, чин дўст ким у душман кимлигини билиб олдик.

Сизга соғлиқ-саломатлик тилаб,

Товмуродовлар оиласи номидан ҳурмат билан

Акбар Товмуродов,

Навоий вилояти,

Хатирчи тумани

2005 йил 24 май

Қадрли Ислон Абдуганиевич!

2005 йил 13 май куни Андижонда бўлиб ўтган воқеалар кўпчилик қатори менинг ҳам қалбимни ларзага келтирди. Юртимиз тинчлигини, мусаффо осмонимизни кўролмаган айрим разил кимсалар халқимизнинг матонатини синдириб, йўлимизга ғов бўлмоқчи бўлди. Улар динни ниқоб қилиб, аслида мусулмончиликда ман қилинган ишларни онгимизга сингдирмоқчи, қалбларимизни заҳарламоқчи бўлди. Лекин халқимиз уларнинг ҳийла-найранглариغا учмай, Сиздек мард ва жасур раҳбари атрофида бирлашиб, бузғунчиларнинг таъзирини берди, адолат яна бир бор ғалаба қозонди.

Мен телевизор орқали воқеа тафсилотларини Сизнинг тилингиздан эшитар эканман, қалбимда террорчиларга нисбатан кучли нафрат уйғонди. Ахир, улар туфайли қанча-қанча бегуноҳ ватандошларимиз нобуд бўлди, қанча оналар фарзанд доғида ўртанмоқда, қанча болалар етим қолди, қанча хонадоннинг бошига мусибат тушди.

Ўша кунлари ҳаммамиз безовта бўлиб, яна бир бор чуқур англадикки, тинчлик бебаҳо неъмат экан. Мен ҳам ўзимнинг барча ютуқларимни, республика олимпиадасида ғолиб чиқиб, мuddатидан олдин талаба бўлганимни, ота-онам бағрида хотиржам юрганнимни, умуман эришган барча ютуқларимни тинчлигимиз туфайли, деб биламан.

Биз – Ўзбекистон ёшлари бахтига доимо омон бўлинг.

Шамсиддин Ботиров,

Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги
Азиз Ҳайдаров номидаги ихтисослашган
мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси

2005 йил 28 май

Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз!

Мен оддий бир аёл, тўрт фарзанднинг онаси сифатида Андижонда бўлиб ўтган воқеалардан жуда-жуда қайғурдим. Одам қиёфасидаги махлуқларнинг бу жирканч қилмишлари нафакат мени, балки барча оналарни ҳам қаттиқ изтиробга солди, уларга нисбатан қалбимизда нафрат ва ғазаб уйғотди. Бизнинг келажагимиз, орзу-умидларимиз бўлган болаларимизни йўлдан уришга интилаётган, тинчлигимизни, тинч ва осойишта ҳаётимизни кўролмаётган бузғунчилар, ўзимиздан чиққан айрим ғаламислар бари бир ёвуз ниятига етолмайди.

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Бизнинг Ўзбекистонимиз ўз куч-қудратига, қонунларига, айниқса халқпарвар Юртбошисига эга. Қани, ўша ҳар хил уйдирмалар тўкиб, гап сотаётган журналистлар келиб биздан интервью олсин. Туғилиб ўсган она тупроғимизни, ўз элимизни, Юртбошимизни қанчалик ҳурмат қилишимизни уларга айтиб, бутун дунёга яна бир бор маълум қиламиз.

Бизнинг бахтимизга Сиз, азиз Ислон ака, доимо соғ-омон бўлинг. Оллоҳ Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик, куч-қувват ато этсин.

Шаҳзода Саъдиева,

Тошкент вилояти,
Чирчиқ шаҳри

2005 йил 16 июнь

Мухтарам Ислоҳ Абдуганиевич!

Сизнинг Андижон воқеалари аслида қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширилгани, уларнинг ортида кимлар, қандай ёвуз кучлар тургани ҳақида айтган гапларингиз бутун халқимиз қатори, биз – агро-сансоат тизими таркибига кирувчи корхоналар ва килларини ҳам бефарқ қолдирмади. Бизнинг ютуқларимизни кўролмайдиган, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига раҳна солишга уринаётган кимсалар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаяпти. Андижон воқеалари уларнинг башарасини яна бир бор намоёниш қилди.

Бу разил жиноятларни содир этганлар ва уларнинг ортида турганлар ҳақида сизнинг бениҳоя куйиниб ва безовталаниб билдирган фикрларингизни эшитган ҳар қайси юртдошимизнинг қалбида террорчи ва экстремистларга нисбатан кучли нафрат уйғониши муқаррар.

Бундай фожиали воқеалар юртимизда қайта такрорланмаслиги учун ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз керак. Чунки гузал диёримизнинг тинчлиги ва тараққиёти аввало ўзимизга, фарзандларимизнинг мана шу заминда бахтиёр яшаши учун керак.

Бугун Ватан бизники, ўзимизники. Уни қандайдир ғаламис кимсалар қўлига бериб, ота-боболаримиз хоки ётган тупроқнинг топталиши, мияси заҳарланган кимсалар томонидан оёқости қилинишига асло йўл қўймаймиз. Ватанимиз равнақи, келажак авлод истикболи учун бор куч-ғайратимизни бериб, ишлаймиз, курашамиз, деб сизни ишонтирамиз.

**Норин-Сирдарё ирригация тизимлари
бошқармаси жамоаси**

2005 йил 14 сентябрь

Ассалому алайкум, мухтарам Ислоҳ Абдуганиевич!

Мен Андижон воқеаларидан таъсирланиб, шу хатни ёзаяпман. Чунки одам нотинчликни кўргандан кейингина чинакамига тинчликнинг қадрига ета бошлар экан. Биз, андижонликлар бу воқеаларни кимлар уюштирганини бугун яхши биламиз. Тобора гуллаб-яшнаётган юртимиз камолини кўра олмаётган кимсалар бу ишларни қилди. Минг шукрки, Андижон халқи бу пасткашларга эргашмади.

Очиғини айтсам, бошида бу ҳодисалар кўп қатори мени ҳам анча хавотирга солди. Бироқ Сизнинг шу куни тонгдаёқ Андижонга етиб келганингизни эшитиб, битта мен эмас, ҳаммамизнинг кўнглимизда умид ва ишонч пайдо бўлди. Сизнинг ўз вақтида кўрган чора-тадбирларингиз туфайли, мана, Андижонда яна тинчлик ҳукм сура бошлади.

Рухсатингиз билан ушбу хатимда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани баён қилиб ўтсам. 2005 йил 2 сентябрь куни мен фарзандим Авазбек Ҳасановни Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабаси бўлгани билан табриклаш учун пойтахтга бордим. Шу куни бу ерга халқимизнинг кўплаб сеvimли санъаткорлари, устозлар, ота-оналар тўпланишган, барчанинг қувончи чексиз эди. Бу қувонч ва шодликка сабаб бўлган нарсасиз институтга тақдим этган жуда кўркам, ҳашаматли, замон талабларига тўла жавоб берадиган муҳташам янги бино эди. Сизнинг болаларимизни ўйлаб қилган бундай катта ғамхўрлигини кўриб, кўзимга беихтиёр ёш келди. Айниқса, институт хоналарини кўздан кечирганимизда ҳамма Сизни дуо қилди, фарзандларимизнинг келажagini ўйлайдиган қалби дарё Юртбошимиз борлигидан яна бир бор фахрландик, Оллоҳга шукроналар айтдик.

Мен шу ерда Андижон воқеаларини яна эсладим ва бу каби хунук ишлар бизнинг тинч ҳаётимиз, юртимизнинг тараққиёти учун қанчалар хавфли эканини ич-ичимдан ҳис қилдим.

Азиз Ислом Абдуғаниевич!

Сизга ишонч билан айтаманки, менинг фарзандим ва мен каби юзлаб, минглаб оналарнинг ўғил-қизлари ўз юртига, Президентига содиқ бўлиб қолади. Улар Сиз яратиб бераётган улкан имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланади, яхши ўқиб, билим олади, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишади.

Маҳбубахон Абдурасулова,
Андижон шаҳри

2005 йил 3 октябрь

Азиз ва муҳтарам Юртбошимиз!

Биз, ёшлар она Ўзбекистонимиз бағрида, тинчлик ва осойишталикда униб-ўсмоқдамиз. Шунинг учун ҳам ўз юртимизни жондан ортиқ севамиз ва унинг қадрига етиб, асраб-авайлаймиз.

Лекин, минг афсуски, бу дунёда, ён-атрофимизда бизнинг фаровон ҳаётимизни кўролмайдиган ичиқора одамлар ҳам бор экан. Андижондаги воқеалар буни ҳаммамизга исботлаб берди. Бу фожиаларни содир этганлар инсон деган номга муносибми? Уларни қандай она туққан экан? Ўз юртига нисбатан қўл кўтарган бундай ёвуз кимсалар учун инсоний туйғулар мутлақо бегона бўлса керак.

Биз тенги айрим ёшларнинг, билиб-билмасдан, бундай ваҳший тўдага аралашиб қолгани, албатта, бизларни қаттиқ изтиробга солади. Юртимизда ёш авлод учун шундай беқиёс имкониятлар очилаётган бир пайтда бундай кўчага кириш кўрнамаликдан бошқа нарса эмас.

Биз, ёшлар ота-оналаримиз, устозларимиз билан бир сафда туриб, террорчиликни остонамизга йўлатмасликка, келгусида халқимизнинг, юртимизнинг муносиб фарзандлари, ўғил-қизлари бўлиб вояга етишга, Ватанимиз довуғини дунёга ёйишга ваъда берамиз.

Бахтимизга доимо соғ бўлинг!

**Фаргона шаҳридаги хорижий
тиللарга ихтисослашган
10-мактаб ўқувчилари**

2005 йил 16 октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**

*Бисмиллоҳир раҳманир раҳийм,
Ассалому алайкум, муҳтарам Президент жаноби олийлари!*

Ўзбек халқининг асрий орзуси, юртимиз мустақиллигини кўролмайдиган бир гуруҳ фитначиларнинг жиноятлари ила Ўрта Осиё гавҳари – Фарғона водийсида, хусусан, Андижонда амалга оширилган, мамлакат ва халққа қарши содир этилган кўнгилсиз воқеалардан бохабар бўлиб, изтиробга тушдик.

Оллоҳнинг каломи – Қуръони каримда: «Фитна – қотилликдан ёмонроқ жиноятдир», дейилган. Бу мудҳиш кимсалар ҳам фитнага, ҳам қотилликка қўл урдилар.

Андижон халқи ҳеч қайси замонларда фитнага аралашмаган. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу хатти-ҳаракатга аралашиб қолганлар мамлакат душманларининг ташқаридан туриб қилган алдовлари ҳамда бебурд ваъдаларига учганлар.

Ўзбек миллатимиз бошига синов тушганда ўз йўлбошчилари атрофида жипслашиб, ҳар қандай мушкулотни Оллоҳнинг ёрдами ила ҳал этиб келган.

Яратган Парвардигоримиздан сўраймиз, муҳтарам юртдошларимизни даъват қиламизки, бу сафар ҳам Сиз – жаноби олийларининг атрофингизда жипслашиб, шум ниятли кишиларнинг мақсадларини амалга оширишга асло йўл қўйилмағай, иншооллоҳ.

Оллоҳ Ҳақ субҳаноҳу таолодан гўзал Ватанимиз – Ўзбекистонни ёмон кўзлардан, турли хил офатлар, балою кулфатлардан ўз паноҳида асрашини сўраб қоламиз.

Сиз муҳтарамга, Президент жаноби олийлари, барча эзгу амалларингизда Яратгандан мадад бериб туришини илтижо қиламиз.

Эҳтиром ила
Саудия арабистонилик ўзбек ватандошлар номидан:

**Сафохон ибн Жалолхон Тура Марғилоний,
Тураҳон Аъзамхон ибн Жалолхон Марғилоний,
Мелибек Исҳоқбек Тошкандий, Хуршидбек
Олимбек Тошкандий, Абдурахмон Хўжа
Туркистоний ва бошқалар.**

Маккаи Мукаррама шаҳри,
2005 милодий йили, 16 май
(«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 24 июнь)

ЯХШИЛИК, МЕХР-ОҚИБАТ УНУТИЛМАЙДИ

Халқимиз азалдан яхшилик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби фазилатларни улуғлаб келади. Мустақиллик йилларида бундай эзгу фазилатларни жамият ҳаётида қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг амалий тасдиғини Президент Ислоҳ Каримов фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Юртбошимиз ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик, ижтимоий ҳаётда меҳр-мурувват, саховат ва ўзаро ёрдам масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу борада барчага намуна бўлиб, эл-юртга хизмати сингган инсонларга таваллуд кунларида хат йўллаб, табриклайди, муҳтожларга амалий ёрдам кўрсатади, бошига кулфат тушганларнинг кўнглини кўтаради. Мазкур фаслдаги хат ва ёзишмаларнинг аксарияти Юртбошимизнинг ана шундай инсоний фазилатларини намоён этиши билан қадрлидир.

Антонина Павловна Хлебушкинага

Муҳтарама Антонина Павловна!

Сизни ҳаётингиздаги шонли сана – 80 ёшга тулган кунингиз билан табриклашдан мамнунман.

Саховатли Ўзбекистон диёрида донолик, бағрикенглик, саҳийлик, меҳр-шафқат ҳамиша қадрланадиган, эъзозланиб келади. Сизнинг сиймоингизда, ёш

авлодга оналик меҳри билан тула ҳаётингизда шу фазилатлар акс этган.

Сиз, Антонина Павловна, ҳамиша болалар қалбига йўл топа олган, айниқса, ҳаётда кўп жабр кўрган, онасидан, яқинларидан жудо бўлган болалар меҳрини қозона олган меҳрибон, шафқатли инсонсиз. Сиз минглаб болаларни тарбиялаб, уларга ҳаётга йўлланма бердингиз.

Сизнинг илҳомбахш меҳнатингиз умумхалқ томонидан эътироф этилди, республика ҳукумати томонидан юқори баҳоланди. Сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси таъсис этган «Соғлом авлод учун» орденига биринчилар қаторида сазовор бўлдингиз.

Азиз Антонина Павловна, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳаётингиздаги асосий ишингизни – болалар ва ёшларни тарбиялашни давом эттиришингиз учун куч-ғайрат тилашга ижозат бергайсиз.

**Ислоҳ Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1994 йил 20 декабрь)

**Самарқанд шаҳридаги
10-сонли меҳрибонлик
уйи жамоасига**

Ота-она меҳрига муҳтож болаларнинг бошини силлаш, кўнглини кўтариш, ҳаётда тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий шарқона фазилатдир. Сизлар савобли меҳнатингиз билан бағрикенг халқимизнинг ана шу эзгу анъанасини давом эттириб, соғлом авлодни тарбиялашдек муқаддас ишимизга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдасиз.

Меҳр кўрган – бемеҳр бўлмас, дейдилар. Ишонманки, сизлар каби олижаноб мураббий ва муаллимларнинг қалб саховатидан баҳраманд бўлган, билим ва сабоқ олган ўғил-қизларимиз ўз халқига садоқатли, Ватанига фидойи инсонлар бўлиб камол топади.

Сизнинг жамоангизга бўлган ҳурмат-эҳтиромим, жондан азиз фарзандларимизга чексиз меҳрим ифодаси сифатида сўнгги йилларда чоп этилган китобларим учун бериладиган қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни меҳрибонлик уйи ҳисобига ўтказишга қарор қилдим.

Қалбингиз ҳарорати, меҳрибон кўлларингиз тафти асло сўнмасин. Болажонларимизга эса меҳр-муҳаббат, келажакка ишонч туйғулари, бахт-саодат доимо ёр бўлсин.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 10 декабрь

**Тошкент шаҳридаги 100-махсус
мактаб-интернат жамоасига**

Сизларнинг алоҳида эътибор ва меҳрга муҳтож бўлган ногирон болаларни ғамхўрлик билан парвариш қилиб, уларга қалб кўрингизни бағишлаб, билим ва тарбия бераётганингиз гоё савобли ишдир.

Давлатимиз ёрдами ва сиз каби меҳрибон мураббий, муаллим ва шифокорларнинг олижаноб меҳнати билан тақдир синовини бўлмиш хасталикларга учраган бу фарзандларимизнинг дарди енгиллашди, қалбида ишонч туйғуси сўнмайди.

Саховат, меҳр-шафқат, мададга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳамдард бўлиш – халқимизнинг эзгу фазилатидир.

Мен кейинги йилларда нашр этилган китобларим учун бериладиган қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни мактаб-интернатингиз ҳисобига ўтказишга қарор қилдим.

Ушбу маблағ тарбия маскани ўқувчиларининг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг даволаниши ва пухта билим олишига хизмат қилади, деб ўйлайман!

Ҳурматли мураббийлар!

Сизларнинг хайрли ишингизга муваффақият тилайман, азиз фарзандларимизга эса Яратгандан уларга сихат-саломатлик, мустаҳкам ирода ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 13 декабрь

ЖАСУРЖОН ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИНИ ОЛДИ

Пайариқ тумани, «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги худудидидаги Дамариқ қишлоғида яшовчи 13 ёшли Жасуржон Жуманов Президент Ислом Каримов номига мактуб йўллаган эди. Мактубда дамариқликларнинг бугунги ҳаёти, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонларнинг келажакка бўлган ишончи, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигига раҳна солишга уринаётганларга нафрат, сиёсий жараёнларга муносабат акс этган эди.

Жасуржон ўшанда эндигина бешинчи синфни тамомлаган эди. Аммо мушоҳадаси кенг, орзулари бир олам. Ота-онаси ҳам оддий кишилар. Олис қишлоқдаги камтарин хонадонда соғлом руҳда вояга етаётган, ўз қараши, қатъий фикрига эга ўсмир йигитнинг юксак даражадаги ватанларварлигидан фахрланган Президентимиз Ислом Каримов Жасуржонга қимматбаҳо эсдалиқ совғаларини юборди. Совғаларни топшириш маросими қишлоқда катта тантанага айланди. Бутун қишлоқ аҳли фидойи ёшларни ўз фарзандидек билиб, ёш авлод тарбиясига катта эътибор бераётган Юртбошимизга миннатдорлик билдиришди.

ЎЗА

(«Халқ сўзи», 2000 йил 29 июнь)

Ҳурматли редакция!

Менинг гапларимни ўзгаришсиз газетада босиларингизни ўтиниб сўрайман... Бугун ичимдаги қувончим, кўнглимдаги шодлигим чексиз.

Севинганимдан кўз ёш тукаяпман. Яшашдан умидини узиб, тамоман тушкунликка тушган, тақдирнинг қоронги сўқмоқларида гангиб қолган аёлнинг ҳаёти қутилмаганда ёришиб кетишини тасаввур қилиб кўринг.

Қисматимда бор экан. Бешафқат дард тушакка михлади. Икки оёғим ва бир қўлим ишламай қолди. Икки нафар қизалоғим билан ота-онамнинг уйида яшай бошладим. Укаларимни уйлантиришди, келинлар тушди. Охири уй-жой сўраб ногиронлар арава-часида ҳокимиятга бордим. Ҳокимимиз: «Бу йилни Президентимиз Инсон манфаатлари йили деб эълон қилдилар. Албатта, сизга ёрдам берамиз», – деди.

Бугун ҳаётимда бир умр эсдан чиқмайдиган воқеа юз берди. Мен яна яшашга қайтдим. Фарзандларим – ўн яшар Шахноза ва саккиз яшар Насибохонлар билан туман марказидаги икки хонали уйга кўчиб ўтдик. Биринчи қаватда. Ихчамгина ҳовлиси бор. Инсон манфаатлари йили биз учун қутлуг келди. Юртбошимизни ҳар лаҳза дуо қилаяпман. Айниқса, қизалоқларим бот-бот: «Ойи, бизга Президентимиз уй бердилар-а?..» дейишади. Шунда кўзимдан хурсандчилик ёшлари тўкилади. Бу мен ва умидим – фарзандларим саодати учун қилинган улуг ғамхўрликдир.

Малика Ғайбуллаева,

Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри

(«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 19 декабрь)

АЗИЗЖОННИНГ БАХТИ

Оилада бемор бўлмасин. У айниқса, оғир хасталикка учраган ёш фарзанд бўлса, ота-онанинг кўзига бу дунё қоронғи. Қандай бўлмасин, нуридийдасини даволатиш, ҳаётга қайтариш учун улар бор бисотидан воз кечишга тайёр бўлади.

Ғиждувон туманидаги Зафаробод кончилар шахарчасида истиқомат қилувчи оддий ишчи Аҳмаджон Аҳоров ҳам шундай кўйга тушганлардан эди. Болаликдан оғир хасталик сабаб тушакка михланиб қолган ногирон фарзанди Азизжонни даволатиш учун кўрсатмаган табиби қолмади. Таниқли мутахассислар сўнгги чора сифатида Азизжонни Москвага, Елизаров номидаги илмий-текшириш институти клиникасига олиб боришни маслаҳат беришди.

Ҳозирги шароитда Москвага боришнинг ўзи бўладими? Начора.

Фарзанди, кўзининг оқу қораси учун қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, Москвага жўнади. Аммо у ердан тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди: Азизжонни операция қилиш учун жуда катта маблағ керак экан!

Шундан сўнг умидлари чилпарчин бўлган Азизжон Тошкентга – мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга хат ёзди. Хат беиз кетмади: тезда Тошкентдан хушxabар келди. Азизжон даволаниши учун зарур бўлган маблағ Елизаров клиникаси ҳисобига ўтказилибди. Республикамиз вакиллари клиника раҳбарлари билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, Азизжон тўла даволанишига қадар отаси Аҳмаджон Аҳоровни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қолаверса, фарзанди ёнида бўлиши учун клиникага ёрдамчи ишлардан бирига ишга қабул қилиш масаласини ҳал этишибди.

Мана, орадан етти ой ўтди. Азизжонни мураккаб операция қилиш ва қўшимча муолажалар учун ана шунча узоқ вақт керак бўлди. Оғир кунларда отаси бошида парвона бўлди.

Яқинда Азизжон батамом соғайиб, уйига қайтди. Қайтди-ю, биринчи қилган иши Юртбошимизга миннатдорчилик хати ёзиш бўлди. У хатида Ислам Каримовдан эсдалик учун сурат ҳам сўраганди. Азизжоннинг бир қувончига минг қувонч қўшилди: яқинда Юртбошимизнинг дастхати туширилган эсдалик суратини олди.

Азизжон учун, унинг оила аъзолари учун азиз ва муътабар инсон – Юртбошимиз сурати уй тўрида осиглик. Азизжон ҳар сафар уйга кирганида суратга узоқ-узоқ боқади. Юртбошимиз гўё унга: «Уйна, кул, қувна, болам. Сен ҳам барча тенгдошларинг сингари истиқлол берган неъматлардан тўла баҳрамандсан», деяётгандай.

ЎЗА

Бухоро вилояти

(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 9 февраль)

Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!

Авваламбор, Сизни халқимиз ишончини қозониб, Ўзбекистон Президентлигига қайта сайланганингиз муносабати билан оила аъзоларимиз, фарзандларимиз номидан табриклайман.

Менинг онам – Раҳимахон ая Абдуллаева 10 йилдан буён касал эдилар. Менинг ёрдам сўраб Сизга, Президент девонига ёзган мактубим туфайли онамни касалхонага жойлаштириб, операция қилишди. Онамиз бағримизга қайтиб яна қаторимиз тўлди. Ҳозир аҳволлари яхши. Сизнинг катта эътиборингиз туфайли менинг онамга ўхшаган кўплаб муштипар оналарга ёрдам бериб келиняпти.

У киши 75 ёшга кирдилар. Шу ўтган умрлари давомида 5 нафар қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Бугун онажонимизнинг 40 нафар неваралари, 20 нафар чеваралари, 10 нафар невара кўёлари, 6 нафар невара келинлари бор. Афсуски, онамнинг ўғиллари йўқ эди. Бугун эса «Бошимизда соябон, дардимизга дармон ўғлим», дея Сизнинг ҳақингизга эртаю кеч дуо қиладилар.

Ўғлим Ойбек ҳам мустақил Ўзбекистонимиз учун жонини фидо қиладиган фарзандингиз бўлсин деб доим ният қиламан. Унинг орзулари бекиёс. «Аяжон, мен армияга бораман, чегарачи бўламан. Худо хоҳласа Президентимизни, юртимизни қуриқлайман», дейди, фахр билан. Менинг ўғлим Сизга ўхшаган чин инсон, мард ўғлон бўлишини Оллоҳдан сўрайман.

Мавлуда Абдуллаева,
Пахтабод шаҳри

(«Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 3 март)

Президентимиз ташаббуси билан 9 май юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди. 1999 йил 9 май куни бу сана илк бор умумхалқ тантанаси сифатида нишонланди. Шу муносабат билан уруш ва меҳнат фахрийларига Президент совғалари топширилди. Фахрийларимиз йўллаган мактубларда бундай эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик туйғулари изҳор этилади.

Азиз юртбошимиз!

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Сизнинг номингиздан юборилган байрам совғасини қабул қилар эканман, қалбим тўлқинланиб, кўзларимда қувонч ва ифтихор ёшлари балқди.

Мендек бир уруш ногирони, мўйсафид бир инсонга кўрсатган бундай катта эътиборингиз учун ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Сизнинг олиб бораётган халқпарвар, доно сиёсатингиз, заҳматли меҳнатингиз туфайли шундай дорилар кунларга етишганимиз учун Оллоҳга шукроналар бўлсин.

Биз каби оталарни эъзозлаб, Ватан учун, эл учун жон куйдириб, тиним билмай меҳнат қилиб келаётганингиз халқимизнинг ардоқли, фидойи фарзанди эканлигингиздандир.

Бу йил мен саксон баҳорни қаршиладим. Сизнинг бунёдкорлик ишларингиздан руҳланиб анча ёшаргандекман. Белимга қувват, кўзимга нур қайтгандек бўлди.

Оллоҳдан Сизга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлаш йўлида омадлар ёр бўлишини тилайман.

Исмаи Тошматов,
уруш ва меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти
(«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14 май)

Қадрли Ислон Абдуғаниевич!

Авваламбор, Сизга ва оила аъзоларингизга, Ўзбекистон халқига узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Мен, Бешариқ туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги ҳудудида яшайман, 77 ёшдаман, биринчи гуруҳ ногирониман, оёғим ишламайди, бир жойда ўтираман.

Мен Сизга шу йил январь ойида бир донга телевизор сўраб ариза билан мурожаат қилган эдим. Очиғини айтсам, хатни ёзишга ёздим-у, катта бир давлат раҳбарини арзимас илтимос билан муҳим ишлардан чалғитдим, деб кўп хижолат бўлдим. Бироқ аризам қондирилиб, сизнинг совғангизни олганимдан кейин ҳар бир фуқаро сизнинг эътиборингизда эканини англадим.

Шунинг учун оилам номидан ушбу мактубни йўллаяпман. Уни миннатдорлик мактуби сифатида қабул қилишингизни сўрайман.

Келгуси ишларингизда кўпдан-кўп омад ва муваффақият тилайман.

Салом билан

Ҳ. Ҳотамов,
Фарғона вилояти, Бешариқ
тумани, «Намуна» ширкат хўжалиги
2001 йил 5 март

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислон Абдуғаниевич!

Менинг ушбу мактубимни хоразмлик ва қорақалпоғистонлик аёлларнинг миннатдорчилиги рамзи деб билгайсиз. Шахсан Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли бизлар ва болаларимиз ёз бўйи республикамизнинг «Ботаника», «Турон», «Бўстон», «Семурғ» каби энг яхши сиҳатгоҳларида бепул даволаниб, хордиқ чиқардик. Дам олиш пайтида кўп эшитдим, аёлларимиз бундай ғамхўрликдан беҳад хурсанд бўлишди. Юртимизда оналар ва болаларга катта эътибор берилаётганлигини яна бир бор юракдан ҳис этдик.

Ушбу мактубимни мен билан бирга дам олиб, даволанган 500 нафар аёл номидан ёзаяпман. Сиҳатгоҳда ҳар куни Сизни дуо қилдик, Оллоҳдан юртимизнинг тинчлигини сўрадик.

Биз — ўзбек аёллари фақат уйим-жойим, элим, бола-чақам, деймиз. Менинг ўзим 42 ёшдаман, уч киз, икки ўғилнинг онасиман. Йигирма йилдан бери иш, уй-рўзғор ташвиши билан бўлиб, соғлиққа қарамаган эканман. Тошкентдаги «Турон» сиҳатгоҳида дам олиб қайтгандан сўнг, ўзимни бардам ҳис этдим.

Бизларга барча сиҳатгоҳларда «Президент кизлари» дея алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қарашди. Қизиқарли концертлар уюштирилди. Музейларга бордик. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик.

Илоҳим, Сизни доимо оналарнинг дуолари қўллаб-қувватласин. Биз эса Сизга суянчиқ бўладиган, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига, келажаги буюк бўлишига хизмат қиладиган фарзандларни тарбиялашга сўз берамиз.

Сизга чексиз ҳурмат билан беш фарзанднинг онаси

Гавҳар Дўстжоновна,
Хоразм вилояти, Шовот тумани,
Комилжон Отаниёзов номидаги ширкат хўжалиги
(«Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 3 ноябрь)

Эл-юртимизга хизмати синган, ўзининг куч-гайрати, билим ва истеъдодини Ватанимиз равнақиға бағишлаган, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда ҳаётий тажрибалари билан намуна бўлиб келаётган кекса авлод вакиллари меҳнатини муносиб баҳолаш, ҳурматини жойига қўйиш, ногиронларга моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг руҳини кўтариш масалалари доимо давлатимизнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида шу йўлда яна бир салмоқли қадам қўйилди. Президент Исроил Каримов фармониға биноан юртимиздаги юз ёшдан ошган 14 нафар пири бадавлат кекса фахрийларимиз «Шўҳрат» медали, жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ ногирон юртдошларимиз эса «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Қўйида ана шундай мукофотга сазовор бўлган инсонлардан бири йўллаган мактуб эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ассалому алайкум, муҳтарам Президентимиз!

Яқинда газетада бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки бу рўйхатда менинг ҳам фамилиям бор эди. Ана шу тақдирланганлар қатори мен ҳам «Жасорат» медалиға сазовор бўлган эдим. Бу хушхабар мени ниҳоятда тўлқинлантириб, қўлимға қалам олиб, Сизға мактуб ёзишға ундади.

Мен болалиқдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Шунинг учун Бухоро тиббиёт техникумиға ўқишға кириб, уни 1992 йили тамомладим. Аммо ўша йили тўсатдан қаттиқ касал бўлиб қолдим. Орқа миям жароҳатланган экан, операция қилишди. Аввал вилоят шифохонасида, сўнгра Тошкент шаҳридаги қатор ка-

салхоналарда даволандим. Фақат шифокорларнинг маҳоратию мўъжиза туфайлиғина омон қолдим. Операциядан кейин анча вақт тушакка миҳланиб ётдим. Етти йилдан кейин яна операция қилишди. Операция яхши ўтди. Аммо биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Ўйимға келган, дард хуруж қилиб, яна ётиб қолдим. Мен чеккан азобларни ҳеч кимнинг бошиға солмасин.

Шу зайлда кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверди. Мен минг азоб билан ўтирадиган бўлдим. Ҳар бир ҳаракатим чексиз азоб берар, барчасиға тишимни тишимға қўйиб чидар эдим. Лекин, тан олишим керакки, бирор марта ҳам Худодан норизо бўлмаганман. Оллоҳнинг марҳамати кенг экан, буни қарангки, аста-секин қўлтиқтаёққа суяниб юрадиган бўлдим. Шу тариқа менда бирор иш билан овуниш истағи туғилди. Чунки дардни ўйлаб бир қийналсам, ҳаётим зерикарли, кунларим эса бесамар ўтаётганидан баттар изтироб чекардим. Ўйлай-ўйлай, охири, нонурид шайтон, яхши ният билан бирор нарса тикиб кўрай-чи, деган ҳаёлға бордим. Ҳарҳолда, бу ишни ўтирган ҳолда бажарса бўларди. Хуллас, қўлимға игна-ип олиб, тикишни бошладим. Дастлаб болалар қўйлақчаларини тикдим. Тикканларим унчалик яхши бўлма-са-да, бу юмуш мени овунтирар, дардимни аритгандек бўлар, энг муҳими, ишимдан олам-олам завқ олар эдим. Ишға шунчалар берилиб кетдимки, энди ҳаёт зерикарли туюлмас эди. Бориб-бориб тиккан қўйлақларимни кўрган қўни-қўшнилари бир-иккита буюртма бера бошлади. Меҳнатим натижалари аста-секин қишлоқ аҳли назарига туша бошлади.

Энди миҳозлар ҳам кўпайган, айниқса хотин-қизларға мен тикаётган қўйлақ ва халатлар манзур бўла бошлаган эди. Аммо миҳозларим кўпайгани сари уларға хизмат қилишим қийинлашиб борарди. Шунда, бу касбни маҳалла қизларига ўргатсам қандай бўларкан, деган фикр туғилди. Шу ниятда ён-атрофдаги ёш қизларни тўплаб, тикувчилик сирларини

Ўргата бошладим. Дастлабки шогирдларим ўзимнинг жиянларим ва қўшилларнинг болалари бўлди. Аста-секин бу ҳунарга қизиқувчилар кўпайиб, сафимиз кенгайди.

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармонларингиз, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари менинг ишимни ташкил қилиш ва ривожлантиришда айна муддао бўлди. Бу фармон ва қарорлардан руҳланиб, туманимиздаги 19-мактаб ҳузурида иш бошладим. 2001 йили эса туман марказидаги Ногиронлар жамиятига қарашли бинода «Дилрабо чеварлари» ўқув марказини ташкил этдим. Касб-ҳунар ўрганишга талабгорлар кундан-кун кўпайиб, ишларим ривожланиб кетди. Натижада туманимизнинг «Бухоро», Мансур Одилов, Алишер Навоий номи ширкат хўжаликлари ҳудудида филиаллар ташкил этилди, ёш қиз-жувонларга тикувчилик билан бирга, каштачилик, зардўзлик ва пазандалик сирларини ўргата бошладим. Ҳозирги пайтда имкониятларим янада кенгайиб, қўшни Ромитон туманида ҳам ўқув марказлари ташкил этдим. У ерда ҳам хотин-қизларга турли касб-ҳунарларни ўргатяпман.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммасини бир ўзим қила олмас эдим. Бу борада, аввало, Сизнинг ўзининг ишини очишни ўйлаб юрган тадбиркор одамларни қўллаб-қувватлаб айтган гапларингиз, уларга кенг йўл очиб бериш учун чиқарган фармон ва қарорларингиз менга далда бўлди. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари эса мени астойдил қўллаб-қувватлашди.

Шунинг учун ҳам Сиздан бир умр миннатдорман. Камтарона хизматларимни юқори баҳолаб, «Жасорат» медалига муносиб кўргангиз кўнглимни янада кўтарди, гўёки қайтадан дунёга келгандек бўлдим. Хурматли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Биламан, вақтингиз ниҳоятда тигиз. Шундай бўлсада, йўлингиз тушиб бизнинг вилоятимизга келсангиз,

Сиз билан учрашиб, дилимдаги барча сўзларимни, миннатдорлигимни таъзим бажо айлаб билдирган бўлардим. Ахир, мендек бир ожизани қўллаб-қувватлаб, шундай ҳурматга муносиб кўрган инсонга ўзининг инсоний меҳрим, ташаккуримни изҳор этишнинг ўзи ҳам бахт эмасми?

Мен ҳам миллионлаб ўзбек қизлари қатори шу юртнинг фарзанди эканимдан, шу муқаддас тупроқда туғилганим учун Яратганга шукроналар айтаман ва Сиздек Юртбошимиз борлигидан чексиз фахрланаман.

Дилрабо Намозова,

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани,
Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги,
Шўробод қишлоғи

2005 йил 4 октябрь

ҲАМДАРДЛИК ХАТЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири
Абдулла Ориповга

Қадрли биродарим Абдуллажон!

Бошингизга тушган оғир жудолик – падари бузрукворингиз Ориф отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни қабул қилинг.

Улим ҳамиша барҳақ, бандаси учун Аллоҳнинг иродасига итоат этмоқлик фарздир. Ўзбек халқига сиздек оқил фарзандни тарбиялаб берган саховатли ва бағрикенг инсон хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз.

Сизнинг отангиз қарийб бир асрлик баракали умри давомида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, дўсту ёрларнинг хотиржамлиги йўлида оддий бир заҳматкаш инсон сифатида ҳалол ва холис хизмат қилди.

У киши беминнат очган ариқлар, яратган боғлар, энг асосийси, камолга етказган фидойи фарзандлар ана шу мазмунли умрнинг узвий давомидир.

Бугунги қайғули дамларингизда сизга, оила аъзоларингизга, қариндош-уруғларингизга Яратгандан сабру бардош тилайман. Фарзандларнинг камолини, юртимизнинг озодлигини кўришдай саодатга мушарраф бўлган отанинг, иншооллоҳ, армони йўқдир. У кишини Аллоҳнинг ўзи раҳматиға олган бўлсин.

Сизга ҳурмат билан

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

1998 йил 17 апрель

Андижон вилояти, Марҳамат тумани,
Умрзоқ Қорабоев ширкат хўжалиги,
Ковунчи қишлоғи
Энахон ая Сотиболдиевага

Мухтарама Энахон ая!

Бошингизга тушган оғир мусибат – азиз фарзандингиз, халқимизнинг ардоқли шоири Мухаммад Юсуфнинг бевақт ўлими муносабати билан Сизга, оила аъзоларингизга, барча яқинларингизга чуқур ҳамдардлик билдираман.

Ўғлингиз Мухаммаджон ноёб истеъдод эгаси, одамларга меҳрибон, софдил, мард ва камтарин инсон эди. Шу боис бу мудҳиш хабар шоирнинг кўплаб дўстлари ва мухлислари каби менинг ҳам қалбимни ларзага солди.

Унинг ёрқин хотираси барчамизнинг қалбимизда доимо сақланади. Сизга Яратганимиздан сабртоқат ва бардош тилайман.

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

2001 йил 3 август



Узоқ йиллар турли масъул лавозимларда самарали меҳнат қилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омоновнинг вафоти муносабати билан Президент Ислон Каримов марҳумнинг оила-аъзоларига йўллаган ҳамдардлик телеграммасида шундай дейилади:

**Қарши шаҳри,
Ўзбекистон Қуроли кучлари кўчаси,
9-«А» уй,
Омоновлар оиласига**

Хонадонингиз бошига тушган оғир мусибат – ажойиб, бағрикенг инсон, меҳрибон оила бошлиғи, сadoқатли дўст Фармон Омоновнинг бевақт вафоти у кишини таниган-билган, бирга ишлаган барча одамлар қатори мени ҳам чуқур қайғуга солди.

Раҳматли Фармон ака ўзининг фидойи меҳнати, моҳир ташкилотчилик қобилияти, билим ва тажрибаси, ёшларга ғамхўрлиги билан нафақат Қашқадарё аҳлининг, балки бутун эл-юртимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Оилангиз учун мана шу оғир дамларда Сизларга яна бир бор ҳамдардлик билдириб, Яратгандан сабрбардош тилайман.

**Ислон Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

2003 йил 24 март

(«Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил 25 март)

**Ўзбекистон Президенти муҳтарам
Ислон Каримов жаноби олийларига**

Ҳақиқий инсон, меҳрибон раҳбар, деҳқонларнинг доно маслаҳатгўйи Абдуғафур ота Саматов вафоти муносабати билан юборган ҳамдардлик мактубингиз ҳужалигимиз кўпминг кишилиқ жамоасини тўлқинлантириб юборди ва меҳнаткашларимиз кўнглига таскин берди.

Бу илтифотингиз учун бутун халқимиз номидан Сизга миннатдорлик изҳор этамиз. Зеро, бу мактуб халқимизни Абдуғафур ота қолдирган буюк меросни эъзозлашга даъват этади. Бутун умр халқ бахти учун меҳнат қилиш, қишлоқларнинг ободонлиги, эл-юрт маъмурлиги, дастурхон тўқинлиги учун ҳаётини бахшида этиш нечоғли муқаддас бахт эканини яна бир бор тасдиқлайди. Мактубингизни қўшни халқлар билан ҳамдўстлик ришталарини мустаҳкамлашдек олижаноб бурчни амалга оширишга ундовчи юрак амри деб биламиз.

Халқимиз Абдуғафур отанинг ёрқин хотирасини абадийлаштириб, ҳужалигимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилади. Ота бошлаб берган деҳқончилик ва меҳнат анъаналарига содиқ қолади, деб ишонтирамиз. Ҳужалигимизнинг шуҳратини янада кўтариб, меҳмондўстлик ва яқинлик ришталарини мустаҳкамлашда, халқ фаровонлиги йўлидаги саховатли меҳнатимизда Сизнинг бундан буён ҳам энг яқин маслақдош, чин дўст ва доно маслаҳатчимиз бўлиб қолишингизга ишончимиз комил. Абдуғафур ота бошлаган хайрли ишлар жонли тарих бўлиб, устод хотираси халқимиз қалбида умרבод яшайди.

Сизга ҳурмат-эҳтиром билан

**Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти,
Жаббор Расулов тумани, Абдуғафур Саматов номидаги жамоа ҳужалиги бошқаруви аъзолари**

(«Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 23 апрель)

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
Халқнинг тақдири ва бахтини ўйлаб.....	6
Юксак маънавият йўлида	43
«Ўзбекистоннинг барча болалари – менинг фарзандларим...» 74	
Жаҳон аҳлининг эътирофи.....	100
Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди	133
Яхшилик, меҳр-оқибат унутилмайди	148

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Тошкент «Маънавият» 2006

Нашр учун масъул Х. Султонов

Тўпловчи З. Мирзакулов

Мухаррир М. Қаршибоев

Нашриёт муҳаррири С. Аҳмедов

Бадий муҳаррир Г. Шоабдурахимова

Рассомлар М. Аъламов, Ж. Одилов

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусахҳиҳ С. Абдусаматова

Компьютерда тайёрловчи А. Турсунов

Теришга 19. 01. 2006 й. да берилди. Босишга 23. 01. 2006 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108/32, Pragmatic гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли 6. т. 8,82 + 0,84 рангли вкл. + 0,315 рангли форзац. Нашр т. 6,73 + 1,47 рангли вкл. + 0,55 рангли форзац. 10000 нусха. Буюртма № 2208. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 07-06.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмалар хонасида босилди. 700083. Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2006.



қим дедингиз. Бундан кейин ҳам Қирғизистондаги ўзбекларни ҳар доим ҳимоя қиласиз, деган умидда яшаймиз.

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун ҳормай-толмай меҳнат қилаверишингизни Оллоҳдан сўраб қоламиз. Илоё, умрингиз узоқ бўлсин, дунё тургунча туринг!

Мамлакатингиз обод, халқингиз омон бўлсин!

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Абдурахмон Ҳасанбоев,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Қирғизистон Республикаси,
Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Ахтам қишлоғи

2006 йил 20 январь



Ҳурматли Президент!

Мен қўшни Қирғизистонда яшасам-да, Ўзбекистонни ўз Ватанимдек ҳис қиламан ва севаман. Шу сабабли Сизнинг етакчилигингизда ҳеч кимдан кам бўлмаган мамлакат 17 йилдан буён ўз истиқлолини мустақкамлаб, янада ривожланиб бораётганидан хурсандман.

Яқинда, мустақилликнинг бош қомуси — Конституция байрами нишонланаётган 8 декабрда Тошкентдаги муҳташам залда бўлиб ўтган тантанани, унда қатнашаётган одамлар чехрасидаги қувонч ва осойишталикни, байрамонга кайфиятни телевизор орқали кўриб, Сизга ва Ўзбекистон халқига жуда ҳавас қилдим.

Тантананда Сиз жамоатчилик орасидаги оддийгина инсонни — устоз муаллимни тақдирладингиз. Бу мен учун ҳам ажойиб ва қувончли воқеа бўлди. Каттами-кичикми, барча инсонларнинг қалбини меҳр нури билан ёрита олишингизга яна бир бор амин бўлдим.

Мен 30 йил муаллимлик қилдим. Қанчадан-қанча ёшлар тарбияси учун умримни, ақл-идроким, куч-қувватимни бағишладим. Ўйлаб қарасам, шу ўтган давр мобайнида ақалли бирорта ёрлиқ



билан ҳам тақдирланмабман. Шундан таъсирланганимдан Сизга мактуб йўлладим.

Оиламиз — педагоглар сулоласи, 6 та фарзандим бор. Улар ҳам, биз ота-оналар ҳам Ўзбекистон Республикасининг суви ва тузини ичиб билим олдик. Барчамиз бугун Ўзбекистон ёшлари таълим олаётган кўркем мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, улардаги шарт-шароит ва замонавий техникаларни кўриб ҳавас қиламиз. Қани энди бизда ҳам шундай ўқув хоналаридан бирортаси бўлса... (1927 йилда қурилган мактабни асраб қолганман.)

Ўзбекистон халқига тилагим шуки, шундай ажойиб, жасратли Президентни ҳамиша асраб-авайланг! Мамлакатни одилонга бошқариб, элни тинч ва осойишта сақлаб туриш — бу энг катта жасрат.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич, ҳеч қачон мамлакатингизга кўз тегмасин. Оллоҳ ёмон кўзлардан асрасин.

Сизга соғлиқ, узоқ умр, куч-қувват тилайман.

Лолахон Музаффарова,
пенсионер,
Қирғизистон Республикаси,
Олабуқа тумани, Дўстлик қишлоғи

2007 йил 11 ноябрь



МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3
Маънавият зиёси	8
Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак	66
Дунё эътибори ва эҳтироми	148

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУЪЛАР

Тошкент «Маънавият» 2009

Нашр учун масъул *Х. Султонов*

Тупловчи *З. Мирзакулов*
Муҳаррир *М. Қаршибоев*
Нашриёт муҳаррири *С. Аҳмедов*
Рассом *Н. Попов*
Мусахҳиҳ *О. Бозорова*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Босишга 20.11.2009 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 10,08 + 0,95 рангли вкл. Нашр т. 7,69 + 1,47 рангли вкл. 5000 нуска. Буюртма № 756. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 27–09.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. 100083. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2009.



ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



66.3(57)6

Ч186



ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2009

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ 75009

«Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилди бўлган ушбу тўпламдан 2005–2009 йиллар давомида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Китоб Ўзбекистон Президентининг юксак масъулиятли фаолияти, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан фуқароларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб бораётган доимий мулоқотлари ҳақида китобхонларнинг тасаввурини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

66.3(5Ў)6
П86

Президентга мактублар / тўпловчи З. Мирзакулов; муҳаррир М. Қаршибоев; нашр учун масъул Х. Султонов. — Тошкент: «Маънавият», 2009. — 192 б.

ББК 66.3(5Ў)6

П 4702620204–21
М25(04)–09

ISBN 978-9943-04-102-8

© «Маънавият», 2009



СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Мамлакатимизда хат ва хабарлар оқими бир зум ҳам тўхтамайдиган шундай бир даргоҳ борки, бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонидир. Бу манзилга «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовга» деган ёзув билан ҳар куни диёримизнинг узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларидан, чет эллардан юзлаб хатлар келади. Албатта, улар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Лекин уларнинг барчасини бирлаштириб турадиган ягона ва муштарак бир хусусият борки, у ҳам бўлса, Юртбошимизнинг серқирра фаолиятига, халқ манфаати, Ўзбекистон манфаатини кўзлаб олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган юксак ишонч туйғуси, озод Ватанимизни ривожланган давлатлар қаторида кўриш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб тарбиялаш орзусидир.

Давлатимиз раҳбари фуқароларимиздан келади-ган ана шундай мактублар ўзининг масъулиятли фаолияти учун катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: «Бу хатлар мени ҳаёт билан, жамоатчилик вакиллари, халқ билан боғлаб турадиган муҳим восита вазифасини бажаради. Бундай мактублар-



ни ўқиганда мен гўёки оддий юртдошларимиз билан мулоқот қилиб, суҳбат кургандек бўламан. Шу боис ҳар қайси хатга жиддий эътибор бериш, уларни жавобсиз қолдирмасликни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан», — деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Президент девонига келадиган ҳар бир хат рўйхатга олиниб, уларда баён этилган фикрлар, таклиф ва муаммолар ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, уларга белгиланган тартибда муносабат билдирилади, зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, ҳеч бир хат жавобсиз ва назоратсиз қолмайди.

Кўпгина мактубларда ватандошларимиз Президентимизнинг серқирра фаолиятини қўллаб-қувватлаб, мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ турли масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини билдиришади. Яна бир гуруҳ хатларда эса жойларда ҳал бўлмасдан келаётган айрим муаммолар, мавжуд камчилик ва етишмовчиликлар, уларга барҳам бериш ҳақида ёрдам сўраб мурожаат қилинади. Бу ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки одамлар ўзлари ишонч билдириб сайлаган, жамиятимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларнинг ташаббускори бўлган Юртбошимиз билан ана шундай ўткир муаммоларни очиқ муҳокама қилиш, ўзларини безовта этаётган, қийнаётган масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш, зарурат туғилганда, ёрдам ва кўмак сўрашга ўзларини ҳақли деб билади.



Шу билан бирга, шундай хатлар ҳам борки, уларда оддий инсонларнинг қалбидан чиққан холис дил изҳорлари битилган бўлади. Бундай хатларнинг муаллифлари одатда давлатимиз раҳбари билан маънавий мулоқот қилишни, эртаю кеч элу юрт ташвиши билан яшайдиган инсон билан ҳаёт ҳақида, ўз оиласи, маҳалласи, меҳнат жамоасида, бутун юртимизда бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида мактуб орқали суҳбатлашишни ўзлари учун энг катта бахт деб билади.

«Мана шундай мактублар менинг зиммамга юклатилган масъулиятли вазифани адо этишда қандайдир куч-ғайрат беради. Жойлардан билдирилган самимий фикрлар, юртдошларимизнинг юрагини очиб ёзган хатларини ўқиб, ўзим учун яқин ва қадрдон одамлар билан сирдош бўлиб, юзма-юз сўзлашгандек бўламан, — дейди Президент. — Бундай ёзишмаларнинг ҳар қандай инсон учун, биринчи навбатда раҳбар учун аҳамияти катта. Негаки, одамзот ўз сирини тасодифан дуч келган кишига очавермайди, қандай оғир вазиятга тушмасин, дарду ғамини ҳаммага ҳам баён қилмайди. Фақат ўзи ҳурмат қилган, ишонган инсонгагина дил сирларини очиши мумкин. Ва бундай ишончнинг албатта қадрига етиш керак».

Хатларнинг каттагина қисми хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл фуқаролари томонидан ёзилган бўлиб, уларда асосан тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, мамлакатимиз



МАЪНАВИЯТ ЗИЁСИ

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимиз Президентини фаолиятида бугунги ҳаётимизнинг бошқа соҳалари қатори маънавият масаласига эътибор алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳанинг долзарб мавзуларига бағишланган чиқишлари, китоб ва рисоалари юзасидан турли ёш ва касб-корга мансуб юртдошларимиз ўз мактубларида алоҳида тўхталиб шахсий фикр-мулоҳазаларини билдирадilar.

Айни пайтда мамлакатимизда маънавий соҳа ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган адабиёт ва маданият намояндаларининг таваллуд саналари, уларнинг ижодий ютуқлари ҳам Юртдошларимиз эътиборидан четда қолмайди. Шу муносабат билан халқимиз маънавий ҳаётида, миллий тафаккуримиз ривожига муҳим ўрин тутадиган хат ва ёзишмалар вуҷудга келади.

Ўз навбатида ана шу мавзуга яқин яна бир йўналиш борки, у — ёшлар тарбияси. Юртдошларимиз ўз мактубларида маънавият мавзусини кўпинча бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг асосий шарти ва гарови бўлган ёшлар тарбияси билан биргаликда қайд этиб, фикр юритадилар. Бу табиий, албатта. Чунки биз



орзу қилаётган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни юксак маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам китобнинг ушбу биринчи фаслига ана шу мавзуларга бевосита дахлдор, ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлган хатлар киритилди.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг оила аъзолари Сизга чуқур эҳтиром билан ушбу мактубни йўллашни ўзларининг қиёматли қарзлари деб биладилар. Шоира ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Сизни кўп эслар ва «Бу шахс ўзбек халқининг бошига қўнган бахт қуши бўлди», дер эдилар.

Шоира Зулфия номига Сиз йўллаган мактуб ўша кезларда кекса ижодкорнинг умрига умр қўшгани, унга янги ҳаётий илҳом бахш этганига биз гувоҳмиз. Кейинроқ Зулфия номини абадийлаштириш учун мактаб ва кўчаларга унинг номи берилиши, 1999 йилда махсус Фармон билан Зулфия номидаги мукофотнинг таъсис этилиши ҳам Сизнинг бу ижодкорга бўлган юксак ҳурматингиз намунаси эканини ҳис этиб турдик.

2008 йилнинг илк баҳор куни эса бошимиз осмонга етди: Тошкенти азимнинг энг сўлим гўша-сида Зулфия ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳайкални яратиш ташаббуси, унинг тимсолида қандай образ акс этиши, бу бадиий обида қандай кўриниш ва қиёфада бўлиши тўғрисидаги маслаҳатлар бевосита Сиз



томонингиздан билдирилгани ва бир неча бор жиддий назарингиздан ўтказилгани учун ҳам у ғоят гўзал ва маҳобатли кўриниш касб этгани рост.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, дарҳақиқат, ҳаёт куйчиси Зулфия айтганидек, ўзбек халқининг бошига қўнган бахт қуши мисоли узоқ умр кўринг. Икки ижодкор — Ҳамид Олимжон ва Зулфия Исроилова фарзандлари эса бир умр Сиздан миннатдорлик ва қарздорлик ҳисси билан яшашдан бахтиёрмиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Ҳулкар ва Омон Олимжоновлар

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 4 март*

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 5 март)



**Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Пиримқул Қодировга**

Муҳтарам Пиримқул Қодирович!

Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуг сана — муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан суғорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмоқда. Юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар жаҳоннинг қўллаб тилларига таржима қилингани билан ҳам эътиборлидир.

Айниқса, собиқ шўро мафкураси тазйиқлари ва қаршиликларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш буюк темурийлар даврини, дилбар шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс



эттирган «Юлдузли тунлар», «Авлодлар доवони» сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Истиқлол руҳи Сизнинг ижодингизга янги куч-қувват ва илҳом бергани сўнгги йилларда ёзилган асарларингизда яққол намоён бўлиб турибди. Хусусан, шу улуг ва табаррук ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб, «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари пухта изланиш ва тадқиқотларга бой китоблар яратганингиз ёш адиблар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Таваллуд кунингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этар эканман, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи, хонадонингизга файзу барака доимо ёр бўлишини тилайман.

Эҳтиром билан,

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 октябрь*

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 25 октябрь)



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

Ассалому алайкум, мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг буюк саховат ва ғамхўрлик билан менга йўллаган мактубингиз саксон йиллик умримнинг энг масъуд давларида етиб келгани учун тақдирга шукрона айтаман. Алоҳида инсон тақдири тарих яратувчи улкан сиймолар фаолияти билан нақадар боғлиқ эканини Сиз Ўзбекистонимизнинг Бош раҳбари бўлиб майдонга чиққанингиздан буён дилдидан ҳис қилиб келаман.

Мустабид тузум даврида бизни иккинчи даражали инсонлар деб камситишларга қарши Абдулла Қодирий ва Чўлпон қалами қурол қилиб, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно, Зеби каби ажойиб қаҳрамонларни яратдилар. Аслида бундай жозиба-ли инсонлар ҳар бир халқда бор.

Мен ҳам, шуни ҳисобга олиб, халқимиз орасидан етишиб чиққан маънавий етук ва гўзал шахсларни қисса ва романларнинг бош қаҳрамонлари қилиб тасвирлашга интилдим. Бу китобларда миллий туйғуни уйғотадиган муаммолар кўтарилгани мустабид тузум мафкурачиларига ёқмас эди. Бунинг устига, Бобур Мирзо ва Акбаршоҳ каби дил-



бар шахслар қиёфасида тасвирланган романлар ёзилди. Бу романлардан бири олти йилгача йўли тўсилиб босилмай ётди. Иккинчиси яна уч йил тақиқ остида тўхтатиб қўйилди, босмахонада нашрга тайёрлаб қўйилган бу асарларнинг ҳарфлари икки марта сочиб ташланди.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, Сиз Йўлбошчиси бўлган истиқлолнинг ғалабаси мени бу оғир аҳволдан қутқарди. Салкам ўн йил тақиқ остида қолган ушбу романлар мустақиллик йилларида уч мартадан қайта нашр этилди. Шунинг узи бугун нишонланаётган саксон йиллик умрнинг энг самарали, қутлуғ йиллари истиқлол даврига тўғри келганини яққол кўрсатади.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз, қанчалик банд бўлишингизга қарамай, менинг камтарона роман ва қиссаларимни ўқиб чиққанингиз, уларга заршунослик нигоҳи билан қараб, теран маъноли фикрлар билдирганингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли янги китобингиз маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб, бу асарда миллий маданиятимизнинг бой тарихи, бугунги ривож ва порлоқ истиқболи ёрқин тафаккур ёрдамида жуда теран таҳлил этилгандир. Адабиётимиз шу буюк маънавият хазинасининг марказий қисмидан ўрин олганини Сиз улуг адибимиз Чўлпоннинг «Адабиёт



яшаса, миллат яшайди» деган сўзлари мисолида яққол кўрсатиб бергансиз. Мен эллик йилдан буён бу доно сўзларни дилимда такрорлаб баҳра оламан. Бугун адабиётимизга Сизнинг шунчалик катта ғамхўрлик кўрсатаётганингиз бизни юксак ижодий камолотга ундайди. Бошқа адиблар қатори мен ҳам бутун умримни, бор куч ва қобилиятимни миллий маънавиятимиз ва унинг узвий қисми бўлган адабиётимизни юксалтиришга сарф этаман.

Сизга теран эҳтиром билан,

Пиримкул Қодиров,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 27 октябрь*

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 30 октябрь)



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири
Эркин Воҳидовга

Муҳтарам Эркин Воҳидович!

Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуг сана — муборак 70 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.


Эл-юртимиз Сизни бир умр эзгулик ва гўзалликни, халқимизнинг озодлигини, унинг олижаноб фазилатларини юксак маҳорат билан тараннум этган ҳассос шоир ва таниқли жамоат арбоби сифатида билади ва эъзозлайди. Сизнинг нафис ва дилбар ғазалларингиз, ёрқин тафаккур руҳи билан йўғрилган шеър ва дostonларингиз, драматик асарларингиз, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан қилган таржималарингиз китобхонлар қалбидан чуқур жой эгаллаб, халқимизнинг маънавий мулкига айланиб қолгани билан айниқса эътиборлидир.

Сиз бундан буён ҳам ўз фаолиятингиз билан адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, доимо ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

*Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабрь*



**Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!**

Камтарин хизматларимни бу қадар юқори баҳолаб йўллаган табрик мактубингиздан бошим кўкка етди. Халқимиз бахтига, маънавият ва маърифат камоли учун меҳнат қилаётган ижодкорлар бахтига умрингиз боқий бўлсин, яна кўп йиллар йўлбошчиликнинг шарафли ва залворли юкини кўтаришдан толманг.

Сиз ижод қадрини яхши биладиган чин заршунос сифатида, буюк ва олижаноб қалб эгаси сифатида ижодкорларни ҳамиша ардоқлайсиз. Ҳеч бир юрт, ҳеч бир халқда адабиёт бу қадар ҳурмат, эъзоз топмаган, юксак қадрланмаган ва тақдирланмаган.

Бугун мен шукроналик ёшига етиб, ким эдим-у, ким бўлдим, дея ўзимга ўзим савол бераман. Халқимни улўглаб, топталган она тилимни ёқлаб ёзган шеърларим учун дашномлар эшитганим, сўроқларга тутилганим ёдимдан чиқармиди?..

Бугун мен мамлакатимиз Президенти юксак ишонч билдирган сенаторман, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган шарафли унвон эгаси, ўз халқим, ўз қадриятларим қад ростлаган кунларга етиб келган бахтли инсонман. Мана шундай ёруғ кунлар-



нинг бош сабабчиси ким, дея яна ўзимга савол бераман ва бу саволлар шеърим сатрлар бўлиб қоғозга тушади. Бу сатрлар самимий кўнгил изҳори, халқ дилидаги туйғулар ифодасидир.

Сизга юксак эҳтиром ва чексиз миннатдорлик билан,

Эркин Воҳидов



ЮРТИМ ҲУРРИЯТИ БЎЛСИН БАРДАВОМ...

Нақадар буюқдир инсон бардоши,
Чексиз азобларга қилолгай тоқат.
Лекин эгилмасин номусдан боши,
Қадри топталмасин эл ичра фақат.

Ёдимда, оламга этиб ҳангома,
Халқим шаъни қора қилинган айём.
«Ўзбек иши» деган қабиҳ айбнома,
«Пахта қули» деган шармандали ном.

Элим изтиробда қонлар ютаркан,
«Йўқ» деган исёнкор сўзни ким деди?
Ҳароми тўдадан юртни қутқарган,
Қаддимиз кутарган раҳбар ким эди?

Ўт қўйиб қочгандек чекингувчи ёв,
Фитна алангасин ёққанда шўро,
Фарғонадан чиққан даҳшатли олов
Хавфида қолганда Ўрта Осиё —

Бир ён Андижонда алқасос учун
Ўш сари отланган чоғда оломон,



Биз жар ёқасида турган ўша кун
Балоларга кўксин ким қилди қалқон?

Ким эди қирғинни даф қилолган зот,
Оловга от суриб кирган ким эди?
Жон чекиб бу кунги бизнинг тинч ҳаёт,
Хотири жамликни берган ким эди?

Москва қудратда, Горбачёв — бардам,
«Юввошлар пойтахти» бўлганда Тошкент,
Болтиқбўйиданми, Украинадан,
Қай юртдан чиқди илк миллий Президент?

Ўша анжуманнинг ёниқ шуқуҳи,
Сурури ёдимдан чиқмайди ҳамон,
У кун Чўлпон ила Қодирий руҳи,
Не ажаб яйраган бўлса шодимон.

Салтанат зарбидан ҳайиқмасдан тик,
Мен Президентман деб турган ким эди?
Жаҳон саҳнасига ўзбекча мардлик,
Шижоат кўрсатиб кирган ким эди?

Нон бер, сув бер, демас қадрин билган эл,
Озодлик бер, дея айтар бегумон.
Нечунким, оч қолмас гайрат қилган эл,
Бир парча нонини топар ҳур инсон.

Хуррият — қутлуғ сўз олам тилида,
Инсонга йўқ ундан зиёда иқбол.
Эркинлик деб ёнган инсон дилида
Ватан деган сўзга эгиз Истиқлол.

Сана — тўқсон бирда, август сўнгида
Мустақиллик эълон қилган ким эди?
Тамаддун олами кўзи ўнгида
Ўзбек номин дoston қилган ким эди?

Бу тупроқда ўтган Кайҳосрав, Доро,
Искандар от сурган, олган халифа...
Она юртим, кўҳна тарихинг аро
Истиқлолинг очди олтин саҳифа.

Бугун элим озод ҳаёт қурмоқда,
Фурурли кўксида ишонч барқарор.
Ватан пештоқида турган Байроқда
Менинг ҳам не орзу-армонларим бор.

Шу байроқ остига халқни қилиб жам
Ёруғ манзилларга элтаётган ким?
Ўзбекнинг мардона сўзини олам —
Минбаридан баён этаётган ким?

Жаҳон уммонида чиққан ҳар кема
Дарғаси йўл танлар эмин, беҳатар.
У билар — сув ости қояси нима,
Нимадир денгизда тўфон, долғалар.

Озод Ўзбекистон — улкан кемадир,
Йўл олган саодат соҳили томон.
Кемага тушганининг ахир жони бир,
Дарғамиз бор бўлсин, жонимиз — омон.

Хушёр посбон бўлиб халқига бу кун
Эминлик ғамини чекаётган ким?
Эртанинг яшнаган боғлари учун
Эзгулик ниҳолин экаётган ким?

Десамки, ҳар иш соз, олам гулистон,
Албатта шоирнинг сўзи ёлғондир.
Жаҳолат, қабоҳат бор, демак осон,
Уларни қуритмоқ — ғайри имкондир.

Жоҳил мутаассиб, тамагир номард
Заволига ожиз қўлимда қалам.
Президент гоҳ куйиб сўзласа, бу дард —
Менинг ҳам кўксимни тирнаган алам.

Бепарво бўлма, деб, ёниб яша деб
Бизни курашларга йўллаётган ким?
Адлу жасоратни элга фарз этиб
Зардоб ютганларни ўйлаётган ким?

Ёзсам, саволим кўп ҳаддин зиёда,
Жавобин виждонга ҳавола қилдим.
Оллоҳим кечирсин, ёруғ дунёда
Камроқ шукр қилдим, кўп нола қилдим.



Бандамиз, гоҳ хушмиз, гоҳида нохуш,
Ҳасрат, изтиробнинг балки узри бор.
Қафасдаги донга ўргатилган қуш
Озод бўлса гоҳи қоларкан ночор...

Шеърга нуқта қўйдим айни саҳарлаб,
Кутлуғ арафада хайрли айём:
Тилагим — Ҳақ ўзи элимни асраб,
Юртим ҳуррияти бўлсин бардавом.

Эркин Воҳидов

(«Туркистон» газетаси, 2007 йил 5 январь)



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Юртбошимиз Ислом ака!**

Авваламбор, Сизга Оллоҳ таолодан соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилайман.

Яқинда телевизор орқали «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобингизнинг тақдимот маросимини кўрдим. Албатта, бундай китобни фақат бу дунёнинг пасту баландини чуқур биладиган, ўз халқини чин дилдан яхши кўрадиган, ўз юрти учун фидойи бўлган инсонгина ёзиши мумкин.

Мен Сизнинг кўп китобларингизни ўқиб чиққанман. Айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарингиздан бир олам таассурот ва хулосалар олганман.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» ана шундай сермазмун китобларингизнинг давоми, деб ўйлайман. Биз юксак маънавият ва гўзал ахлоқни қаердан топамиз? Албатта, излаб-излаб ва яна излаб бетақдор миллий қадриятларимиздан, муқаддас ислом динидан топамиз.

Сиз ўз асарингизда ҳақиқий маъносини очиб берган, халқимизга хос юксак ахлоқ-одоб ва маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Яратган-



нинг ўзи берган бу олий неъматни халқимиз асрлар давомида не-не машаққатлар билан асраб-авайлаб, ривожлантириб келган, буюк ажлодларимиз улкан кашфиётлари, юксак фазилатлари орқали уни камолга етказганлар.

Албатта, «қизил империя» даврида миллий қадриятларимиз оёқости қилинди, динимиз топталди. Энди ҳушёр бўлишимиз, бундай фожиаларга ҳеч қачон йўл қўймаслигимиз керак. Халқимизнинг қалбидан, юрагидан ҳеч ким азалий қадрият ва анъаналаримизни, гўзал ахлоқимизни чиқара олмайди.

Ҳеч шубҳасиз, Сиз бутун буюк ажлодларимизнинг шу борадаги эзгу ишларини давом эттириб, барчамизга намуна бўлмоқдасиз.

Сизнинг ушбу китобингизни ҳар бир ўзбек фуқароси ўқиб чиқиши, керак бўлса, қалбига жо этиши лозим, деб ўйлайман.

Сизга яна бир бор эзгу тилаклар билдириб, ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Сулаймон Нажимов,
Самарқанд вилояти, Пайариқ шаҳри,
Уйғун кўчаси, 7-уй, 2-хонадон**

2008 йил 18 май



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Сизга хат ёзишимдан мақсад — яқинда чоп этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобингиз билан табриклаб, миннатдорлик билдирмоқчиман. Мен телевизор орқали ана шу китобга бағишланган курсатувни кўриб бўлгандан кейин ўқувчиларимни ҳам бу қувончли воқеадан бохабар қилиш учун дарҳол эртага бўладиган синф йиғилишини шу масалага бағишлашга қарор қилдим. Эртаси куни синф йиғилишида кун тартибини эълон қилсам, ўқувчиларимнинг кўпчилиги курсатувни кўрганини айтишди, бундан жуда хурсанд бўлдим. Ўқувчиларим ўз фикрлари билан ўртоқлашишди.

Бундан ташқари, бу масала бўйича мактабимиз ўқитувчилари иштирокидаги педагогик кенгаш йиғилишида ҳам фикр алмашдик. Ўзим эса ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши учун тайёрлаган маърузам мавзусини «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобига бағишладим.

Талабалар, ёш ўқитувчилар қўлида китобингизни кўриб, улардан таассуротларини сўрадим. Улар китоб оддий одамлар ўқиса ҳам тушунадиган, сод-



да ва равон тилда, самимий ёзилганини таъкидлаб, ҳар бири ўз фикрини билдирди. Уларнинг сўзларини тинглаб, устоз сифатида шуни англадимки, бугунги ёшларимиз, ҳақиқатдан ҳам, ўзининг мустақил ва эркин фикрига эга бўлишга, уларга билдирилаётган умид ва ишончни оқлашга интилмоқда.

Мен 2001 йилдан буён мактабда «Миллий ғоя ва маънавият асослари» ҳамда «Ватан туйғуси» фанларидан дарс бериб келаман. Сиёсатга жуда қизиқаман. Ёшларимизнинг сиёсий онги ўсишида мазкур фанларнинг роли жуда катта, деб ўйлайман.

Китобни ўқиб чиқар эканман, у биз — устоз-муаллимлар учун тайёр қўлланма эканига амин бўлдим. Бунинг учун Сизга яна бир бор раҳмат айтишга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўзбек халқи бахтига омон бўлиб юришингизни тилайман.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

Марҳабо Курбонова,
Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги
300-сонли иқтидорли ва қобилиятли
болалар мактаби ўқитувчиси

2008 йил 27 июнь



Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобингиз ҳақида эшитишим билан уни топиб ўқидим. Уни мустақил Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, талабалар, коллеж, академик лицей, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик ўқиб-ўрганиши, бу асардаги барча ибратли фикрлар тўғрисида ўйлаб кўриши лозим, деб ҳисоблайман. Айниқса, бу китобни гуманитар соҳа мутахассислари ўзларига дастуруламал қилиб, ўз ишларини шу асосда ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, мана шундай асарларингиз билан миллий ғоямизнинг фундаментал пойдеворини яратдингиз, бизнинг ўзлигимизни, ким, қандай улуг зотларнинг давомчилари эканимизни, аждодаларимиз кимлар, қандай буюк инсонлар бўлганини аввало ўзимизга, ундан кейин бутун жаҳонга танитдингиз. Дунё жамоатчилиги жаҳонда Ўзбекистон деган катта салоҳиятга эга бўлган давлат борлигини ҳақли равишда тан олди.

Сиз томонингиздан тақдим этилаётган асарлар халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, миллий ғоямизни янада кучайтирмоқда, тафаккуримизни,



дунёқарашимизни ўзгартирмоқда. Сиз олдиндан, узоқни қўлаб айтган қанча-қанча фикрлар бугун ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда, тўлиқ амалга оширилмоқда, шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимиз жадал ривожланмоқда, кундан-кунга юксалиб бормоқда.

Шахсан ўзим «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарингизни ўқиб жуда таъсирландим. Бу ноёб китоб маънавиятимиз ҳақида битилган ниҳоятда зарур ва керакли асардир. Китобни ўқиш жараёнида ҳар бир ўқувчи, у хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, маънавият қанчалик қудратли кучга эга эканига амин бўлади. Билмаганларини билади, ўзига фойдали хулосалар чиқаради.

Бу китоб ёшларимизни ўз юртига фидоийликка, Ватанни ва халқни севишга, иймон бутунлигига, ахлоқий покликка, бошқа миллатлар ўртасида бағрикенгликка чорлайди, ёшларимиз учун ҳаёт дарслиги бўлади.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзга чиққананда, Сиз мени бағрингизга босиб, яхши тилаклар билдирган эдингиз. Мендек оддий фуқаро учун бундан улуғ бахт борми? Бу мен учун энг олий мукофот бўлиб, Сиз менинг кучимга — куч, ғайратимга — ғайрат қўшдингиз. Ўша воқеадан сўнг Каттакўрғон туманидаги ўзим яшайдиган Пайшанба шаҳарчаси халқи келиб мени зиёрат қилди, табриклади. Бу аввало оддий одамларнинг Сизга



бўлган ҳурмат-эҳтиромидан, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунига катта ишонч билан қарашидан далолат беради.

Сиз ўз асарларингизда мен учун Ўзбекистоннинг буюк келажаги, халқимнинг бахту саодати йўлида бор кучимни бериб ишлашдан бошқа ҳаёт, бошқа эзгу мақсад йўқ, деган мазмундаги, юртимизни севадиган ҳар қандай одамни тўлқинлантириб юборадиган фикрларни айтгансиз.

Фақат, ўзингиз айтгандек, буюк маънавий жасорат эгаси бўлган инсонларгина шундай фидоийликка қодир бўлади. Бугун мамлакатимизда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган том маънодаги улкан ишларни мен ана шу фикрларнинг исботи деб биламан.

Муҳтарам Ислон ака, азиз бошингиз доимо омон бўлсин. Олиб бораётган барча эзгу ишларингизда Оллоҳ Сизга мададкор бўлсин. Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнайсин.

**Қамариддин Аҳмедов,
Самарқанд вилояти, Пайшанба
шаҳарчаси фуқаролар йиғини
оқсоқоллари номидан йиғин раиси**

2008 йил 16 июль




Хурматли Президент девони ходимлари!

Мен мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини қайта-қайта ўқиб, ҳар бир одам боласи учун зарур бўлган ҳаётий ҳақиқатни — инсон тафаккурининг нақадар буюклиги ва сўз сеҳрининг илоҳий мўъжиза эканини англадим.

Бундан бир йил муқаддам 19 яшар қизим вафот этиб, юрак-бағримни куйдириб, ёруғ дунёни кўзимга тор қилиб кетди. Шундан кейин мен учун бу ҳаётнинг ҳеч қандай қадр-қиммати ҳам, қизиги ҳам қолмаган эди. Ҳеч бир онанинг бошига фарзанд доғини солмасин экан. Тақдирнинг кутилмаган бу зарбасидан тамоман тушкунликка тушиб, умидсизлик, ғам-алам ўтида тириклай ёндим. Энди мени ҳеч қандай куч бу ҳаётга қайтаролмаса керак, деб ўйладим ўшанда.

Чексиз изтироб бора-бора ўз кучини кўрсатди, оғир касал бўлиб қолдим ва шу йил апрель ойида даволаниш учун Тошкент шаҳрига келдим. Ёру дўстларим, шифокорларнинг маслаҳати билан бу ерда ўзимни китоб ва газета-журналлар мутолааси билан чалғитишга, оз бўлса-да, овунишга уриндим. Шундай кунларнинг бирида — май ойида газета-



«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройининг ҳар битта зали, ҳар битта беағи ўзимизнинг мутахассисларимиз, моҳир уста ва қурувчиларимиз меҳнати билан бунёд этилди.



Донимиз ўзимизники, нонимиз ўзимизники!..



Тинчлик бўлса, ҳамма нарса бўлади.



Қани, тўйдан гапиринг!



«Бошингиз омон бўлсин, Ислон ака!»



Мана кўрасизлар, бу бола чемпион бўлади.



Сиздек миришкор фермерлар кўпайсин!



Эртанги кун бизники, марра албатта бизники бўлади!

ларда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари чоп этилгани ҳақидаги хабарга кўзим тушди. Нимагадир шу китобни кўргим келди ва топиб ўқидим. Тўғриси, ўзим ҳам сира қутмаган ҳолда мўъжиза рўй берди — мутолаадан руҳиятим таскин топиб, илоҳий қувват олдим. Аввало Оллоҳ, қолаверса, мана шу китоб мени ҳаётга қайтарди. Яна яшашга, ҳаётдаги гузалликлардан завқланишга ундади. Атрофимдагилар, мени эъзозлаган инсонлар ва мен яхши кўрганлар учун ҳам яшашим керак, деган қатъий қарорга келдим. Гўё китоб менга битмас куч-қувват бағишлади.

Ушбу мактубим орқали китоб муаллифига, муҳтарам Юртбошимизга миннатдорлик билдираман. Илоё, мен каби минглаб оналарнинг дуоларини Оллоҳнинг ўзи ижобат қилиб, у кишига дунёдаги жамики яхшиликлар ва эзгу тилақлар ёр бўлсин.

Ўзим узоқ йиллар олий таълим даргоҳида талабаларга сабоқ бердим. Охирги икки йил давомида эса Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Хоразм филиалида ўриндошлик асосида ишладим.

Асосий мутахассислигим — олий маълумотли кутубхоначи, кейинчалик Иқтисодиёт университетида сиртдан ўқиб, иқтисодчи-бухгалтерлик касбини эгалладим.

Ҳозирги пайтда Президентимизнинг барча асарлари, маърузаларини қайта ўқиб чиқяпман. Шунингдек, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар,



демократик янгиланишларни имкон даражасида ўрганиш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларга ўз нуқтаи назарим, муносабатимни билдириб боришга ҳаракат қиляпман.

Бирданига бундай фаол ҳаётий позицияни танлашимга ҳам юқоридаги китоб сабаб бўлди. Чунки унда шундай сатрларни ўқидим: «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва қўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди... Чиндан ҳам, агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?»

Инсон қалби ва руҳиятига яқин бундай сатрларни ўқиган ҳар қандай одам ўзининг шу жамиятга кераклигини ҳис этиб, Ватан равнақи, унинг келажаги учун фидоийлик билан хизмат қилишни ўзи учун бурч деб билиши табиийдир.

Китобда кишининг руҳий дунёсини, маънавий оламини бойитадиган бундай сермазмун фикрлар кўп ва улар инсонни иродали бўлишга, ҳар қандай қийин ва оғир вазиятда ҳам ўз кучига ишониб, ҳаракат қилишга, ён-атрофга ҳушёр боқишга, бепарво ва лоқайд инсонлардан огоҳ бўлишга ундайди.

Асарни қайта-қайта ўқиб, шундай хулосага келдим: биз эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва кучли ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида муаллифнинг қимматли фикр-мулоҳазала-



рини ҳар биримиз аввало ўзимиз учун, келажагимиз учун дастуруламал сифатида қабул қилсак, шу асосда жамиятдаги ўзгариш ва муаммоларга муносабат билдирсак, ўйлайманки, ислохотларимиз янада жадаллашади.

Шу ўринда мен китоб мутолааси давомида туғилган ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни ўртага ташлаб, бир таклиф билдирмоқчиман: Президентимиз Ислом Каримов асарларини илмий асосда ўрганиш ва улардаги теран фикрлардан кенг жамоатчиликни, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этиш мақсадида махсус илмий тадқиқот марказини ташкил этиш лозим, деб ҳисоблайман. Негаки, Президентимиз асарларининг барчасини бир жойга тўплаб, уларни комплекс ўрганишга доир изчил ва яхлит тизим яратиш фурсати етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказида, шунингдек, бошқа ўқув ва илмий муассасаларда муаллифнинг ўзимизда ва хорижда (чет тилларда) нашр этилган барча асарлари, маърузаларининг матнлари, аудио ва видео вариантлари ҳамда уларни ўрганишга доир илмий ишлар жамланиб, махсус кутубхона ташкил этиш ҳам ғоятда хайрли иш бўлур эди. Чунки мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги буюк тарихи бевосита Президентимиз Ислом Каримов номи ва фаолияти билан боғлиқ.



Юртбошимизнинг шу йўлда олиб бораётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги фаолиятини, инсоний фазилатларини ҳар қанча ўргансак ва у кишидан ибрат олсак, арзийди, албатта. Бу келажак авлодлар учун ҳам ибратнамуна мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Ҳурмат билан,

**Ханифа Отажонова,
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Хоразмий кўчаси, 13-уй**



Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Абдуганиевич!

Мен тарих фанига жуда қизиқаман. Сизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарингизни бир неча бор ўқиб чиққанман.

Тарих бизга сиёсий фикрлашни, ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини, давлатларнинг қудратли ва заиф томонларини кўрсатади, улардан сабоқ чиқариб яшашга даъват этади. Шу асосда бугунги кунда қайси давлат билан қандай иқтисодий-сиёсий муносабатлар ўрнатиш, алоқалар олиб бориш бўйича амалий ҳулосалар чиқариш имкони туғилади. Ҳар қандай онгли одам ўз тарихини қанчалик яхши билса, у билан шунча ғурурланади. Бошини мағрур кўтариб яшайди. Биз ўзбек ёшлари Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо каби буюк, жасур боболаримиз билан ҳақли равишда фахрланиб, ҳар жабҳада уларга муносиб, қомил ва баркамол инсонлар бўлишга ҳаракат қиламиз.

Тарихни чуқур ўрганиш ва англаш келажакка дадил қадам қўйишнинг асосий шарти демакдир.

Ҳеч шубҳасиз, биз, ёшлар тарихни ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз лозим. Бу ўзимизга, ўз



куч ва имкониятларимизга ишончимизни янада оширади.

Мен ўзимдаги билим ва эркин фикрлаш кўникмасига кўп жиҳатдан тарихни ўқиб-ўрганиш орқали эга бўлганман.

Мен доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини истайман.

Шу муносабат билан Сиздан бир нарсани сурамоқчиман.

2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилганингиздан биз ёшлар жуда миннатдормиз. 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қишлоқларимиз янада обод бўлади. Бу ҳам барчамизни хурсанд қилади.

Энди келгуси 2010 йил юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаб келаётган Ватан ҳимоячилари шарафига «Ватан ҳимоячилари йили» деб эълон қилинса, менимча, айти муддао бўларди.

Негаки, тинчлик бўлса, ҳар бир инсон орзу-ниятига эришади.

Соғу саломат бўлинг!

Ҳурмат билан,

Иқбол Зокиров,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани,
Бўстон кўчаси, 102-уй, 55-хонадон



Ассалому алайкум, қадрли
Ислом Абдуганиевич!

Энг аввало, Сизни қалбларимизга қувонч олиб кирган мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан табриклайман. Сизга юрагимнинг тўридаги энг самимий тилакларимни йўллайман. Сизга, энг аввало, Оллоҳдан соғлиқ, Ватанимизни янада раванқ топтириш йўлида ҳеч қачон толмаслигингизни тилайман.

Ҳозирги ёшлар мардлик ва жасоратни Сиздан ўрганишларини, халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган 1991 йилнинг 31 августида Сизнинг олдинда қандай катта қийинчиликлар кутиб турган бўлса ҳам, бутун масъулиятни зиммангизга олиб, Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилганингизни, умуман, ана шундай жасоратларга тўла бутун ҳаётингизни уларга ибрат қилиб кўрсатишни жуда-жуда истардим.

Тинчлик нақадар буюк сўз. Ана шу бебаҳо неъмат учун, эртанги кунимиз янада яхши бўлиши учун Сиз ҳаловат нелигини билмасдан, тунларни бедор ўтказаётганингизни халқимиз албатта билиши керак ва тинчликнинг қадрига етиши керак.



Насиб этса, Оллоҳнинг бешинчи фарзи бўлмиш ҳаж амалларини бажариш учун Маккаи мукаррамага, Мадинаи мунавварага бормоқчиман. У жойда айтадиган бир ниятим бор: Оллоҳим, ўзингга шукр, юртимиз тинч, жаннатмакон диёримиз обод, Юртбошимизнинг азиз бошлари омон бўлсин.

Сўзимнинг охирида эса, эй, азиз инсонлар, тинчликнинг қадрига етинг, кўп нолиманг, шундай кунларга етказгани учун Тангрига шукроналар айтинг, дегим келади.

Сизга салом билан,

**Ботир Орипов,
Жиззах шаҳри, Кўтарма маҳалласи,
Тўқимачилар кўчаси,
72-уй, 11-хонадон**

2006 йил 18 май



Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу мактубни ёзишимдан мақсад аввало ўзим ҳаяжонланиб кутаётган Янги йил байрами билан Сизни муборакбод этиш бўлса, қолаверса, бир набирангиз сифатида кўнглимдаги орзу-тилақларимни билдиришдан иборат.

Мен бугун Хитой давлатида бўладиган халқаро анжуманда қатнашиш учун навбатдаги илмий мақоламни топширдим. Лекин бир томондан хурсанд бўлсам, иккинчи томондан, ўксиндим.

Чунки дадам ва бобомларга бир телефон қилиб мақтангим келди. Албатта, улар жуда хурсанд бўлиб, дуо қилган бўлардилар... Лекин бунинг иложи йўқ эди, сабаби дадам ҳам, бобом ҳам ёшлигимда оламдан ўтиб кетишган. Шу пайтда яна Сизни ўйладим. Чунки менинг шу даражага етишимга аввало Сиз сабабчисиз. Сиз туфайли мен дунёни кўрдим, аниқроғи, ҳаётга қандай кўз билан қарашни ўргандим.

Аввало, ўзимни таништираман. Мен Фарғона вилояти, Бешариқ туманида туғилиб ўсганман. Дастлаб Тошкент политехника коллежини муваффақиятли тамомлаб, Тошкент давлат техника университетининг механика факультетида таҳсил олдим.



2006 йилда Жанубий Кореянинг Куми шаҳридаги Кумо технологиялар институтига магистратурада ўқиш учун юборилдим. Ҳозирги кунда магистратурани тамомлаб, докторантурада нанотехнологиялар йўналишида таҳсилни давом эттирмоқдаман.

Яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган «1st international symposium on hybrid materials and processing» халқаро илмий анжуманида «Electrodeposited ni, fe, co and cu single and multilayer nano-wire array on AAO template» номли мақолам билан иштирок этдим.

Анжуманда қатнашар эканман, жуда кўп нарсаларни ҳаёлимдан ўтказдим. Бирдан-бир орзуим — Ўзбекистонимни энг ривожланган давлатлар қаторида кўриш. Яъни, бутун дунёдаги одамлар ўртасида манаман деган давлатлар ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон, Корея, Япония... деб бизнинг юртимизни ҳам биринчилар қатори тилга олишларини хоҳлайман.

Оллоҳим Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ берса, албатта бундай кун келишига ишонаман. Ва буни астойдил тилайман.

Орзу қилиш яхши, лекин юртимиз ёшлари учун аниқ бир фойдам тегса, дейман. Ўйлаб-ўйлаб, ўзимга берилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, фан йўналишида бир журнал ташкил қилишни режалаштирдим. Шоядки, бу журнал биз учун дунёнинг энг зўр олимлари, иқтидорли ёшлари билан танишиш, уларнинг янги кашфиётлари, фан ва



ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларини ўрганиб, турли йўналишларда очилмаган эшикларни очиш учун «олтин қалит» вазифасини бажарса. Шу билан бирга, ўзимиз ҳам ўрганган билим ва малакамизни ошириб, янги марралар сари ҳаракат қилсак.

Мен хоҳлардимки, янги — 2010 йил фан ва кашфиётлар йили бўлса. 2008 йил — «Ёшлар йили»нинг ҳосиласи сифатида ташкил қилинадиган «Invention» илмий-оммабоп журналимиз Сизнинг ўғит ва маслаҳатларингиз асосида фаолият юритиб, ушбу йилни мазмунан бойитса.

Сўзимни якунлар эканман, бу мактубни хорижда таҳсил олаётган юртимиз ёшларининг дил изҳорлари сифатида қабул қиласиз, деб умид қиламан. Жонажон юртимизда тоабад тинчлик ҳукмрон бўлсин!

Ўрмат ва эҳтиром ила,

**Бобомурод Ҳамроқулов,
Жанубий Корея, Куми шаҳри,
Кумо технологиялар институтининг
нанотехнологиялар йўналиши
бўйича докторанти**

2008 йил 24 декабрь

(«Туркистон» газетаси, 2008 йил 31 декабрь)



Ассалому алайкум, азиз Юртбошимиз!

Сизга бир гуруҳ навоийлик ёшлар номидан ҳурматимиз ва миннатдорлигимизни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Сизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармонингизни вилоятимиз ёшлари катта мамнуният билан кутиб олишди. Биз навоийлик 48 нафар ёш оила вакилларига янги ва чиройли, замонавий уйларнинг берилгани ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеа бўлди. Сиз бизларга шундай бахтни ато этдингиз. Устозларимиз, ота-онамиз, ёши катталар бизнинг ана шу бахтимизга қувонч ва ҳавас билан қарашмоқда.

Бизга бундай имкониятни мустақил ва қудратли Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бердилар.

Сиз бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқишида Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади, деб уларга доимо катта ишонч билдириб келасиз.

Сизга умрбод таъзим қиламиз ва ишончингизни оқлашга ваъда берамиз.



Бизнинг бахтимизга, халқимиз бахтига доимо омон бўлинг!

Навоийлик ёшлар номидан
ҳурмат билан,

**Муҳаббат Темирова, Мақсуд Ҳасанов,
Маҳмуд Назаров, Баҳодир Раҳмонов,
Аслиддин Деҳқонов, Гулноз Баҳромова**

**Навоий вилояти, Навоий шаҳри,
Меъморлар кўчаси, 29-уй**

2008 йил 9 октябрь



Ассалому алайкум, Ислом бобо!

Менинг исмим Нақшбанд. Яқинда кўзимни да-
волатиш учун Қаршига шифохонага келдик. Қарши
шаҳрини кўриб жуда ҳайрон бўлдим. Қарши шаҳ-
ри жуда чиройли бўлиб кетибди. Бу ердаги спорт
мажмуалари, музей, коллежларни, кенг равон
йўлларни кўриб севиниб кетдим.

Дадамдан «Дадажон, нима учун авваллари шун-
дай ишлар бўлмаган?» — деб сўраганимда, дадам:
«Ўғлим, бу бунёдкорлик ишлари Ислом бобомиз-
нинг саъй-ҳаракатлари билан бўляпти. Ҳозир од-
дий бир қишлоқда сиз ёшлар учун қурилаётган
коллежлар бир вақтлар ҳатто собиқ СССР пойтах-
ти Москвада ҳам йўқ эди», деб жавоб бердилар.

Ислом бобо, менинг акам Сирожибдин Му-
борак шаҳридаги 1-мактабда 7-синфда, мен эса 4-
синфда аъло баҳолар билан ўқиймиз. Насиб бўлса,
акам ҳам, мен ҳам ҳарбий бўламиз. Яъни, Ватан
ҳимоячиси бўлмоқчимиз.

Ислом бобо, Сизни туғилган кунингизга атаб
аям тўқиган гиламчанинг расмини юборяпман.

Сизга ҳурмат билан набирангиз —

**Нақшбанд,
Қашқадарё вилояти, Муборак тумани**

2006 йил 29 январь



**Гўзал Сурхон воҳасидан табригимизни
қабул этинг!**

Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз!

Авваламбор, Сизга 2008 йилни «Ёшлар йили»
деб эълон қилганингиз учун барча Сурхон воҳаси,
жумладан, Термиз шаҳрининг Алишер Навоий но-
мидаги маҳалласи ёшлари номидан миннатдорлик
билдирамиз. Чунки Сиз кечаю кундуз бизнинг тинч-
лигимизни сақлаб, биз ёшларнинг яхши яшаб, би-
лимли бўлишимиз, келажақда интилан чўққила-
римизга чиқишимиз учун барча йўлларни очиб
беряпсиз.

Сизнинг мустақилликка эришган илк кунларда
ўқиган қасамёдингиз ҳали-ҳануз эсимда. Ўшанда
9-синфда ўқирдим. Сизнинг сочларингиз қоп-қора
эди. Қасамёдингизга содиқ қолиб, берган ваъдала-
рингизни бажариш йўлида сочларингизга оқ туш-
ди. Ҳар доим Сизни телевизор орқали кўрсам, биз-
ни деб сочларингиз оқарди, дейман.

2007 йили яна бир бахтга мушарраф бўлдик. Сиз-
нинг ташаббусингиз билан ота-бобом туғилиб ўсган
тоғли Бойсунга темир йўл етиб келди.

Ўтган йиллар қишлоғимиз учун яхши кунларга,
туйларга бой бўлди. Айниқса, янги йилни меҳр-



оқибат ва хайрия иши билан бошладик. Ёрдамга муҳтож, кўзи ожиз бўлиб қолган 55 ёшли Дюнина Нина Семёновна исмли ёлғиз онахонни ногиронлик нафақасига чиқариш ва у кишининг турмуш ўртоғидан қолган икки хонали уйнинг ҳужжатларини расмийлаштириб беришни депутатларимиздан ва депутатлар гуруҳи раисидан илтимос қилиб, ёрдам сўраб бордик. Улар бизни жуда яхши кутиб олишди ва қўллаб-қувватлашди. Ҳозир ҳам қариянинг ҳолидан хабар олиб турибмиз, бу инсон маҳалламиз аҳлидан бениҳоя миннатдор.

Халқимиз фаровонлиги учун заҳмат чекиб, биз ёшларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб юрганнгиз учун Сизга яна бир бор ташаккур билдираимиз.

Ҳурмат билан,

**Саёҳат Сатторова,
Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри, Алишер Навоий
номидаги маҳалла**

2008 йил 27 январь



Қадрли Ислом Абдуганиевич!

Мен 1973 йилдан буён Янгийул шаҳридаги 11-сон мусиқа мактабида болаларга рубоб чалиш санъатини ўргатиб келмоқдаман.

Оилалиман, 4 қизим, 1 ўғлим, 8 нафар набирам бор. Ҳамма фарзандларим мусиқа мактабида таҳсил олишган. Ўғлим Сайдулла Кабиров 1998 йили Тошкент шаҳридаги маданият коллежини тамомлаб, ҳозирги кунда мусиқа мактабида мен билан ёнма-ён ўқувчиларга соз чалиш сирларини ўргатиб келмоқда.

2008 йил 7 январь куни эълон қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойишингизни шу соҳа ходимлари қатори биз, 11-сон болалар мусиқа мактаби ўқувчилари ҳамда муаллимлари ҳам катта мамнуният билан кутиб олдик.

Мен бутун умрини санъат соҳасига бағишлаган бир муаллим сифатида, бу муҳим ҳужжатни ўсиб келаётган ёш авлодга Сиз томонингиздан кўрсатилган беқиёс ғамхўрлик ифодаси деб би-



ламан. Чунки зуваласи пишиқ, иқтидорли ва билимли ёшларнинг онгу шуурига созандачилик санъати пойдевори заҳматкаш педагог ўқитувчиларнинг меҳнати орқали қўйилади. Кейинчалик бу ёшлар қаерда ва қайси йўналишда ишламасин, санъатга ҳурмат ва муҳаббат уларга доимо ҳамроҳ бўлиб қолишига, улар жамиятимизнинг етук фарзанди бўлиб етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Мен чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бораётган бўлсам, бу соҳага ҳеч қайси замонда бу даражада юксак эътибор берилганини эслай олмайман. Мана шу меҳнатларингиз меваси бўлиб, бугун юзлаб ёш истеъдодлар ўз санъати билан бутун дунёни лол қолдирмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Сизнинг бевосита эътиборингиз туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган юзлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда таълим олаётган минг-минглаб ёшлар эртага келажакдаги буюк юртнинг чин маънодаги фахр-ифтихорига айланади.

Мен пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, Сизнинг ташаббусингиз билан барпо этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биносини ҳар гал кўрганимда, истиқлолга шукроналар айтаман. Мана шундай муҳташам санъат саройида таҳсил олаётган бахтли ёшларга ҳавасим келади.



Юртимиз Сизнинг раҳнамолигингизда янада гуллаб-яшнаб, обод бўлаверсин. Масъулиятли ва ғоятда шарафли ишларингизда Сизга улугъ аждодларимизнинг руҳи поклари доимо мададкор бўлсин.

Сизга ҳурмат билан,

Саиджон Кабиров,
Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри,
Р.Назирова кўчаси, 30-уй

2008 йил 18 январь

**Ассалому алайкум, мухтарам Президент!**

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни изҳор қилган ҳолда ушбу мактубни йўллаяпман. Аввало, яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида қайта сайланганингиз билан Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи жамоаси ва тарбияланувчилари номидан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Мен ана шу Меҳрибонлик уйида мусиқа ўқитувчисиман. Сиз томонингиздан 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиш ёш санъат гўнчаларига улкан эътиборнинг яна бир намоёни бўлди. Бу ҳужжат, айниқса, ўзи меҳрга муҳтож, лекин қалби истеъдодга ошно ёш тарбияланувчиларимиз кўнглида ғурур, келажакка ишонч ва Ватанга муҳаббат ҳиссини ўйготди.

Ота-она меҳрига муҳтож болаларнинг бошини силаш, кўнглини кўтариш, ҳаётда тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий шарқона фази-



латдир. Бу борада Сизнинг олижаноб саховатингиз, хусусан, бизнинг Меҳрибонлик уйига «Suzuki» русумли автобус тўхфа қилганингиз, тарбияланувчиларимизнинг яшаш ва ўқиш масканларини таъмирлаш ишларида алоҳида эътибор билан кўрсатган ёрдамнингиз болажонларимизни беҳад мамнун қилди.

Меҳрга ташна шундай мурғак қалбларга бу ғам-хўрлигингизга жавобан Меҳрибонлик уйи қошида «Маржона» номли болалар ансамбли тузиб, «Меҳршафқат бор бўлсин», «Меҳр билан яшанг, одамлар» каби ўнлаб қўшиқлар яратдик.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, биз — Меҳрибонлик уйи тарбиячи ва тарбияланувчилари Сизни таваллуд топган кўнингиз билан чин дилдан кўтлаймиз. Яратгандан Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва омадлар тилаймиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Муҳиддин Абдуллаев,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани,
5-меҳрибонлик уйи мусиқа раҳбари**

2008 йил 16 январь



Ассалому алайкум, мухтарам Президент!

Сизга бўлган юксак эътиромимни изҳор қилган ҳолда ушбу мактубни йўллайман. Аввало, яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида қайта сайланганингиз билан Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи жамоаси ва тарбияланувчилари номидан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Мен ана шу Меҳрибонлик уйида мусиқа ўқитувчисиман. Сиз томонингиздан 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиш ёш санъат гўнчаларига улкан эътиборнинг яна бир намоёни бўлди. Бу ҳужжат, айниқса, ўзи меҳрга муҳтож, лекин қалби истеъдодга ошно ёш тарбияланувчиларимиз кўнглида гурур, келажакка ишонч ва Ватанга муҳаббат ҳиссини ўйготди.

Ота-она меҳрига муҳтож болаларнинг бошини силаш, кўнглини кўтариш, ҳаётда тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий шарқона фази-



латдир. Бу борада Сизнинг олижаноб саховатингиз, хусусан, бизнинг Меҳрибонлик уйига «Suzuki» русумли автобус тўхфа қилганингиз, тарбияланувчиларимизнинг яшаш ва ўқиш масканларини таъмирлаш ишларида алоҳида эътибор билан кўрсатган ёрдамнинг болажонларимизни беҳад мамнун қилди.

Меҳрга ташна шундай мурғак қалбларга бу ғам-хўрлигингизга жавобан Меҳрибонлик уйи қошида «Маржона» номли болалар ансамбли тузиб, «Меҳршафқат бор бўлсин», «Меҳр билан яшанг, одамлар» каби ўнлаб қўшиқлар яратдик.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич, биз — Меҳрибонлик уйи тарбиячи ва тарбияланувчилари Сизни таваллуд топган кўнингиз билан чин дилдан кўтлаймиз. Яратгандан Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва омадлар тилаймиз.

Чуқур ҳурмат ва эътиром ила,

**Муҳиддин Абдуллаев,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани,
5-меҳрибонлик уйи мусиқа раҳбари**

2008 йил 16 январь



**Ассалому алайкум, мухтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Мен яқинда юртимиз бўйлаб 12 кунлик саёҳатда бўлдим. Саёҳат таассуротларини юрагимга сигдириб Сизга ушбу миннатдорлик мактубини ёзишга журъат этдим.

Мен бундан бир неча йиллар илгари қишлоғимиздан четга чиқмаган ота-онамни ўлкамиздаги азиз ва табаррук жойларни зиёрат қилдиришга олиб бораман, деб ният қилган эдим. Афсуски, қутилган вақтда бунга имкон бўлмади. Оллоҳнинг иродаси экан, ота-онамнинг куни битиб, оламдан ўтиб кетди. Тангрига минг қатла шукрлар бўлсинки, улар кўрмаган жойларни кўриш — мамлакатимизнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш менга насиб этди.

Тошкентга бориб, биринчи бўлиб, Ҳазрати Имом мажмуасида Сиз қурдирган мухташам ва улуғвор масжидни, бу ерда Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан алоҳида шароитда сақланаётган, Қуръони каримнинг ҳақиқий қўлёзмасини кўрдим. Бу ҳолат мени шундай тўлқинлантирдики, беихтиёр кўзларим севинч ёшларига тўлди. Шу жойда туриб, Сиз мухтарам зотнинг бу ишингизга тасанно-



лар айтиб, Оллоҳдан Сизга узоқ умр, оилангизга тинчлик-осойишталик тиладим.

Тошкентдаги муқаддас жойларни зиёрат қилгач, Самарқандга бордим. Бу ерда Сизнинг ташаббусингиз билан қад ростлаган Имом Бухорий мажмуасида бўлдим. Бу ердаги ободончиликларни кўриб, Қуръон ўқиб, яна Сизнинг ҳаққингизга дуою фотиҳалар қилдим. Самарқанддаги бошқа зиёратгоҳларни айланар эканмиз, тасодифан чет элдан келган саёҳатчилар билан бирга бўлиб қолдим. Улар билан суҳбат чоғида ўзга юрт кишилари ҳам юртимиз ҳақида кўпгина самимий фикрларни билдиришди. Бу ҳолат ҳам мени гоят қувонтирди.

Сурхондарёда бўлганимизда Ҳаким Термизий зиёратгоҳидаги қурилишлар, ободончиликни кўриб, яна юрагим ифтихорга тўлди.

Бухорои шарифдаги Баҳоуддин Нақшбанд, ул зотнинг устозлари мақбаралари ҳам ниҳоятда обод ва файзли макон бўлганини кўрдим. Шу ерда бўлганимизда халқдан сўрасам, авваллари бу ерлар одам қадам боса олмайдиган харобага айланиб кетганини, Сизнинг эътиборингиз билан бугун асл ҳолатидан ҳам яхшироқ қиёфа касб этганини мақтаб, Сизни алқаб гапиришди.

Сўнг Хоразмда бўлдим. Ичанқалъани зиёрат қилиш чоғида Нуротадан борган 12 нафар мўйсафид билан бирга юрдим. Айтишларича, Нуротани зиёрат қилиш, ярим ҳожи бўлиш билан баробар экан. Шу оқсоқоллар билан давра қуриб ўтириб,



Ўзбекистонимиздаги тинчлик учун, амалга оширилаётган ободончиликлар учун Сизнинг ҳаққингизга дуолар қилдик. Сизга Оллоҳдан узоқ умр тиладик.

Хуллас, саёҳатдан олган таассуротларим жуда кўп. Бирма-бир ёзсам, қоғоз етмайди. Сизга ёзаётган хатим эса том маънода шукроналик мактуби.

Сиз ўз чиқишларингизда халқимни яхши кўраман, деб доимо унга бўлган меҳр ва ҳурматингизни билдириб келасиз. Мен саёҳатим давомида амин бўлдимки, халқимиз ҳам Сизни юрак-юракдан яхши кўрар экан. Айниқса, катта-катта қурилишлар, ободончиликларни амалга ошириш, буюк ажодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг номларини, қутлуг қадамжоларини тиклаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларингиздан ҳамма хурсанд. Назаримда, ана шундай эзгу ишларингиздан азиз-авлиёларимизнинг руҳи поклари ҳам шод бўлиб, Сизни қўллаб-қувватламоқда.

Ҳамиша соғу саломат бўлинг!

Ҳурмат билан,

Муҳаммадали Боймирзаев,

Фарғона вилояти,

Олтиариқ тумани,

Эскиараб қишлоғи

2008 йил 11 декабрь



Ассалому алайкум, азиз Ислом ота!

Бу мактубни ёзишимдан асосий мақсад — аввало Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилашдир. Бугунги кунда юртимизнинг ҳамма ерида бўлаётган ўзгаришларга қараб инсоннинг ҳаваси келиб, яшаган сари яшагиси, изланган сари излангиси келади.

Ўйлаб қоламан, баъзи одамлар дангасалик ботқоғига ботиб, ўзи ейдиган нони ташвишини ҳам аёли зиммасига юклаб, кичик рўзгорини ҳам теб-рата олмайди. Шундай экан, катта бир юрт аҳолисини қаноти остига олиб, уларга келадиган ҳар қандай хавф-хатарга қалқон бўлиб, уларни омон сақлаб, ёруғ келажак томон бошлаб бораётган Сиз, ҳурматли раҳбаримизга қанча миннатдорлик билдирсак арзийди.

Менинг Сизга айтадиган эзгу ва самимий тилакларим бир дунё. Энг эзгу тилагим шуки, машаққатли меҳнатларингиз мевасини, роҳатини кўриб юришингизни жуда истайман.

Амир Темур ёки Алишер Навоий каби улуг ажодларимиз ҳақида ўйлаганимда уларнинг даврида яшаган инсонлар ул зотлар билан юзма-юз келиб, мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлганмикан, деган ҳаёлларга борар эдим. Келажак авлодлар ҳам



биз ҳақимизда шундай ҳаёлларга борса, Ислон Каримовдек улуг Йулбошчи билан замондош бўлган экан-а, деб бизнинг давримиз кишиларига ҳавас билан қараса, ажаб эмас.

Ишончим комилки, уйлаб, фикр юрита оладиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Сизнинг юрагингиз тубида халқимизга бўлган беғуборлик ва салимиятни, эл-юртимиз бахтини кўзлаб қилаётган савобли ишларингизни ҳис қилади ва билади.

Кўпинча ҳаётни денгизга ўхшатадилар. Яшашни истасанг, унда суз, сузмасанг, чўкиб кетасан, дейдилар. Сиз улкан сабр, ақлу заковат билан, таъбир жоиз бўлса, одамларга «сузиш»ни ўргатдингиз. Қани энди ҳар биримиз бу ҳаётда Сиз каби халқимиз, Ватанимиз олдидаги масъулиятни ҳис қилиб яшасак.

Сизга бу хатни тинч ва осуда яшаб, эрта билан ўзининг ишига ёки ўқишига шошилиб кетаётган инсонларнинг ҳаракатидан завқланиб, эркин ва озод ҳаёт қандай буюк неъмат эканини чин қалбимдан ҳис этиб, буларнинг барчаси учун Сизга миннатдорлик билдиргим келиб ёздим.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Юлдузхон Қосимова,
Андижон шаҳри, Дўстлик маҳалласи
фуқаролар йиғини,
Тарас Шевченко кўчаси, 19-уй**

2008 йил 22 октябрь



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислон Абдуганиевич!**

Мен 1988 йилда Тошкент шаҳрида оддий инсонлар оиласида дунёга келдим. 1991 йилдан Учтепа туманидаги 483-болалар боғчасига қатнадим ва бу ердаги «Ғунча» ашула ва рақс тўғарагида фаол иштирок эта бошладим.

1993 йил тўғарақдаги ўртоқларим қатори мен ҳам Наврўз тантаналарида иштирок этдим. Бу воқеа менинг ёдимда бир умрга муҳрланиб қолган. Чунки байрам томошасида Сиз ҳам иштирок этиб, биз — ёшларни қўллаб-қувватлаш учун саҳнага қўтарилдингиз ва қандай бахтки, ўша онда мени қўтариб олиб, ўз фарзандингиздек бағрингизга босдингиз.

Ўшанда илк бор Ватан деган, озодлик деган сўзларнинг маъносини англагандек бўлганман. Йиллар ўтгани сайин бундай гўзал диёрда, салимий одамлар орасида, улуг ва доно Юртбоши раҳнамолиги остида яшаш катта бахт эканини янада чуқурроқ ҳис этдим.

Мендек ёш қизалоқ учун бу, чиндан ҳам, жуда қувончли воқеа эди. Мана, шундай юртда ўсиб-улғайиб, пойтахтимиздаги 1-сонли тиббиёт кол-



лежини битирдим. Ҳозирги кунда шаҳар онкология диспансерида ҳамшира бўлиб ишламоқдаман, насиб этса, шахсий ҳаётимда катта ўзгариш бўлади — турмушга чиқиш арафасида турибман.

Шу муносабат билан Сизнинг оқ фотиҳангизни олиш учун никоҳ оқшомимизга таклиф этаман. Тўйимизга ташриф буюрсангиз, яна бир бор бошим кўкка етар эди.

Сизга, Сизнинг сиёсатингизга, Ватанимизга ҳамиша содиқ набирангиз —

**Лобар Абдуллаева,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Раҳимбобоев кўчаси,
62-уй, 28-хонадон**

Эслатма: Лобар Абдуллаева ва унинг турмуш ўртоғи, иқтисодчи Шерзод Эшонунинг никоҳ тўйи 2008 йил 9 ноябрда Тошкент шаҳридаги «Жўрабек» тўйхонасида бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда уларга давлатимиз раҳбарининг самимий табриги ва эзгу тилаклари етказилди ҳамда Юртбошимиз номидан қимматбаҳо совғалар топширилди.



Қадрли Ислом ота!

Мен, қизингиз Назокатхон, турмуш ўртоғим Ўткирбек билан қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий ҳаётга илк қадам қўйдик. Шу муносабат билан Сизнинг бизга кўрсатган оталарча ғамхўрлигингиз ва йўлаган меҳр тўла табригингиз бизни жуда-жуда қувонтирди ва тўлқинлантириб юборди. Бунинг юртимиз ёшларига бўлган меҳр-муҳаббатингизнинг яна бир ёрқин ифодаси, деб биламиз.

Тўйимиз куни, Сизнинг ташаббусингиз билан Мустақиллик майдонида бунёд этилган «Бахтиёр она» ҳайкали пойига гулдаста қўяётганимизда, беихтиёр ажойиб ҳиссиётлар оғушида бўлиб, айнан Ўзбекистонда, ўзбек халқининг фарзанди бўлиб туғилганимиздан, Сизнинг меҳрингизга сазовор бўлганимиздан жуда фахрландик.

Биз «Оила — юрт таянчи» деган шиорга тўла амал қилиб, Сизнинг ишончингизни оқлашга, маҳалламизнинг энг намунали оиласи бўлишга ҳаракат қиламиз.

Самимий ҳурмат билан фарзандларингиз —

**Назокатхон ва Ўткирбек Нурматовлар,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Давлатобод маҳалласи,
5-берккўча, 7-уй**



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrollи Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислол Каримов номига келаетган минглаб хатлар орасида ҳарбийларимиз томонидан юборилган мактублар ҳам алоҳида ўрин тутаети.

Мана шундай хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислол Абдуғаниевич!**

Мен мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб Ватан ҳимоячиси бўлишга аҳд қилган эдим. Яхши ният — ярим давлат деганларидек, бугунги кунда ушбу касбни танлаганимдан бахтиёрман. Ватанга хизмат қилишдек шарафли ва масъулиятли ишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Истиқлол йилларида миллий армиямиз анча мураккаб йўлни босиб ўтди. Сизнинг туғри ва оқилона олиб борган сиёсатингиз натижасида тарихан қисқа давр, яъни 17 йил ичида мамлакатимиз профессионал армияга эга бўлди.

Биз биламизки, Сиз кечаю кундуз тиним билмай, орому ҳузурдан кечиb халқимизни осойишталик ва тинчлик йўлидан янада фаровон ҳаёт сари



бошлаб боряпсиз. Биз ҳарбийлар Сизнинг мана бу сўзларингизни ўзимизга шиор қилиб олганмиз: «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди».

Қудратли армияси бор мамлакатнинг фуқаролари тинч ва осойишта ҳаёт кечиради. Бундай юртга ҳеч ким, ҳеч қачон даҳл қила олмайди. Журъати етмайди.

Муҳтарам Олий Бош Қўмондон!

Сизга шахсан ўз номимдан, қолаверса, Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчилари номидан самимий миннатдорлик билдириб, давлатимизнинг тинч-тотувлиги, ободлиги, янада гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда ютуқлар тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Маннол Умиров,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри,
10-микрорайон, 80-уй, 60-хонадон**



**Ассалому алайкум, мухтарам Куролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони, қадрли Президент!**

Сизни яқинлашиб келаётган таваллуд айёмингиз билан мустақил Ўзбекистон Куролли Кучлар офицерлари, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ва ўз номимдан чин дилдан муборакбод этаман. Сизга соғлиқ-саломатлик, ишларингизга ривож ва омадлар тилайман.

Сизнинг 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан биз ҳарбийларга йўллаган табригингиз барчамизни янада руҳлантириб юборди. Айниқса, кейинги йилларда ёш офицер ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитлардан бошимиз кўкка етмоқда.

Мен ёш лейтенант сифатида доимо ўзингиз армиямизга бош бўлишингиз ва соғ-саломат юртимизга раҳбарлик қилиб юришингизни истайман.

Мен каби ёш офицерлар Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида керак бўлса, ҳатто жонини фидо этишга тайёр. Биз борки, бирорта душман ёки ёвуз ниятли кимса давлатимиз чегараларига яқинлашиб келолмайди. Биз ёш офицерлар



ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар бунга ваъда берамиз.

Мухтарам Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони, яна бир бор таваллуд айёмингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга улкан зафарлар тилайман.

**Суҳроб Сапаров,
ҳарбий хизматчи**



**САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК,
САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИШ КЕРАК**

Халқимиз азалдан яхшилик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби фазилатларни улуғлаб келади. Мустақиллик йилларида бундай эзгу фазилатларни жамият ҳаётида қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг амалий тасдиғини Президент Ислам Каримов фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Юртбошимиз ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик, ижтимоий ҳаётда меҳр-мурувват, саховат ва ўзаро ёрдам масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу борада барчага намуна бўлиб, муҳтожларга амалий ёрдам кўрсатади, бошига кулфат тушганларнинг кўнглини кўтаради. Мазкур фаслдаги ёзишмаларнинг аксарияти Юртбошимизнинг ана шундай инсоний фазилатларини намоён этиши билан қадрлидир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам Абдуганиевич Каримовга**

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич!

Сизни ажойиб китобингиз — «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари нашр этилгани билан табриклашга ижозат бергайсиз. Бу асар, ҳеч шубҳасиз, она заминимизни севиб-ардоқлайдиган, бой



тарихимиз ва юксак маънавиятимизни қадрлайдиган бутун халқимизнинг ардоқли китоби бўлиб қолади.

Мазкур китоб учун бериладиган қалам ҳақини У. Қурбонов номидаги Республика болалар психоневрология шифохонасининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун йўналтирганингиз ҳақидаги хабар муассасамиз жамоасини гоёят тўлқинлантириб юборди ва юксак эътиборингиз учун Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Ушбу маблағ шифохонамизда даволанаётган ногирон болаларни парвариш қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида сарфланади.

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбимиздан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида битмас-туганмас куч-ғайрат тилаймиз.

Чуқур эҳтиром ва миннатдорлик билан,

**И. А. Савельева,
Республика болалар
психоневрология шифохонаси
бош шифокори**

2008 йил 28 май

**Азиз Юртбошимиз Ислом Каримовга**

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли бугун билимли, соғлом ва баркамол ёшларга, янги авлодга озод ва обод Ватан қолдиришдек эзгу истак халқимизнинг шиорига айланди.

Бевосита Сизнинг ташаббусингиз билан Ўзбекистонда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларини ўтказиш гузал анъана бўлиб қолди.

Қарши шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика мусобақалари якунида бизнинг Китоб туманида жойлашган вилоят миқёсидаги гўдаклар уйи жамоаси учун қутилмаган янгилик юз берди. Сизнинг совғангиз — «Дамас» русумли тез ёрдам автомашинаси минг-минглаб томошабинларнинг кўз ўнгида тантанали равишда гўдаклар уйига топширилди. Бу улкан эътибор бутун жамоамизни қувонтириб, айти пайтда ғурурлантириб юборди.

Бизга кўрсатган эътиборингиз ва совғангиз учун жамоамиз аъзолари номидан минг раҳмат, бошимиз осмонга етди. Биз катталар ва болалар «Шу азиз Ватан барчамизники», дея фахрланиб яшаётган юртимизни дунёга кўз-кўз қилгимиз келди.



Гўдаклар уйида тарбияланаётган жажжи ўғил-қизлар келажакда Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб, уни кўз қорачигидек асраб-авайлайди, деган умиддамиз.

Умрингиз узоқ бўлсин!

Ҳурмат билан,

**Рохатой Ниёзова,
Қашқадарё вилояти,
«Ёш гўдаклар уйи»
бош шифокори**

2006 йил 19 июль

**Хурматли Президент!**

Бизнинг оиламиз Сиздан ва Сиз тузган ташкилот — «Соғлом авлод учун» жамғармасидан жуда миннатдор. Қизимиз Нилуфар Нарзиева турт ёшида қайноқ сувга йиқилиб, ўнг қўли ва елкаси, кукрак қисми куйган эди. Жароҳат асоратидан бечора қизим кўп азоб чекди.

2006 йилда қизимни «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ёрдами билан Германиядан келган шифокорлар кўригига олиб бордик. Кам таъминланган оила бўлганимиз ва қизимнинг аҳволини инобатга олиб, мутахассислар уни Германияга олиб бориб даволашни лозим топишди ва Нилуфарни Германияга юбордик.

У Германияда бир йил даволаниб, ҳеч дард кўрмагандек бўлиб, соппа-соғ қайтиб келди. Мен кўзларимга ишонмас эдим: қизимда на куйиш асорати, на чандиқ, на оғриқ бор эди. Қизимнинг қувончини кўриб ҳар куни Сизга, мустақил Ўзбекистонимизга, «Соғлом авлод учун» жамғармасига чексиз ташаккурлар айтаман.

Халқимизнинг бахтига доимо омон бўлинг!

Хурмат билан,

**Умида Нарзиева,
Навоий вилояти, Кармана тумани,
Жалойир қишлоғи**

2008 йил 19 октябрь

**Ассалому алайкум, азиз ва меҳрибон Президент!**

Сизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Ўзбекистонимизнинг осмони мусаффо, халқимизнинг ҳаёти осойишта бўлиши, Ватанимизнинг тобора равнақ топиб, гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган ишларингизга омадлар тилайман.

Биз ёзган мактубларга бефарқ эмаслигингиз Сиздек олижаноб инсонга нисбатан ҳурматимни янала оширди. Аввалги мактубимда ёзганимдек, «оққон» касали билан оғриган бола айнан Сизнинг сабъ-ҳаракатингиз билан шифо топгани Сизнинг олижаноблигингиздан, қанчадан-қанча хайрли ишларингиздан бир зарра, холос. Ҳатто шу биргина хаста бола ҳам Сизнинг юксак эътиборингиздан четда қолмагани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Сизга миннатдорлигимни изҳор қилишга тилим ожиз.

Телевизор орқали чиқишларингизни кўрганимда, беихтиёр кўзимга севинч ёшлари қалқийди. Чунки отамни эслолмайман, ёшлигимда вафот этганлар. Шунинг учунми, Сизни Отамдек кўраман.

Нуроний отахон ва онахонлар фотиҳага қўл очишганда, албатта Сизнинг эзгу ишларингиздан



мамнун бўлиб, дуо қиладилар. Фарзандим — Сизнинг набирангиз тўйига юборган тухфангиз оддий инсонларга бўлган эътиборингиздан бир қатрадир. Шуларни айтиб онажоним Сизни доимо дуо қилиб келадилар.

Ушбу мактубимни тугатар эканман, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Хурмат билан,

**Мавлуда Қосимова,
Наманган шаҳри,**

2-Шоҳимардонов кўчаси, 2-уй

2007 йил 26 июль



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Дастлаб ўзим ҳақимда ёзсам: мен, Баҳри Ўринбоева фаррош бўлиб ишлайман, турмуш ўртоғим Неъматулла Ўринбоев иккинчи гуруҳ ногирони. Тўртта боланинг онасиман. Икки фарзандим — 1988 йилда туғилган Бекзод Ўринбоев ва 1992 йилда туғилган қизим Мадинабону Ўринбоева туғма ногирон. Бу ҳақда Сиздан ёрдам сўраб илгари хат ёзганман.

Мен 2001 йилда Сизни уч марта тушимда кўрганман. Тушларим бир хил бўлган. Сиз ҳали қуёш чиқмасидан туриб тоғ тарафдан келаётган экансиз. Мен эса Сизга пешвоз чиқиб, 2000 йилни юртимизда «Соғлом авлод йили», 2001 йилни эса «Она ва бола йили» деб эълон қилганингизни ва ўғлим Бекзоднинг юрагини Арманистонда операция қилдирмоқчи эканимни айтдим. Сиз Бекзоднинг қўлидан ушлаб, қибла томонга қараб дуо қилдингиз, унга оқ йўл тиладингиз.

Сизнинг шарофатингиз ва амалий ёрдамингиз билан тушим ўнгидан келиб, 2001 йилнинг 9 июнида Арманистон пойтахти Ереван шаҳридаги «Норк-Мараш» клиникасида ўғлим Бекзоднинг юрагини операция қилишди.



Муҳтарам Ислоҳ ака, дунёда ҳали ҳеч қайси мамлакат Президенти ҳар бир йилни ўз халқининг кўнглидаги орзу-ниятларга шунчалик мос номлар билан атамаган, бу фақат бизнинг Ватанда – Ўзбекистонимизда доимий анъанага айланди. Бунинг ҳамиша эл-юртимиз тинчлиги, бахту саодатини ўйлаб яшаётганингиз натижаси деб биламан.

Муҳтарам Юртбошим!

Яратгандан Сизнинг умрингизни узоқ, олтин бошингизни омон қилишини сўраб қоламан.

Сизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

Салом ва ҳурмат билан,

**Баҳри Ўринбоева,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри,
Абдулла Қодирий кўчаси, 6-уй**

2008 йил 16 октябрь



**Ассалому алайкум, биз учун азиз ва
қадрли бўлган Ислоҳ ота!**

Бизнинг уйимизда, оиламизда Мустақиллик байрами арафасида, яъни 1 сентябрь куни қувончли воқеа бўлди. Бизнинг суюнишимизга Сиз ҳам шерик бўласиз, деган умиддаман.

Менинг турмуш ўртоғим Султонбой Исмоилов 3-сонли қурилиш монтаж бошқармасида тракторчи бўлиб ишлайди. Ўзим эса Хива шаҳрининг марказий касалхонаси кардиология бўлимида бўлим бекаси бўлиб ишлайман. Бизнинг 5 нафар фарзандимиз – тўрт ўғил ва бир қизимиз бор.

2005 йил 7 апрель куни 1985 йилда туғилган ўғлим Азамат Исмоиловнинг қорнида кучли оғриқ турди. Уни тезлик билан Урганч шаҳридаги онкология касалхонасига ётқиздик, ўша кунлари операция қилишди. Операция тўрт соат давом этди. Шифокорлар болангизнинг аҳволи яхши эмас, дейишди. Унга «ингичка ичак раки» деб ташхис қўйишди.

Мен касалхонада бир ой давомида ўғлимнинг бошида мижжа қоқмай тунларни бедор ўтказдим. Уйга рухсат беришганидан кейин ҳам ҳар ойда бир марта бориб турли муолажаларни олиб турдик. Она бўлиш жуда қийин экан, жуда қисиндим.



Бир куни туш кўрибман. Тушимда уйимизнинг дарвозаси очилиб, Сиз кириб келдингиз. Уйимизнинг ҳамма томонини айланиб чиқиб, мен билан кўришдингиз, қўлимни маҳкам сиқиб шундай дедингиз: «Синглим, кўп қисинма, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, олдингда яхши кунларинг бор», деб таскин бериб, чиқиб кетдингиз.

Уйғонсам, тушим. Тушимда Сизни кўрганимдан кўп суюндим. Бу ҳақда кўшнимиз кекса кампирга айтиб бердим. Кампир менга, тушинг яхшилик аломати, ҳар кимнинг ҳам тушига юртнинг отаси киравермайди, бу — хосиятли туш, Худо хоҳласа, болаңг яхши бўлиб кетади, деди. Айтганларидек, кундан-кунга болам яхши бўлди. Лекин ўғлим менга, онажон, мен барибир узоққа бормасам керак, деб илтижо қилар эди. Мен унинг кўнглини кўтариб, ҳеч нима бўлмайди, мана кўрасан, умринг узоқ бўлади, мен тушимда бунинг аломатини кўрдим, деб уни юпатар эдим.

2007 йилда тўй қиладиган бўлдик. 1984 йилда туғилган ўғлим Санжарни уйлантирамыз, деб турмуш ўртоғим билан маслаҳат қилдик. Отаси Санжарга қўшиб укаси Азаматни ҳам уйлантирамыз, дедилар. Азамат эса, уйланмайман, мен кўп ўтқир дори-дармон олганман, деб бизни кўп қисинтирди. Шундан сўнг биз Азаматни Тошкентга олиб бориб, малакали шифокорлар кўригидан ўтказдик. Улар эса, уйлантираверинглар, бунинг касали йўқ, ўсмасини кўрмайпмиз, яхши бўлиб кетади, деб айтишди.



Шундай қилиб, 2007 йилнинг 30 октябрь куни тўй қилдик. Икки ўғлимни уйлантириб, қўшалоқ келин туширдик. Тўй бўляпти-ю, менинг қўлоғимда Сизнинг тушимда айтган насиҳатларингиз жаранглайди. Тўйдан кейин вақт-соати етиб, келинларим ҳомиладор бўлишди. 2008 йилнинг 1 сентябрида — мустақиллигимизнинг 17 йиллигини байрам қилиб турганимизда келинларимнинг бирини дард тутиб, туғруқхонага олиб кетдим. Орадан олти соат ўтар-ўтмас, биринчи келинимни туғдириб, набирали бўлиш бахтидан бошим осмонга етиб юрсам, буни қарангки, иккинчи келинимни ҳам дард тутиб қолибди. Уни ҳам орқамдан туғруқхонага олиб боришди. Ҳамма ҳайрон, қандай яхши, бир кунда тўй бўлган келинлар бир кунда, яна денг, Мустақиллик кунига туғишса-я! Бу бахтни қарангки, келинларимнинг биринчиси қиз, иккинчиси ўғил кўришди. Сиз айтганингиздек, Оллоҳнинг бундан ортиқ марҳамати бўлмаса керак. Ўшанда суюнганимдан йиғлаб юборибман.

Сизнинг тушимда айтган гапларингиз яна ёдимга тушиб, менга ҳайрон бўлиб қараётган келинларимга, биласизларми, Юртбошимиз Ислон Каримовнинг ўзлари тушимда шундай бўлишини менга айтган эдилар, мана, кўрдингларми, улўғ инсоннинг айтганлари қанчалик туғри экан, дедим, ҳаяжонимни босолмай. Ҳа, биринчи сентябрь — Мустақиллик байрами куни қўшалоқ набирали бўлдим. Беш кундан кейин набираларимни ва ке-



линларимни туғруқхонадан олиб чиқдим. Келинларимнинг ҳам, невараларимнинг ҳам соғлиғи яхши.

Ҳайит байрамини ўтказиб, бешик тўйини ҳам белгиладик. Илоҳим, шу чақалоқлар Сизга ўхшаб элу юртини, халқини ўйлайдиган, Ватани учун жонини фидо қиладиган йигит-қиз бўлиб етишсин. Оллоҳдан эртаю кеч шуни сўрайман.

Сизга ва оилангизга омонлик тилаб, фариштали чеҳрангиз 100 ёшга кирганда ҳам доимо нур таратиб туришини Худодан сўраб қолувчи синглингиз —

**Зулхумор Паноева,
Хоразм вилояти, Хива шаҳри,
Тозабог маҳалласи, 11-уй**

2008 йил 20 сентябрь



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Сизга хат ёзишдан олдин роса ўйлаб кўрдим, Сизнинг ҳар бир дақиқангиз ҳисобли бўлса, вақтингизни бекорга олмаяпманми, тўғри қиляпманми, деб кўп истиҳола қилдим. Лекин барибир Сизга хат ёзишга қарор қилдим. Чунки, кўнглимдаги гапларни негадир айнан Сиз билан — азиз Юртбошим билан ўртоқлашиш лозимдек туюлаверди. Бунинг сабаби — Сизни Оллоҳнинг ўзи юртимиздаги барча одамларнинг дарду ташвишини ҳал қила оладиган буюк инсон қилиб яратганида, деб ўйлайман.

Биз 16 йил давомида фарзанд кўрмадик. Шу вақт ичида кунда-кунора Сиз тушимга кирардингиз. Мен эса нима учун шундай катта одам, давлат раҳбари тушимга киради, деб ҳайрону лол қолар эдим. Оллоҳимнинг ўзи огоҳлантирган эканми, билмадим, охири тақдирга тан бериб 2008 йилнинг 10 май куни васийликка бир ўғил олдик. Қайнотамнинг исми Карим, хўжайинимнинг исми Абдугани бўлгани учун ўғлимизнинг исмини Исломбек қўйдик. Энди ўғлимиз Исломбек Каримов Абдугани ўғли бўлди. Шу-шу туш кўрмай



қўйдим. Мана, ўғлимиз соғлом бўлиб ўсмоқда, зеҳни ҳам ўткир.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан Мирзалиевлар оиласи номидан —

Барно Маъмирова,
Тошкент вилояти, Оҳангароя шаҳри,
Янгилик 5-берккўчаси, 3-уй

2008 йил 11 сентябрь



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга

Мен 1983 йилда Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғида туғилганман, биринчи гуруҳ ногирониман.

Ёшлигимдан тасвирий санъат соҳасига жуда қизиқишим туфайли 1999 йили Тошкент шаҳрида Марказий Осиё бўйича бўлиб ўтган «Ранглар жилоси» кўрик-танловида қатнашиб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлдим. Аслида менинг бундан ҳам катта кўрик-танловларда қатнашиш истагим бор.

Ҳаётимда 2004 йил ўчмас из қолдирди. Шу йили Фарғона давлат университетининг гуманитар фанлар факультетига тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши бўйича шартнома асосида ўқишга кирдим. Бу ютуқларимнинг барчаси Сизнинг шарофатингиз туфайли, деб биламан. Университетдаги таҳсилим давомида икки марта «Камолот» ЁИХ касаба уюшмасининг стипендиясига эга бўлдим. 2005 йилда эса Сизнинг фармонингиз асосида «Жасорат» медали билан тақдирландим. Ушбу мукофот мени янада янги марралар сари руҳлантирди, ғайратимга-ғайрат



қўши, ўз навбатида, зиммамга ҳам катта масъулият юклади.

2008 йилнинг март ойида Фарғона шаҳрига ташриф буюрганингизда «Фарғонани энг гузал шаҳарга айлантириш учун барчамиз хизмат қилайлик» деган даъватингиз мени қайсибир маънода ана шу гузал юрт истиқболига ҳисса қўшишга ундади. Мен ҳам ҳозирги замонавий қурилишлар қатори иншоот қуриб, шаҳримизни янада чирой очишига ва халқимиз ҳаёти фаровон бўлишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Менга берилган юсак ишончни оқлаш мақсадида ўз фаолиятимдан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида бугунги кунда бўлаётган ўзгаришлар, янги-янги қурилишлар қатори рассомлик устахонасини қуришни бошладим. Ушбу устахонам орқали келажакда одамларни санъат асарларидан баҳраманд этиш ва ёшларни рассомлик соҳасига жалб қилиш ниятим бор.

Сизнинг юритаётган оқилона сиёсатингиз ва биз — ёшларга кўрсатаётган эътиборингиз мени янада олдинга юришга ундайди.

Сиз барча ёшларни фарзандларим, дейсиз. Мен ҳам фарзандларингиз қаторида эканимдан фахрланаман. Менинг ва юртдошларимнинг бахтига соғ-саломат бўлинг. Сизнинг ишончингизни оқлашга ва сизга содиқ фарзанд бўлишга интилиб яшайман.

Худо хоҳласа, шу йил оила қурмоқчиман. Сизни ана шу кунни тўйимга таклиф этмоқчиман. Би-



ламан, ишларингиз ниҳоятда кўп, лекин мен учун бир фурсат вақт ажратсангиз, бошим кўкка етарди. Сизни отамдек азиз кўрганим учун тўйимнинг энг азиз меҳмони бўлишингизни хоҳлардим. Сизга катта ҳурмат билан,

Шухрат Ўринбоев,
Фарғона давлат университети
талабаси

2008 йил 23 апрель



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Сиз Ўзбекистон халқи учун кечаю кундуз, кунни тунга, тунни кунга улаб заҳмат ва машаққат билан ишлайсиз, турли ёвуз кучлардан, ғараз ни-ятли оқим ва ҳаракатлардан, мавжуд хавф-хатарлардан халқимизни асраб-авайлаб, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, бошқалардан кам бўлмаслиги, ҳа-токи устун бўлиши учун ўзингизни аямайсиз. Бола-чақаларимизнинг тинчлиги, фаровон яшаши учун тиним билмай меҳнат қиласиз.

Муҳтарам Ислом ака, Сиз буюк келажакимиз боғларини яратдингиз ва бу боғлар ҳосилга кирди. Истиқлол меваларидан халқимизнинг 7 ёшидан 70 ёшигача баҳраманд бўлмоқда. Сизга ҳатто бутун дунё халқи ўз баҳосини бермоқда.

Ўзбекистон Парламенти, у ерда фаолият кўрса-таётган депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон учун қилган буюк хизматларингизни ҳисобга олиб, Сиз-нинг номзодингизни Нобель халқаро мукофотига тақдим этишса, ҳамманинг кўнглидагидек иш бўлар эди.

Сиз Ватан хоинларининг, турли ёвуз кучлар-нинг қора ниятини бартараф этиб, ҳатто ўз жо-



нингизни аямай, юртимизда тинчлик, бунёдкор-лик ва фаровон ҳаётнинг кафолати бўлиб келяп-сиз. Ахир, бу ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми?

Ўзим ҳақимда ёзсам, олти нафар фарзандим бор. Тўрт қиз ва икки ўғилни тарбиялаб вояга етказ-дим. Ҳозир 20 нафар набиранинг бобосиман. Мен катта ва бахтли оиламиз номидан Сизга Худодан узоқ умр, бахт-саодат тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Зокиржон Қодиров,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 62-уй**

2005 йил 26 ноябрь

**Хурматли Ислом Абдуганиевич!**

Сиз 1986 йили Қашқадарё вилоятига раҳбар бўлиб келганингизда мен чўлда жойлашган бир хўжаликнинг раҳбари эдим. Ушанда биз — кўпчилик фаоллар Сиз билан бирга ишлаб, суҳбатлашиб, қани эди, мамлакатимизга Сиз каби мард ва жасур инсон раҳбарлик қилса, деб орзу қилгандик. Оллоҳ бизнинг истагимизни кўриб-билгандек, бир оз вақтдан сўнг Сиз республикамызга биринчи раҳбар бўлдингиз.

Мамлакатимиз Сизнинг қатъий ҳаракатларингиз, куч-ғайратингиз натижасида мустақил давлат сифатида тан олинди. Энди кўксимиз баланд, мамлакатимиз шаънини қўрқмасдан ҳимоя қилишимиз, Ўзбекистон халқини кўролмайдиган ғаразғўй кимсаларга, ташқи душманларга қарши ҳақ сўзимизни баланд овозда айтишга куч топдик. Буларнинг барчасига фақат Сиз туфайли, Сизнинг тинчликни сақлашга қаратилган сиёсатингиз натижасида эришганимиз ҳақроост.

Аслида, мен нима учун ўтган вақтни ёдга олиб Сизга хат ёзяман? Мен 76 ёшдаман. Охирги 20 йиллик ҳаётим давомида, жумладан, Нишон тумани ҳокими вазифасида ишлаган пайтимда қўлим-



дан келганича Сиз олиб бораётган сиёсатни мустаҳкамлаш, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳаётимизга татбиқ этилаётган ислохотларни амалга оширишга оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим.

Қашқадарё вилоятига ташриф буюрганингизда ўзингиз билан бирга ишлаганлар сафида мени йўқлаб, суриштирганингиздан бошим осмонга етди. Нишон тумани хўжаликларини айланганингизда, «бу ерларнинг эгаси деҳқон бўлиши, деҳқон ўз меҳнатининг самарасини кўриши керак», деб такрор-такрор айтган сўзларингизни эслаб, бугунги кунга қиёслайман. Сиз 20 йил олдин мамлакатимиз деҳқонларининг бугунги ҳаётини кўз олдингизга келтириб, орзу қилганингизни қишлоқдаги фермерларга, деҳқонларга сўзлаб бераман. Чунки бугун ер ҳақиқий эгасини топди, фермер — ҳақиқий мулк соҳиби, унинг ери, чорваси, боғи, узумзори ва техникаси бор.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан вилоятимиз марказида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, шаҳар ва туманлардаги йирик қурилишлар, янги-янги бино ва иншоотлар, тураржой мавзелари, бошқа кўплаб бунёдкорлик ишлари ҳақли равишда Сизнинг номингиз билан боғлиқ ва буни биз қашқадарёликларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз меvasи, деб биламан.



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Қишлоғимиз фермерлари, оқсоқоллар, бутун меҳнатчилар яқин кунларда бўлиб ўтадиган Президент сайловида Сизнинг ғолиб бўлишингизни истайдилар. Барчамиз ўзингиз бошлаган бунёдкорлик ишларини янада кучайтириб, ўсиб келаётган янги авлоднинг келажагини кўриб, яратган боғларингиз мевасидан татиб юришингизни сўраб, мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизга Оллоҳдан Сизга куч-қувват тилаб қоламиз ва Сизни доимо дуо қиламиз.

Сизга ва Сиз орқали оилангиз аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, мамлакатимиз равнақи йўлида олиб бораётган машаққатли ишларингизда куч-қувват тилайман.

• Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Ҳайитмурод Фармонов,
Қашқадарё вилояти, Нишон тумани,
У.Юсупов номи
қишлоқ фуқаролар йиғини**

2007 йил 5 декабрь



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен кўп йиллардан буён Сизнинг вилоятларда бўлиб, пахтакор ва ғаллакорлар ҳузурида, қурувчи ва фермерлар, ишбилармон ва тадбиркорлар, ўқитувчи ва шифокорлар, аскар ва чегарачи посбонлар, талаба ёшлар орасида айтадиган гапларингизни, катта-катта анжуман ва байрамларда қилган маърузаларингизни тинглаб, Ўзбекистон ва унинг келажаги учун жонқуярилигингизни кўриб-билиб, Сизга миннатдорлик билдириш иштиёқида юрардим.

Айниқса «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номи маърузангиздан илҳомланиб, Сизга дил сўзларимни ёзиб юборишга қарор қилдим.

Мен 82 ёшдаман, шўро замонини кўрдим. Иш фаолиятимда кўпдан-кўп раҳбарларнинг маърузаларини тинглаганман. Лекин Сиз каби «Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқаро юртимизда бўлаётган ишларга ўз ҳиссасини қўшиши билан бирга, ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳам эркин билдиришга ҳақлидир» деган сўзларни ҳеч ким айтмаган. Раҳмат, бу раҳбарнинг ўз халқига ишончини тасдиқлайдиган ёрқин далилдир.



Авваламбор, мустақиллик — бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, қанча-қанча курашлар, қурбонлар эвазига қўлга киритилди. Биз — қариялар буни яхши биламиз ва ёшларга ҳам ўшанда олдимизда бўлган қийинчиликларни енгитиш, мустақилликка эришиш осон бўлмаганини тушунтирамиз.

Мустақилликни қўлга киритиш йўлида қанча-қанча иқтисодий қийинчиликлар юз берди. Бу муаммолар ҳам Сизнинг раҳбарлигингизда, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати туфайли барта раф этилди. Бугун Ўзбекистонда тарихида бўлмаган ғалабаларга эришилиб, кейинги йилларда 6 миллион тоннадан кўпроқ ғалла йиғиштириб олинмоқда.

Амударё устига қурилган кўприк, Навоий — Нукус, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобиль йўли каби замонавий йирик қурилишлар қисқа муддатларда халқимиз хизматига топширилгани кимнинг бошчилигида бўлди? Ёки дунё бизни кимнинг раҳбарлигида таниди ва ҳурматимизни ўрнига қўйиб келмоқда? Бундай юксак ютуқларга эришишимиз осон бўлмаганини яхши биламиз.

Энг муҳими, Сизнинг раҳбарлигингизда фарзандларимиз Ватанимизни ҳар қандай бузғунчилардан, террорчи ва бошқа душманлардан ҳимоя қилишга қодир, қўрқмас-ботир аскарлар



бўлиб вояга етди ва биз уларни шундай тарбияламоқдамиз. Бизнинг ҳозирги армиямиз ташқаридан бўладиган ҳар қандай хуружга муносиб жавоб бериш ва керак бўлса, уни енгитиш қудратига эга.

Таълим-тарбия соҳасидаги катта ислохотлар, қишлоқ ва туман марказларида қурилган ва қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар ҳам Сизнинг ташаббусингиз билан бўлаётганини халқимиз яхши билади. Сиз томонингиздан кўп йиллар аввал ўртага ташланган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» шиори амалда исботини топмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда республикамизнинг 60 дан ортиқ олий ўқув юртида 300 мингдан зиёд талаба турли касб ва йўналишда таҳсил олаётганининг ўзи буни тасдиқлаб турибди.

Шўро замонида унутилиб кетаётган кўплаб авлиё ва алломаларимизнинг қаламжолари ўзининг илгариги аҳволидан ҳам яхшиланиб, муқаллас зиёратгоҳга айлантирилгани буюк ибратга муносиб ишдир.

Барча шаҳару қишлоқларимиздаги бунёдкорликлар ҳам ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунга узоқни, келажакни ўйлайдиган талабчан раҳбар, беҳисоб маблағ кераклиги ҳаммага аён. Бундай савобли ишларга Сиз раҳбарлик қилиб келмоқдасиз.



Ота-онасиз, ногирон болаларга ғамхўрлик қилиб келаётганингиз учун Оллоҳ таоло Сизнинг ишларингизга кушойиш бермоқда, деб ўйлайман.

Ҳурматли Ислоҳ ака, мен бошқа юзлаб кексалар қатори Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат тилайман. Доимо Сизнинг дуои жонингизда бўламиз.

Ҳурмат билан уруш ва меҳнат фахрийси —

**Юсуф ота Ибрагимов,
Хоразм вилояти, Хива шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 18-уй**



Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизни ва оила аъзоларингизни мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан оиламиз номидан чин юракдан табриклайман.

Бу йилги байрам халқимиз учун жуда файзли бўлди, десам янглишмайман. Байрам арафасида фойдаланишга топширилаётган янги-янги муҳташам иншоотларни айтмайсизми? Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди тобора янгиланиб, ўзгариб бораётгани туфайли бир кўрган жойингизни иккинчи бор кўрганда танимай қоласиз. Тошкент шаҳри билан бир қаторда туман марказлари, маҳаллалар, чекка-чекка ҳудудлар ҳам ўзгариб, янгиланиб борапти.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган байрам тантанасини телевизор орқали томоша қилиб, жуда завқландим. Ҳақиқий халқ байрамига айланиб кетди. Томошага йиғилган юртдошларимизнинг завқланиб, ўйинга тушиб кетгани ҳам байрам қандай чиройли бўлганидан далолат бериб турди.

Бу йилги Мустақиллик байрамини ўзим туғилган Юқори Чирчиқ туманида ўтказдим. Байрамона безатилган туман марказидаги истироҳат боғига йиғилган юртдошларим, айниқса, болаларнинг



шодон кайфиятини кўриб, шундай тинч ва осойишта юртда яшаётганимга шукроналар айтдим.

Эртасига, 2 сентябрь куни биринчи набирамни шу тумanning Кавардон қишлоғидаги 3-мактабнинг 1-синфига қизим билан бирга олиб бордик. Ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарнинг кайфиятлари байрамонга. Биринчи синфга келган болаларнинг 17 йиллик мустақиллик полапонларининг қувончлари чексиз. Уларга Сизнинг совғаларингиз топширилди. Болалар чехрасида ҳаяжон, қувонч, энг муҳими, буюк Ватанимиз келажагига ишонч порлаб турганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Мен ҳам 5 нафар боламини мактабга кузатганман. Лекин ҳеч қачон ўша кундагидек ҳаяжонланмаган эдим. Бу анъана мустақил юртимизнинг энг чиройли анъанаси бўлиб қолади.

Хатимнинг ниҳоясида Сизга қалбим тубидаги энг эзгу тилакларимни тилаб қоламан.

**Муяссархон Ғозихўжаева,
Зангиота тумани, Бўзсув қишлоғи,
Наврўз маҳалласи,
Нодирабегим кўчаси, 14-уй**



Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислон Абдуғаниевич Каримовга

Сиз давлатимиз раҳбари сифатида халқимизнинг фаровон яшаши учун чин юракдан меҳнат қилиб, барчамиз учун фидойилик намунасини кўрсатиб келясиз.

Хурматли Ислон Абдуғаниевич!

Мустақиллик йиллари барча ижобий ишларимизни кўролмайдиган ёвуз, нияти бузуқ кимсалар томонидан муқаддас динимиз ниқоби остида бир неча бор фитналар уюштирилди ва давлатга қарши қўпоровчилик жиноятлари содир этилди. Сиз шу воқеаларни тинч йўл билан ҳал этиш ва халқимиз осойишталиги, мамлакатимиз тинчлигини сақлаш учун ўз жонингизни аямадингиз, қатъият билан миллат манфаатини, юртимизни ҳимоя қилдингиз.

Сиз халқимизни яхши кўрасиз, ёшларни ўз фарзандингиздек биласиз, кексаларнинг қадрини ўз ўрнига қўясиз. Ўз навбатида, эл-юртимиз ҳам Сизни чин қалбдан ҳурмат қилади.

Табиий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган мамлакатимиз Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва талабчанлигингиз, фидойи меҳнатларингиз тўғрисида тобора ривож топяпти.



Сизнинг катта-катта анжуманларда, йиғилишларда сўзлаган маърузаларингизни диққат билан эшитиб бораман. Ҳамма вақт халқимиз, Ватанимизнинг тинчлигини, фуқароларимизнинг бой-бадавлат бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришини Оллоҳдан сўрайсиз. Иншооллоҳ, ниятингизга етинг!

Қадрли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Шахсан Сиз жонажон Ўзбекистонимизни кўркам ва жаннатмакон, обод юртга айлантириш, фуқароларимизнинг тинчлигини сақлаш, халқимизнинг фаровон яшаши учун, айниқса, ёшларнинг келажагини ўйлаб, кечаю кундуз тинмай ишлаб келяпсиз. Бунинг учун Бухоро халқи Сизни кўриб-билиб турибди.

Жумладан, Бухоро шаҳрининг обод бўлиши, муқаддас қадамжоларнинг тикланиши, шаҳарсозлик, архитектура ва ободончилик ишлари бевосита Сизнинг кўрсатмангиз ва талабингиз асосида амалга оширилмоқда. Бунинг учун Бухоро халқи Сизни бениҳоя яхши кўради ва меҳнатларингизни муносиб қадрлайди.

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизга мактуб ёзишимнинг сабаби шундаки, меннинг ёшим — 70 да. Шахсан ўзимнинг талаб ва истагим, оиламиз, фарзандларим ва барча қонқариндошларим, маҳалла фуқароларимиз номидан ягона илтимосимиз шуки, ҳурматли Ислоҳ Абдуғаниевич, Сизнинг 2007 йил декабрь ойида бўлиб



ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз янада ривож топсин!
(ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура билан)



Самимий мулоқот



Ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғида буюк тарих мужассам.
(Академик Э. Ртвеладзе ва япон олими Кюдзо Като билан)



Бундай мард ўғлонлар — юртимиз фахри.



«Буюк ипак йўли» медалини ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қабул қилишга рухсат этгайсиз.
(ЮНЕСКО Бош конференцияси ташкилотининг раиси Мусо бин Жаъфардан мукофотни қабул қилиб олиш пайти)



Медалларинг кўпайсин, болам!



Бўш келманглар, қизларим!



Ўзбекистонга хуш келибсиз!
(ФИФА Президенти Жозеф Блаттер билан)

ўтадиган Президент сайловида албатта қатнаши-
шингизни ва голиб чиқишингизни илтимос қилиб
сўрайман.

Халқимизга, жумладан, табаррук Бухорои ша-
риф аҳлига Президент сифатида фақат Ислом Аб-
дуғаниевич Каримов керак.

Салом ва эҳтиром ила,

Яҳёжон Маҳмудов,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Бухоро шаҳри, Амир Темур номидаги
маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли

2006 йил 14 сентябрь



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга**

Ушбу хатни ёзишдан мақсадимиз, энг аввало, Сизга ўз миннатдорлигимизни билдиришдир.

Дадамиз Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида катта инспектор бўлиб хизмат қилар эди. 2005 йил 13 май куни Андижонда хизмат бурчини адо этаётган пайтда террорчилар қўлида ҳалок бўлди. Дадамнинг хизматлари юқори баҳоланиб, Сизнинг фармонингизга кўра 2005 йили «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Биз оилада аям ва уч фарзанд бирга яшаймиз. Аям Наргиза Зокирова Избоскан туманидаги 5-ўрта мактабда рус тили фанидан дарс беради. Укамиз Шоҳжаҳон Эргашев 2005–2006 ўқув йилида 4-синфни тугатди. Уни Тошкентга, Ички ишлар вазирлигининг махсус ҳарбийлаштирилган академик лицейига ўқишга олиб бордик ва ҳужжатларини топширдик. 2006 йил август ойида тест синовларини топшириб, ўқишга қабул қилинди.

Шу махсус ҳарбийлаштирилган академик лицейда яратилган шароитлар учун Сизга минг бор раҳмат айтмоқчимиз. Шоҳжаҳон дадамнинг ишини давом эттираман, деб ният қилган. У келажак-



да Ватанимиз ва халқимизнинг тинчлигини сақлаш учун етук инсон бўлиб камол топишига ишонамиз.

Хурматли Ислом ота, Андижонда рўй берган фожиаги воқеаларда биз дадажонимиздан айрилдик. Аммо бахтимизга Сиз бор. Бизнинг оиламизга кўрсатилган катта моддий ёрдам учун миннатдорлик билдирамиз.

Бизнинг бахтимизга Сиз ҳамиша соғ-омон бўлинг, юртимиз тинч бўлсин, халқимизнинг оёйишталиги ҳеч қачон бузилмасин.

Салом ва катта ҳурмат билан, фарзандларингиз —

**Гулжаҳон ва Мадинабону Эргашевалар,
Андижон вилояти,
Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри,
Иттифоқ кўчаси, 6-уй**

2006 йил 6 сентябрь

**Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом ота!**

Бу мактубни Сиздан бир умрга қарздор бўлган оддий бир ўзбек аёли номидан деб билгайсиз.

Менинг бир қиз, икки ўғлим бор. Ўртанча ўғлим Бобомуродни туғилганидаёқ шифокорлар дуркун ва соғлом бола бўлади, дейишганди. Уч ёшга тулганида уни кўрган қариндошлар ва маҳалла-кўй «бу ҳали катта бўлса, раҳбар бўлади», деб қўйишарди.

Ўшанда мен уларга, ҳа, ўғлим Президентимизга таржимон бўлади, ўғлим Ватанимизнинг содиқ посбони бўлади, деб қўярдим. Шундай бўлишини ич-ичимдан ҳавас қилардим-да.

Энди Сизнинг гапларингиз мени асраб қолгани ҳақида айтай. Аслида мен табиатан ношуқур одам эмасман. Бориға қаноат қилиб яшайман. Лекин ҳаёт бошимга аччиқ синовларни солди. Унда фарзандларим ҳали ёш эди. Бир куни синглим менга айтган гапдан дунё қоронғу зулматга айланди гўё.

Дунёда ўзингиз ишониб, қадрлаб яшаган кишингиз хиёнат қилса, яшашнинг ҳеч бир қизиғи қолмас экан. Бундай хиёнатга чидаб яшаш ниҳоятда қийин. Ҳаётим оғирлашиб, кун сайин баттар бўлиб борди. Мендан кейин фарзандларим етим қолса, ёш болаларимга ўғай она кун бермайди,



шунинг учун болаларимни ҳам ўзим билан у дунёга олиб кетаман, деган шумхаёлга ҳам бордим. Ҳатто шунга аҳд ҳам қилдим. Бу йўлдан мени ҳеч ким қайтара олмас эди. Фақат Сизнинг ҳар бир одам қалбига етиб борадиган доно гапларингиз туфайли мен ёмон хаёллардан қутулдим.

Бир куни телевизорда террорчи тўдалар Президентга суиқасд уюштирди, деган совуқ хабарни эшитиб қолдим. Шунда Сиз, Ислом ота, халққа мурожаат қилиб, шундай сўзладингизки, кўзим ярқ этиб очилди. Сизнинг «ўзбек халқи кечиримли, вазмин, ҳар қандай оғир синовларни енгиб ўтган халқ. Баъзи ёшларнинг билиб-билмай қилган хатосини кечираман, ўз уйига қайтсин, тинч ҳаётини давом эттирсин, бу адашган ёшлар ҳам менинг фарзандларим», деган ҳақиқий оталарга хос сўзларингиз менга жуда таъсир қилди.

Юртбошимиз билиб-билмай гуноҳга қўл урган, жонига қасд қилган гумроҳларни кечириб, бағрикенглик қилиб турганда, мен кимман, менга ҳеч ким қасд ҳам қилмади-ку, дедиму кечиримли бўлишга, яшаш учун курашиб, ҳаётимни фарзандларим учун бахшида этишга қарор қилдим. Умр шундай, оқар сувдек ўтар экан, фарзандларим қандай вояга етганини ҳам билмай қолибман.

Ўғлим 9-синфни битирганидан сўнг бир куни «ҳарбий лицейга кириб, ҳарбий бўлиб Президентимга, Ватанимга содиқ хизмат қиламан. Ҳеч қачон Андижон воқеалари такрорланмайди, онажон. Мен



албатта ўқийман. Худо хоҳласа, ҳарбий бўлиб Ватанимизни, Президентимизни, сизни балолардан асрайман, қалқон бўлиб қуриқлайман», деди. Бунга шундай қатъият ва ишонч билан айтдики, мен ич-ичимдан суюниб, йиғлаб юбордим. Сабр қилсанг, кечиримли бўлсанг, Оллоҳ ўзи сени қўллай-вераркан.

Муҳтарам Президент, ўғлим катта бўлса, эл-юртга хизмат қилади, деб адашмаган эканман, Худога шукур. Ҳозир у Асака ҳарбий лицейида ўқийди. Фарзандимга форма шундай ярашганки, илоҳим кўз тегмасин.

Исломжон ота, ўшандаги доно гапларингиз билан ҳаётимни, оиламни, фарзандларимни асраб қолганингизни Сиз ҳатто билмайсиз ҳам. Бундайлар, менимча, биргина мен бўлмасам керак. Кўплаб оналарнинг ҳаётини сақлаб қолган, қанча-қанча норасидаларни етимликдан асраб қолган ўша сўзларингиз учун қандай миннатдорлик изҳор қилай, ахир. Агар ўшанда Сизнинг гапларингиз менга далда бўлмаганида... Эсласам, ўзим ҳам қўрқиб кетаман, Худо асрасин.

Фарзандларимнинг орзу-умиди улкан, қизим тиббиёт ходими бўлмоқчи, кичик ўғлим эса хорижда ўқишни ният қилган.

2006 йилнинг декабрь ойида собиқ Ш.Юсупов ширкат ҳужалиги фермерликка айлантирилди. Болаларимнинг орзу-ҳавасини кўрай деб, айниқса, Сизнинг деҳқонлар ерга эгалик қилсин, деган гап-



ларингиздан руҳланиб мен ҳам тендерда иштирок этдим. Лекин рақибим олий маълумотли бўлгани учун 4 балл кўпроқ тўплади ва тендерда ютди.

Шундан кейин менга 3-лойиҳага ҳеч ким ариза бермагани, ҳатто иш юритувчиси ҳам йўқлигини айтишди. Бориб кўрдим. Сув чиқмайдиган, тош-лоқ ер экан. Мен бу ерни олишга қатъий аҳд қилдим. Ушбу масалада туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Ҳокимлик раҳбарлари билан далани бирга бориб кўрдик. Тошлоқ жой ерни тез чанқатади, сув чиқариш қийин экан, дедим. Ҳокимлик вакиллари тўғри маслаҳат бериб, яқиндан амалий ёрдам кўрсатишди.

Ҳурматли Ислом ота, мен бир аёл, она сифатида Сизга ваъда бермоқчиман. Яқин йиллар ичида Ўзбекистонимиздаги энг илғор фермерлардан бири бўлиб, ёруғ юз билан Сиз билан учрашиб, бу ҳаётнинг барча қийинчиликларини Сизнинг даъватингиз туфайли енгиб ўтганимни ўзингизга айтмоқчиман.

Ҳаммаси учун Сизга раҳмат.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Дилоромхон Валиева,
Андижон вилояти, Избоскан тумани,
Яккатут қишлоғи,
И. Иномов кўчаси, 12-уй

**Ассалому алайкум, ҳурматли Юртбошим!**

Аввало, ўзимни таништираман: мен Зухраҳон Қосимова — 1960 йилда таваллуд топганман. Илгари Андижон маиший хизмат уйида чевар-туқувчи бўлиб ишладим. Ҳозирги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаман.

Турмуш ўртоғим Содиқжон Қосимов — 1960 йилда туғилган, ўрта-махсус маълумотли, кўп йиллар оддий ишчи бўлган, саккиз йилдан буён учинчи гуруҳ ногирони.

Бир қиз, икки ўғлимиз бор. Бизнинг оиламиз Сиздан жуда миннатдор. Чунки Сизнинг ҳар бир қабул қилган қарорингиз халқ манфаати учун хизмат қилмоқда. Худди биз каби оилаларни кўриб тургандек, улар билан бирга яшаётгандек, оддий инсонлар учун ниҳоятда муҳим бўлган фармон ва қарорларни қабул қилмоқдасиз.

Мана, оддий бир мисол. Мен тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредит олмоқчи эдим. 2005 йили банкларга қатнаб чарчадим. Иложи бўлмади. Чунки гаров учун мол-мулк, масалан, автомашина бўлиши шарт, дейишди. Афсуски, менда машина йўқ. Уни қаердан оламан? Ким гаров учун ўз машинасини берарди? Жуда кўп ўйладим. Иложи бўлмади.



2006 йили, кўнглимиздагини сезгандек, янги қарор қабул қилдингиз. Унга кўра кам таъминланган оилаларга қорамол боқиш учун банкдан кредитга беш юз минг сўмдан пул-маблағ ажратиладиган бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бизни муносиб топиб, «Халқ банки» томонидан шу пулни беришди. Хўжайиним билан бозордан икки бош қорамол сотиб олдик. Мана, 8 ойдан буён боқиб келяпмиз, ҳозир ҳар бири ўртача 500 минг сўмлик бўлди.

«Одамларга имконият беринглар, у ёғини ўзлари қойил қилади», деганингизни кўп эшитардим. Рост экан. Сиз ишлайман деганга шунақа шароит қилиб беряпсизки, биз бундан руҳланиб, келгусида тадбиркорликни янада ривожлантириб, оилавий фермер хўжалигини кенгайтиришни мақсад қилдик. Унинг таркибида чеварлик ва зардушликни йўлга қўйиб, шогирдлар тайёрлаш, маҳалладаги ишсиз аёл-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ниятимиз ҳам бор.

Энг асосийси, фарзандларимни олий маълумотли, она Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш. Сизнинг бу ғамхўрлигингизга жавобан ёруғ юз билан муносиб жавоб қайтариш асосий мақсадимиз. Албатта, бунга ҳаракат қиламан.

Ҳурматли Ислоҳ ота!

Сизнинг меҳрибончилигингиздан руҳланган набирангиз Зилолаҳон ҳар бир беазага меҳрини, қал-



бини бериб, Сизга узоқ умр, келгуси ишларингизда янги муваффақиятлар тилаб, ўзи тиккан зарёстикларни арзимас совға сифатида жўнатди. Уни бутун оиламиз номидан деб қабул қилгайсиз.

Оллоҳдан Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Юртбошимиз омон бўлсин, деб сўраб қоламиз.

Эҳгиром билан,

**Зухраҳон Қосимова,
Андижон вилояти,
Андижон тумани, Ҳакан қишлоғи,
Бўрибой маҳалласи, 86-уй**

2007 йил 29 январь



28 миллионлик Ўзбекистон халқига

Мен сўзимнинг аввалида Ўзбекистонимизнинг 28 миллионлик халқига қарата айтмоқчиман: биз ўзи шўролар замонида қандай яшаган эдик? Ўзбекистон қандай завод ва фабрикаларга эга эди? Мана энди, мустақиллик даврида-чи? Шу йиллар ичида биз нималарга эришдик?

Энг аввало, Оллоҳ бизга Ислом Каримовдек буюк зотни Юртбоши этиб берди. Ҳамма учун қийин бўлган ўша даврда Президентимиз халққа мурожаат қилиб, «имкон даражасида одамларга томорқа учун ер ажратамиз, чорва қилинглари, ердан фойдаланиб, рўзгорингизни бутланг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, мен бунга аминман», деган эдилар.

Шундан кейин Президентимиз мамлакатимиз бўйлаб ҳамма жойда завод ва фабрикалар қурдира бошлади. Бугун уларни санаб саноғига етмайсиз. Ҳозир юртимизда нималар ишлаб чиқарилмайди, дейсиз, самолёт чиқса, автомобиль чиқса, вагонлар таъмирланса, айниқса, кимё, тўқимачилик корхоналарини айтмайсизми?

Ёки болаларимизга берилаётган имкониятларга қаранг, ёшлар учун қанча-қанча лицей ва коллеж-



лар, минглаб мактаблар қурилди. Улардаги замонавий спорт саройлари, стадионларни айтмайсизми? Эҳ-э, буларнинг барчасини қозоғга тушириш қийин, албатта.

Мамлакатимизда қурилатган иншоотларни айтинг. Бутун Ўзбекистон бўйлаб барпо этилатган кенг ва раvon йўллар, кўприклар, темир йўлларчи? Барча қурилишу ободончиликларни айтаман, десам, вақт етмайди.

Шундай экан, мақсадга ўтайлик.

Юртбошимиз шунча халқни фаровон ҳаётга олиб чиқдилар. Миллионлаб ёшларни ўқитиб, тарбиялаб, «Ўзбекистоннинг барча болалари — менинг фарзандларим», деганларида кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Ана шу меҳнатлар бугун самара бериб, ҳосилга кирди. Энди ўзингиз ўйланг, дўстлар, биродарлар, Президентимиз бамисоли катта боғ яратиб, унинг мевасидан баҳраманд бўлмасинми энди?

Ҳурматли дўстлар, юртдошлар!

Сизларга шуни айтмоқчиманки, давлат ҳам, қонун ҳам халқ билан. Шундай экан, 2007 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловда Юртбошимиз Ислон Каримовга овоз берайлик. Не заҳматлар билан ўқитган болаларининг роҳатини кўрсин. Халқимизни оғир синовлардан омон-эсон олиб чиқдим, энди омон-омон кунларида ҳам бош бўлиб юрсин! Биз, Сурхондарё аҳли шундай бў-



лишини Яратгандан сўраймиз. Ишонаманки, бугун Ўзбекистон халқи шу фикрда.

Ўзбекистон халқига, юртдошларимга тинчлик-омонлик тилаган ҳолда, барчангизни шунга даъват этаман, деб,

80 ёшли Бўри бобо Қулмирзаев,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани,
Т. Шобуров фермер хўжалиги



ШУКРОНАЛИК МАКТУБИ

Ассалому алайкум, мухтарам Президент!

Сизга аввало ўзимни таништириб ўтсам, дейман. Менинг тақдирим, умр йўлим Ўзбекистон билан, унинг халқи билан боғлиқ. Хотирамда қолган кунлар шундоққина кўз ўнгимда турибди: Оллоҳ раҳмат қилсин, онам — Фаризод, мен — Картин Мастиева, укам — Казбек Мастиев ва бошқа юртдошларим Иккинчи жаҳон уруши даврида, яъни 1943 йилнинг апрель-май ойларида Шимолий Осетиянинг Ираф туманидан Бухоро вилоятининг Олот туманига кўчирилдик. Йўл азоби қанчалар оғир бўлганини сўз билан ифодалаш қийин.

Кўп ўтмай, онам — Фаризод Тинчиева шу ерда касалхонада вафот этди. Маҳаллий халқ, худди ўз кишисидек, барча расм-русумлар билан онамни шу ердаги Занги Бува қабристонига дафн қилишди. Мени ўзбек oilаларидан бири ўз бағрига олди. Тўрт-беш ёшларда бўлган укам Казбекни Олот тумани Чандир қишлоғида жойлашган 27-болалар уйига топширишди. Кейинчалик укам Когон шаҳридаги ва бошқа жойлардаги болалар уйларида тарбияланган.

Отам ҳарбий эди, жанг майдонидан қайтмади. Онам ва укамдан бир парча сурат — уларнинг сий-



моси менга ёдгорлик бўлиб қолди, холос. Аммо мурғак қалбим билан ўзимга-ўзим таскин берардим. Албатта, укамни топаман, ахир, шу оққўнгил ўзбеклар туфайли мен омон қолдим-ку, бундан кейин ҳам ўзинг асра, дея Оллоҳга ёлворардим...

Ўша оғир йилларнинг ҳар бир кuni хотирамда муҳрланиб қолган. Айниқса, мени ўз бағрига олган Холбек қишлоғи аҳлининг уруш йилларидаги меҳнат жасоратига ўзим гувоҳман. Ишга яроқли эркакларнинг барчаси фронтга олинган, эрта тонгдан то кеч шомгача давом этадиган оғир дала ишларини бажаришга асосан аёллар, бўйи кетмон дастасидан паст ёш болалар, кексалар, ҳатто ногиронлар ҳам жалб қилинган эди.

Белгиланган нормани бажаришга улгурмаганлар фонус ёруғида кечаси ҳам ишини давом эттиришарди. Айниқса, ўша йиллари қишлоқ хўжалик ишларида жорий қилинган қаттиқ тартиб-интизомга ёшу қари баб-баробар бўйсундирилган, аёллар бешикдаги боласини ҳам дала бошига олиб чиққан эди.

Ҳаммаси кўз олдимда турибди. Саратон куёши ўзининг алангасини пуркаб турган дамларда ҳам, кеч кузнинг изғиринли кунларида ҳам, ер яхлаган қаҳратон қишда ҳам бу халқ уйига шошилмас, белгиланган юмушни охиригача бажарар эди.

Ўша мен кўрган ўзбек аёллари дала бошида бир қошиқ овқатини ҳам тик туриб ичгани, ночор кийиниб, гоҳо оч, гоҳо бориға қаноат қилиб, барча



бозорларимиз тўкин ва гавжум. Ўзимиздан етишиб чиққан малакали шифокорлар кечаю кундуз халқ саломатлиги учун хизматда.

Ўтган йили меҳрибонлик уйларида бирига ташриф буюрганингизни телевизор орқали кўриб, кўзларимга ёш тўлди. Қайсидир сабабларга кўра ота-она меҳридан айрилган болаларга ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Етимнинг бошини силаган одамга савобнинг энг каттаси насиб қилади, етимни улуғлаганни Оллоҳ улуғлайди, дейишди. Шу баҳонада юрагимдаги кўп йиллик армонларимни халқимга, Президентимга ёзишни ният қилдим.

Яратганнинг ўзи гувоҳ, бу гапларимни юрак амри билан сўзлаяпман. Ватанимдан, ота-онам ва укамдан жудо бўлиб, етимлик азобидан қийналганимда, онам кўз олдимда ҳаёт билан видолашаётганида мен билан ёнма-ён туриб кўз ёшларимга, ўксик қалбимга ҳамдард бўлган, кўлидаги бир бурда нонини тенг бўлиб, боласи билан менга тутқазган, мени ўз боласидек, кўз қорачиғидек асраган ўзбекларга, уларнинг оқкўнгил фарзандларига нисбатан юрагимда меҳр ва ишонч туйғулари иллиз отган.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич, ўзбек миллатининг менга берган нон-тузи ҳурмати ҳаққи, оиламиз аъзоларининг чин дилдан Сизга бўлган чуқур эҳтиромининг рамзи сифатида ўзбекона урф-одагимиз бўйича Сизга бир тўн кийдирсам, деган ни-



ятим бор. Умримнинг сўнгги дақиқаларигача бу орзу-армоним мени тарк этмаслигига ишончим комил бўлгач, бу истагим хусусида Сизга мурожаат қилишга жазм қилдим. Оддий бир фуқаронинг ўз халқига, Президентига бўлган миннатдорлик туйғуларини бошқа халқлар ҳам кўриб қўйсин, дейман.

Оллоҳдан сўрайман, ниятим: узоқ умр кўринг, неварачевараларингизнинг, халқимизнинг туй-ҳашамларида, юртимиз байрамларида ҳамиша ўзингиз бош бўлиб юринг. Оила аъзоларингиз билан ҳамиша сиҳат-саломат ва омон бўлинг!

Сизга ҳурмат билан,

Картин Абдиева (Мастиева),
Бухоро вилояти, Олот тумани,
Гулистон фуқаролар йиғини,
Ҳосабўйи маҳалласи,
Холбек қишлоғи, 24-уй

2009 йил 17 апрель



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Аввало, Сизга тилагим шуки, доимо халқимизга бош бўлиб юринг!

Биз истиқомат қилаётган Наманган туманидаги Ровустон қишлоғи кўчалари илгари асфальт кўрмаган эди. Қишда лой, ёзда тупроқ бўладиган бу кўчаларга мустақиллик йиллари сон кирди. Шағал тукилиб, асфальт қилинди.

Айниқса, қишлоғимиздаги қоронғи кўчаларга симёғочлар ўрнатилиб, ёнмай ётган электр чироқлари алмаштирилди. Ҳозирги кунда тунлари ҳам қишлоқ кўчалари чароғон, ёруғ ва озода. Энг асосийси, қишлоққа тоза ичимлик суви келтирилди, хонадонларимиз газлаштирилди.

Шунинг учун биз кексалар ҳар қадамда, ҳар нафасда Президентимизни дуо қиламизки, Оллоҳ таолонинг ўзи у кишининг умрларини узун, йўлларини равон қилсин.

Муҳтарам Ислом ака, сўзимнинг охирида Сизга мурожаат қилмоқчиман: Юртимизга умрбод раҳбар, Президент бўлиб қолинг! Ҳозир Ўзбекистон шунга муҳтож. Чунки, дунёда қандай жанжал-мужароалар, нотинчликлар бўлаётганини ҳаммамиз



кўриб, эшитиб турибмиз. Энг оғир йилларда шунча халқнинг бурнини қонатмай, бировга ноҳақ туртирмай олиб ўтдингизми, бундан кейин ҳам Сизга ишонамиз.

Илоё, бошингиз омон бўлсин.

**Латифбой Муталлиев,
Наманган вилояти,
Наманган тумани,
Ўрта Ровустон қишлоғи**

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга***Ассалому алайкум!*

Аслида, Сизга айтар гапим кўп эди. Лекин қўлимга қалам олдимунима ёзишни билмай қолдим. Одам бировдан кўп яхшиликлар кўрса, уни қаттиқ ҳурмат қилса, унга қандай ташаккур изҳор қилишни билмай, шошиб қоларкан. Ҳозир мен шу аҳволдаман. Лекин кўнглимда жуда кўп гапларим бор.

Аввало, Оллоҳнинг марҳамати ва Сизнинг мендек оддий фуқаро илтимосини ерда қолдирмай, ёрдам берганингиз шарофатидан муқаддас ҳаж сафарига боришга муяссар бўлдим. Бу менинг ғамга ботган қалбимни чексиз қувончга тўлдирди. Икки фарзандим, дардкашларимнинг хурсандчилигини, юзидаги табассумни тасвирлаб беришга ожизман.

Болаларим: «Миллионлаб одамларнинг дардига шерик бўлаётган Президентимиз сизга ҳам шундай меҳрибонлик кўрсатиб, ғариб кўнглингизни кўтарди, демак, сизга ўз отангиздай бўлиб қолди. У киши улуғ инсон экан», деб кўзларида қувонч ёшлари айланади.

Энди Сиздан яна бир илтимосим шуки, чекка бир туманда истиқомат қилаётган мен, қизингиз Саломатхон Оллоҳнинг суйган бандаси Президен-



тимизни отам деб билиб, Сизни зиёрат қилиш учун уйимга бир пиёла чойга таклиф этаман.

Яратган эгамга беадад ҳамдлар бўлсин. Сиздан, туман раҳбарлари ва дин вакилларида жуда миннатдорман. Агар Сиздан кўп нарса сўраган бўлсам, узр. Ахир, одам кўнглига яқин олган кишига илтимос қилади-да. Сизга бўлган ихлосим, ишончимнинг бора ошганидан вақтингизни аямай, қишлоғимизга бир келишингизни сўрайман.

Ҳурмат билан,

Саломатхон Тангирова,

Сурхондарё вилояти,

Денов тумани,

Ўртабўз маҳалласи



**Ассалому алайкум, қадрли
Ислом Абдуғаниевич!**

Сизга ушбу мактубни чуқур ҳаяжон билан ёзяпман. Чунки бугун ниҳоятда хурсандман: 23 декабрь эрталаб 241-сайлов округидан биринчилардан бўлиб оила аъзоларим билан Сизга овоз бердик, кейин кечгача сайлов жараёнини кузатиб турдим. Шунда халқимизнинг Сизга бўлган чексиз ҳурмат-иззати, катта ишончининг гувоҳи бўлдим.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Ўзбекистонимиз ўз куч-қудрати ва қонунларига, халқпарвар Юртбошисига эга.

Мен 2002 йилда бевақт ўлим туфайли 18 ёшли қизимдан ажралдим. Фарзандимнинг ўлиmidан 40 кун ўтгач, гоҳ чап, гоҳ ўнг қўлим ишламайдиган бўлиб қолди, шифохонада ётиб ҳам чиқдим. Афсуски, дардимга даво тополмадим. Буни қарангки, 24 декабрь кечқурун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 14 миллион Ўзбекистон фуқароси Сизга овоз бергани тўғрисидаги ахборотини эшитганимда, худди тўрт мучаси соппа-соғ одамдек, ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Ўшандан буён,



Яратганнинг ўзи шифо бердими, соғломман, қўлларимда оғриқ йўқ. Севинганимдан йиғлаб, Сизга мактуб йўллаяпман. Ушбу хатни Сиз туфайли соғайган қўлим билан ёздим.

Ўзбекистон халқининг бахтига доимо соғ-омон бўлинг! Оллоҳ Сизга узоқ умр, ғайрат ва шижоат, толмас куч-қувват берсин!

Эҳтиром ила,

**Мирзо Абдуқодиров,
Самарқанд вилояти,
Жомбой тумани, Хурму қишлоғи**

2008 йил 16 январь



Хурматли Ислон Абдуғаниевич!

Мустақилликдан олдин масжидларимизнинг эшигига осиб қўйилган кулфларни кўриб, унинг очилишини Оллоҳдан сўраган ва ҳасса суянганича йиглаб, армон билан ортига қайтган боболаримизни кўп бор кўрганман, бу аламли манзаралар эсимдан чиққан эмас. Ўша даврларда масжид ва мазорлар шундай хароба аҳволда эдики, уларнинг ҳатто ёнидан ўтишга ҳам кўрқар эдик. Мустақиллик туфайли уларнинг барчаси обод бўлиб, пиру устозларимизнинг руҳлари шод бўлмоқда. Йилдан-йилга ҳаж сафарига бориб келувчи ҳамюртларимиз сони кўпайиб бориб, уларнинг Сиз ҳақингизга қўллари ҳамиша дуода.

Мен 2008 йилнинг ноябрь ойида Туркманистонга борганимда, шу юрт халқи Сиз ҳақингизда завқланиб гапирганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Президентимизнинг бошқа мамлакатларда ҳам мартабалари, обрў-этибори, ҳурмати баландлигини эшитиб ва кўриб биз, ўзбекистонликлар албатта шод бўламиз, албатта гурур ва ифтихор этамиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Хурмат билан,

**Зайни Розиков,
Бухоро вилояти, Жондор тумани,
Қовчин қишлоғи**

2008 йил 15 январь



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислон Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Сизни ва серқуёш диёримизнинг фуқароларини қутлуғ айём — Қурбон ҳайити билан ўзбекистонлик ҳожилар номидан чин дилдан муборакбод этамиз.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ она Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилаётган қулай шароит Сизнинг миллий ва диний қадриятларимизга кўрсатаётган чинакам ғамхўрлигингиз намунасидир. Юртимиз фуқаролари манфаатини кўзлаб қилаётган хайрли ишларингиз халқимизнинг руҳини янада кўтармоқда.

Оллоҳнинг инояти билан улуғ ибодатни адо этиш бахтига мушарраф бўлган биз, ўзбекистонлик ҳожилар, Маккаи мукаррамадек муқаддас заминда туриб, Сиз раҳнамолик қилаётган мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч ва осойишта, турмушимиз фаровон бўлишини Яратгандан илтижо ила сўраб дуолар қилмоқдамиз.



Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига, яна бир бор самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, Оллоҳ таолодан Сизни, халқимизни ва гўзал диёримизни ўз паноҳида асрашини тилаб қоламиз.

**Ўзбекистонлик ҳожилар,
Макка шаҳри,
Арафот водийси**

2006 йил 12 январь



Ҳурматли Президент девони ходимлари!

Мен 70 йиллик умрим давомида бир неча давлат раҳбарларини кўрдим, лекин бундай халқпарвар Юртбошини кўрмаганман. Президент Ислам Каримов Ўзбекистонга бош бўлганларидан буён Ватанимиз тинч, халқимиз осойишта ва фаровон, қўллаб-қувватлаб ва элатлар бир оиладек тотув-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Шунинг учун бўлса керак, Оллоҳ таоло ҳам юртимизни ҳар хил бало-қазолардан, табиий офатлардан ўзи асраб келяпти. Илоё, бундан кейин ҳам шундай бўлсин.

Бу гапларни шунчаки расамадига айтаётганим йўқ. Ўз ҳаётимдан келиб чиқиб ёзаяпман бу гапларни. Масалан, сўнгги бир йил ичида мен касалхонада икки марта бепул даволаниб чиқдим. Кам таъминланган фуқаро сифатида менга маҳалладан, «Камолот»дан озиқ-овқат маҳсулотлари ажратиб келинмоқда. Бир неча марта совғалар беришди. Ўтган йили эса ер, мулк солиғини тўлаб беришди. Чириб қолган водопроводим – сув қувурини Чилонзор тумани «Сувсоз» ташкилоти текинга тузатиб берди, қилган ишлари учун пул олмади, барака топқурлар. Уйимнинг тоmidан қорли-қировли кунларда чакка ўтиб ётар эди, уни ҳам таъмирлаб беришди.



Албатта, бу хайрли ишлар, авваламбор, давлатимиз раҳбарининг адолат ва инсонпарварликлари туфайли бўляпти, деб биламан. Бир фуқарога кўрсатиладиган ғамхўрлик, меҳр-оқибат ва муруват шунча бўлар! Ахир менга ўхшаган меҳрга, ёрдамга муҳтож инсонлар бутун мамлакатда қанчадан-қанча! Шуларнинг барини кўнглини олишнинг ўзи бўладими?

Ислом Каримовнинг қатъияти билан қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ўзимизга қайтди. Қатағон даврларини бир эслайлик, айниқса, жаноза ўқиш ва майитни қабристонга олиб бориш ҳам қаттиқ назоратда бўлиб, унда иштирок этган раҳбарлар ишдан бўшатилгани-чи?!

Мана шундай оғир кунлар бошимиздан ўтди. Шунинг учун мен истардимки, бундай юртпарвар, одил ва мард инсон доимо соғ бўлсинлар.

Ўрнат билан,

**Назира Абдиева,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Гулобод маҳалласи,
Олмазор берккўчаси, 108-уй**

2007 йил 6 сентябрь



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Юртбошимиз, барча оила аъзоларимиз номидан миннатдорлигимизни қабул этинг. Бутун юртимизда бўлгани каби, бизнинг гўзал Марғилонни ҳам обод қилаётган экансиз, Оллоҳ мартабангизни бундан ҳам улуғ қилсин! Ҳеч қачон кам бўлманг.

Мен, бир оддий аёл Сизга мактуб ёзар эканман, Сиз олиб бораётган ишларни, халқим, юртим, Ватаним деб қилаётган ҳаракатларингизни кўриб, ўзингизга рўбарў бўлиб миннатдорлигимни билдиргим келади.

Болалигимда дадам айтар эдилар: вақти келиб Ўзбекистонда бир подшо чиқади, бутун оламга машҳуру манзур бўлади. Афсуски, ана ўша улуғ инсон бутун давлатимизни бошқараётганини кўриш отамга насиб этмади.

Шу сабабли фарзандларимга қайта-қайта айтаман, бундай тинч ҳаётда яшаб, эмин-эркин юрганингиз учун аввало Оллоҳга шукроналар айтинг, Президентимизга садоқат кўрсатиб, шу юртнинг фидойи ва жонкуяр инсони бўлинг. Чунки дунёнинг кўп жойларида урушу ғўполонлар бўлиб турган бир пайтда, бизнинг юртимиздаги тинчлик,



эминлик аввало яратган Тангримдан, қолаверса, Юртбошимиз юритаётган одил сиёсат натижасидир, дейман.

Шу ўринда Марғилонимиз ўзининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан бениҳоя кўркем ва гўзал қиёфага эга бетакрор шаҳарга айланганини айтмасам бўлмайди. Марғилон Марғилон бўлиб ҳали бундай кунларни кўрмаган, кўчаю хиёбонлари бу қадар чиройли, одамлари ҳозиргидек хотиржам бўлмаган.

Халқимизнинг бахтига, марғилонликларнинг бахтига ҳар доим соғ-омон бўлинг. Танингиз дард, бошингиз ғам кўрмасин.

Сизга дуои салом билан,

**Мавжуда Аҳмедова,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри,
Зарафшон кўчаси, 14-а уй**



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Мен Чуст туманидаги 20-мактабда ишлайман. Оз бўлса-да, ҳаётнинг оғир-енгилини кўрганман, оқ-қорани ажратаман. Ҳарҳолда, ўзимга етарли ҳаёт тажрибаси ва малакасига эгаман, деб ўйлайман.

Сизнинг таълим соҳасида олиб бораётган ислохотларингиз туфайли бизнинг қишлоғимизда ҳам уч қаватли иқтисодиёт коллежи қуриб ишга туширилди. Иқтидорли ўқувчилар учун лицей ҳам очилди. Қишлоғимизнинг юзлаб болалари ўқиётган бу даргоҳларда яратилган шароитни кўриб, ҳам ҳавасимиз келади, ҳам фахрланамиз. Мустақилликнинг нима эканини шуларга қараб яна бир бор англаймиз. Қишлоғимизга «зангори олов» келгани-чи? Жоннинг ҳузури-я! Қишлоғимиз тобора замонавий қиёфага кирмоқда.

Мана шу эзгу ишларнинг бошида турган Сиздек инсоннинг Наманган вилоятига қиладиган ташрифи давомида бизнинг қишлоғимизга ҳам бир келиб кетишига орзумандмиз. Илтимос, бир келинг, ўзингиз қилган ишларни бир кўринг, кўзингиз яйрайди, дилингиз қувнайди.



Биз, 37 минг аҳоли истиқомат қиладиган Олмос қишлоғи аҳли Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, юртимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларингизни давом эттиришингизни, Ватанимиз обрўсини янада юксалтиришингизни Худодан сўраб қоламиз.

Салом ва эҳтиром билан,

**Арофатали Жураев,
Наманган вилояти, Чуст тумани,
«Олмос» маҳалла фуқаролар
йиғинига қарашли
Тоймас—1 қишлоғи**



**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Менинг 3 нафар ўғлим, 3 нафар келиним, 8 нафар набирам бор. Ҳаммалари ўқимишли. Умр йўлдошим билан бирга уларни юртни севадиган, виждонли қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Фарзандларимнинг иш жойларидан раҳматномалар эшитганимда мендан бахтли она йўқ. Келинларим ҳам оқилу доно, намунали оила соҳибалари эканидан хурсандман.

Катта фарзандим Элмурод 36 ёшда. Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаганида, устозлари пойтахтда қолишни тавсия қилишди. Ўғлим шароитдан келиб чиқиб уйга қайтди ва ҳозир Андижон давлат санъат коллежида ёш авлодга рубоб санъати сирларини ўргатиб, кўплаб истеъдод соҳибларини етиштириб чиқармоқда. Ўзи Ўзбекистонда ёш ижрочилар конкурсида икки маротаба биринчи ўрин совриндори бўлган. Жаҳон куйлари ва ўзимизнинг мумтоз ва лирик куйларни маҳорат билан ижро этади, куй ҳам басталайди.

Сулоламизнинг ҳар бир аъзосига шу тарзда таъриф берсам, хатим анча чўзилиб кетар экан. Му-



ҳими, ҳаммалари элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фарзандлардир. Юрт бойлиги, эл тинчлиги фақат Сиз билан боғлиқ, муҳтарам Президент. Ўзингиз бошлаган ишни ўзингиз охиригача давом эттиришингизни истаймиз.

Биз оналарнинг бахтига соғу саломат, омон бўлинг!

Ўрнат билан,

**Раъно Худойберганова,
Андижон шаҳри,
«Темирийўл» берккўчаси, 9-уй**

2007 йил 14 ноябрь



Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!

Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Сиз республикаимиз раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки вақтларда, яъни 90-йилларда ўтказган йиғилишларингизда иштирок этганим боис, юртдошларимиз учун гоёат оғир кечган ўша дамларда Ватанимиз, халқимиз учун чеккан ташвишларингизни, бутун заҳматларингизни ҳалиҳануз яхши эслайман, моҳиятини чуқур ҳис этаман.

Оллоҳга шукроналар бўлсинки, Сизнинг қатъий сиёсатингиз ва мардона саъй-ҳаракатларингиз туфайли юртимиз, халқимиз не-не синовлардан, бало-қазолардан эсон-омон ўтиб, бугун ҳар томонлама тараққий этаётган, юксалиб бораётган, ривожланаётган мамлакатга айланди. Сизга ишонаман, Сизнинг бошчилигингизда Ўзбекистон дунёдаги энг яхши ривож топган мамлакат даражасига етади.

Мамлакатимиз равнақи, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлидаги орзу-истакларингиз



нинг амалга ошиши учун Сизга мустаҳкам соғлиқ ва куч-қувват беришини Оллоҳдан сўраб қоламан.

Хурмат ва эҳтиром билан,

**Ўктам Хўжакулов,
Сирдарё вилояти,
Сардоба тумани,
Дўстлик кўчаси, 19-уй**

2008 йил 18 январь



**Ассалому алайкум, ҳурматли ва қадрли
Ислом Абдуғаниевич!**

Мен Сизни 2008 йил — Янги йил билан ҳамда эл-юрт ишончига яна бир бор сазовор бўлганингиз билан чин юракдан табриклайман. Биз яхши биламизки, Ўзбекистон тинчлиги ва осойишталигига, эл-юрт фаровонлигига, озод ва обод Ватанга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бугун миллат ва Ватан келажаги, эл-юрт равнақи учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

Ёш бўлсам-да, собиқ тузумнинг айрим аянчли манзаралари эсимда қолган: дўкон ва бозор расталари бўм-бўш, эрталаб уйқудан уйғонган ота-она фарзандининг бугунини, рўзгорининг қандай ўтишини ўйлар эди, холос. Эндиликда ота-она ардоқ билан тарбиялаётган фарзандининг саодатли ўтаётган кунларидан мамнун, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ёруғ келажагини ҳам аниқ тасаввур қилади. Бугунги ёшлар ҳам мутлақо бошқача — янгича фикрлайдиган, дунёқараши кенг, мулоҳазакор, бир қанча тилни пухта биладиган, интеллектуал салохиятга эга.

Худога минг шукр, эл-юрт келажаги йўлида фидоийлик кўрсатиб ёниб яшаётган, шу муқаддас Ва-



тан учун умрини, бебаҳо соғлигини, жонини ҳам аямасдан ишлаб келаётган Сиз — фидойи Юртбоши эл ишончини қозониб, ўзбек халқи хоҳиш-иродаси ва қатъиятини яна бир карра намоён этиб, тинчлигимизни, фаровон ҳаётимизни кўролмайди-ган айрим ғаламис кимсаларга бизларнинг ким эканимизни, кимларнинг авлоди эканимизни так-роран кўрсатиб қўйдингиз.

Ҳурматли Ислон Абдуғаниевич, мен Сизга мустаҳкам соғлиқ, букилмас ирода тилайман. Юрти-мизнинг дунёда мустақил ва мустаҳкам ўрни аба-дий бўлсин.

Ҳурмат билан,

Нуриддин Турсунов,
Самарқанд давлат тиббиёт
институтининг 3-курс магистранти

2007 йил 27 декабрь



Ҳурматли Ислон Абдуғаниевич!

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қув-ватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўта-рилган. Илм-фан, тадбиркорлик, спорт ва санъат, қўйингки, қайси соҳани олиб қараманг, аёлларимиз эришаётган ютуқлар фахр-ифтихорга лойиқдир.

Бугунги кунга келиб айниқса қишлоқларимиз-да ҳақиқий мулкдор — ер эгалари пайдо бўлди. Деҳқон меҳнатига бўлган муносабат бутунлай ўзгар-ди. Сиз томонингиздан деҳқон-фермерларга, тад-биркорларга юксак ишонч билдирилгани, «Тадбир-корларнинг ортида мен турибман, Президент ту-рибди», деган даъватингиз шахсан менинг кучим-га куч қўшди.

Бундан олти йил муқаддам ота-боболаримиз фойдаланиб келган оддий табиий дасмолқовоқдан турли хил шахсий гигиена маҳсулотлари — мочал-калар, даволовчи белбоғлар тайёрлай бошлаганимда кўплар ҳайрон бўлганди.

Дастлаб оила аъзоларим билан 2 турдаги маҳсу-лот ишлаб чиқарган бўлсак, бугунги кунга келиб унинг тури 40 дан ошиб кетди. Касаначиликни ри-вожлантириш мақсадида 50 нафарга яқин хотин-



қизга ҳунар ўргатиб, иш билан таъминладик. Ҳозирда оддий ўзбек аёллари тайёрлаган бу маҳсулотларга хорижда ҳам қизиқиш ортиб бораётгани қувончли, албатта.

Ўтган 2007 йил мен учун омадли келди, десам муболаға бўлмайди. Чунки, мен «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Ҳиндистонда ўтказилган тадбиркор аёллар халқаро конференциясида иштирок этдим.

Мазкур анжуманга Англия, Швейцария, Кувайт, Беларусь каби бир қатор давлатлардан келган тадбиркор аёллар бизнинг ишларимиз билан қизиқишди. Келгусида амалий ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олдик.

Биз каби аёлларга мана шундай беқиёс имкониятлар яратиб берганингиз учун яна бир бор Сизга ўз самимий миннатдорлигимни изҳор қиламан. Бошлаган эзгу ишларингизни амалга оширишда, туганмас куч-қувват, омад ҳамиша ёр бўлишини, Сизни Оллоҳ ўз паноҳида асрашини тилайман.

Самимий ҳурмат билан, марғилонлик ҳунарманд —

Матлубахон Исмоилова,
Фарғона вилояти,
Марғилон шаҳри,
О. Азизов кўчаси, 26-уй

2008 йил 22 февраль



Муҳтарам Президент!

Бизнинг қадимий Чуст шаҳри аҳли азалдан ҳунармандчилиги, айниқса, дўппию пичоқлари билан машҳур. Мен ҳам момоларимиз, оналаримиздан бу ноёб ҳунар сирини пухта ўрганиб, 35 йилдан буён дўппи тикиб келаман. Ҳозирги кунда 50 нафардан зиёд шогирдим бор.

Қадрли Ислон Абдуғаниевич, Сизнинг таваллуд кунингизга ўз қўлларим билан тиккан дўппимдан совға қилишни ният қилдим. Бу дўппини бор меҳримни бериб тикканман. Дўппида Сизнинг исмингиз ва Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги сўзлари муҳрланган.

Она Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги барча ишларингиз бароридан келсин. Бахтимизга ҳамиша соғсаломат юринг, азиз бошингиз доимо омон бўлсин!

Сизга самимий ҳурмат ва эҳтиром билан,

Рисолатхон Раҳимжонова,
Наманган вилояти,
Чуст тумани, «Дехқонобод»
маҳалласи, 227-уй

2008 йил 6 февраль



Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!

Мен Сизга табиий гуллардан санъат даражасида қотириб тайёрланган икэбаналар олиб келган эдим. Техника ва оз миқдордаги кимёвий усул билан қотирилган бундай табиий гуллар — икэбаналар чет элда жуда машҳур. Чунки улар ўзларида табиий гўзалликни намоён этади ва бу гўзалликни узоқ вақт сақлаб қолиш хусусиятига эга.

Инсонга завқ берадиган икэбаналар, аини пайтда, юрак қон-томирларининг бир маромда уришига, қон босимининг тушишига ёрдамлашади, асабни тинчлантиради, уй ҳавосининг мусаффолигини таъминлайди. Сирен — баркамоллик, улуғворлик тимсоли, оқ гуллар — поклик рамзи, шу каби бошқа гуллар ҳам шодлик ва қувонч белгисидир.

Ниятим, Оллоҳ Сизни ва оила аъзоларингизни эл бахти, юрт тинчлиги учун доимо соғ-саломат қилсин, ҳар бир ишингизда ўзи кўмакдош бўлсин! Кириб келаётган янги йилнинг ҳар бир куни қалбингизга қувонч олиб кирсин!

Сизга ҳурмат билан,

Гулчеҳра Фуломова,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани,
Янгиер кўчаси, 24-уй

2006 йил 24 декабрь



Ўзбекистон Президенти
Ислом Абдуганиевич Каримовга!

Мен ўтган йили Сизнинг номингизга мактуб ёзиб, унда Марғилон тиббиёт коллежини тамомлаганим ва мутахассислигим бўйича ишга жойлашишга ёрдам беришингизни сўраб илтимос қилган эдим. Ушбу мурожаатимга Президент девонидан жавоб хати келди ва шунга асосан ўз мутахассислигим бўйича ишли бўлдим. Ҳозир ўз севган касбимда ишляпман.

Республиканинг чекка туманида истиқомат қилаётган, оддий бир ёш қизнинг мурожаатини ҳам эътиборсиз қолдирмасдан, ўз фарзандингиздек кўриб, ёрдам берганингиз учун жуда катта раҳмат айтаман. Сиздаги меҳр-оқибат, самимият, бағрикенглик, ғамхўрлик мени ҳайратга солади.

Илтимосим шуки, Фарғона водийсига, Марғилон шаҳрига келсангиз, бизнинг хонадоннинг ҳам азиз меҳмони бўлинг, бир пиёла иссиқ чой дамлаб берай, бирпас ҳордиқ олинг.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, самимий миннатдорлик билан,

Ўғилой Каримова,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри,
Каналбўйи кўчаси, 240-уй



Ассалому алайкум, ҳурматли Президент!

Соғу саломат, давлат ишлари билан чарчамасдан юрибсизми? Мен Сизни ўзим ва оила аъзоларим номидан Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклайман. Илоҳим, халқимиз бахтига доимо бор бўлинг, узоқ умр кўринг!

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Мен Сизга 2008 йилнинг 5 ноябрида уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш масаласида ёрдам беришингизни сўраб мактуб йўллагандим. Ушбу мактубимни инобатга олганингиз учун Сиздан бир умр миннатдорман. Сизга йўллаган мактубим кўриб чиқиб амалий ёрдам беришлари учун Хоразм вилоятининг Хива тумани ҳокимлигига жўнатилган экан. Туман ҳокимлиги томонидан менга қонуний ёрдам кўрсатилди — уй-жой қуришим учун ер майдони ажратиб берилди.

Мустақил Ўзбекистонимиз, халқимиз бахтига Сиз, азиз Юртбошимиз соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўриб юринг!

Ушбу миннатдорлик изҳори битилган мактубимни яқунлаб, Сизни яна бир бор Наврўз байрами билан табриклаб қоламан.

Салом билан,

**Нодирбек Маткаримов,
Хоразм вилояти, Хива тумани,
Р. Мадаминоф фермерлар уюшмаси**

2009 йил 7 март



Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Мен 57 ёшга кирган бўлсам-да, шу пайтгача бирон марта юқори идораларга хат ёзган одам эмасман. Ариза ёки шикоят билан ҳам мурожаат қилмаганман. Аммо янги, 2008 йил арафасида Сизга бир илтимос билан мурожаат этишга журъат қилдим.

Агарки, мустақилликнинг ўтган 17 йилини таҳлил қиладиган бўлсак, дунёда деярли ҳеч ким билмайдиган, шўролар республикаси бўлган Ўзбекистон Сизнинг оқилона, том маънода матонатли сиёсатингиз туфайли шу қисқа вақт ичида ҳар томонлама гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бирига айланди. Ўзбекистонимизни бутун Европада ҳам, Америка қитъасида ҳам, Осиё ва Африкада ҳам, Австралияда ҳам яхши билади ва ҳурмат қилади.

Халқимиз ишлаб чиқаришдан ташқари илм-фан, маданият ва спорт, маърифат соҳаларида ҳам йилдан-йилга янги марраларни забт этиб, изчил юксалиш йўлидан бормоқда. Юртдошларимиз хорижий давлатларга эмин-эркин бориб келмоқда, фарзандларимиз биз номини ҳам эшитмаган даргоҳларда ўқиб келмоқда. Ваҳоланки, илгари дунё кезиш, ўзга юртларни кўриш Ўзбекистонликлар учун ушалмас орзу эди. Энди эса ҳар биримиз ўзи-



миз истаган хорижий давлатда бемалол ўқиб, ишлаб ёки саёҳат қилиб келишимиз учун ҳамма шарт-шароит муҳайё.

Буларнинг барчасига мустақиллигимиз туфайли эришдик. Айни чоғда, тарих олдида 17 йил унчалик кўп муддат ҳам эмас...

Хурматли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Куйида келтирадиган қиёсим учун мени маъзур тутишингизни сўрайман, Сиз мени тўғри тушунасиз ва қойимасиз, деган умиддаман. Ўзбекистон давлати ва Ўзбекистон халқи — бу, ҳаддан ташқари қалтис халқаро муносабатлар ҳукм сурган жуда оғир бир шароитда Сиз йўргаклаб олган ва 17 ёшга етгунча муттасил меҳр-оқибат билан парвариш қилган жондек фарзандингиздир. Шундай экан, бир ўйлаб кўрайлик-чи, 17 ёшли болани ҳаёт уммонида якка-ёлғиз қўйиб юбориб бўладими? Яхшиси, уни 25—30 ёшли забардаст ўғлон бўлгунча мустақил яшашга тайёрлаб, шундан сўнг ҳаётнинг катта йўлига кузатиб қўйиш мақбул эмасми?..

Менинг Сиздан, Сиз орқали депутат ва сенаторлардан сўрайдиган энг катта илтимосим мана шу: Ислоҳ Абдуғаниевич мамлакатимиз Президенти лавозимидаги фаолиятини давом эттириши керак!

Буни мен ҳаммангиздан ўтиниб сўрайман. Ишончим комил, Ўзбекистон халқи менинг бу ил-



тимосимни тўла қўллаб-қувватлайди ва баҳамжиҳат бўлиб Сизга қанот бўлади.

Хатимнинг охирида Сизни мустақилликнинг 17 йиллиги билан чин дилдан муборақбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ўта масъулиятли ишингизда сабот ва матонат тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

**Ринат Сахаталиев,
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри,
5-даҳа, 1-уй, 13-хонадон**

**ДУНЁ ЭЪТИБОРИ ВА ЭЪТИРОМИ**

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танитиш, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш ва ўз ўрнини мустақамлашида давлатимиз раҳбарининг хизматлари беқиёс. Халқаро жамоатчилик Юртбошимиз олиб бораётган сиёсат тимсолида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, унинг бугунги ҳаёти, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ва ёруғ келажagini кўради. Таниқли сиёсат ва маданият арбоблари, оддий инсонларнинг самимий хатлари ана шундай юксак эътироф ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига

Тошкент, Ўзбекистон

Муҳтарам Президент жаноблари!

Жаноб Шигео Кацунинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи давомида Жаҳон банки делегацияси билан ўтказган самарали мулоқотингиз, шунингдек, 2009 йил 3 март куни йўллаган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаҳон банки гуруҳи сув-энергетика тармоғи Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва



аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этади. Минтақадаги узоқ муддатли барқарорлик ва истиқболда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши кўп жihatдан минтақавий ҳамкорлик муваффақиятига ҳамда барча миллий стратегик манфаатларнинг ҳурмат қилинишига боғлиқдир.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳукумати мурожаатига жавобан, Жаҳон банки гуруҳи Марказий Осиёнинг беш мамлакати билан сув-энергетика масалалари юзасидан фаол музокара олиб бормоқда. Жаҳон банки гуруҳи БМТ Бош ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда қабул қилинган «Энергия манбаларининг ишончли ва узлуксиз транзити ҳамда унинг барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорликни таъминлашдаги роли» резолюциясига тўла мос равишда фаолият юритиб, барча аъзо мамлакатларнинг олий манфаатлари йўлида сазой-ҳаракат қилмоқда, ўз қоида ва процедуралари қўлланишига ғоят катта эътибор қаратмоқда.

Жаҳон банки гуруҳи сўнгги йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги сув ва энергетика билан боғлиқ бир қанча лойиҳаларни амалга оширишда, бу борада тадқиқотлар олиб боришда иштирок этди. Бу лойиҳа ва тадқиқотлар Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик доирасида Энергетика бўйича стратегик концепция ишлаб чиқиш имконини берди. Мазкур концепция 2008 йил



ноябрда Бокуда ўтказилган вазирлар даражасидаги конференция чоғида барча мамлакатлар томонидан маъқулланди. Жаҳон банки гуруҳи ушбу концепцияга асосланган ҳолда, минтақадаги аниқланган ва келгусида аниқланадиган энергия ресурслари, жумладан, сув ва иссиқлик энергетикаси ресурслари, қайта тикланадиган ва бошқа энергия манбаларининг ҳажмини белгилаб олиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Шу асосда трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг қишқи мавсумда энергияга муқаррар эҳтиёжи, трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг ёз мавсумида экологик ва гидрологик эҳтиёжларига тегишли равишда эътибор қаратилишини ҳамда улар ўртасида мувозанат сақланишини таъминлайдиган бир қатор изчил чора-тадбирларни таклиф қилмоқчи эдик.

Тожикистон ҳукумати таклиф этган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзасидан қуйидагиларни баён этишга ижозат бергайсиз. Банк бу қурилишнинг минтақага салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Тожикистон ҳукумати олдида фақат дастлаб лойиҳани қай даражада амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш учун бирламчи тадқиқотларни ўтказиш мажбуриятини зиммасига олди.

Ушбу тадқиқотлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга оид халқаро битимларга мувофиқ, таклиф этилган лойиҳанинг тех-



ник, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан нечоғлиқ мақсадга мувофиқ экани, шунингдек, қурилиш келтириши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий оқибатлар аниқланади.

Шу маънода, Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узиш-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инobatга олиш лозимлиги туғрисидаги фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бу омилларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Қацу жаноблари, Жаҳон банки гуруҳи ушбу масалалар техник тадқиқотларнинг ажралмас қисми сифатида жуда пухта ўрганиб чиқилишини кафолатлайди, деб Сизни ишонтириб айтган эди. Мен ҳам буни алоҳида таъкидламоқчиман. Қўшимча равишда шуни айтишим керакки, ушбу тадқиқотларнинг натижалари барча манфаатдор мамлакатларга тақдим этилади ва бу каби иншоотлар қурилиши борасида умумий, ўзаро мос нуқтаи назар ва ёндашувларни шакллантириш учун муҳокама этилади.

Сиз кўтарган барча масалалар ушбу тадқиқотларнинг техник вазифалари сирасига киритилади.



Тадқиқотларни Жаҳон банкининг тартиб-қоидаларига мос равишда жалб қилинадиган, халқаро миқёсда эътироф этилган консалтинг компаниялари олиб боради.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, банк тадқиқот натижалари бўйича мустақил хулоса берадиган Халқаро мустақил экспертлар комиссиясини таъсис этади. Жаҳон банки ошкораликни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009–2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари Халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқиладиган.

Томонларнинг барчаси ўзини ташвишга солаётган масалалар тўлиқ ҳал этилганига ишонч ҳосил қилиб, Роғун ГЭСи каби лойиҳаларга сармоя киритиш мақсадга мувофиқ ва фойдали эканини маъқулласа, Ўзбекистоннинг бундай инвестицион лойиҳаларда иштирок этишга қизиқиш билдиришидан мен мамнун бўлур эдим.

Сизнинг мактубингизда таъкидланганидек, Марказий Осиёнинг энергия экспорти борасидаги салоҳиятини ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Бизнинг мақсадимиз минтақага сармоя барқарор ва изчил кириб бориши учун масаланинг техник, молиявий ва экологик жиҳатла-



рини кўриб чиқиш юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилишдан иборатдир. Шунингдек, Сиз билан Ўзбекистонга қўшни мамлакатларнинг энергетика соҳасида дуч келаётган қисқа муддатли, лекин мураккаб муаммоларини ҳал этиш бўйича ёндашувларни муҳокама этишни истар эдик.

Биз истиқболда Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришдан ғоят манфаатдормиз.

Эҳтиром ила,

Роберт Зеллик,
Жаҳон банки президенти

(«Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 15 апрель)



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Парижга қайтгач, гузал мамлакатингизга иккинчи ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Сизга яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини, айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим соҳасини ривожлантириш, ҳам моддий, ҳам номоддий маданий меросни асраб-авайлаш ва сақлаш масалаларини Сиз билан муҳокама қилиш имкониятига эга бўлганимдан ҳаят бахтиёрман.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия раҳбари Р. Қосимов билан биргаликда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаганимизни мамнуният билан қайд этишга ижозат бергайсиз. Бу Ўзбекистон билан ташкилотимиз ўртасидаги шериклик мустақамланиб, ривожланиб бораётганидан далолат берибгина қолмай, ЮНЕСКО қамраган соҳалар доирасидаги бўлғуси ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб беради.



Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори билан биргаликда ЮНЕСКОнинг иқтисодий бўйича кафедрасини – ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ўнинчи кафедрасини очиш борасидаги ҳужжатни имзолаганимдан ҳам ҳаят мамнунман.

Ишончим комилки, бизнинг, айниқса, таълим соҳасида, Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда тарихий обидалар ва маданий анъаналарни асраб-авайлаш борасида тобора мустақамланиб бораётган ҳамкорлигимиз (ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали сингари тадбирлар) барчанинг таълим олишини таъминлаш ва таълим сифатини оширишга, маданий меросни сақлашга, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга, институционал қурилишга қаратилган миллий дастурларни ҳаятга татбиқ этиш ишларига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Мамлакатингиз билан Оролбўйи минтақасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорликни изчил давом эттирамиз, деган умиддаман. Ўзбекистон бу йўналишда катта саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқда.

Мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ҳаят юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Қочиро Мацуура,
ЮНЕСКО Бош директори**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 18 октябрь)

**ҚУТЛОВ МАКТУБИ****Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

ЮНЕСКО Сизни бугунги қувончли воқеа — ЮНЕСКО ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйлаб нишонланаётган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этади.

Қарши шаҳрининг юбилейи каби тарихий саналарни нишонлаш халқлар маданиятини ўзаро бойитишда, халқаро мулоқот ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришда, аввало, тинчликни мустаҳкамлашда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг меъморий дурдонаси — Қарши дунёнинг энг қўҳна шаҳарларидан бўлиб, Марказий Осиё цивилизацияси ва маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Бу шаҳар Одина ва Кўкгумбаз масжидлари, Хўжа Абдулазиз мадрасаси ва Қашқадарё узра ўтган кўприк каби меъморчиликнинг ноёб намуналари билан машҳур.

Сўғдлар Нахшаб, араблар ва форслар Насаф деб атаган Қарши Амир Темур замонида, ундан кейин Бухоро амирлиги даврида муҳим аҳамиятга эга шаҳарга айланди. Бугдой, пахта ва ипак етиштириш борасида дунёга донг таратди. Буюк Ипак йўли — Балх ва Бухоро ўртасидаги муҳим стратегик жой-



да, карвон йўлларининг асосий чорраҳасида жойлашган турфа маданиятли ва кўп миллатли бу шаҳар маданий, тижорий ва илмий ҳамкорлик маркази, халқлар ва маданиятлар мулоқоти маскани ҳам бўлган. Ўз тарихий-маданий анъаналарини сақлаб қолган Қарши бутун ҳам кўплаб олим ва талқичотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда.

Қаршининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида нишонланиши бу тарихий-маданий марказни келгуси авлодлар учун динлар, маданиятлар ва цивилизациялар мулоқотининг намунаси сифатида сақлаб қолиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Бугунги Қарши — Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ўзбек халқининг маданий-тарихий меросини асраб-авайлашга қаратилган сиёсати муваффақиятининг ёрқин исботидир.

Жорий йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ЮНЕСКО «Жаҳон илм-фани ва маданияти дурдоналари — 1000 йиллик Хоразм Маъмун академияси ва 2700 йиллик Қарши» халқаро конференцияси ва кўргазмасини ўтказиш шарафига муяссар бўлди. Бундай тадбирлар ЮНЕСКО фаолиятининг халқлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш борасида кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилотимиз қадимий маданий ва савдо йўлларининг, яъни Буюк Ипак йўлининг тикланиши қўҳна Қарши шаҳрига ЮНЕСКОнинг асосий мақсадларга эришиш йўлида яна марказий роль ўйнаш имконини яратади, деб умид қилади. Бутун



дунёда тинчликни қарор топтириш, маданий ва диний тўсиқларни бартараф этиш, маданиятлар аро мулоқот ва маданий ранг-барангликни ривожлантириш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик ва тараққийпарварлик устувор бўлган жамиятларни шакллантириш — буларнинг барчаси Ташкилотимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Президент Жаноблари, Сиз тараққиётнинг маънавий ва моддий жиҳатларини қушнинг икки қанотига қиёслагансиз. Ўзбекистон ҳукумати тараққиётда маданиятнинг ролига катта эътибор бераётгани, бутун инсоният меросининг ажралмас бир қисми бўлган бу қадим заминнинг ноёб маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш ва тиклаш ишларини изчил қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Сизга миннатдорлик билдириш менга мамнуният бағишлайди.

**Коиичиро Мацуура,
ЮНЕСКО Бош директори**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 1 ноябрь)



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

2008 йил 28 апрель — 4 май кунлари Ўзбекистон пойтахти — гузал Тошкент шаҳрида мактаб ўқувчиларининг 42-Халқаро Менделеев олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида кўрсатган ёрдамингиз, мададингиз ҳамда доимий эътиборингиз учун Сизга қизгин ва самимий ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Барча қатнашчилар: ўқувчилар, жамоалар раҳбарлари ва халқаро жюри аъзоларининг яқдил фикрига кўра, Тошкентдаги 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси гоят юксак ташкилий савияда ўтди. Олимпиадаларнинг бутун тарихи мобайнида илк маротаба барча олимпиада қатнашчилари учун дастур тайёрланди ва аввалги биронта ҳам олимпиадада бўлмаган барча шарт-шароитлар яратилди. 42-Менделеев олимпиадаси мамлакатингизда Ёшлар йили деб эълон қилинган йилда ўтганлиги катта рамзий маънога эга бўлиб, битта олтин, битта кумуш ва ўн битта бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон жамоасига улкан ютуқ келтирди. Ўқувчиларни аниқ мақсадлар йўлида тайёрлаш самараси



ўлароқ, Ўзбекистон ёш кимёгарларининг муваффақияти Сизнинг мамлакатингизда ёш истеъдод соҳиблари оқилона тарбияланаётганидан далолатдир.

Ишончим комилки, таълим, илм-фан ва маданиятнинг йирик халқаро анжумани сифатида Тошкент олимпиадаси унинг барча қатнашчилари ҳаётида унутилмас ва ёрқин воқеага айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти олимпиада қатнашчилари нигоҳида замонавий Ўзбекистон воқеликларини кўриш, унинг таълим ва фан, иқтисодиёт ва маданият соҳалари, фуқаролари ҳамда ўзбек халқининг тарихи тўғрисида тасаввур ҳосил қилишдек ажойиб имкониятга эга бўлди.

Сизнинг доимий ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон ёшлари ўзларининг истеъдодларини ривожлантира бориб, ўз Ватанининг равнақини ва муваффақиятларга эришишини таъминлайверишига ишончим комил. Серқирра фаолиятингизда Сизга чин дилдан муваффақият ва омадлар, Ўзбекистоннинг иқтидорли ва меҳнатсевар халқига тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

В. Садовничий,
Евроосиё университетлари уюшмаси
президенти, М. В. Ломоносов номидаги
Москва давлат университети ректори,
Россия Фанлар академияси академиги,
профессор

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 24 июнь)



Ҳазрати Олийлари
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жанобларига

Жаноби Олийлари!

Мен ўзим суратга туширган энг яхши фототасвирларни муносиб бир нашр тарзида тўплаб чоп этишни кўпдан буён орзу қилар эдим. Ва ниҳоят «Ёввойи табиат манзаралари» номли альбомининг дунё юзини кўриши туфайли ана шу орзуим рўбга чиқди. Бу альбомда жаҳоннинг 80 та мамлакати ва 219 та шахрида мен олган фотосуратлар жамланган.

«Assoulin Inc.» нашриёти чоп этган «Ёввойи табиат манзаралари» китоб-альбоми бир-бирини такрорламайдиган турли бобларга бўлинган бўлиб, «Табиат гўзаллиги» бобидан — гуллар, довдарахтлар, қоялар тасвирлари; «Меъморлик намуналари» бобидан — сайр-саёҳат, томоша ва зиёрат мазмунидаги расмлар, шунингдек, «Ёввойи табиат» бобидан ҳам бир қанча ноёб фотосуратлар урин олган. Ҳар бир боб муаллиф томонидан ёзилган ва китобхонда қизиқиш уйғотишга қаратилган ихчам лавҳа ва иқтибослар билан бошланади.



Бутунжаҳон ёввойи табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилоти директори Жим Липе китобга сўзбоши ёзган.

Ушбу альбом DVD (электрон диск) шаклида ҳам чиқарилган бўлиб, у муқованинг охириг варағи ичкарисига биркирилган. Диск фотосуратларнинг мультимедиа слайд-шоуси учун мўлжалланган; уни фақат компьютер орқали томоша қилиш мумкин.

Мазкур альбомни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этиш ва у Сизга манзур бўлади, деб умид қилиб қолиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Самимият билан,

**Профессор Херш Чадха,
Қироллик фотография
жамияти (ARPS) аъзоси,
(Буюк Британия)**

2009 йил 26 январь

Эслатма: ушбу альбомга муаллиф томонидан суратга олинган Бухоро шаҳридаги қадимий ва ноёб меъморий обида — Қўшмадрасанинг фототасвири ҳам киритилган.



ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАҲОН ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Давлатимиз раҳбарининг «Биз киммиз, қандай улуғ аجدодларнинг ворисларимиз» деган савол ҳар бир юртдошимизни ўйлантирмоғи лозимлиги ҳақидаги даъвати ҳаётда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши ва шу муносабат билан юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Президент Ислам Каримов номига қўплаб халқаро ташкилотлардан, жаҳоннинг таниқли фан ва маданият арбобларидан, хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий ўқув юртлари раҳбарларидан табрик мактублари келди.

Ушбу хатларда давлатимиз раҳбарининг бевоСИТА раҳбарлигида инсоният цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча минг йиллик маданий обидалар, ёдгорликлар, осори атиқаларни қайта тиклаш, уларга иккинчи умр бахш этиш, энг муҳими, ёш авлодни мана шу буюк меросга садоқатли ворислар этиб тарбиялаш борасида олиб



борилаётган тарихий ишларга юксак баҳо ва самимий эътироф акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган табригида Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалилдин Эҳсон ўғли қуйидагиларни ёзди:

«Ислом конференцияси ташкилоти Сизнинг ўзбек халқининг нодир миллий қадриятларини тиклаш, бой илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни юқори баҳолайди.

Дарҳақиқат, қадим Хоразм диёридан етишиб чиққан маърифат юлдузлари — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро сингари буюк олим ва мутафаккирлар ислом цивилизацияси ривожига ва жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганликларини дунё афкор оммаси эътироф этади».

М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори академик В. Садовничийнинг давлатимиз раҳбари номига йўллаган мактубида, жумладан, шундай сатрлар бор:

«Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, бугунги кунда ёш авлодни миллий ғурур ва ўз мамлакати тарихига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш ишидаги аҳамияти беқиёсдир. Мазкур академия минтақада илм-фанни ривожлантириш билан бирга давлатларнинг ўзаро маданий алоқаларини, турли дин-



га мансуб халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида тарих саҳифаларида чуқур из қолдирди. Сизнинг ташаббусингиз билан қайта тикланган ушбу илм даргоҳи бугунги кунда бутун дунёда маданият ва тараққиётнинг олий мақсадларини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли Ислом Абдуганиевич, ушбу унутилмас кунда Сизга Ўзбекистон Республикасининг равнақи ва халқининг фаровонлиги йўлидаги улкан ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Хоразм Маъмун академияси жамоасига эса илм-фан ва таълимни янада ривожлантиришда улкан ютуқлар тилайман».

Мисрдаги «Ал-Азҳар» илмий мажмуаси раҳбари Шайх Муҳаммад Саййид Тантовий ўз табригида қуйидагиларни таъкидлайди:

«Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз натижасида қайта тикланган мазкур тарихий-илмий марказ — Хоразм Маъмун академияси бамисоли ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи робитадир. Биз ушбу илм даргоҳи мисолида Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва таълим соҳаларига берилаётган улкан эътиборнинг яққол ишботини кўрамиз. 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг дунёда катта аҳамиятга эга эканлигидан яна бир далолатдир».

«Корея — Ўзбекистон жамияти» раиси Ким Юн Сок ўзининг самимий эътирофини қуйидаги сўзлар билан ифода этган:



«Иқтисодиётнинг юксалишида, айниқса, таълим муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти жаноб Ислам Каримовга таълим сифатини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият бераётгани учун ўз миннатдорлигини изҳор этмоқчиман. Менинг ўзбек миллатининг келажаги ёруғ эканига ишончим комил. Дунёга Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирларни берган бу халқ бугун жаҳоннинг илм-фан бешикларидан бири ҳисобланган Маъмун академияси таъсис этилганининг 1000 йиллигини кенг нишонламоқда.

Агар Ибн Сино бўлмаганида Фарб тиббиёти бугунги тараққиётига эриша олмасди. Бундан ташқари, «0» рақамини кашф этган Ал-Хоразмий бўлмаганида математика ва физика фанлари бутунги даражага кўтарилди оларми?»

«Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш» Франция ассоциацияси Президенти Люсьен Керен ва Бош котиби Фредерик Брессаннинг Юртбошимизга йўлаган табрик мактубида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Биз ассоциациямиз номидан Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива шаҳрида ЮНЕСКО шафеълигида ўз юбилейини нишонлаётган, инсон дунёни англаши учун янада кенг йўл очишга хизмат қиладиган ғояларни тарғиб этиб келган Хоразм Маъмун академияси жамоасини чин кўнгилдан табриклаймиз.



Ушбу юбилей бугунги кунда, йигирма биринчи асрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан «Байтул ҳикма»га — X—XI асрларда илм-фани ривожлантириш йўлида беқиёс хизмат қилган илм даргоҳига кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътибор намунасидир. Бу Мағрибу Машрикда яшаган халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг асосларидан бири доимо маданият бўлганини яна бир бор исботлайди».

Хоразм Маъмун академиясининг инсоният илмий-маънавий меросига қўшган буюк ҳиссасини юқори баҳолаган Корея Республикасининг Кёнги университети Президенти Бюнг Мук Ким ўз мактубида бундай ёзади:

«Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, олимларнинг башарият тарихидаги илк ҳамжамияти бўлган Маъмун академияси жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Шу боис, муҳтарам Президент, Сизнинг Хивада Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги 1997 йилда қабул қилган фармонингиз ғоят муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистоннинг бой илмий, маънавий ва маданий меросини тиклаш ишига Сизнинг юксак эътиборингиздан яна бир далолатдир».

Япониянинг Сока университети ректори Масами Вакаэ ҳам Ўзбекистон Президентини инсоният тамаддунининг йирик илмий ўчоқларидан бўлмиш Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан самимий қутлайди:



«Ушбу академияда камол топган буюк аллома, қомусий олим Абу Али ибн Сино илм-фанни инсоният йўлини ёритувчи мингларча қуёшга қиёслаган эди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам қайтадан дунё юзини кўрган мазкур маърифат маскани қурраи заминда яшовчи халқларнинг бири-бирини маънан бойитиш, адолат, тинчлик-тотувликка интилиш йўлини нурафшон этиб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Сизнинг инсоният олдидаги хизматларингиз алоҳида эътиборга лойиқдир».

Франциянинг Сорбонна университети Президенти Пьер-Ив Энин ўзининг қутлов мактубида бундай деб ёзади:

«Хоразм Маъмун академияси бундан 1000 йил муқаддам илм-фанни ривожлантириш учун ғоят мустақкам илмий асосга эга бўлган. Бу илмий ҳамжамият ўша пайтдаёқ бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берган эди.

Бугун биз ўтмишни англаш учун ўз тарихини ардоқлайдиган, эрамининг икки минг йиллиги тугашган даврда яшаган аجدодлари муваффақиятларининг ҳурматини жойига қўядиган ўзбек халқини муборақбод этиш имкониятига эгамиз».

Германиянинг Макс Планк номидаги фанлар тарихи институти директори Юрген Ренн Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданий-маърифий меросининг тарихий аҳамиятини бундай эътироф этади:



«Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланиши Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда илмий-маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидан яна бир далолатдир. Германиянинг Макс Планк фанлар тарихи институти, Хоразм Маъмун академиясини тиклаш орқали аъёналарни мустақкамлаш нафақат буюк ўтмиш, балки келажак учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берадики, бундан турли фан ва маданиятлар интеграцияси фақат фойда кўради, деб ҳисоблайди. Академиянинг қайтадан дунё юзини кўришида мана шундай истиқбол мавжуддир».

Россия Федерациясининг «Курчатов институти» илмий маркази президенти, академик Е. Велихов табригидан қуйидаги самимий тилаклар ўрин олган:

«Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон раҳбариятининг миллий илм-фанни ривожлантиришга жиддий ва комплекс ёндашувидан далолатдир.

Шу муносабат билан Сизга ва Ўзбекистоннинг бунёдкор халқига фаровонлик ва барқарорлик, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакат барпо этиш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз».

Франция Фанлар академияси президенти Эдуард Брезин Ўзбекистонда нишонланаётган Хоразм Маъмун академияси юбилейи муносабати билан давлатимиз раҳбарига йўллаган табригида шундай ёзади:

«Маъмун академияси бугун мен раҳбарлик қилаётган академиядан олти асрдан кўпроқ вақт илгари мавжуд бўлгани яхши маълум. Европада илмий тафаккур юнонлар давридан кейин деярли тўхтаб қолган бир пайтда бугунги ўзбек заминида фан ва техника юксак ривож топганидан биз ҳайратда қоламиз.

Ишонамизки, бу ажойиб юбилей барча ҳамюртларингизга илҳом бағишлаб, мамлакатингизнинг ёш ва ёрқин истеъдод эгаларини ўз аждодларининг шонли анъаналарини бойитиш йўлида сафарбар қилади. Зотан, башариятнинг эзгу мақсадлари ҳам айнан шундан иборатдир.

Яна шунга аминмизки, миллий анъаналаридан қатъи назар, курраи заминдаги барча халқларнинг ўзаро мулоқот ўрнатиши, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни йўлга қўйишида фан муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон бугунги тантаналар орқали фан ва техниканинг роли ва истиқболини янада юксак даражага кўтаришига ишончимиз комил».

Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати, Бош вазирнинг собиқ ўринбосари Ким Жин Пё ўз мактубида давлатимиз раҳбарини Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан қутлайди ва мазкур илм-фан марказининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди:

«Сиз, Жаноби Олийларини ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқини тарихий сана — Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Ажойиб мамлакатингизнинг шонли тарихи муҳим воқеаларга бой ва уларга кўп давлатлар ҳавас қилса арзийди. Шулардан бири қадим Хоразмда Маъмун академиясининг ташкил этилишидир. У нафақат сизнинг мамлакатингиз аллоамалари, балки инсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Яқин ва Ўрта Шарқ олимлари учун ҳам илмий ғоялар марказига айланган эди.

Ҳозирги қудратли давлатларнинг айримлари ҳали жаҳон харитасидан жой олмаган кезларда бугунги Ўзбекистон ҳудудида табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий ҳамжамият мавжуд бўлганининг ўзи ҳайратланарли ҳолдир. Бу ўринда Хоразм Маъмун академиясининг асосчиларидан бири, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Берунийни эслашнинг ўзи кифоя.

Бугунги Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий меросини асраш, ўзбек халқининг кўп асрлик маънавий анъаналаридан мамлакат миллий манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш борасида Сизнинг раҳбарлигингизда олиб берилаётган сиёсат эҳтиром ва ҳайратимизни янада ошириши шубҳасиздир.

Сизнинг меҳмондўст мамлакатингизга икки марта бориш бахтига муяссар бўлганман ва ўзбек халқи ўз тарихий меросини асраб-авайлашга нечоғлиқ катта эътибор беришига ишонч ҳосил қилганман. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари ҳам бунинг ёрқин далили бўлиб, дунё илмий жамоатчилиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.



Мен Сизнинг халқингизнинг шиорига айланган, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган сўзларингизни кўп эшитганман. Бой тарихий меросга эга ўзбек халқи вақтинчалик қийинчиликларга қарамай тез орада фаровон, иқтисодий ривожланган давлат қуришига қатъий ишонаман».

Россия тиббиёт фанлари академияси президенти, Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, РФА ва РТФА академиги, профессор М.Давидов инсоният тарихидаги ilk илмий академиялардан бири — Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилеи аҳамиятини таъкидлар экан, бундай ёзади:

«Бу юбилей ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга. 1004—1017 йилларда жаҳон цивилизацияси бешикларидан бўлмиш қадим ўзбек заминида ташкил этилган Маъмун академияси Шарқнинг маънавият ва маърифат марказига айланган эди.

«Байтул-ҳикма» деб номланган ушбу академия ўша даврнинг илғор мутафаккирларини бирлаштирди. Ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил, адабиёт, биология ва бошқа кўплаб фанлар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган, араб, ҳинд ва юнон мутафаккирларининг асарлари ўрганилган. Маъмун академияси Беруний, Ал-Хоразмий ва бутунги ўзбек заминининг шон-шухратини бутун дунёга ёйган бошқа буюк алломалар асос солган илмий анъаналарнинг муносиб давомчиси ҳисобланади.



Тиб илми вакили сифатида бу ишга дунёда Авиценна номи билан машҳур Абу Али ибн Синонинг қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлайман. У кўп асрлар аввал инсониятнинг бу соҳадаги билим ва тажрибаси ривожини белгилаб берди. Бугун ҳам бутун дунё олимлари ва шифокорлари унинг ўз аҳамиятини йўқотмаган боқий асарларини ўрганмоқда.

Ажойиб юбилей муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига мустақил Ўзбекистонда қайта тикланган буюк илм ўчоғи — Маъмун академиясининг илмий ва маърифий анъаналарини янада ривожлантириш йўлида муваффақиятлар тилайман».

Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р. Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори М. Абусеитованинг Қозоғистон олимлари номидан давлатимиз раҳбари Ислон Каримовга йўллаган мактубида бундай сатрлар бор:

«Хоразм Маъмун академияси жаҳон цивилизацияси тарихида ёрқин из қолдирган ва муносиб ўрин эгаллаган илм даргоҳидир. Бу қутлуғ маскан дунёга Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби даҳоларни етиштириб берди, минтақада табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ривожланишига кенг йўл очди, халқлар ва давлатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Халқларимизнинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган тарихий муштараклиги Марказий Осиё тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Бугун ҳам



ана шу анъана ҳозирги Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сизнинг Хоразм Маъмун академиясига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлигингиз шонли илмий анъаналарни тиклаш, маданият, замонавий илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бутун башарият тараққиётига инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган маданият ва фаннинг салоҳиятига таянган ҳолдагина эришиш мумкинлигига ишончимиз комил».

Мисрдаги Араб университетлари иттифоқи бош қотиби Солиҳ Ҳошим давлатимиз раҳбарига йўллаган ўз табригида мазкур академиянинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган мислсиз ўрнини бундай таърифлайди:

«Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз туфайли қайта тикланган мазкур илмий-тарихий марказ ўтмиш ва келажак ўртасида, жумладан, Бағдод Маъмун академияси ва Хоразм Маъмун академияси ўртасидаги робитадир. Хоразм Маъмун академияси — Ўзбекистонда фан, маданият ва таълимга кўрсатилаётган улкан эътиборнинг яққол далили, 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг оламшумул аҳамияти эътирофидир.

Мусулмон дунёси ўзбек халқининг маданий-тарихий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Маъмун академияси эса бунда алоҳида ўрин тутadi».

Россия Федерацияси таълим вазири Андрей Фурсенконинг мактубида қуйидаги сатрлар бор:



«Ҳозирги замон цивилизациясининг гуманитар асосини шакллантиришга улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий каби буюк олимлар иш олиб боргани яхши маълум. Уларнинг илм-фаннинг турли соҳаларидаги кўп қиррали фаолияти натижасида инсоният табиат, жамият ва фаннинг фундаментал қонунларини билиш борасида улкан қадам ташлади.

Маъмун академияси дунё фани солномасига номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган ўрта аср Шарқи олимларини етиштирган йирик марказга айланди.

Россия ва Ўзбекистон Маъмун академияси анъаналарини давом эттириб, турли соҳалар бўйича олим ва мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни тобора кенгайтириб бормоқда. Ўтган йилнинг июнида имзоланган Касб таълими соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим бунга яна бир мисол бўла олади.

Сизни ушбу шонли сана муносабати билан яна бир бор табриклайман ва Маъмун академиясида янги кашфиётлар, янги ғоялар туғилишини ҳамда янги-дан-янги олимлар камол топишини тилаб қоламан».

Россия Фанлар академияси президенти Ю. Осипов давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида Хоразм Маъмун академиясининг цивилизация тарихидаги роли ва ўрни ҳақида алоҳида тўхталади:



«Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиш тарихи ва фаолияти — ўзбек халқининг жаҳон фанига, ҳозирги замон цивилизациясини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссасининг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон ўзининг бой илмий, маданий ва маънавий салоҳияти билан доимо оламни лол қолдириб келган. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий каби буюк олимлар фаолият олиб бориб, жаҳон фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди.

Фаннинг кўп соҳалари, жумладан, математика, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология, тарих, сиёсат, филология, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқшунослик ушбу илм даргоҳи туфайли сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Маъмун академияси нафақат Шарқ, балки бутун инсоният илмий тафаккурини тараққий эттиришга, давлатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар, миллатлар ва динларга мансуб олимлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлашга хизмат қилди.

Россия ва Ўзбекистоннинг илмий даргоҳлари ана шу мингйиллик анъанани давом эттириб, фаол ҳамкорлик қилаётгани, илғор ғояларга асосланган ҳолда, биргаликда тадқиқотлар олиб бораётганини таъкидлашдан мамнунман.

Ишончим комилки, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, буларнинг барчаси Сизнинг мамлакат илмий салоҳиятини юксалтириш, бутун инсоният маънавий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган ўзбек халқи-



нинг улкан маданий ва илмий меросини сақлаш ҳамда бойитишга қаратаётган алоҳида эътиборингиз натижасидир».

Малайзия Фанлар академияси президенти Аҳмад Захаруддин Идрис шонли сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга юборган табригида шундай деб ёзади:

«Сизга Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Малайзия Фанлар академияси номидан табрик йўллаш мен учун катта шарафдир.

Бу сананинг нишонланиши муҳим воқеа бўлиб, у ўзида инсоният цивилизацияси тарихида улкан из қолдирган Ўзбекистон бой илмий ва маданий меросини яна бир бор намоён этади.

Ишонамизки, Хоразм Маъмун академиясида бундан буён ҳам жаҳоннинг илғор олим ва тадқиқотчиларини жалб этиш борасидаги ишлар изчил давом этади. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлодларни тарбиялаш ишида мазкур илм даргоҳининг ўлмас меросидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради».

Озарбойжон Миллий фанлар академияси президенти Маҳмуд Керимовнинг Ўзбекистон Президентига йўллаган табригида қуйидаги фикрларни ўқиш мумкин:

«Маъмунлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясида истеъдодли олимлар ва уларнинг шогирдлари самарали илмий фаолият олиб бориши учун кенг шаро-



ит яратилган эди. Бунинг натижасида 1017 йилга келиб мазкур илм даргоҳида фаннинг астрономия, математика, тиббиёт, кимё, физика, география, минералогия, ҳуқуқшунослик каби соҳалари изчил ривож топди.

Айниқса, фалакиёт илмида катта ютуқларга эришилди. Юлдузлар ва сайёралар ҳаракатининг астрономик жадвалларига ўзгартиришлар киритилди, янги астрономик жиҳозлар яратилди. Абу Райҳон Беруний 1004 йили ана шундай ускуналардан бирининг ёрдамида ой тутилишини олдиндан айтиб берди ва бу ҳодисани кузатди.

Хоразм Маъмун академияси фаолиятида аниқ фанлар билан бирга ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафа, тарихга оид тадқиқотлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Академия айни пайтда санъат ва адабиёт маркази сифатида ҳам машҳур бўлган.

Ўзбекистонда илмий ва маданий анъаналарни тиклаш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ўзбек халқининг буюк алломалари ишларининг муносиб давом эттирилишида Сизнинг, муҳтарам Президент, хизматларингиз беқиёсдир! Буни Сизнинг фармонингизга биноан 1997 йилда Хивада Маъмун академиясининг қайта ташкил этилиши ҳам исботлаб турибди.

Сизни Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан яна бир бор муборакбод этишга ва Ўзбекистон олимларига янгидан-янги ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз!»



Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Жаҳон тарихи институти директори Юй Пэй табригида шундай сатрларни ўқиймиз:

«Марказий Осиё қадимий жаҳон цивилизациясининг бешикларидан биридир. Бу ерда неча юз йиллар аввал ҳам турли маданиятлар ёнма-ён яшаган, илғор илм-фан ва технологиялар ривож топган.

Хоразм Маъмун академияси машҳур астрономлар, файласуфлар, шифокорлар ва бошқа соҳа мутахассисларининг илму маърифат ўчоғи бўлган.

Ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари» асарида баён этилган даволаш усуллари анъанавий Хитой табobatiда ҳам кенг қўлланилган.

Ишонамизки, Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллигининг кенг қўламда нишонланиши халқларимиз ўртасида илмий алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади».

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбари ва ўзбек халқи номига ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳи, бошқа қўплаб илмий доиралар намоёндаларидан ҳам мактублар олинди.

(ЎЗА — «Жаҳон»)

2006 йил, ноябрь



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Баҳор байрами — Наврӯзи олам кириб келаётгани муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда барча ватандошларимизни ушбу қутлуг айём билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ҳамда тинчлик, фаровонлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар биз, Саудия Арабистони Пошохлигида яшаётган ўзбекларни гоят қувонтиради.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши, шубҳа йўқки, юртимизнинг, буюк аجدодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган буюк ҳиссасининг ёрқин эътирофидир. Бу олий мақом бизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларининг диний қадриятларни, ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг бой меросини тиклаш ва асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Сунъий йўлдош алоқаси орқали «Ўзбекистон» телерадиоканали дастурларини кузата бориб, Сизнинг



хайрли ташаббусингиз билан Самарқанднинг 2750 йиллик ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик тўйларига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз бутун ислом оламида машҳурдир. Жаноби Олийлари, Истиқлол йилларида Ўзбекистон эришаётган ютуқлар билан телевидение орқали танишиш имконияти яратилгани учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Ушбу қувончли кунларда Парвардигордан Сизнинг доно раҳбарлигингизда тараққий топиб бораётган Она Ўзбекистонимизга узоқ йиллар тинчлик ва фаровонлик ато этишини, уни жамики балоқазолардан асрашини сўраймиз.

Камоли эҳтиром билан,

Саудия Арабистони Подшохлигида истиқомат қилаётган ўзбеклар номидан:

**Сафохон Жалолхон Тура Марғилоний,
Турахон Жалолхон Тура Марғилоний,
Мелибек Тошкандий,
Мўминжон Исмоилжон Андижоний,
Олимжон Исмоилжон Андижоний,
Аҳмадали Турон Туркистоний,
Абдуллажон Исмоилжон Туркистоний,
Абдурахмон Хўжа Туркистоний**

**Саудия Арабистони Подшохлиги,
Жидда шаҳри**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 16 март)



**Қирғизистон Республикаси Президенти
Қ. С. Бакиев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Қурманбек Солиевич!

Атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти — оғир жудолик тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим.

Чингиз Айтматов воқеликни бадиий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-туйғуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига ҳамisha дўсту қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди.

Марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 12 июнь)



**Тошкент,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов
Жанобларига**

Сизнинг одилона олиб бораётган саъй-ҳаракатларингиз туфайли 2008 йилда ҳамма соҳада эришилган муваффақиятлар, қабул қилинган режа-дас-турларингизнинг нақадар тўғрилиги, уни амалда бажариб, Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари орасида олдинги сафда бориши, нафақат ўзбек халқини, балки бошқа қўшни миллатларни ҳам қувонтирмоқда. Бу ўзгаришлар иқтисодиёт, маданият, маърифат, маориф ва бошқа соҳаларда бўлаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Муҳтарам Ислом ака, 1991 йили Марказий Осиё республикалари жамоатчилиги доирасида «Ён қўшни, жон қўшни» мавзусида телекурсоват тайёрланган эди. Ана шу курсатувда Қирғизистондан мен интервью берган эдим. Унда мен қандай ишлашни, мамлакат иқтисодини қандай ривожлантиришни, давлат қуриш ва унинг хавфсизлигини таъминлашни ҳамма президентлар Ислом Абдуғаниевич Каримовдан ўрганиши керак, деган эдим. Фаришталар бу сўзни менинг дилимга солган эканми, унинг натижасини бугунги турмушимиз, бугунги ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди.



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз ўша оғир йилларда Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятларида ўзбек-қирғиз халқлари ўртасида юзага келган миллий низоларни вақтида бартараф этиб, фожиали қон тукилишининг олдини олганингизни бутун дунё билади. Сизнинг қабул қилган аниқ чора-тадбирларингиз туфайли Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, қўшни Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган каби шаҳар ва туманларида қон тукилмади. Ўша йиллари мен Сизга мактуб ёзиб, жавоб олганман. Сизнинг мактубингизни мен кўз қорачигидек асраб-авайлаб келмоқдаман. У Сиздан менга абадул-абад эсдалик бўлиб қолади.

Илоҳим, Ўзбекистон бундан кейин ҳам ривожланган, бой мамлакат бўлиб қолсин, деб Яратгандан сўрайман.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Яратгanning ўзи бало-қазолардан, ёмон кўзлардан асрасин, ниятларингиз ижобат бўлсин.

Салом билан,

Қирғизбой Нурқулов,
пенсионер, 83 ёшда

Қирғизистон Республикаси,
Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Олабуқа қишлоғи,
Иккинчи Норимбоев кўчаси, 2-уй

2009 йил 16 март



Қирғизистон Республикаси,
Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Олабуқа қишлоғи,
Иккинчи Норимбоев кўчаси, 2-уй
Қирғизбой Нурқуловга

Муҳтарам Қирғизбой ака!

Сизнинг мактубингизни олдик. Хатда менинг шаънимга билдирилган самимий тилаклар, қалб кўри ҳарорати уфуриб турган, асл инсоний туйғулар билан суғорилган эзгу ниятларингиз учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Сиз, қирғиз биродаримизнинг ҳолисона дил изҳорингиз бўлмиш ушбу мактуб Марказий Осиё халқларининг қондош ва жондошлигининг энг ишончли исботи ҳамда «Туркистон — умумий уйимиз» деган ғоянинг нақадар ҳаётий ва долзарблигидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистон ва унинг халқи ҳамда Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи барча халқларнинг тинч ва фаровон истиқболини кўзлаган қимматли фикрларингиз учун ташаккур айтиб, Сизга сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов

Тошкент шаҳри,
1995 йил 30 ноябрь



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга!**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мен Сизни 30 январь — туғилган кунингиз билан чин дилимдан, ўзим ва оила аъзоларим номидан муборакбод этмоқчиман. Янги йил барчамиз учун энг унутилмас йил бўлсин. Қалбингизни эзгулик нафаси тарк этмасин. Қишнинг оппоқ қорларидек беғуборлик, софлик ҳамиша Сиз билан бирга бўлсин.

Мен, бошқа давлатнинг фуқароси бўлсам-да, Ўзбекистоннинг равнақини кўриб, гувоҳи бўлиб турибман. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда ниҳоят даражада ўсди, ривожланди ва янада кўркамлашиб бормоқда. Бунини очиқ айтиш керак.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, ўзбек халқи учун жуда кўп иш қиляпсиз. Сизнинг мамлакатингиз бой ва бадавлат бўлиб бормоқда. Армияни мустаҳкамладингиз, завод-фабрикалар ишлаб турибди, қўшма корхоналар кўпаймоқда. Четдан келган грант ва сармояларни ўз ўрнида ишлатяпсиз. Машина ишлаб чиқардингиз, трактор ишлаб чиқарадиган заводларни ишга туширддингиз. Киши ҳавас қиладиган янги-янги кўприкларни қуриб фойдаланишга топширддингиз. Темир йўллар қурилмоқда. Олтин қазиб олиш ўсди, дон тайёрлаш, пахта



етиштириш режалари бажариляпти. Қатор-қатор олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар, мактаблар бунёд этилди ва янгилари қурилмоқда. Эҳ-е, санасак, адоғига етолмаймиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизни кўра олмаган ғанимлар, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётганини кўра олмаётган юртфурушлар, ватангадолар бир умрга қафангадо бўлиб ўтади. «Кимда-ким ўз тупроғига хиёнат қилса, у дунёю бу дунё дўзахда куяди», деб Қуръони каримда бежиз айтилмаган.

Мен Сизнинг ютуқларингиз ҳақида қанча ёзсам ҳам оз.

Сиз бутун куч-ғайратингизни, иш фаолиятингизни Ўзбекистон учун бағишладдингиз, сочларингиз оппоқ оқарди. Кечани — кеча, кундузни — кундуз демай ишлайсиз. Сиз «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган шиорни бекорга айтмаган ва ўртага ташламаган экансиз.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, биргина Андижон воқеасини олиб кўрайлик: кунни — кунга, тунни — тунга улаб, жонингизни гаровга қўйиб, Андижонда тик турдингиз. Сиз Андижонда қатъият билан зарур чора-тадбирларни белгиламаганингизда, халқ билан бирга бўлмаганингизда манфур қора ниятли кимсалар Андижондаги тинч ҳаётни издан чиқарар эди. Бунинг учун мен Сизга тасаннолар айтаман.

Муҳтарам Ислом ака, Сиз Ўш воқеасида ҳам тик туриб ўзбекларни мардонавор ҳимоя қилгансиз, Қирғизистонда яшаётган ўзбеклар менинг хал-